

Озода НИШОНОВА

ЎЗБЕК
ЭТНОМАДАНИЯТИНИНГ
ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ



**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
УЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРАЛИГИ**

УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЊАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Озода НИШОНОВА

УЗБЕК ЭТНОМАДАНИЯТИНИНГ ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ



Узбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
Тошкент – 2013

УУК: 396.9 (575.1)

КБК: 63.5(5У)

Н 69

Монографияда ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти, хусусиятлари ва функциялари ёритилган. "Этномаданият" тушунчаси, унинг генезиси ва субъекти, халқ маданияти (этномаданият) ва халқ эстетикаси (этноэстетика)нинг имманент белгилари, диалектик боғлиқлиги масалалари тадқиқ этилган. Халқ ижоди ва санъатидаги гуталлик ва хунукалик, улугворлик ва тубанлик, фоживийлик ва қулагиллик каби эстетик ноқеликлар тадқиқ қилинган.

Монографиядан этнограф, маданиятшунос, санъатшунослар, шунингдек, этномаданиятни тарғиб этувчи маданий-маърифий муассасалар, халқ ижодиёти уйлари, маданият ва маънавият саройлари, миллий маданий марказлар, маҳаллалар, таълим-тарбия даргоҳлари, нодавлат ташкилотлари, ижодий уюшмалар амалий фаолиятда фойдаланишлари мумкин.

Esthetic essence, peculiarities and functions Uzbek ethno culture are expressed in the monography. Such problems as the concept of "Ethno culture", its genesis and subject, people's culture (ethno culture) and the immanent signs of people's esthetics (ethno esthetics), dialectic investigated. Such esthetic realities as beauty and ugliness, grandiosity and meanness, tragedy and absurdity in people's creation and art are discussed in it.

This monography can be used in ethnography, art studies, culture studies, non-governmental organizations, culture learning.

М а с ъ у л м у х а р р и р:

фалсафа фанлари доктори, профессор У. Қарабоев

Т а к р и з ч и л а р:

фалсафа фанлари доктори Ш. Мадаева

фалсафа фанлари доктори О. Гайбуллаев

фалсафа фанлари номзоди, доцент Л. Муҳаммаджонова

ISBN 978-9943-19-272-0

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
"Фан" нашрияти, 2013 йил

КИРИШ

Мустақилликка эришган Ўзбекистон тоталитар тузум даврида ноҳақ унутилган, коммунистик мафкура тазйиқи остида камситилган тарихий-маданий меросимизни қайта тиклаш имконига эга бўлди. Ушбу имкондан тўла ва рационал фойдаланиш борасидаги стратегик аҳамиятга эга вазифаларни белгилаб берар экан, Республикамиз Президенти И.А.Каримов шундай таъкидлайди: "Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тупланган. Тарихнинг не-не синовларидан утган, Инсонларга огир дамларда мадад бўлган. Бизнинг вазифамиз – шу хазинани куз қорачигимиздек асраш ва янада бойитиш"¹. Миллий тараққиётимиз учун фундаментал аҳамиятга эга ушбу фикр, курсатма ўзбек халқ маданияти (этномаданият) ва ўзбек халқ эстетикаси (этноэстетика)га оид илмий тадқиқотлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Этномаданият халқ, миллат яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, қадриятлар, артефактлар ва оламни бадиий-эстетик идрок этишга қаратилган гносеологик изланишлар ҳамда тажрибаларнинг узак қисми, ядросидир. Миллий маданият мудом ушбу узакка, ядрога қурилган, улар орқали миллий хусусият, шакл ва мазмун касб этган.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий парадигмасига айланган этномаданияти бир томондан, узок ривожланиш жараёнида туплаган, муқим, барқарор, баъзан консерватив тажрибаларни, қарашлар ва артефактларни ўз ичига олса, иккинчи томондан, унинг жанр, тур ва шаклларида инновацияга, трансформацияга мойиллик диалектик тарзда бир-бирини тўлдириб, миллий маданиятни шакллантирган. Этномаданият ва миллий маданият уртасида юзага келадиган ушбу диалектик алоқаларни, алогенетик ва идеологик ҳодисаларни тадқиқ этиш муҳим назарий-фалсафий аҳамиятга эгадир.

¹ И с л о м К а р и м о в. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 78-бет.

Этномаданиятни умрбоқий феноменга, авлодлар томонидан эъзозлаб келинаётган бойликка айлантирган, уни миллат қалбига, руҳига яқин қилган омиа этноэстетик тасвири, ифодаси ва қадриятларидир. Айнан этноэстетик омиа этномаданий меросга гузаллик ва хунуқлик, улутворлик ва тубанлик, фоживийлик ва кулгилик ҳақидаги тасаввурларни, гоёларни олиб кирган. Халқ ижоди ва санъатидаги борлиқни бадиий-эстетик англаш этноэстетик талабларга мувофиқ руй берган. Бадиий образ, бадиий тасвир ва бадиий маҳорат халқ маданиятининг этноэстетик моҳиятини ифода этган. Демак, ўзбек этномаданиятини ундаги эстетик моҳият ва эстетик функцияларсиз тасаввур этиб, англаб бўлмайди.

Кейинги йилларда этномаданиятларни қутқариш ҳақида даъватлар эшитилмоқда. Баъзи тадқиқотчилар “маданиятлар тўқнашуви”ни башорат қилса, иккинчилари “этномаданиятнинг глобаллашув хавфи остида қолаётганини” таъкидлашади, учинчилари эса “ҳозир аксилмаданият шакланган”¹, деб уқтиради. Мазкур даъватлар Ғарб оламида, маданиятида юз бераётган инқирозларнинг инъикосидир. Шунга қарамай, Ғарб глобаллашув ва демократия байроғи остида ўз маданиятини дунёга ёйишга интилмақдаки, бу ҳол этномаданиятларда таажжуб, эътироз уйғотмоқда, миллатпарвар кучларни ҳимояга ундамоқда. Шундай зиддиятларга гуламуаммоларни миллий тараққиёт нуқтаи назаридан ҳал этиш учун ёшларни этномаданий мерос, анъаналар ва қадриятлар воситасида тарбиялаш талаб этилади. Ўзбек маданиятида шундай бадиий образлар, гузал ва олижаноб фазилатларга эга қаҳрамонлар, халқ орзу-умидлари мужассам эстетик идеаллар борки, улар юксак маънавиятга эга ёшларни тарбиялашга хизмат қилади.

¹ Каранг: Х а н т и н г т о н С. Столкновение цивилизаций. М.: “АСТ”, 2005; Ш м а й с Й. Культура под угрозой: от эволюционной онтологии к экологической политике. Новосибирск: РАН, 2012.

1-БОБ. ЭТНОМАДАНИЯТНИНГ НАЗАРИЙ-ФАЛСАФИЙ, МИЛЛИЙ-ҒОЯВИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Этномаданият: тушунчаси, генезиси ва субъекти

Маданиятнинг тушунчаси, генезиси, фалсафий, социологик, антропологик ва ижтимоий-педагогик масалалари бўйича жуда кўплаб тадқиқотлар ўтказилган. Бугун ижтимоий тараққиётнинг моҳияти ҳам, мезони ҳам маданий бойликлар билан ўлчаниши, маданият инсон фаолиятининг маҳсули экани аксиомадир. Аммо гап маданиятнинг субъекти тўғрисида кетганида турли ёндашувларга, фикрларга дуч келамиз. Ушбу ёндашувлар ва фикрларга ўз муносабатимизни билдирмай ўтолмаймиз, чунки маданиятнинг субъекти масаласи этномаданиятнинг мағзини ташкил этади. Инсон фаолиятининг маҳсули – маданият, деган аксиома эса ҳали маданиятнинг субъекти ким – айрим шахсларми, айрим гуруҳ ёки қатламларми ёки халқ, омма, миллатми деган саволга жавоб эмас. Этномаданият, этимологик талқинига кўра, этнос (халқ) яратган бойликлар, артефактлар (ижтимоий фаолият жараёнида яратилган сунъий борлиқ, сунъий дунё) бўлса-да, у бетакрор кашфиётлар қилган, буюк асарлар яратган шахслар, гуруҳлар, қатламларнинг маданий бойликлар яратишдаги урни қандай, деган саволга бефарқ қололмайди.

Бундан ташқари, бугун маданиятнинг, таниқли санъатшунос, файласуф М.С.Каган ибораси билан айтганда, “бутунлигини интуитив сезишдан, унинг ўта мураккаб ва полифункционал тизим эканини назарий англаш[†]га¹ ўтиш эҳтиёжи мавжудки, бундай ёндашувсиз моддий маданият билан маънавий маданият, цивилизация билан маданият, маданий фаолиятнинг турлари, куринишлари, архитоникаси ҳақидаги зиддиятли, гоҳо эса мутлақ нотўғри, но-реал, ноилмий қарашларнинг тарқалишини тўхтатиб бўлмайди. “Маданият нима?” деган гносеологик савол “ҳақиқий маданият”ни “сохта маданият”дан аксиологик фарқлашни тақозо этади. Бун-

[†] Каган М. С. Философия культуры как теоритическая дисциплина // Философия культуры. Становление и развитие. Спб.: Изд. “Лань”, 1998. С.9.

дай фарқлаш эса, уз навбатида “қандай маданият бўлиши зарур ва у қандай бўлади”¹, деган саволга жавоб беради. Мазкур саволлар гносеологик изланишлар, хаёл уйинлари, бенаф метафизик мушоҳадалар маҳсули эмас, инсоният тараққиёти, “цивилизациялар тўқнашуви” (С.Хантингтон), турли минтақаларда пайдо бўлаётган миллий, диний, мафкуравий ва ижтимоий низолар маданият масаласини позитив ҳал қилишни шарт қилиб қўймоқда. Инсониятни ҳалокатдан, қиргин-барот урушлардан, ўзаро низолардан фақат маданият қутқариши ҳам аксиомадир². Айнан шунинг учун ҳам халқ яратган, “касб-ҳунар ва санъат” (Фаробий), ахлоқ, одоб, расм-русум, анъаналар, асарлар, оғзаки ва ёзма ижод, ҳуллас, халқ маданияти (этномаданият)даги позитив тажрибалардан самарали фойдаланиш йўллари излаш тараққиёт талаби, объектив заруриятдир.

“Этномаданият” тушунчаси “этнос” ва “маданият” сўзларининг уйғунлигидан ташкил топган, шунинг учун унинг негизида “этнос” ва “маданият” сўзларининг нафақат этимологик, шу билан бирга социологик, ижтимоий-тарихий моҳияти мужассамдир. Этнос “халқ” маъносини англатади, маданият эса ижтимоий фаолият жараёнида яратилган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндисидир. Аммо, ушбу этимологик ва социологик моҳият этномаданиятни ретроспектив-фалсафий таҳлил қилишга ҳалақит бермайди, балки, аксинча, илмий тадқиқотларда кенг қўлланиладиган тарихий ёндашув муаммони аниқ билишга ва уни чуқур илмий ёритишга ёрдам беради. Тарихий ёндашув, ретроспектив таҳлил, машҳур тарихчи ва файласуф А.Тойнби ибораси билан айтганда, “утмишни қайта тириштириш эмас, балки муаммонинг ижтимоий борлиқ, халқ ҳаёти ва цивилизация билан узвий боғлиқлигини илмий, гносеологик, фалсафий моҳиятини излашдир”³. Тутри, утмишдан ҳар қандай илмий, гносеологик изланишларга, фалсафий ғояга далил, манба топиш мумкин, лекин бу ҳар қандай изланишни ва ғояни асослаш ҳам мумкин, деган фикрга олиб келмайди. Илм-фан ўзининг позитив аҳамияти, инсоннинг ақлу идроки ва интеллектуал салоҳиятига таянгани боис, утмишдан ҳам энг аввало ижтимоий тараққиётга ёрдам берадиган позитив тажрибаларни, ғояларни излашга ундайди. Илм-фан учун объективлик муҳим. У воқеа ва ҳодисаларнинг

¹ Уша асар. 11-бет.

² Уша асар. 13-бет.

³ Т о й н б и А. Постигение истории. М.: Прогресс, 1991. С. 4-5.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари
амбивалентлик хусусиятини, позитив ва негатив жараёнлар мудом ёнма-ён келишини унутолмайди, инкор қилолмайди, бироқ илм-фанга позитивни излаш орқали жамиятнинг стратегик мақсадига хизмат қилиш кўпроқ зарурдир. Тарихийлик К.Полпер назарда тутадиган "историцизм,"¹ утмишдаги воқеликни, ҳодисани, тартибни "келажакка кучириш" эмас, балки уларнинг моҳиятини фалсафий англашдир.

Этнос қадимги юнон тилида халқ, уруғ, тўда, кишилар бирлиги, қабила, узга қабила, насл маъноларида ишлатилган. Шунинг учун то ҳанузгача чет эл адабиётларида "этник халқ", "этник birlik", "этнизм", "этник жамият" каби ҳатто бир-бирига этимологик зид иборалар қўлланилади. Фақат совет олимлари "этнос" тушунчасини "халқ" маъноси билан чегаралаб, халқлар генезисини этногенез, халқлар маданиятини этномаданият деб аташди². Тутри, С.М.Широкогородов этносни "кенг ижтимоий, тарихий, маданий, диний, ҳудудий омиллар билан боғлиқ" кенг воқелик³, А.Н. Гумилев эса этнос ижтимоий эмас, балки "биогеографик ҳосила"⁴, деб ҳисоблаган. Бироқ улар ҳам "этнос" тушунчасининг моҳияти халқ билан боғлиқлигини рад этишмаган. Улар таклиф этган талқинда этноснинг ё умумий (С.М. Широкогородов) ёки айрим хусусий (А.Н. Гумилев) томони курсатилади, холос.

Этнос генезисини англашда ўзбек олимлари А.Асқаров, К.Шониёзов ва Исо Жабборовларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамиятга эга, чунки айнан улар ўзбек халқи генезисини, этномаданиятини фалсафий-ретроспектив таҳлил этиб, бу йуналишдаги тадқиқотлар учун муҳим аҳамиятга эга методологик йўлланма бердилар.

"Халқ тарихининг этногенез қисми, – деб ёзади академик А.Асқаров, – унинг элат, халқ бўлиб шаклланишига қадар бўлган даярни уз ичига олади. Этногенезнинг бошлангич нуқтаси, унинг ибтидоси қабиладан бошланади. Агар биз Урта Осиёнинг энг

¹ Полпер К. Нишета историцизма. М.: АСТ. Инициатива К., 1994. С.8.

² Мазкур талқинларни ва уларнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини таниқли этнограф, маданиятшунос олим Ю.В.Бромлей кенг очиб берган. Қаранг: Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М.: Наука, 1983. С.7–22.

³ Қаранг: Широкогородов С.М. Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений. Шанхай, 1923. С.7–12.

⁴ Гумилев А.Н. Этносфера. История людей и история природы. М., 1993. С.41.

қадимги утروق, туб жой аҳолиси – ўзбек ва тожик халқлари мисолида оладиган бўлсак, у ҳолда ўзбек ва тожик халқлари этногенези кишилик жамияти тарихий тараққиётининг ибтидоий жамоа тузуми охиридан (сунгги бронзадан) бошланиб, то ривожланган феодализм жамиятининг XI асригача давом этади. Этногенез якунида этносга ҳос барча этник белгилар, этник аломатлар бирин-кетин юзага чиқиб, мужассамлашган бўлади. Этник аломатларни эса ҳудудий бирлик, иқтисодий-хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги, этник ном, ўзликни англаш, тил бирлиги ва ниҳоят сиёсий уюшма бирлиги ташкил этади¹. Бу уринда этнос халқ маъносида ишлатилаётганини сезиш қийин эмас. Аммо, унда этногенез халқ шаклланишини юзага келтирган босқич сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам А.Асқаров фикрини давом эттириб ёзади: "Иккинчи босқич, бу элат – халқ тарихидир. Яъни, халқ этногенези якунлангач, унинг шаклланган халқ тарихи тўлалигича феодализм жамиятининг ижтимоий маҳсулидир"².

Олим ўзбек этногенези ушиб, ривожланиб, давом этиб, учинчи босқичга ўтгач, ўзбек миллати шаклланганини қайд этади. Бунда этномаданий ривожланиш муҳим роль ўйнаган. "Халқ тарихи, – деб таъкидлайди А.Асқаров, – уз ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ривожининг маълум нуқтасига етгач, унинг миллат бўлиб шаклланиш жараёни бошланади, яъни унинг учинчи, миллат тарихи бошланади". Демак, "миллатнинг шаклланиши ҳам халқнинг таркиб топиши каби узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён бўлиб, миллат этник тарихининг энг юксак юқори чўққиси, камолот босқичи, бу босқичга кутарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади, у суверен давлат сифатида ички ва ташқи сиёсатини мустақил юритади, миллат тили давлат тили мақомини олади, унинг давлат чегаралари қатъий, дахлсиз бўлиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинади, миллатнинг ўзликни англаш даражаси юксак, миллий ғурур, ватанга фидойилик, она замин ва халқига содиқлик миллат фуқароларининг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади, миллатга ҳос менталитет шаклланади, яъни давлат миллатнинг хоҳиш-иродасини бажарувчи

¹ А с қ а р о в А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Университет, 2007. 58-бет.

² Уша жойда.

³ Уша асар. 59-бет.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари
жонли механизмга айланади”¹. Ушбу талқиндан маълум бўладики, этногенез этномаданий жараёнлар билан диалектик боғлиқдир, шунинг учун уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Халқ, миллат этномаданиятни яратар экан, уз навбатида этномаданият ҳам уларнинг генезисига таъсир этади, уларни тарихий-маданий бирлик маҳсули сифатида келишини таъминлайди. Этномаданият ҳатто, Ю.В.Бромлей ибораси билан айтганда, “этник хусусиятнинг ядросини ташкил этади”².

К.Шониёзовнинг фикрича, этномаданий омилар этногенезда, айниқса халқ, миллат шаклланишининг асосий босқичларида турлича роль ўйнаши мумкин. “Этнография фанида, – деб ёзади К.Шониёзов, – элтни (миллатни ҳам) белгиловчи бир қанча аломатлар мавжуд: ҳудуд, тил, иқтисод, маданият, тарихий қисматнинг умумийлиги, онг сезими, этноснинг уюшқоқлиги, маълум бир давлат доирасида бўлиши, дин умумийлиги ва бир қанча бошқа аломатлар. Албатта, бу аломатлар этноснинг шаклланиш жараёнида иштирок этиши керак. Аммо амалда эса бу аломатларнинг барчаси элти шаклланаётган кезларда, яъни муайян бир вақтда ҳозир бўлиши ёки бир даврда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлмаган. Этник аломатларнинг бири, балки бир нечаси бир вақтда ҳосил бўлса, бошқаси эса бирмунча кейинроқ пайдо бўлиши мумкин. Жумладан, маълум бир этносни ташкил топишида тил бош роль ўйнаган бўлса, иккинчи бир элтининг пайдо бўлишида хужалик, учинчисида эса моддий маданият етакчи белги бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаса керак”³. Шундан кейин олим қарлуқ тили, ҳудудий бирлик, “ички иқтисодий бирлик”, давлат, дин, маданият ёки “этносининг маданий хусусияти” каби омиларнинг ўзбек халқи шаклланишига таъсирлари ҳақида тўхталади. К.Шониёзов қуйидаги хулосага келади: “ўзбек элтининг маданияти аجدодлари асрлар давомида яратган туб ерли маданият асосида ташкил топган ва ривожланган. Элти маданиятининг шаклланиши бир ҳудудда яшовчи барча этносларнинг узаро алоқалари натижасида тараққий этган. Бошқача қилиб айтганда, шаклланаётган ўзбек элтининг маданияти ҳудуд доирасидаги этносларнинг хужалик фаолияти, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий жиҳатдан тобора яқинлашиб, қоришиб боришлари туфайли IX–X

¹ Уша жойда.

² Бромлей Ю. В. Очерки теории этноса. М.: Наука, 1983. С. 57.

³ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарк, 2001. 86-бет.

асрларда ўзбек элатига хос умум элат маданияти вужудга келади"¹. Тутри, олимнинг бу сўзларидан ўзбек халқи генезисада қайси омила етакчи урин тутганини илгаш қийин. Бироқ, у ўзбек этномаданияти ёки "ўзбек элати маданияти"нинг шаклланишига хизмат қилган тил, хўжалик типи, иқтисодий алоқалар, дин, маънавий бирлик, сиёсий уюшқоқлик кабиларни тутри курсатади. Ушбу омилар уз навбатида ўзбек халқи генезисада ҳам катта роль уйнаган омилардир. Бундан келиб чиқадиган назарий хулоса шуки, халқ билан маданият, этнос билан маънавий, иқтисодий, сиёсий бирлик, яъни этник бирлик бир-бирига диалектик боғлиқ тарзда шакланган, уларнинг ижтимоий конвенционал негизлари умумийдир.

Шу уринда мавзумиз учун принципиал аҳамиятга эга бўлган, ўзбек маданиятидан чуқур жой олган бир нарса ҳақида тухталиб утишимиз лозим. Кейинги йилларда айрим асарларда ўзбек этномаданияти утрок халқлар маданияти асосада юзага келган, деган қараш учрайди. Бу тарихий ҳақиқатдан йироқ қарашдир. К. Шониёзовнинг таъкидлашича, "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосан икки турдаги маданият мавжуд бўлган: деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шугулланиб келган тургун аҳоли маданияти ва кучманчи, ярим кучманчи ва ярим утрок чорвадор қабилалар маданияти. Шу уринда таъкидлаб утиш жоизки, юқорида эслатилган ҳар иккала турдаги маданият тараққиети, бир хилда (бир текисда) ривожланмаган. Воҳаларда деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шугулланиб келган қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг маданияти, кучманчи, ярим кучманчи ва ярим утрок чорвадор қабилаларнинг маданиятига нисбатан бирмунча тараққий этган бўлган. Бу билан биз чорвадор қабилаларнинг маданияти паст бўлган, демокчи эмасмиз. Бундай десак, қупол хатога йул қуйган бўламиз. Ҳар бир халқ уз тараққий даражасида, уз даврига хос маданиятга эга бўлган"². Ушбу методологик аҳамиятга эга хулосани халқ маданиятининг шакллари, турларини таҳлил қилганда, улардаги бадий-эстетик қадриятларнинг моҳиятини очиб берганда унутмаслигимиз керак. Чунки, ҳар бир этномаданий бойликдаги бадий-эстетик қадриятлар – гузаллик ва хунуклик тасвири, ранглар комбинацияси, фожиавийлик ёки кулгулилик ифодаси, бадий тил ва образ, қаҳрамонларнинг ёки ижодкорнинг хатти-ҳаракатлари уша этномаданий бойлик яратилаётган давринг маҳсулидир. Бадий-

¹ Уша асар. 101-бет.

² Уша асар. 100-бет.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари

эстетик қадриятлар уша давр синтездан утказилиб, баҳоланиши даркор. Узбек этномаданияти, айниқса халқ оғзаки ижоди намуналари булмиш дostonларда юқоридаги икки маданият таъсири сезилиб туради. Бу ҳам узбек этномаданияти утрок халқлар маданияти асосида юзага келган, деган фикр бир томонлама эканини курсатади. Узок ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида узбек этногенезида турли уруг, қабила, элатлар сигнификатив (интеграциялашув ва дифференциалашув жараёнлари) тарзида алоқаларга киришиб, узига хос бир маданият яратганки, айнан ушбу алоқалар ядро вазифасини утаган ва уз атрофида авлодларни бирлаштирган. Сигнификатив жараёнлар туфайли халқ маданияти ичида узига хос беоромлик қарор топган, яъни уруг, қабила, элатларнинг бир-бирига маданий таъсири, ижодий изланишлар, инновацияга интилиш, плюрализмни қуллаб-қувватлаш ва ниҳоят толерантлик шакланган. Бир хил бадий-эстетик образлар ва сюжетларнинг узбек, тожик, туркман, қозок, қирғиз этномаданиятларида учраши¹ ҳам аслида уша сигнификатив жараёнлар маҳсулидир.

Этномаданият генезиси билан этногенез диалектик боғлиқ жараёнлар экан, бу, уз навбатида этномаданият субъекти мавзусини ортиқча қилиб қўяди. Чунки, этномаданият негизида халқнинг субъектлиги, яъни маданиятининг яратувчиси халқдир, деган тезис ётади. Демак, этномаданият деганда яратувчиси халқ, яъни этнос бўлган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси назарда тутилади. Аммо ушбу, моҳиятан тугри тезис, маданиятга тадбиқ этилган захоти турли, назарий-фалсафий мушоҳадаларга, эстетик таҳлилга ундовчи саволлар уйғотади. Масалан, ижтимоий-маданий жараёнларда шахс (ижодкор)нинг урни қандай бўлади? Шахс (ижодкор) билан халқ (субъект) уртасида фарқ борми ёки уларнинг дифференциал хусусиятлари ижтимоий-маданий борлик учун муҳим эмасми? Этномаданият халқнинг яратувчилик родини эътироф этиш билан чекланиб қолаверадими? Фалсафа, этнология, маданиятшуносликда бу борада қандай қарашлар, концепциялар илгари сурилади?

“Ислом фалсафасининг асосчиси”² Абу Наср Фиробий асарла-

¹ Р е м п е л ь А. И. Цепь времен. Вековые обрaты и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Тошкент: Изд. лит. и искусства им. Г. Туляма, 1987. С. 7–12.

² С а й й и д М у х а м м а д Х о т а м и й. Ислом тафаккури тарихидан. Тошкент: Минҳож, 2003. 128-бет.

рида маданият масалалари ижтимоий борлиқ, инсон ва халқ, социум ҳаёти билан боғлаб тадқиқ этилган. Шарқ алломалари ичида биринчи бўлиб ал-Форобий маданият масаласини кун тартибига қўйган. Файласуф маданият сузини арабчадан олинганига ишора қилади ва уни шаҳар, жамият бошқариш, сиёсат, идора қилиш, инсон қувватлари каби воқелик билан боғлаб қарайди. У ёзади: "Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўз истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шугулланади. Одамлар чин маънода озод бўладилар"¹. Қуриниб турибдики, ал-Форобий маданият субъекти сифатида инсон ва кишиларни, ҳозирги маънода халқни эътироф этади. Инсон ва кишиларнинг маданиятни яратишга қодирлигини у қуйидаги фикрида янада очик баён этади. У ёзади: "Инсоннинг касб-ҳунар ва санъатдаги фазилатларига келсак, бу фазилат тугма эмасдир"². Мазкур фазилатлар таълим ва тарбия орқали шакллантирилади. "Таълим деган суз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги тугма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир"³. Демак, халқлар ва шаҳарликлар фазилатлари таълим ва тарбия орқали, яъни улар ҳамжиҳат бўлиб яратган тартиблар, воситалар орқали маданий маконни барпо этадилар. Унда нафақат "назарий ва амалий фазилатлар", шунингдек санъат, касб-ҳунар эгаллаш одатга айланади. Ушбу асосда халқлар, кишилар бирлашадилар ёки улар бир-бирларига ёрдамга келадилар. "Ҳар бир инсон, – деб ёзади ал-Форобий, – ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва узаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришуви учун зарур бўлган нарсаларни етказиб

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. 190-бет.

² Уша асар. 184-бет.

³ Уша жойда.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари беради¹. Демак, инсонлар ўз қувватларини рўёбга чиқариш, етукликка эришиш ва эҳтиёжларини қондириш учун бир жамоатга бирлашадилар. Шу тариқа улар бахт-саодатга, маданий шахарлар барпо этишга, уларни ўз эҳтиёжларига, адолат тамойилларига мувофиқ бошқариб, ҳар бир кишини, халқни ижтимоий-маданий борлиқни яратувчи субъектга айлантирадилар. Тугри, ал-Фаробий инсон, халқ маданият ёки этномаданият субъекти деган иборани ишлатмайди, аммо унинг асарларидаги фикрлардан, инсон, кишилар, халқлар шахарлар, давлатлар барпо этиб, уларни ўзлари бошқариши, бахт-саодатга эришиш учун улар назарий ва амалий қувватларидан, касб-ҳунар, санъатдаги маҳоратларидан самарали фойдаланишлари лозим, деган фикрга келиш мумкин.

Халқларнинг ижтимоий-маданий борлиқнинг субъектлари экани ҳақидаги ҳақиқий илмий асар Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобидир. Мазкур илмий асар "халқлар маданияти тарихи, уларнинг урф-одат ва эътиқодлари тарихи акс эттирилган тарихий-этнографик асардир"². Унда аллома турли халқларда сақланиб келаётган урф-одатлар, анъаналар, афсона ва ривоятлар, табиий ҳодисалар, давлатлар, уларни бошқарган подшоҳлар ҳақида хабар беради. Энг муҳими шундаки, Беруний "ёдгорликлар"ни халқларнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, дини, эътиқоди, амал қилиб келаётган урф-одатлари билан боғлайди, у Платон ва Аристотель қилганидек аристократлар (зодагонлар)ни тарихни ҳаракатлантирувчи кучга айлантормайди. Чунки, Берунийнинг ўзи ёзганидек, у урганган ва китобида тилга олган ҳодисалар "миллатлар авлодидан ва уларнинг расму русум ва қоидаларидан иборатдир"³.

Очиқ эътироф этиш керакки, Беруний ҳам халқни, миллатни ижтимоий-маданий борлиқнинг яратувчиси, субъекти деб атамайди. Унга ҳам ҳозирги маънодаги "субъект" ва ҳозирги талқиндаги "ижтимоий-маданий борлиқ" тушунчалари маълум эмас эди. Бу тушунчалар XVIII асрдан кейин илм-фанда пайдо бўлади ва илмий, фалсафий адабиётларда қўлланила бошлайди.

Халқни тарихнинг, ижтимоий-маданий борлиқнинг субъекти

¹ Уша асар. 186-бет.

² А б д у л л а з е в И. Беруний ва унинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асари // А б у Р а й ҳ о н Б е р у н и й. Танланган асарлар. 1-том. Тошкент: Фан, 1968. 15-бет.

³ Уша асар. 40-бет.

эканни немис маърифатпарвари ва файласуфи И.Г.Гердер (1744–1803) томонидан асослаб берилган. Айнан у инсоният тарихи маданиятлар ва маданий ўзгаришлар тарихи эканлигини таъкидлайди. Инсон ва халқ ҳаёти бир-бирига чамбарчас боғлиқ занжир, гоҳо ушбу занжирга урушлар, низолар хавф солиб туради. Маданиятда “инсоният даҳоси мужассам”, “Инсоният даҳоси ўз кўркини тинмай ўзгартиради, абадий гуллайди ва халқда, авлодларда, қалбларда, улар маданиятида барқарор яшайди”¹.

И.Г.Гердер Европа, Ғарб маданиятини таҳлил қилиш билан чеklangмайди, у Шарқ, яъни Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея маданиятларига мурожаат этади, улардаги этномаданий хусусиятларни англашга интилади. Бу файласуфнинг инсоният ҳаётидаги маданий жараёнларни, уларнинг инсоният тараққиётига таъсирини очиқ беришга интиланганини кўрсатади. Бироқ файласуф, эмпирик манбаларнинг ҳали етарли эмаслиги боис, Шарқ ва Ғарб, Осиё ва Европа маданиятларини ҳаракатга келтирган кучларни аниқ таърифлаб беришга, ушбу кучларнинг этнопсихологик хусусиятларини ёритишга имкон тополмайди. XVIII аср охиридаги буюк француз революцияси, Европада кенг тарқалган либерал-демократик қарашлар, озодлик, тенглик, биродарлик шiori ижтимоий-маданий ва тарихий жараёнларнинг субъекти ким – халқми, гуруҳми ёки буюк шахсларми деган саволни янада кескинроқ кун тартибига қўйдики, бу борадаги баҳс-мунозаралар ҳамон давом этиб келади. Мазкур баҳс-мунозаралар тарафдорларини уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ тарафдорлари ижтимоий-маданий ва тарихий жараёнларнинг субъекти халқ, миллат деб билади. Бундай гояни ал-Форобий, Беруний, И.Г.Гердер, Гегель, Маркс, М.М.Бахтин, А.Ю.Якубовский, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.Н.Гумилев, Я.Ғ.Ғуломов каби олимлар илгари сурадилар. Советлар даврида у ягона, тўғри ёндашув сифатида қаралган, шунинг учун бошқа ёндашувлар “буржуача”, “ёт қараш” сифатида рад этилган. Иккинчи гуруҳга маданий бойликларни аристократлар, элита яратади, деган гоя тарафдорлари киради. Платон, Аристотель, Т.Карлейль, Хосе Ортега-и-Гасет, Элиас Канетти, К.Мангейм, П.Дрейцель, Д.Сатори каби олимлар элитар гуруҳларнинг ижодий-маданий кучларига эътибор қаратадилар. Учинчи гуруҳга эса маданиятни, санъатни айрим олган шахслар, ўз “мен”ига таянадиган, доҳиёна фазилатларга эга кишилар яратади,

¹ Гердер И. Г. Идеи к философии истории человечества. М.: Наука, 1977. С. 234.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари
деювчи тадқиқотчилар, ижодкорлар киради. Маъмур гуруҳга сюр-
реалистлар, дадлистлар, ультраистлар кабилар киради¹.

Маъмур гуруҳлар таянадиган ғояларни, баъдий-эстетик ва на-
зарий-фалсафий манифестларни мутлақ рад этиш, йуққа чиқариш
мумкин эмас. Уларнинг ҳар бири ижтимоий-маданий борлиқда ўз
ўрнига, тарафдорлари ва реципиентларига эга. Адабиёт, санъат,
халқ ижодкорлигидаги полистилистика, ранг-баранг ёндашу-
лар айнан юқоридаги оқимларнинг таъсири, ижтимоий-маданий
ҳаётдаги фасл иштироки туфайлидир. Агар этномаданиятга назар
ташласак, ундаги асосий асарлар авлодлараро диахрон алоқалар
фақат муаллифи номаълум, умумий ном олган, "халқ" ибораси
билан аталадиган мавҳум жараёнлар маҳсули эмаслигига иқрор
буламиз. Кўпгина халқ достонларининг, наққошлик мактаблари-
нинг халқ хунармандчилигининг муаллифлари аниқ. Демак, этно-
маданиятнинг субъекти ҳар доим ҳам номаълум шахс, муаллифи
аниқланмаган гуруҳ, ижодкор булавермайди. Бизнинг фикри-
мизча, этномаданиятда юқоридаги учала гуруҳ тарафдорлари ҳам
қатнашади, аммо уларнинг ижоди, асарлари этномаданият синтези-
дан утиши, халқ бойлигига, меросига айланиши лозим.

1.2. Этномаданиятда миллийлик ва умуминсонийлик эстетик қадриятлар сифатида

Бугун илмий тадқиқотларда миллий ва умуминсоний
қадриятлар, уларнинг ижтимоий-маданий тараққиётдаги ўрни ма-
салалари кенг муҳокама қилинмоқда. Инсоният ўзини глобалла-
шаётган, маданиятлар уйғунлашаётган дунёда яшаётганини идрок
этноқда. Шунинг учун ҳар бир ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва
халқаро ўзгариш, ислохотлар умуминсоний маданиятга нима бе-
ради, деган савол нуқтаи назаридан баҳоланмоқда. Аммо глобал
тараққиёт миллий этномаданиятларни инкор этмайди, балки улар-
ни янада ривожлантиришни, имкониятлардан фойдаланиб жаҳон
ҳамжамиятини мустаҳкамлашни назарда тутди. Жаҳон халқлари
интеграция ва глобализация йулидан бораётган экан, ушбу жара-
ёнларни позитив воқеликка айлантириш учун этномаданиятлар ва

¹ Қаранг: Называть вещи своими именами. Програмные выступления мастеров западно-европейской литературы XX века. М.: Прогресс, 1986. С. 237-249.

миллий маданиятлар олдигаги муаммоларни ҳам ҳал этиш талаб қилнади.

Миллий маданият билан этномаданият айнан феноменлар эмас, миллий маданият этномаданиятдан кенгдир. “Этномаданият (халқ маданияти) миллий маданиятнинг қадимий қатламидир. У, асосан, маиший ҳаётни қамраб олган бўлиб, “аждоғлар урф-одатлари”дан иборатдир. Унинг белгилари озиқ-овқат, кийиниш, халқ оғзаки ижоди, халқ амалий санъати, халқ таъобати каби халқ ҳаётига бевосита тааллуқли артефактларда, нарсалар, анъаналар, маросимлар, томошалар ва хужалик типларида намоён бўлади”¹. Хуллас, этномаданият миллатни шакллантирган, этнослар яратган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси сифатида миллий маданиятнинг ядросини ташкил қилади. Унинг бош функционал хусусияти этнослар яратган моддий ва маънавий бойликларни асраш, келгуси авлодларга етказиш, миллий ўзликни англашга хизмат қилиш, ёшларда миллий гурурни, ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғусини шакллантиришдир. “Консерватизм, узок ўтмишга бориб тақалувчи ворисийлик, “негиз”ни асрашга йуналтирилганлик этномаданиятнинг характерли белгисидир”².

Биз этномаданиятдаги миллий ва умуминсоний хусусиятларни эстетик қадриятлар орқали тадқиқ этишимиз даркор. Шунинг учун бу ерда этномаданиятдаги миллийлик ва умуминсонийлик эстетика талабларига, қонуниятларига жавоб берадиган, мавзунини чуқурроқ ўрганишга етаклайдиган қирралар синтездан ўтказилади.

Этномаданият миллий маданиятнинг ядро қисми экан у, шубҳасиз, миллий маданият тизимида қаралади. Тугри, этномаданият билан миллий маданият уртасига “хитой девори” қуйиб бўлмайди, улар мудом диалектик бирликда, боғлиқликда келади. Шундай бўлса-да, этномаданиятга хос барқарор, муқим, ташқи таъсирларга тез берилмайдиган, ўзгармайдиган белгиларни топиш қийин эмас. Ушбу консерватив, барқарор белгилардаги бадиий, эстетик хусусиятларни топиш мавзудаги мақсаддир.

Ўзбек этномаданияти миллий хусусиятларидаги энг асосий эстетик қадрият уларнинг (яъни, ўзбек этномаданияти ва ундаги миллий хусусиятлар) гузал ахлоқ билан, одоб нормалари билан уйғун келганидир. Айнан гузал, олижаноб, инсонпарварлик би-

¹ Кармин А. С. Основы культурологии // Морфология культуры. СПб.: Лань, 1997. С. 144–145.

² Уша асар. 145-бет.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари

лан йутрилган одоб-ахлоқ узбек халқ ижоди ва санъатида бетакрор эстетик қадрият даражасида ифода этилади. Узбек халқ ижоди ва санъатида яратилган барча образлар, уларнинг ҳаёти, хатти-ҳаракатлари гузал одоб-ахлоқ нормалари билан улчанади. Буни деярли ҳар бир халқ оғзаки ижоди, халқ кўшиқ ва куйлари, халқ мақоллари ва китобларида куришимиз мумкин. Машҳур "Алпомиш" достонига мурожаат қилайлик. "Алпомиш" достонига янгича, миллий ахлоқий ва миллий-эстетик қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашган филология фанлари доктори Қ.Йулдошев ёзади: "Миллатни англаш учун, унинг руҳини билиш лозим. "Алпомиш" достони ўзбекнинг руҳий оламини, ахлоқий, эстетик дунёсини англатиш жиҳатидан тенгсиз бадиий обидадир. Чунки асарда ўзбекка хос уйлаш тарзи, таъсирланиш йусини, эстетик идроки, қарорга келиш тутуми гоят нозик илғаб олинган... Бизнинг назаримизда, достон марказида маърифатсизлик, жоҳиллик ва унинг инсон тақдирига таъсири туради. Асар қиссадан ҳисса чиқариш учун эмас, балки "қисса"нинг ўзи куламли, миқёсли, йирик, таъсирли бўлгани учун айтилган. Чиндан-да, "Алпомиш" яратилмаган, балки айтилган ёки куйланган. Чунки достон қаҳрамонларига хос туйғулар, сезимлар, кечинмалар буюк туркийларнинг томирида, қонида азалдан мавжуд эди. Туркий халқлар томонидан кечирилган, туюлган, ҳозирда ҳам қонда кезиб юрган маънавий амаллар, одоб-ахлоқ, ҳодисалар унинг кўнглида, "тил учиди" турганди. Уша куйлаб юборилди. Алпомиш тақдирини куйлаш зарур эди. Куйламаслик илжсиз эди"¹. Аммо, бу шунчаки куйлаш, вақт ўтказиш, эрмак учун куйлаш эмас, балки у халқ қалбидан, ҳаётидан жой олган гузал ахлоқий, эстетик қадриятларни куйлаш эди. "Алпомиш"нинг айрим тадқиқотчилари қалмоқ алпларининг Барчинга қарата: "Биримизга ёки баримизга теккин," мазмунидаги талабларини ўз маъносида тушунишиб, ундан полигамиянинг илдизларини қидиришади. Ушбу ёндашувга эътироз билдириб, мазкур тасвирдаги миллий-ахлоқий ва эстетик моҳиятни очиб бериш учун Қ.Йулдошев ёзади: "Аслида, гап достондаги қуйидаги жумлалар ҳақида боряпти: "Тўқсон алпнинг зўри Куқалдош туриб айтди: – Келган бой, сенинг бир қизинг бор экан, қани, биримизга берасанми, баримизга берасанми? Биримиз олайликми, ё баримиз олайликми, ё ўртада хотинли бўп қолайликми?" Қупол, зуравон ва фаросатсиз алпнинг Бойсарини ҳақоратлаш,

¹ Йулдошев Қ. "Алпомиш" талқинлари. Тошкент: Маънавият, 2002. 28-бет.

камситиш учун атай “келган бой!” тарзидаги писандасини “полигамия” ёки “полиандрия” тарзида тушунтириш, Кунботиш (Ғарб назарда тутиляпти – О.Н.) халқлари ҳаётида нимаики яхши-ёмон нарса бор бўлса, бизда ҳам мавжуд эканлигини кўрсатишга бу қадар зуриқиш кишини чалғитади. Туркийда ҳеч қачон полиандрия ҳодисаси бўлган эмас. Миллий турмуш тарзи, руҳиятимиз йўналиши, наса-насабимиздаги нозик нуқталар, ахлоқий, эстетик қадриятлар шундан далолат беради¹. Тадқиқотчининг ушбу эътирозлари билан баҳслашиш, баъзиларини тарихий манбалар билан рад этиш мумкин. Бироқ “Алпомиш”да қаҳрамонларнинг гузал ахлоққа, эстетик қадриятларга бўйсуниб, рақибининг беписанд гапларини оғир-вазминлик, босиқлик билан енгиши тасвирлангани ибратлидир. “Ўзбек учун ҳар қачон ҳам кўнгли эътиборда. Зиндонга тушган гознинг шунчаки парранда эмас “гойибнинг қуши” эканлигини била туриб ҳам Алпомиш кўнглидан қандай уйлар кечганига эътибор зарур. Турк рамз, ишора билан фикрлайди. Шундай яшайди. Шу боис ҳар бир нарсадан турфа маънолар чиқара олади. Закоат сўралса, угилсизлигим учун ожиз санади, оёқ ости қилди, дейди, қимиз берса, суюб қолди деб билади, оти тепага чиқса, голиб чиқишига ишонади ва ҳ.к.”² Ушбу бадний тасвирий услуб ўзбек халқ китоблари, халқ ҳикоялари, пандномалари, ҳикматли қиссалари палатифаларида кенг ишлатилади. Қочирик иборалар, “қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” қабилидаги ўғитлар, “эзоп тили”даги услублар ўзбек халқ оғзаки ижодининг миллий белгиларидир.

Ўзбек этномаданияти миллий хусусиятларидаги яна бир эстетик жиҳат гузалликни, олижаноблик ва мардликни идеал тарзида улуғланганидир. Қайси бир халқ эртаги ёки халқ достонини олманг, улардаги бош қаҳрамонлар гузал суратга, олижаноб фазилатларга, мард-довюраклик хислатларига эга инсон, образ сифатида тасвирланади. Бадний-эстетик тасвирда мазкур олижаноб фазилатлар авлодлар ҳавас қиладиган, эргашадиган ижтимоий идеалга айланади.

Машҳур халқ шоири Фозил Иулдош ўғли куйлаган “Баҳром ва Гуландом” достонидаги Гуландом тасвирини олайлик. Шоир дейди:

Куринг шу замон Гуландом,
Чикди кушкнинг устига.

¹ Уша асар, 24-бет.

² Уша асар, 81-бет.

Юзидан ниқобин олади,
Ярқиллаб дунё еришди,
Ой тукқандан булиб қолди.
Боқиб ҳусни-жамолига,
Гуландомнинг камолига
Нечоя маст булиб ётиб қолди¹.

Гуландомнинг гўзал ҳуснини кўрганлар ошиқу беқарор булиб, ундан кўзини узоқмай, ишқдан маст булиб қолади. Буни илоҳ ҳуснига ва илоҳий ошиқликка қиёслаш мумкин. Ҳар сафар, йилда бир марта Гуландом кушққа чиқиб, ниқобини олади, шунда ер кўзини ой ёритгандек бўлади. Гуландом “жамолин курсатди, – дейди шоир, – кўрган одам балқиб кетди”².

Қуйидаги сатрлар Гуландомнинг гўзал қиёфасини янада бўрттиради:

Юзига ниқобин тортди,
Кушидан ичкари утди.
Гуландом кўринмай қолди,
Ой босиб кетгандай бўлди...
Гуландом шундайини қизди,
Узи жуда сарви-нозди³.

“Фарҳод ва Ширин”да Шириннинг ҳусни, гўзал қиёфаси қуйидагича тасвирланади. Фарҳодга Шопур дебди: “Сэн нодон экансан. Сулун деб бир хотинга шунча йиглаб юрибсанми? Мен сенга ундан сулуврогини топиб бераман. Ана одамнинг сулуви, уни курсанг сира айрилмай шайтонлаб уласэн. Эрон мамлакатида Ширин деган бир қиз бор, тўрт юз қаниз – хизматкори, қанча йигитлари бор. У қизлар ҳам қандай, урушга кирса ҳар қайсисида юз баҳодирнинг кучи бор. Осмоннинг остида, ернинг устида Шириндай сулув қиз бўлмайди”⁴.

Шириннинг Фарҳод суратини кўриб ошиқ бўлгани эса қуйидагича тасвирланади:

Нечук шахзодайкан, ақлимни олган,
Уртанган утларга жонимни солган,

¹ Баҳром ва Гуландом; Зевархон; Фарҳод ва Ширин; Лайли ва Мажнун. Достонлар. Тошкент: Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 66-бет.

² Уша жойда.

³ Уша асар. 67-бет.

⁴ Уша асар. 231–232-бетлар.

...Қайда бўлса уни излаб борарман,
Куриб суратига ошиқ буларман
Қандай йигит бўлса холин сурарман.
Усти куринмайди кушқу айвоним,
Эроннинг шаҳрида сурган давроним¹.

Бундай тасвираардан маълум бўладики, халқ оғзаки ижоди бош қаҳрамон жамолини, ҳусни ва куркини гротеск услубда бұрттириб кўрсатади, бу билан қаҳрамонга бўлган муносабатни барча тасвираарлар олдиға, бош планға чиқаради. Ишқий дostonларда, эртак ва кушиқларда бош қаҳрамонларни сулув, сарвқомат, хушсурат қилиб кўрсатиш, йигит – ошиқларни довюррак, ботир, шу билан бирға ёрини дарвишона изловчи образ этиб тасвирлаш асосий бадий услудир. Бош қаҳрамонларнинг ушбу гўзал, хушсурат ва мафтункор курки, чехраси, қомати укувчи куз олдиға идеал образни келтиради. Ушбу образда халқ орзу-умидлари, идеали, И.И.Винкельман назарда тутган “олижаноб соддалик ва осуда буюклик, улугворлик”² мужассамдир. Ушбу идеалға етиш, ундаги барча фазилатларни узида қарор топтириш имкони йук, аммо у укувчи қалбини тўлқинлантириб, узиға маёқ каби чорлагани муҳимдир³.

Оғзаки ижод ва халқ китобларида ошиқ-маъшук муносабатлари бор эидиялари, фожиалари, драматизми билан тасвирланади. Севишганлар узок ва ранг-баранг синоялардан кейин бир-бирларига эришадилар.

Ўзбек халқ қаҳрамонлари мажнунона ишқ тарафдорлари, садоқатли ёр, вафодор дуст, маҳбуба, нозик дид ва мулойимлик, ҳалимлик тарафдорларидир. Улар уз манфаатларидан, осойишталигидан кечса кечадиларки, севган кишисидан, дусту ва ёридан воз кечмайдилар. Улардаги ушбу гўзал, олижаноб инсоний туйгулар бетакрор бадий-эстетик тасвираарға айланади.

Яна шуни қайд этиш зарурки, халқ қаҳрамонларидаги ҳусн, курк, қоматни эстетик қадрлаганида батамом ушбу ташқи суратға маҳлиё бўлиб қолмайди. Гўзал қиёфа қаҳрамондаги олижаноб фазилатларнинг, улугвор мақсадларнинг ибтидоси, даракчиси ҳисобланади. Бирорта қаҳрамон уз куркиға, қадимги юнон афсонасидаги Иарцисдек, узи маҳлиё бўлиб, эл-юртидан, унинг

¹ Ула асар. 233-бет.

² В и н к е л ь м а н И. И. Избранные произведения и письма. М.; Л.: Иностран. лит-ра, 1935. С.107.

³ Қаранг: Ш и л л е р Ф. Собр. соч. Т.6. М.: Гослитиздат, 1957. С.410.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари

ташвишларидан ажралиб қолмайди. Халқ қаҳрамонларини олижаноб ишлари, ватанини, оиласини севиши, уларга сидқидилдан хизмат қилиши орқали ижтимоий-эстетик идеал яратади. "Сулув сулув эмас, севган-сулув", дейилади ўзбек халқ мақолида. Яъни, гузал ташқи кўриниш эмас, инсон қалбидаги нозик, бетақрор туйғу муҳим. Ташқи сулувлиқ табиат инъомидир, аммо у ички, маънавий-руҳий туйғу билан уйғунлашса инсоний моҳият касб этади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ мақоли огоҳлантиради: "Сулувнинг хуснига учма!" ёки "Сулувидан жилуви яхши"¹. Ҳа, "Гузалиқ хуснда эмас, муҳаббатда"².

Ўзбек этномаданиятидаги миллийлик миллий характерда ўзифодасини топади. Ўзбек миллий характери педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов таъкидига кўра, мингга яқин сифатлардан иборат. "Миллат ҳаётининг ҳар бир босқичи, – ёзади М.Қуронов, – унинг характерида ўз изини қолдиради. Босиб ўтилаган йул қанча узоқ ва қийин бўлса, миллатнинг характеридаги сифатлар ҳам шунчалик чуқур бўлади"³. Олим миллий характернинг кўринишлари, халқ ҳаёти, маданияти ва маънавиятида намоён бўлиш хусусиятлари ҳақида тухталиб ёзади: "Миллий характер муайян миллат фарзандларининг ўзига хос хусусиятларининг мажмуасидан иборат бўлади. Миллий характер ўз ичига иродавий сифатларни (мустақиллик, чидамлик, принципиаллик, ўзини ўзи тутати билдириш, қатъийлик, матонат кабиларни) ва ахлоқий хислатларни (поқлик, интизомлик, самимийлик, ҳаққонийлик, инсонпарварлик ва бошқаларни) қамраб олади. Шунингдек, миллий характер одамларга бўлган муносабатларни (яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, такаббурлик), меҳнатга бўлган муносабатларни (меҳнатсеварлик ва яқовлик, масъулиятлик ёки масъулиятсизлик), нарсаларга бўлган муносабатларни (озодалик-ифлослик, тежамкорлик-исрофгарчилик, аяш ёки аямаслик) ва одамларнинг ўз-ўзига муносабатларини (иззат-нафслилик, шуҳратпарастлик, мағрурлик, ўзини катта олиш, димоғдорлик, камтарлик) каби хусусиятларни ифода қилади"⁴. Хуллас, "миллий характер – қадриятлар

¹ Бердиев Х, Расулов Р. Ўзбек тилининг паремнологик лугати. Тошкент: Уқитувчи, 1984. 190-бет.

² Уша асар. 74-бет.

³ Қуронов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. Тошкент: Маънавият, 2005. 31-бет.

⁴ Уша жойда.

тизими, меъёрлар мантиқи, ташқи ритуал ва миллий бирликнинг эътироф этилган кўрсатмалари мажмуидир¹.

Мазкур миллий характерга хос фазилатларни халқ маданиятининг деярли барча шаклларида, кўринишларида у ёки бу даражада учратиш мумкин. Масалан, Навруз байрами халқимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, ерни асраш, ёшларда меҳнат кўникмаларини шакллантиришга, Гул сайли она табиатдаги гузалликдан баҳраманд бўлиш, табиатни асрашга, Қовун сайли меҳнат натижаларини тараннум этиб, халққа ноз-неъматлар етказиб беришга қаратилгандир. Халқ байрамларини махсус тадқиқ этган олим, фалсафа фанлари доктори, профессор У.Х. Қорабоев шундай ёзади: Навруз байрамида "дастурхонларига турли қуритилган мена-лардан қилинган шарбат, буялган тухум ва бошқа нозу неъматлар қўйишган. Арвоҳлар руҳини шод этиш мақсадида шамлар ёқишган. Навруз байрами дастурхонида албатта қатта идишга сув тулдириб, унга кук барг (кукат) солиб қўйишган. Бу одат янги йил сувга ва экинга мул бўлсин деган маънони билдирган. Умуман, "Навруз"га хос барча одатлар замирида халқнинг ягона эзгу нияти – янги йил сердосил, мул-қулчилик билан бўлсин, деган умиди, истаги ётган. Шарқнинг улуг алломаси Умар Хайём ҳам узининг бу байрамга махсус бағишланган "Наврузнома" асарида: "Хар киши "Наврузни байрам қилиб, шоду хуррамлик этса, келаси йил – Навруз келгунга қадар унинг умри хурсандчилик ва шодлик билан ўтиши муқаррар" деб ёзади"².

Ўзбек этномаданияти миллий хусусиятларидаги навбатдаги эстетик жиҳат она замин табиатини, халқларини, уларнинг ватанпарварлигини тасвирлашдадир. Она ватан табиатини, унда етиштирилладиган ҳосилни қўйлаш, тасвирлаш барча халқлар каби ўзбекларда ҳам анъана бўлган, бу борада махсус маросимлар уюштирилган. Филология фанлари доктори, профессор Б.Саримсоқов ўзбек халқ маросимларини тадқиқ этиб, уларда халқимизга хос ватанпарварлик билан меҳнатсеварлик уйғунлашиб келганини, табиат яратган инъомлар ва гузалликни асраш маросимларда тараннум этилганини уқтиради. Масалан, яс-ясун, яъни галла йигиб олинганч утказиладиган бузахурлик маросимини қўйидагича тартибда уюштирилишини ёзади:

¹ Ушга жойда.

² Қ о р а б о е в У. Х. Ўзбек халқи байрамлари. Тошкент: Шарқ, 2002. 36-бет.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари

- а) маросим иштирокчилари косагул узатган бузани бир зарб билан ичиб юборишлари керак;
- б) косадаги буза тукилмаслиги керак;
- в) иштирокчилар тизза чукиб утиришлари лозим;
- г) шерда охиригача маст булмай, одоб сақлаб утириш даркор;
- д) шердан чиқиб кетиш эшик оғасининг рухсати билан амалга оширилади;

е) эшик оғаси ёки унинг ёрдамчилари топшириқларини сузсиз бажариш талаб этилади¹. Бу уринда биз шунчаки гуруҳларнинг уюшиб, буш вақтини утказиш одатига эмас, балки ахлоқий-эстетик талабларга мувофиқ маданий дам олишига дуч келамиз. Узатилган бузани тукиб исроф қилмаслик, тизза чукиб одоб сақлаб утириш, маст булиб қолмаслик, ижозатсиз даврани тарк этмаслик, маросимда ишлатиладиган усуллар, ҳаракатлар, мулоқот, ахлоқ ва эстетика талаблари доирасидан чиқмаслик керак эди. Ғалла она заминимизда етиштирилдиган энг муҳим неъмат эканини халқимиз билган. Шунинг учун у “Ғалланг булса, кушиқ ҳам оғиздан тушмайди”², деб беҳуда айтмаган. Демак, куй, кушиқ, дам олиш она замин тупроғида етиштирилган, униб чиққан ҳосиллар ва неъматлардан териб, уриб олгач уюштирилган, меҳнат жараёнида юзага келган чарчоқдан маданий-эстетик тадбирлар, рекреация нули билан халос бўлинган.

Дин, эътиқод, ердаги мавжудотлар ва нарсаларни нигоҳидан қочирмайдиган, уларни яратган борлигини тан олиб яшаш ўзбек халқи тарихий-маданий парадигмасидан чуқур жой олган қадриятлардир. Худога, трансцендентга ишониш, спиритуалистик мушоҳадаларга берилиш Шарқ кишиларига хос хислатдир. Шунинг учун халқ маданиятини ушбу трансцендентал, спиритуалистик қадриятларсиз тула тасаввур этиб булмайди.

Аслида, маданият сузи мусулмонларнинг муқаддас шаҳри Мадина номидан (арабчадан) келиб чиққан. Мутахассисларнинг фикрига кура, русчадаги “культура” сузи ҳам “культ”дан олинган³. Хуллас, маданият ва дин, эътиқоднинг конвенционал негизлари умумийдир.

¹ С а р и м с о қ о в Б. Маросим фольклори // Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент: Ўқитувчи, 1990. 127–128-бетлар.

² Б е р д и е р о в Х., Р а с у л о в Р. Ўзбек тилининг паремнологик лугати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. 280-бет.

³ Қ а р и н г: Б е р д я е в Н. А. Диалектика божественного и человеческого. М.: Изд. АСТ, 2004. С.42.

Ўзбек халқ маданиятида дин, эътиқод, спиритуалистик мушоҳадаларга берилишни гайриҳаётий образларнинг қаҳрамонларга ёрдамга келишида (буйи бир қарич, соқоли қирк қарич чол, Хиёрбобо, Бибисешанба, ёрилтош, сеҳрли ойна, тарок ёки тош, жун), илоҳий руҳ образида ("Алпомиш" даги гоз, "Баҳром ва Гуландом" даги етти юз ёшли чол, бобо образи кабилар), Оллоҳ номининг тилга олинишида кузатамиз. Ўзбек халқ достонларидаги бош қаҳрамонларнинг маъшуқасига телбанамо ошиқлигида тасаввуфона тасвирларга дуч келамиз. Баъзи уринларда эса қаҳрамон гайриҳаётий тарзда, илоҳий куч таъсирида албатта, йироқдаги нарсалардан, воқеалардан жуда яхши хабардор тасвирланади. "Алпомиш зиндонда ётганида, – деб ёзади Қ.Йулдошев, – Ёдгор тугилганини, Қоражоннинг Олатоғдалигини, Қалдирғочнинг аҳволини, Ултоннинг юрт эгасилигини билиши мумкин эмас. Ғознинг айнан зиндонга қунганлиги қанча шубҳали бўлса, Алпомишнинг етти йил иссиғу совуқ, очлиғу ташналикдан улмаганлиги нечоғлик ишонтирмаса, юқоридаги тасвирлар ҳам Алпомишга шунчалик қоронғу бўлиши лозим эди. Фақат жисмоний кўзи очиқлар учун буларни қандай билганлигини асослаш муҳим бўлади. Руҳоний кўзи, кунгил кўзи мунавварларга эса маиший номаълумликлар, маконий ва замоний тусиқлар ҳечдир. Шу боис, Алпомишнинг ётган жойида тугишганлари, яқинлари аҳволдан деярли тўлиқ хабардорлиги гайритабиий эмас. Асарнинг ушбу уринларида бахши ўз зиммасидаги вазифаси – ровийликни қаҳрамон зиммасига сездирмай юклаганлиги куринади. Достонхонлик анъаналаридан хабардор укувчи бундай уринларда нима кўзда тутилаётганлиги, кимнинг нуқтаи назари ифодаланаётганлигини беҳато билади"¹. Худди шунингдек, Алпомишнинг муҳаббати ҳам илоҳиёна. Қ.Йулдошев ёзганидек, Алпомиш – "улкан вужуд, беадад куч, шунга яраша, четарасиз сабр эгаси. Алпомишнинг муҳаббати Аллоҳга, сўнггина бу дунёдаги яратикларга. Шу боис у ҳадеб ёниб кетавермайди, кўтарилавермайди"². Бундай босиқликни, "ҳадеб ёниб кетавермаслик"ни, шарқона оғирликни, "етти ўлчаб бир кесиш"ни, уларга яқин сюжетларни халқ китоблари, пандномалари, халқ педагогикаси, оғзаки ижодидан кўплаб топса бўлади. Бироқ "бадиият учун сюжетларнинг яқинлиги эмас, балки тасвирдаги мувозийлик,

¹ Йулдошев Қ. "Алпомиш" талқинлари. Тошкент: Маънавият, 2002. 82-бет.

² Уша асар. 37-бет.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари
ёвуқлик муҳим. Муҳаббат изтироблари, адолат учун кураш, фириб-
гарларнинг қилвирликлари, ёвузликнинг чегара билмас андиша-
сизлиги дунёнинг ҳамма жойида ҳам бир хил моҳиятга эга. Ҳамма
одамларнинг туғилиши, яшашию ўлишида умумийлик бўлганидай,
уларнинг ҳаёт йулларида, севги саргузаштиларида, адолат учун ку-
раш жарасенларида ўхшашлик бўлишининг ҳеч бир гайритабиий
жойи йўқ. Сюжетдаги ўхшашликдан кура руҳиятдаги ўхшашликни
тадқиқ этиш мушкулроқ, аммо жуда ҳам фойдали¹. Аслида, халқ
маданиятидаги миллий ўзига хосликлар ва уларнинг бадий-эсте-
тик тасвири ҳам шундай тадқиққа муҳтождир.

Халқ маданиятининг умрбоқийлиги ундаги умуминсоний
қадриятлар, хусусиятлар туфайлидир. Айнан умуминсонийлик эт-
номаданиятдаги консерватизмни позитив воқеалikka айлантиради.
Халқ қалбидан, ҳаётидан, турмуш тарзи ва менталитетидан чуқур
жой олиб, унинг тарихий-маданий парадигмасига айланган анъ-
аналар, анъанавий ахлоқ, одоб, муомала, яшаш нормалари, бошқа
маданият вакилларига қанча консерватив кўринмасин, агар улар
инсонийликка қарши чиқмаса, бироқни ўлдиришга, молини та-
лашга, босқинчилик қилиб, зугум ўтказишга, зуравонлик қилишга
даъват этмаса, уларни ижобий баҳолаш мумкин. Гап анъаналарнинг
қадимий, ҳаётдан орқада қолган, тургун, мудом такрорланадиган
ҳодисалар эканлигида эмас, бундай анъаналар инсонни социум
билан иттифоқ, муроса бўлиб яшашга, ўз манфаатларини жамият
манфаатларига қарши қўймасликка ўргатади, бу позитив ҳол, ал-
батта. Аммо ушбу анъаналар умуминсоний қадриятларга зид келса,
уларни инкор қилса, инсоннинг эркин яшашига, ижодий кучлари-
ни рўёбга чиқаришига тўсқинлик қилса ёмон.

Ўзбек этномаданиятида умуминсонийлик энг аввало ундаги
инсонпарварлик ғояларида, ушбу ғояларни бадий-эстетик воси-
талар ва усуллар билан ифодаланишидадир. Инсонни, ундаги гузал
қиёфа ва фазилатларни улуғлаш, унда келажакка умид билан қараш
туйғусини шакллантириш халқ маданиятидаги ахлоқий-эстетик
қадриятлардир.

Инсонийлик ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлигини
тақозо этади. Халқ маданиятидаги умуминсонийлик ушбу
уйғунлик ифодаси сифатида намоён бўлади. Фалсафа фанлари док-
тори М.А.Нурматова уринли таъкидлайди: "яхшилик ва ёмонлик,
гузаллик ва хунуқлик, адолат ва разолат, ботирлик ва қурқоқлик,

¹ Уша асар 37-38-бетлар.

ҳаё ва беҳаёлик, андиша ва беандишалик, камолот ва таназзул уртасидаги курашда умуминсоний, миллий қадриятларни дилига сингдирган халқ, миллат, элатларгина ҳаёт синоялирига бардош бериб, ёвуз кучлар устидан голиб келиб, абадиятга дахлдор бўлганлар. Абадиятга дахлдорлик эса юксак нафосат ва ахлоқийликни ўзида мужассамлаштирган қадриятлар ҳосиласидир¹. Умуминсонийликда эса абадиятга дахлдорлик, тааллуқлилиқ бор.

Умуминсонийлик халқ маданиятидаги халқлар, миллатлар, давлатлар уртасидаги дўстона муносабатларни, интеграцияни қуллаб-қувватловчи гоёлар, сюжетлар, асарларда ҳам акс этади. "Алпомиш" достонининг деярли барча туркий халқларда тарқалгани, "Уч оғани ботирлар" эртагининг деярли барча халқлар оғзаки ижодида учраши, турли миллат вакиллариининг дўстлигини куйлаган сюжетлар, ишқий саргузаштлар халқаро кучма тасвирлар экани халқ маданияти мудом интеграция таъсирида бўлганини курсатади. Изолюционизм халқ маданиятларига хос ҳодиса бўлмаган, халқаро алоқалар ва мулоқотлар эса этномаданий жараёнларга умуминсоний мотивлар, мавзулар, эстетик идеални олиб кирган².

Ўзбек маданиятидаги умуминсонийлик ва ундаги эстетик қадриятлар ўзбек халқининг бошқа қардош халқлар, энг аввало Марказий Осиёдаги халқлар маданий алоқалари натижасида шаклланган. Бу уринда нафақат айрим сюжетлар, бадиий-эстетик тасвир ва идеалларда яқинлик, айнанлик курамин, шунингдек бутун бошли асарлар, халқ китоблари, халқ қушиқлари, куйлари ва ўйинлари, нақш санъати бир-бирига яқинлигини кузатамин. Масалан, "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достони ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам, туркман халқ оғзаки ижодида ҳам, "Хоразмча лазги" бизда ҳам, озарбайжонларда ҳам, нақшлардаги кук, ҳаворанг, яшил буюклар ўзбек, тожик, киргиз халқларида купроқ учрашини кузатамин. Туркман гиламларида кизил, саккиз бурчакли нақшлар эса озар ва туркларда купроқ учрайди. Хуллас, ўзбек этномаданиятидаги купгина бадиий-эстетик тасвирлар, сюжетлар узок ижтимоий-тарихий ривожланиш ва маданий интеграция таъсирида шаклланган. Шунинг учун Марказий Осиёда-

¹ Н у р м а т о в а М. А. Шахс маънавий камолотида эстетик ва ахлоқий қадриятлар унгунаини муаммоси: Фалсафа фан. докт... дисс. автореф. Тошкент, 2010. 3-бет.

² Қаранг: М у х и т д и н о в а Д. М. Национальная эстетическая культура: самобытность и проблемы развития (социально-философский аспект). Автореф. дисс. канд. филос. наук. Ташкент, 2005. С. 16.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари

ги этномаданий жараёнлар ўзига хос интеграция ҳосиласи сифатида кечган. Яъни, фалсафа фанлари номзоди, Ф.Ш.Хамраев қайд этганидек: Биринчидан, бундай маданий интеграция тарихий ривожланишнинг бевосита таъсири эди; иккинчидан, ўз тарихи ва динамикасига эга Марказий Осиё цивилизациясининг асоси бўлган; учинчидан, минтақа халқлари учун умумий, универсал бўлган маънавий бойликлар қарор тошган¹. Шунинг учун ҳам минтақамиз халқлари бир-бирининг маданиятларини, анъаналари ва бадий-эстетик фикрларини, ғояларини ҳеч қандай изохсиз, таржимонсиз тушунади, уларни бошқа минтақалардаги этномаданиятлардан осонгина фарқлай олади. Куйларидаги сертуйгулик ва уйноқлик, рақсларидаги нафислик ва чаққонлик, нақшларидаги сержиллик ва ранглар танлашда табиатга тақлидлик, оғзаки ижодидаги эпиклик ва полистилистика, халқ байрамлари ва томошаларидаги очиклик ва синкретлик ўлкамиз халқлари маданиятидаги бадий-эстетик ўзига хосликлардир.

Миллий ва умуминсоний хусусиятларнинг шаклланишига этнос яшаган табиий-жўгрофий муҳит, турмуш тарзининг ўзига хослиги, ижтимоий муносабатлар, айниқса меҳнат турлари каби омиллар ҳам таъсир этган, албатта. Мазкур омиллар инсоннинг, халқнинг оламга, ён-атрофга ва ижтимоий-маданий ҳаётига таъсир этмай қолмаган. Шунинг учун ҳам турли минтақаларда яшаса да, табиий-жўгрофий муҳити айнан бўлган халқлар маданиятида ухшашлик, яқинлик кўпааб топилади². Лекин асосий диққат этномаданиятлар изоляциясига олиб келувчи омилларга қаратилмаслиги зарур. Миллий ўзига хосликларни урганиш қанчалик муҳим бўлмасин, улардаги умуминсоний хусусиятларни аниқлаш, этномаданиятлар интеграциясини таъминлайдиган воситаларни, бадий-эстетик қадриятларни топиш кўпроқ муҳимдир.

1.3. Этноэстетик мерос ва унда трансформация жараёнлари

Этномаданият муқим, барқарор, консерватив ҳодиса бўлса да, ундаги анъаналар ва анъанавий қадриятлар, тасаввур ва ту-

¹ Х а м р а е в Ф. Ш. Социально-философский анализ интеграционных процессов культур народов независимых государств Центральной Азии: Автореф. дисс... канд. филос. наук. Ташкент, 2002. С. 13.

² Қаранг: Б р о м л е й Ю. В., П о д о л ь н ы й Р. Г. Создано человечеством. М.: Политиздат, 1984. С. 5–12; К л а к х о н К. Зеркало для человека. Введение в антропологию. СПб.: Евразия, 1998. С. 38–41.

шунчалар трансформацияга учраши табиий ҳолдир. Агар ўзбек этномаданиятидаги эстетик меросга назар ташласак, унда трансформация жараёнлари изчил давом этганини кўрамиз.

“Трансформация” тушунчаси латинча “transformare” сўзидан келиб чиққан бўлиб, у ўзгариш, бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиш, ўз мазмун-моҳиятини, хусусиятини, белгиларини ўзгартириш маъноларини англатади. “Трансформация” тушунчаси ижтимоий фанларда ўтган асрнинг 50–60-йилларида пайдо бўлган, ammo бу воқеа-ҳодисаларга, айниқса ижтимоий боғлиққа, инсон фаолияти маҳсули бўлган жараёнларга трансформация азалдан тааллуқли, уларнинг имманент белгилари, хусусиятлари бўлиб келганини инкор қилмайди. Айниқса у этномаданиятда интенсив, изчил кечган.

Энг аввало шунини айтишимиз лозимки, этномаданият архитекчаси, кўринишлари, полифункционаллиги, инсон ва социум ҳаётининг барча соҳалари, қирраларига дахлдор кенг қамровли, мураккаб ҳодисадир. Гоҳи унинг бошланиши қаердаю охири қаерда эканини топиш, илғаш, бошқа ижтимоий ҳодисалар ва артефактлардан, объективлашган субъектив тасаввурлардан ажратиш жуда қийин. Шунинг учун биз этномаданиятдаги эстетик меросни маълум бир йўналишларга, соҳаларга ажратиб ўрганишни маъқул топдик. Бу, аслида муаммога тизимли, функционал ёндашишдир. Шунуқтан назардан объект (предмет)ни қуйидагиларга классификация қиламиз:

1. Маданий-ҳужалик типлари.
2. Ижтимоий-маданий ҳаёт.
3. Диахрон ва синхрон коммуникатив алоқалар.
4. Трансцендентал ва теомифологик тасаввурлар.
5. Ритуал ва оммавий томошалар.
6. Анъанавий ҳалқ ижоди ва санъати.
7. Этномаданиятда сигнификатив жараёнлар.
8. Этномаданий ва этноэстетик идеалнинг шаклланиши.

Ушбу классификацияда этноэстетик мероснинг шаклланишидан то этномаданий ва этноэстетик идеалга кўтарилиши назарда тутилган. Трансформация фақат ўзгаришни эмас, у эволюцион ривожланиш жараёнларини ҳам назарда тутди. Оддий, примитив, ибтидоий – эстетик тасаввурларнинг ўзгариб, трансформацияга учраб, ижтимоий-тарихий босқичлар талабларига мувофиқ бой-

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари
иб, ривожланиб, этноэстетик идеалга ушиб чиқишини кузатиш биз учун муҳимдир.

1. Фалсафа фанлари доктори, профессор И.М.Жабборовнинг ёзишича, "одамлар даставвал муайян табiiй шароитга мослашиб ўзларининг пешона тери, меҳнати ва ақл-идроки туфайли ўзига хос хўжалик-маданий типларини яратишга мажбур бўлганлар"¹. Академик А.Асқаров уларни "маданий-хўжалик марказлари" деб атайди. Унинг фикрига кўра, улкамиз халқларининг ижтимоий бирилик, этноуюшма сифатида шаклланиши маданий-хўжалик типларининг юзага келиши билан боғлиқдир. У ёзади: "Урта Осиё минтақавий ривожланишининг асосида ибтидоий уруғ жамоаларининг ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиши, яъни деҳқончилик ҳамда чорваччилик хўжаликларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ётади. Оддий қилиб айтганда, деҳқончилик ва чорваччиликнинг кашф этилиши минтақавий ривожланишининг мазмун ва моҳиятини ташкил этади"².

Деҳқончилик ва чорваччиликнинг юзага келиши нафақат меҳнатга, озиқ-овқат излашга, кун куришга бўлган муносабатни, шунингдек, кишиларнинг оламни идрок этишини, онгини ҳам ўзгартириб юборди. Жойтуи маданий-хўжалик типига оид археологик топилмаларни кузатиш курсатадики, аجدодларимиз овчилик ва термачилик билан шугулланганлар. Бу даярга оид тошбола, таёқ, ковланч, учоқлар уша давр одамларида эстетик тасаввур содда, утилитар кўринишда бўлганлигидан далolat беради³. Деҳқончилик ва чорваччиликка ўтилиши билан Ўзбекистон ва Тожикистоннинг бир-бирига чегарадош ҳудудларида Саразм маданияти номини олган янги маданий-хўжалик типини юзага келади. Тарихчи А.К.Исҳоқовнинг ёзишича, Саразм маданий-хўжалик ҳаёти илк деҳқончилик маркази сифатида минтақамизда ўзига хос цивилизацияни, турмуш тарзини, бадий, фалсафий, эстетик меросини шаклланишини бошлаб берган. Э.р.эв. IV–II минг йилликларга таалуқли мазкур маданият минтақада темирдан фойдаланишга асос солган.

¹ И с о Ж а б б о р о в. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1994. 83-бет.

² А с қ а р о в А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Университет, 2007. 98-бет.

³ Қ а р а н г: М а с с о н В. М. Средняя Азия и Древний Восток. М.; Л.: Гл. ред. вост. лит.-ры, 1964. С. 128–133; В и н о г р а д о в А. В. Древние охотники и рыболовы среднеазиатского междуречья. М.: Наука, 1981. С. 12–19.

Топилган темир қуроқлар, пичоқ, игна, суя идиши кабилар оддий, кундалик эҳтиёжларни қондирган¹. Бироқ, темирдан фойдаланишга утишнинг ўзи муҳим воқеа эди.

Топилган идиш ва қуроқларда маълум бир эстетик дид, эстетик тасаввур борлиги сезилади. Балки ҳатто, пичоқлардаги расмга ўхшаш тасвирларда сирли белгилар, символлар акс эттирилгандир. Қандай бўлмасин Зарафшон воҳасида пайдо бўлган Саразм маданий-хўжалик типининг аجدодларимизда ўзига хос эстетик маданият бўлганидан далолат беради. Айниқса Саразм-1 даври (эра. авв. 3500–3300 йиллар)да топилган рангли сопол парчалари, олтин ва қумушдан ясалган тақинчоқлар, мунчоқлар, Саразм-2 даврида топилган деворларига қизил рангда нақш берилган ибодатхона, рангбаранг нақшлар битилган сополлар, Саразм-3 даврида яратилган монументал бинолар, уй-жой комплекслари, маҳаллий нақш услуби, деворларни безатиш, тош ва темирларга ишлов бериш, оя ва жанг қуроқлари маданий-эстетик ҳаёт, бадиий онг янги босқичга кўтарилганини кўрсатади. Энг муҳими шундаки, илгариги оддий, утилитар ёндашув урнининг Саразм-4 даври (эра. авв. 2300–1900 йиллар)га келиб аниқ бадиий, эстетик дид, гоё эгаллайди. Энди аجدодларимиз шунчаки қуроқлар, идишлар ясашдан маданий-эстетик завқ оладиган, маълум бир эстетик гоёни ифодалайдиган нарсаларни ясашга ўтадилар. Шу тариқа этномаданий ҳаётда, этноэстетик меросда трансформация жараёнлари бошланади. Ушбу жараёнлар қолган барча йўналишларга (классификациямизда назарда тутилган йўналишлар) асос бўлиб хизмат қилади, улардаги этноэстетик мероснинг шаклланиши ва ривожланишини белгилаб беради.

Тўғри, ўзбек этномаданияти ва этноэстетикасининг шаклланиши Саразм маданий-хўжалик типининг билан чегараланмайди. Айниқса Қалтаминор, Замонбобо, Сополитепа, Жарқўтон, Анов-Намозгоҳ (Жайтун), Тозабог'ёб, Қайроққум (Андронов) маданиятлари, улардаги хўжалик типлари катта роль ўйнаганини унутиб бўлмайди. Ушбу маданият ўчоқларида юзага келган анъаналар, дид, тасаввурлар этноэстетик мероснинг негизи бўлди.

2. Ижтимоий-маданий ҳаёт маданий-хўжалик типларидан кенгдир. Унга кишиларнинг социумдаги моддий ва маънавий бойликлар, эстетик, бадиий, ахлоқий қадриятлар яратишга қаратилган барча фаолият турлари киради. Ижтимоий муносабатлар унинг ўзига ташкил этади. Мазкур йўналиш, соҳа ниҳоятда кенг, унинг

¹ Исаков А. И. Саразм. К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зеравшанской долины. Душанбе: Ирфон, 1991. С.7–9.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари

барча қирраларини илғаб олиш, қамраш мумкин эмас. Шунинг учун биз уни ижтимоий-маданий турмуш тарзи ва анъаналар билан чегаралашни маъқул топдик.

“Ўзбекларнинг ижтимоий-маданий турмушида, – деб кўрсатади И.М. Жабборов, – жамоачилик, айниқса, қўшничилик ва қишлоқ жамоачилиги тартиблари, катта оиланинг таомил бўлиши, айрим гуруҳларда кучманчилик турмуши ва уруг-қабилавийлик ташкилотларининг элементлари, қадимий маросим ва ибодатлар қолдиқлари кенг тарқалган”¹.

Ўзбек халқининг серҳикмат “Ховли олма, қўшни ол” мақоли ижтимоий-маданий муносабатларда қўшничилик ва жамоачиликнинг қандай муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Мазкур анъаналар шунчаки муносабатлар эмас эди, улар кишиларни иноқ, иттифок ва олижаноб мақсадлар билан яшашга интилишларининг ифодаси бўлган. Шунинг учун биргалашиб туй-маросимларни утказиш, оилавий борди-келди қилиш, биргаликда дам олиш, фарзандларини никоҳлаб, қуда-анда бўлиб яшап қабилар ўзбек этномаданиятидан чуқур жой олган. Этноэстетик нуқтаи назардан бу анъаналар ижтимоий ҳаётни янада гузал ва инсонийлаштиришга, кишилараро муносабатларда ўзаро ёрдам, аҳиллик каби олижаноб туйгуларни шакллантиришга қаратилган.

Ижтимоий-маданий турмуш ранг-баранг, гоҳо зиддиятли кечган. Оилалар, қўшнилар, элатлар ўртасидаги муносабатлар турли низоларни келтириб чиқарган, этномаданиятлардаги ўзликни асраб қолиш йирик курашларга айланган. Бу уринда “Алпомиш”даги Бойбури ва Бойсари оилалари, ога-инилар ўртасидаги низони, Бойсарининг аразлаб бошқа элатларга кучиб кетганини эслаш ўринлидир. Бу борада Қ.Йўлдошев ёзади: “Минглаб қўйларини биронга бахшида этишдан қизганмайдиган, ўзга юрtdа бегоналарга “Жузъя тўлаб” юришга ҳам ҳозир Бойсари ўз юртида, ўз акасига “бир ... улоқ”ни закот учун бергиси келмайди. Ўзбек қонунни, тартибни эмас, ўзи ҳаёл қилган, ўзи ясаб олган маънавий мезонларни ҳақ деб билади. Ўзига яқин кишини тан олишдан, унга бўйсунушдан кура, бегонага сизинди бўлишни афзал билади. Ўзбекка хос руҳият – бу”². Ушбу руҳият дostonда руй-рост ва барча драматизми билан тасвирланган. Ака-ука ўртасидаги низо Алпомиш билан Барчинни сон-саноксия саргузаштлар, хавф-хатарларни бошдан кечиришга

¹ И с о Ж а б б о р о в. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент: Уқитувчи, 1994. 177-бет.

² Й ў л д о ш е в Қ. “Алпомиш” талқинлари. Тошкент: Маънавият, 2002. 20-бет.

олиб келади. Аммо Бойбури билан Бойсари ўртасидаги низонинг этноэстетик хусусияти мавжуд. Сир шундаки, Бойбурининг кучиб кетганини акаси қурқоқлик, сотқинлик, уждарлик, ҳатто мавжуд тартибларга буйсунмаслик деб билади. Аслида ҳам шундай эди. Акасининг закот талаб этишини зуравонлик деб қабул қилган Бойсари закотнинг нафақат ижтимоий-сиёсий жиҳатлари, шу билан бирга акасининг адолатпарварлиги рамзи, узбекона урф-одатларга мувофиқ келадиган анъанавий талаб эканини эсига олмайди. Натижада фожиа руй беради – ака-ука бир-биридан тан олмаслик даражасида йироқлашадилар. Фожиа дoston якунида позитив ҳал этилса-да, бош қаҳрамонлар бошидан кечирган саргузашт ва хавф-хатарлар уқувчини ларзага солади. Таниқли санъатшунос Л.И.Ремпель: Қадимги асарларда нафақат эзгулик, балки ушбу эзгуликнинг бадий, фалсафий, эстетик моҳиятини курсатувчи эиддиятчи қарашлар, эиддиятчи мақсадлар, бир-бирига мос келмайдиган бадий-эстетик қадриятлар ҳам тўқнашади, тасвирланади¹, деганида ҳақ эди.

Ака-ука, ога-инилар ўртасидаги манфаатлар ва қарашлар тўқнашуви давлат, мол-мулк, табақалар ва этносиёсий таъсирлар туфайли кейинги асрларда янада авж олади. Урта Осиёда юзага келган хонликлар, улар ўртасида то XX асргача давом этган низолар халқ маданиятига, этноэстетик меросга таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Ушбу таъсирни биз Маширабдан тортиб то Аҳмад Дониш, Аваз Утар, маърифатпарвар-жадидчилар ижодида яққол куришимиз мумкин. Этноэстетик меросда эзгулик, адолат тантанаси, инсоний фазилатларнинг, гузал ва олижаноб амалларнинг тантана қилиши дадил тасвирланган. Эркин яшовчи, озод, мустақил, барча халқлар билан тенг ҳуқуқли ўзбек миллати ва давлати ушбу этноэстетик меросда идеалга айланади.

3. Этномаданият энг аввало диахрон ва синхрон коммуникатив алоқалар маҳсулидир. Агар диахрон коммуникатив алоқалар авлодлараро тарихий-маданий алоқаларни аңглатса, синхрон алоқалар турли авлодлар, элатлар ва этнослараро ижтимоий-маданий муносабатларни билдиради. Бу уринда ворисийлик билан ижтимоийлик, анъанавийлик, тарихийлик билан замонавийлик уйғунлашади, бир-бирига рупара келади.

Ўлкамиз халқлари маданиятида анъанавийлик ва замонавийликнинг диалектик боғлиқлигини махсус тадқиқ этган Э.Г.Абрамян

¹ Р е м п е л ь Л. И. Цепь времен. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. Т. Изд. лит. и искусства им. Г.Гуляма, 1987. С. 84–85.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари
эътиборли хулосага келади. Унинг фикрига кўра, маданиятдаги анъанавийлик инсон билан ижтимоий борлиқ уртасидаги мувозанатни, уйғунликни, эволюцион узгаришларни барқарорлаштириш мақсадини ўз ичига олади. Этномаданиятдаги анъаналарга айланган стереотиплар, қадриятлар, қарашлар инсон билан ижтимоий борлиқ, айниқса сиёсий тузум, давлат уртасидаги муносабатларга уйғунлик бахш этган. "Локал стереотиплар" номини олган анъаналар, ҳатто улар ижтимоий-тарихий жараёнларда трансформацияга учраган бўлса-да, этномаданий ривожланишга салбий таъсир кўрсатмаган, балки, аксинча, ижтимоий-маданий турмуш тарзидаги ўзига хосликни мустаҳкамлаган¹. Ушбу трансформация жараёнлари этноэстетик меросда (масалан, халқ тасвирий санъатида, халқ китобат-матбаачилигида, ислом қарор топган даврда ривожланган нақш санъати ва рус маданияти таъсирида юзага келган рангтасвир, портрет жанрида) кузга ташланади.

Этномаданиятдаги диахрон алоқалар ворисийлик принципига мувофиқ кечган. Авлодлар уртасидаги этноэстетик алоқалар эса аждодларнинг гузаллик, хунуқлик, улугворлик, ғожиавийлик ва кулгулилик борасидаги тасаввурларига монанд бўлган. То исломгача бўлган халқ ижоди ва санъатида, урф-одатлар ва маросимларда эзгулик, ёруғликнинг ёвузлик, қоронгулик устидан ғалабаси (бу "Аяесто" таъсирида шаклланган, албатта) тараннум этилган. Халқ китобларидаги ҳикоялар (масалан, "Юсуф ва Зулайҳо", "Минг бир кеча", Бирбала саргузаштлари ҳақидаги қиссалар ва бошқалар), халқ эртаклари ва дostonлари мудом эзгуликнинг, адолат ҳамда гузал туйғуларнинг тантанаси билан яқунланади. Ислом дини кенг ёйилгач, халқ ижоди ва санъатида нафақат сеҳрли кучга, таъсирга эга авлиёлар, авлиёсифат қаҳрамонлар, худо, Оллоҳ тасвирлари, эркни, фаровонликни, адолатни илоҳий неъмат, инъом сифатида тасвирловчи сюжетлар, Али, Фотима, Сулаймон пайгамбар каби образ-қаҳрамонлар пайдо бўлади. Ислом таъсирида трансцендентга берилиш кучаяди, тасаввуфona эстетик қарашлар кенг ёйилади². Этноэстетик қарашларнинг диний-тасаввуфий йуналишга эврилиши исломнинг халқ ҳаёти, турмуш тарзи ва менталитетидан чуқур жой олганининг натижаси эди. XIX аср охири – XX аср бошларига

¹ Қаранг: А б р а м я н Э. П. У истоков культурной традиции. Тошкент: Фан, 1988. С. 32–38.

² Қаранг: К у р б а н м а м е д о в А. Эстетическая доктрина суфизма. Душанбе: Дониш, 1987. С. 13–42.

келиб этноэстетик меросда кучли трансформацион жараёнлар бошланади. Буни буюк маърифатпарвар-жадидчи аждодларимиз асарларида яққол куришимиз мумкин¹.

Синхрон алоқалар бутун миллатга, элатларга, этномаданиятларга йўналтирилгани учун улар: 1) этносни бирлаштириш, миллат сифатида этномаданиятини шакллантиришга; 2) бошқа халқлар, этномаданиятлар билан интеграциясини мустаҳкамлашга қаратилади. Этноэстетик мерос ушбу синхрон алоқалардаги олижаноб мақсадларни, дустликни, улуғворлик ва гузалликни ифода этади, уларни ўз ичига олади. Этномаданиятдаги диахрон ва синхрон алоқалар этноэстетик воситалар, усуллар, тасвирлар орқали интернационаллашган, умуминсоний моҳиятга эга сюжетларни яратади. Бундай моҳиятни кимдир, қайси бир давр ўйлаб топган эмас, у асрлар оша этноэстетик эҳтиёжлар ифодаси сифатида инсон, халқ ҳаётидан жой олган². Шунинг учун коммуникатив алоқалар фақат тил, семиотика, символлар эмас, улар этномаданиятнинг негизидан жой олган, уруғлар, қабилалар, элатлар ва турли этник уюшмаларни яқинлаштирган, интеграцияга етаклаган парадигмал ҳодисадир.

4. Этномаданиятда трансцендентал ва теомифологик тасаввурлар муҳим урин тутади. Реал борлик инсон дилини қониқтирмаган, у ушбу борлиқдан ташқарида нима борлигини билишга интилаган. Шу тарзда этномаданиятдан трансцендентал ва теомифологик тасаввурлар, изланишлар, тажрибалар жой олган. Ушбу тасаввурларга илк космологик, мифологик қарашлар, астрологик, интуицияга асосланган башоратлар, дин, диний қарашлар, эътиқодлар киради.

Трансцендентал ва теомифологик тасаввурлар ибтидоий даврларда пайдо бўлган, аммо улар кейинги тарихий тараққиётда, маънавий-руҳий ҳаётда етакчи роль уйнаган. Улардан илҳомланмаган, улар таъсирида трансформацияга учрамаган бирорта халқ, этномаданият ва этноэстетика йўқ.

Трансцендентал ва теомифологик тасаввурларнинг халқ ижоди ва санъатига таъсири ижтимоий онгдаги янгиликка,

¹ Қаранг: Маҳмудова Г. Жадиизм ва Туркистонда ахлоқий-эстетик фикр тараққиёти. Тошкент: DAVR PRESS, 2006. 44–49 бетлар.

² Қаранг: Бахтин М. М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М.: Худ. лит-ра, 1990. С. 14–18; Лихачев Д. С. Письма о прекрасном. М.: Дет. лит-ра, 1988. С. 8–9.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари

узгаришга, трансформацияга мойиллик туфайли руй берган. Нафақат айрим олган шахс, инсон онги, худди шунингдек, ижтимоий онг ҳам трансформацияга муҳтож ва мойилдир. Масалан, улкамиз халқлари то VII асргача зардуштийликка эътиқод қилган. Ундан олдин аجدодларимиз политеизмга, буддизмга мойил эдилар. Зардушт уларнинг эътиқодини узгартириб юборди ва улар қалбига монотеистик қарашларни, зардуштийликни олиб кирди¹. Агар аجدодларимиз маънавий-руҳий жиҳатдан зардуштийликни қабул қилишга тайёр бўлмаганларида у йирик динга, эътиқодга айланмаган бўларди. Аммо келгуси тарихий-маданий ривожланиш ижтимоий онгни муқим, қотиб қолган, мутлақ узгармас нарса эмаслигини курсатди. Яъни VII асрдан бошлаб ижтимоий онг ислом дини, эътиқоди томон юз тутди. Натижада онгда, маънавиятда, этномаданиятда навбатдаги йирик узгариш, трансформация юз берди. Бу, аслида субстанционал моҳиятига кўра, анъанавийликдан мутлақ воз кечиш эмас эди, балки инсон қалбидаги трансцендентга, теомифологик тасаввурларга мойилликнинг янги ижтимоий, тарихий-маданий босқич талабларига мослашиши эди. Ислом динининг айрим хулудларда (масалан, Хоразмда) агрессив репрессия тарзда жорий этилгани кузатилса-да, у минтақамизда этносларнинг маънавий-руҳий оламига, эҳтиёжларига мос тарзда, инқилобларсиз, "салб юришлари"сиз ёйилди. Улкамиз халқлари, уларнинг этномаданияти анъанавий тасаввурларини замонавийлаштиришга тайёр эканини намойиш этди. Ислом дини ва маданияти бизга четдан кириб келган бўлса-да, у бир аср ўтмай ижтимоий-маданий ҳаётда, халқларимиз этнопсихологияси ва маънавиятида "социал инқилоблар ҳам узгартириши қийин бўлган"² парадигмага айланди. Бундай узгариш, трансформация халқ мавжуд экан яна давом этади. Бу эса этномаданият узлуксиз узгаришга, трансформацияга мойил динамик ходиса эканидан далолат беради. Демак, бугунги анъана эртага ёки индинга замонавий талаблар остида трансформацияга учраши аксиомадир.

§. Ритуал ва оммавий томошалар этномаданиятдаги илк эстетик воқеликлардан биридир. Шунинг учун ҳам машҳур этнограф,

¹ Қиронг: Авесто: Яшт китоби. Тошкент: Шарқ, 2001; Маҳмудов Т. "Авесто" ҳақида. Тошкент: Шарқ, 2010; Маҳмудова Г. Т. Философская сущность Авесты. Ташкент: Изд. журнала "Санъат", 2010.

² К а н т о р К. История против прогресса. М.: Прогресс, 1991. С.5.

олимлар Дж. Фрезер, Э.Тайлор ва М.М.Бахтинлар ритуал ва оммавий томошалар халқлар ҳаётини, ҳаёт ҳақидаги "фалсафасини" ифода этган, деб кўрсатадилар¹.

Ритуал кишиларнинг этнос, социум талабларига мувофиқ "стереотиплашган хатти-ҳаракатларидир"². Тўғри, илк архаик ритуаллар беаёв, ҳатто гайрининсоний бўлган. (Масалан, гулхан атрофида айланиш, чўғ, пичоқ билан танада белги қолдириш, тириклай кумиш (кумилиш) ёки улдириш (улдирилиш), қоя, тепалик устидан ўзини ёки майитни ташлаб юбориш ва ҳ.к.) Ҳозир ҳам ушбу ибтидоий ритуалларнинг кўринишлари, қолдиқлари у ёки бу этномаданиятда учраб туради.

Киши этноста, социумга мойил ритуални бажарар экан, ўзини ушбу ижтимоий бирлик билан уйғунлигини, бирлигини ҳис этади. Ушбу тўйгу уни кўпчилик томонидан эътироф этилган ахлоқий-эстетик хатти-ҳаракатларни эътирозсиз бажаришга ундайди. Гулхан атрофида айланган, ундан сакраб утиб, қўлига чўғ олган, бу билан ўзини элат, қабила, этнос ўрнатган ритуалларга бўйсунишини кўрсатган аجدодларимиз мазкур хатти-ҳаракатини гузал, сермаъно деб билган. Улар учун мавжуд ритуаллар нафақат иттифоқчилик, элат билан уйғунлик, шунингдек эстетик моҳиятга эга гузал одатлар, нормалар эди. Шунинг учун ҳам улар ўз фарзандларини ритуаллар руҳида тарбиялаб, инициациядан ўтишга тайёрлаб борганлар³.

Оммавий томошалар – байрамлар, сайиллар, тўйлар, маросимлар этноэстетик носиталар ва гоёларга шунчалик бойки, бирорта халқни, бирорта даврни уларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Синкретик хусусиятга эга ушбу этномаданий ҳодисалар бир томондан, халқ анъаналарини ўзида ифода этса, уларни асровчи институт вазифасини ўтаса, иккинчи томондан ҳар бир даврнинг

¹ Фрезер Дж. Золотая ветвь. М.: Прогресс, 1984; Тайлор Э. Первобытная культура. М.: Политиздат, 1983; Бахтин М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М.: Худ. лит.-ра, 1990.

² Чеснов Я. В. Лекции по исторической этнологии. М.: Гардарика, 1998. С.51.

³ Карана. Этнография детства. Традиционные формы воспитания детей и подростков и народов Передней и Южной Азии. – М.: Гл. ред. вост. лит.-ры, 1983; Геннет А. Ван. Обряды перехода. М.: РАН, 2002; Традиционные мировоззрение тюрков Южной Сибири. Знак и ритуал. Новосибирск: Наука, 1988.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари

ижтимоий-маданий ва бадий, эстетик, ғоявий талабларини қондиради. Агар халқ китоблари, халқ эртак ва достоналарида, мақол ва паремиологик меросида консерватизм, ҳатто археик тасаввурлар яққол кузга ташланиб турса, оммавий томошалар замон талабларига тез мослашиш хусусиятига эга. Масалан, эрамиздан аввал юзага келган "Навруз" байрамини олайлик. Тадқиқотчиларнинг хабар беришича, қадимда Навруз куни томошабинлар бир-бирига сув сепишган. Шу боис сув билан боғлиқ маросим – "Сув хотин" ("Суст хотин") юзага келган. Бу маросим "баҳор-ёз ойларида ёмғир ёгмай, экинзорлар қояжираб, кургоқчилик бошланганда "ёмғир чақириш" мақсадида ташкил қилинган. Оқсоқолларнинг кўрсатмасига биноан, қишлоқ аёллари катта қугирчоқ ясашиб, унга кампирнинг кўйлагини кийдиришган, сунгра махсус қушиқлар айтишиб, қугирчоқни далалардан, кучалардан кутариб утиб, ҳар бир хонадонга олиб киришган. Маросим қатнашчилари "Сув хотин" қушигини айтиб уйлارга киришган, уй эгалари уларни хурсандчилик билан қаршилаб, албатта, қугирчоқ устидан сув сепишган, уз имкони доирасида хайр-эҳсон қилишган"¹. Ушбу маросимнинг кейинги асрлардаги тақдири ҳақида бирор нима дейиш қийин, чунки тарихий, ёзма манбалар йўқ. Аммо XX асрга келиб Навруз байрами тизимида бундай маросим сақланиб қолмаганини кузатамиз. Мазкур маросим бирданга йўқ бўлмаган ёки байрам тизимидан тушириб қолдирилмаган, албатта. XX асрда Марказий Осиёда сунъий сугориш тизимининг кенг жорий этилиши "Сувхотин" маросимига ҳожат қолдирмагани аниқ. Демак, халқ томошаларида трансформацион ўзгаришлар ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар, халқ ҳаётида, турмушида содир бўлган янгиликлар таъсиридан чеккада қолмаган. Анъанавий маросимлар урнини ихчам, бадий-эстетик бой, ижтимоий-маданий ҳаётга мос келадиган замонавий маросимлар, бадий-эстетик сюжетлар, усуллар ва мавзулар эгаллаган.

б. Анъанавий халқ ижоди ва санъати деганда, асосан, фольклор (халқ оғзаки ижоди) ва халқ ҳунармандчилиги назарда тутилади. Ўзбек этномаданиятида фольклор халқ оғзаки ижодига нисбатан кенг маънода қаралади. Масалан, унда мусиқа фольклори, маросим фольклори, рақс фольклори, уйин фольклори кабилар ҳам бор. Қисқа қилиб айтганда, анъанавий халқ ижоди ва санъатига халқимиз томонидан яратилган, унинг этномаданияти парадигмасидан жой

¹ Қорабоев У., Худоёр И. Навруз. Тошкент: Академия, 2000. 7-бет.

олган бадиий-эстетик бойликлар кирди. Бадиий-эстетик образлар, символлар, тасвирлар яратиш ушбу ижод ва санъат соҳасининг асосий хусусиятидир.

“Инсон онгли фаолиятининг ажралмас қисми бўлиш бадиий тафаккур ва шунга мувофиқ бадиий-ижодий фаолият инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бундай фаолият натижасида келиб чиқадиган бадиий-эстетик идрок қобилияти кишиларда оламни, ундаги мавжудотлар, нарсалар ва воқеа-ҳодисаларни, атроф-муҳитдаги шакллар ва рангларни турфа шакл-шамонда қайтадан акс эттиришга ҳавас уйғотади. Шакл ва рангларнинг реал ҳамда стиллаштирилган тасвирларини яратиш шу тариқа келиб чиқди ва у, уз навбатида, одамларнинг кундалик турмушларидан урин ола бошлади. Натижада бадиий-эстетик ижоднинг хилма-хил шакллари ва турлари пайдо бўлди”¹. Шу билан бирга қадимда шакланган баъзи халқ ижоди ва санъати турлари ислом даврига келиб трансформацияга учраганини қайд этиб, профессор С.Булатов фикрини давом эттиради: “Маълумки, ислом мамлакатларида мавжудотлар тасвирини ишлаш кенг одат тусига кирмаган, зеро, мавжудотни ярата олиш фақатгина қодир тангрига хосдир, инсонлар эса бундай ишни бажаришга ожиздирлар, инчунун, бордию бирор ишни юқори такомил даражасида ижро этиш имкони йўқлиги аввалдан маълум экан, бундай ишга киришмоқликнинг ўзи ақдан эмасдур”². Хуллас, ислом дини билан боғлиқ тасаввурлар тирик мавжудотларни тасвирлашга эмас, балки безак санъатини, ганҷкорлик, кошинкорлик, хаттотлик, тоштарошлик, хунармандчилик, зардузлик каби ижод турларини ривожлантиришга ундади. Бундай трансформацион ўзгаришни рақс, ашула, масхарабозлик, халқ театри каби соҳаларда ҳам кузатамиз. XX асрнинг 30-йилларига келиб эса ислом дини авж олган даврларда тақиқланган ёки маъқуланмаган халқ ижоди ва санъати турлари қайта тиклана бошлади. Демак, анъанавий халқ ижоди ва санъатида ҳам трансформацион ўзгаришлар давом этган, янги даврда пайдо бўлган эстетик талаб ва эҳтиёжлар уларга ўз таъсирини ўтказган.

7. Этномаданиятдаги сигнификатив жараёнлар бир томондан, этнос ичидаги элатлар, ҳудудлар, қабилаларнинг умумхалқ

¹ Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент: Меҳнат, 1991. 7-бет.

² Уша жойда.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари

маданиятини; иккинчи томондан эса, уларнинг уз субмаданиятини яратишини ифода этади. Масалан, узбек этномаданияти бир томондан, барча вилоятларда яшовчи аҳолининг, элатларнинг субмаданиятларини уз ичига олади (интеграция), иккинчи томондан, уларга узига хос булган субмаданиятлар яратилгани давом эттиришга (дифференциация) имкон беради. Шу тариқа этномаданиятда умумийлик ва ранг-баранглик, мономаданият ва полистилистик маданият уйгун, бир-бирига таъсир этиб келади. Этноэстетик мерос ушбу интеграция ва дифференциация жараёнларини узиде ифода этади ва бадиий-эстетик воситалари, усуллари билан анъанавийлик ва замонавийлик уртасидаги диалектик боғлиқликни таъминлайди. Шунинг учун этноэстетик мерос маданиятдаги интеграциянигина эмас, дифференцияни ҳам узига жо этади, шу тариқа у сигнификатив воқеликка айланади. Сигнификатив жараёнлар этномаданиятдаги трансформацион узгаришларни таъминлайдиган, этномаданиятни жонли организм сифатида яшашини, ривожланишини таъминлайдиган энг самарали ҳодисадир.

8. Этномаданият ва этноэстетикадаги бош мақсад халқда, кишиларда маданий ёки эстетик идеални шакллантиришдир. Ижод ва санъатда идеалга етиш амри маҳол нарса эмас. Ижод ва санъат соҳасида шундай бетакрор, нодир, гоят гўзал асарлар борки, уларни идеал сифатида қабул қилиш мумкин.

Этномаданиятидан чуқур жой олган ботир, олижаноб фазилатли қаҳрамонлар, садоқатли, саряқомат, гўзал, париваш хотин-қизлар образларини узбек халқи идеаллар сифатида тасвирлаган. Баъзан ушбу қаҳрамонлар, образлар содир этадиган ноурин хатти-ҳаракатлар, адашишлар ҳам уларни мукамал сиймолар сифатида қабул қилишга ҳалқит бермайди. Шу билан бирга идеаллар ҳам трансформацияга учрайди, улар характери ва хатти-ҳаракатларидаги анъанавийлик замонавий мотивлар билан тўлдирилади. Замонавий бадиий-эстетик дидга, даяр талабларига мос келмаган идеал ўқувчида қизиқиш уйготмайди. Шунинг учун ҳам баъзи халқ ижоди ва санъати турларини кишилар пассив, гоҳо истеҳзо билан томоша қиладилар. Эстетик идеал эса реципиентни ижодга, яратишга ундаши лозим.

1.4. Узбек этномаданияти ва миллий ғоя

Этномаданият гносеологик ва социал моҳиятига кўра, инсоннинг дунёни, ижтимоий борлиқни англашга қаратилган субъектив фаолияти натижасидир. Этномаданиятнинг ушбу субъектив негизи моддий ва маънавий бойликларда маълум ғоя ва мафкурани ифода этади. Ҳатто, утилитар мақсадларга йўналтирилган қуроллар, артефактлар ҳам узида субъектнинг нафақат эстетик, шу билан бирга ижтимоий, иқтисодий, ҳатто сиёсий қарашларини, фикрларини ташийдди. Масалан, узбек дуплисида нафақат хаққимизнинг иссиқ-совуқдан бошини асраш мақсади яширинган, шунингдек, у миллий ғурур, миллий ўзликни намоян этиш тимсолига айланган. Купгина этнос вакилларини ташқи кўриниши, локал-этнографик белгилари, кийиниши ҳатто кинесика ва имо-ишорали хатти-ҳаракатлари орқали дарров ажратиш мумкин. Бу нафақат физиологик, биологик, шунингдек К.Клакхон айтганидек 'маданий детерминизм'¹ таъсиридир. Ушбу таъсир менталитетда, юриш-туришда, муносабатларда маълум бир стереотипларни ("ментальных шаблонов" – М.Клакхон²) юзага келтиради. Ушбу стереотипларга қараб, "шаблон"ни кузатиб, кишининг қайси этносга, қандай этномаданиятга тааллуқли эканини, унинг кийиниши, кинесикасига қараб эса қандай эстетик дидга эга, қандай ижтимоий ғоялар тарафдори эканини биламиз, тасаввур этамиз. Тутри, биз ушбу тасаввурларимизда адашишимиз мумкин, аммо кишининг стереотипларидан унинг ички дунёсини, этномаданиятини, эстетик дидини билишга, англашга интилишдан тўхтамаймиз. Айниқса инсон хатти-ҳаракатларини бирор нарса яратишга қаратганида ички дунёсидаги фикрларини, ғоя ва қарашларини, эстетик дидини уша нарсага "сарф" этади, яъни уша нарсага сингдиради. Шу тариқа онгининг, диднинг объективлашуви руй беради.

Узбек этномаданиятида ҳар доим ҳам ҳозирги маънодаги миллий ғоя ва мафкура бўлмаган. Баъзи тадқиқотчиларимиз миллий ғоя ва мафкурани антик даврдан, қадимги ривоятларимиздан келтириб чиқарадилар. Бизнинг фикримизча, у пайтда миллий ғоя ва мафкура, ҳозиргидек назарий-фалсафий концепция сифатида эмас, балки

¹ К л а к х о н М. Зеркало для человека. Введение в антропологию. Спб.: Евразия, 1998. С. 42.

² Уша асар. 44-бет.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари
узбек, тожик ва бошқа улкамиз халқларини ижтимоий бирлик тарзида шаклланишига олиб келган ғоялар, ёндашишлар, мақсадлар шаклида мавжуд эди. Миллий ғоя ва мафкура узбек миллатининг тўла шаклланиши билан назарий-фалсафий концепцияга, англаган таълимотга айланган бўлса-да, у узбек этномаданиятининг ичида, унинг таркибий қисми сифатида мудом мавжуд эди. Шунинг учун этномаданиятни миллий ғоя ва мафкурадан, иккинчисини биринчисидан ажратиш, улар ўртасида "хитой девори" тиклаш хатодир.

Этномаданиятни билиш, ўрганиш миллий ғоя ва мафкура негизини, моҳиятини англаш демакдир. Ундаги фикрлар, ғоялар, қаҳрамон кураш олиб борган мақсадлар, тасвирдаги образлар, чизгилар, ҳатто нақшлардаги ранглар, уларнинг ишлатилиши, технологияси миллий маънавиятимиз ҳақида хабар, "информация" бера олади. Узбек муסיқасидаги юракни, дилни ўртовчи, нолали оҳанглар, раққосалар ҳаракатидаги ибо, нафислик, мулойимлик, ҳатто итоатгўёна ҳадимлик ҳам халқимиз амал қилган ижтимоий ғоялар, эстетик қарашлар, хуллас этноэстетик меросдаги мафкуравий омиллардан дарак беради.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов: "Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукамал ифодаси, тугал намунаси ҳали – ҳануз яратилмаган тушунчаларни узимизча тасаввур қилишимиз керак, деб уйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади.

Бу мафкура халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимидир"¹, деган таърифни илгари суради. Мазкур таъриф миллий ғоя ва мафкурамининг назарий-фалсафий мағзини ифодалайди. Миллий ғоя ва мафкура халқни халқ, миллатни миллат этиши лозим. Этномаданият меросга назар ташлар эканмиз, унда узбек халқининг ўзлигини англаш ва асрашга бўлган интилишлари изчил тасвирланганини кузатамиз. Бу энг

¹ И с л о м К а р и м о в. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 221-222-бетлар.

аявало Ватан ва халқ озодлиги учун курашлар тасвирланган халқ ижоди ва санъати асарларида намоён бўлади. "Алпомиш", "Қирқ киз", "Гуруғли", "Ёдгорхон", "Рустамхон" каби халқ достонларидаги бош қаҳрамонлар ватанпарварлик туйғусини қалбига жо этган образлардир. И.А.Каримов қайд этганидек: "Халқимизнинг қадимий тасаввурларига кура, уқ-ёй – ҳокимият нишони ҳисобланган. Алпомиш етти ёшида ун тўрт ботмон биричдан – бронзадан ясалган ёйдан уқ отиб, "алп" деган унвонга сазовор бўлади. Алп дегани – ҳокимият эгаси эканини инобатга олсак, бу достон куп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси эканига ишонч ҳосил қиламиз...

Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб ўзалигини йўқотмаган халқимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган¹. Гуруғли эса турли халқ вакилларини бирлаштириб, ўз атрофига йиғиб, ватани душманларига қарши чиқади. "Гуруғлининг қирқ йигити (яъни ўз атрофига йиққан дўстлари, ҳаммаслаклари – О.Н.) қаердан ва қайси уруғдан бўлмасин, элик озодлик ўлкаси Чамбилнинг озодлиги, халқнинг фаровонлиги учун тинмай кураш олиб боради"².

Халқ китоблари ва достонларида тасвирланган ватан ва халқ озодлиги, мустақиллиги учун олиб борилган курашлар бўрттириб, гиперболик тасвирланади, бош қаҳрамон ёки бир гуруҳ паҳлавонлар бутун бошли ёв, душман лашкари билан жанг қилади, охир оқибат уларни мағлуб этади. Бу бадиий тасвир ҳайрат уйғотади, аммо халқ қаҳрамонларини қандай ёвуз ва бешавқат кучга қарши чиқаётганини унутмайди. Бундай кучни ундан ҳам зур ва қудратли куч, қалбига ватани ва халқи озодлигини жо этган қаҳрамонгина енгиши, тормор қилиши мумкин. Бош қаҳрамонларни гоят бақувват, қудратли, битта ўзи тоғда ариқ қавлаб, сув утказадиган, "минг-минг лашкарга қарши" турадиган, "туну кун меҳнат қиладиган", "қирқ кунлик масофани бир дамда босиб ўтадиган" образ сифатида гиперболик, бўрттириб тасвирлаш халқнинг ижтимоий, бадиий-эстетик идеалига мувофиқдир. Халқ бош қаҳрамонларига, уларнинг ватан ва халқ озодлиги учун олиб борган курашларига ўзининг

¹ И с л о м К а р и м о в, Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – про-
вара мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 80-бет.

² Булбул тароналари, Беш томлик, 5-том, Тошкент: Фан, 1979. 192-б.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари
ғоявий, маданий, эстетик қарашларини сингдиради. Таниқли адабиётшунос, ўзбек халқ эпосларининг билимдони Э.Каримов ёзади: “Том маънодаги эпоснинг (ёки эпик асарнинг) мазмун ва шаклини даврнинг умумий дунёқараши ва халқ руҳининг объектив ҳолати ташкил этади. Эпоснинг тасвир қўламига халқ онгининг ҳамма томонлари, инсон руҳининг барча қирралари, шунингдек халқнинг конкрет турмуши, унинг “сиёсий ва хонаки ҳасти” жалб этилади”¹.

Ватан ва халқ озодлиги ғоясининг ушбу этномаданий ва этноэстетик хусусиятлари мустақиллик йилларида шакланган миллий ғоя ва мафкурага ҳам кучган. Шунинг учун ҳам мутахассислар ватанпарварлик ғоясини аجدодларимизнинг тарихий жасоратлари, этномаданиятда, айниқса халқ китоблари, дostonлари ва қушиқларида яратилган образлар, тасвирлар, мотивлар, хуллас миллат вакилида, ёшларда миллий гурур, ватанпарварлик ҳиссини уйғотадиган ибратли сюжетлар, асарлар билан боғлаб талқин этадилар. Чунки халқ асарларига сингдирилган ижтимоий ғоялар бадиий, эстетик носиталар ёрдамида таъсирчан, эмоционал тасвирлар ярагани боис улар кишилар онгига, кайфиятига, муносабатларига тез ва самарали таъсир этади. “Утмишда она-Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги учун жонини фидо қилишга тайёр турган Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди каби шахслар булганлиги фактининг ўзигина кишиларда келажакка ишонч руҳини мустаҳкамлайди”. Ушбу назарий-фалсафий концепциядан келиб чиқиб мутахассислар миллий ғоя ва мафкурадаги ватанпарварликни:

- уз халқининг тарихини яхши билиш ва ундан гурурланиш;
- буюк аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни куз қорачигидек асраб, келгуси авлодларга етказиш;
- аждодлар урф-одат, расм-русум ва удумларини, меросини урганиб, унинг қадриятга айланган қисмини давом эттириш;
- давлатимиз келажаги, истиқлолнинг барқарорлиги, келажакнинг буюклигини чин дилдан ҳис этиш, шундай келажакни

¹ Адабиёт назарияси. 2-том. Адабий-тарихий жараён. Тошкент: Фан, 1979. 192-бет.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Олин таълим муассасалари учун қўланма). Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. 152–153 бетлар.

барпо этишга астойдил кумаклашиш каби юзлаб фазилатларни англагани¹, деб курсатадилар.

Этномаданият ўзбек миллий маданиятининг узаги, ядросидир. Ўзбек миллий маданияти ушбу узак, ядро асосида шаклланган. Шундай экан, ўзбек этномаданияти ва ундаги фундаментал аҳамиятга эга гоёлар, қадриятлар, қарашлар бугунги миллий гоё ва мафкуранинг ҳам асосидир. Шунинг учун бутунги миллий гоё ва мафкурадаги фундаментал қадриятларни, концептуал қарашларни этномаданиятдан, этномаданий ва этноэстетик меросдан излаш керак.

“Инсон ҳамيشа ўз ҳаётий фаолияти, жамият, давлат, атрофдагиларга муносабатда муайян гоёга эҳтиёж сезади. Бинобарин, инсон ўз эҳтиёжлари талабига жавоб берадиган гоёни қабул қилади. Аммо шунини таъкидлаш жоизки, бу гоёлар жамиятда қарор топган ахлоқий, сиёсий, бадий, эстетик меъёрлардан ташқари була олмайд. Гоё инсоннинг яшаш ва ривожланишига хизмат қилиши учун, энг аввало, ўз субъекти, истеъмомчиси бўлган халқ, миллат манфаатларини ифодалаши, унинг ахлоқий эҳтиёжларини ўзида акс эттириши зарур². Бу уринда гап ўзбек халқига хос, унинг этномаданиятидан чуқур жой олган ахлоқий-маънавий мерос, қадриятлар устида кетмоқда. Шунинг учун ҳам муаллиф миллий гоё ва мафкуранинг бош мақсади жамият ва инсоннинг ахлоқий-маънавий эҳтиёжларини қондиришдадир³, деб курсатади.

Ўзбек этномаданиятида ахлоқий-маънавий қадриятлар, уларни шакллантириш масалалари ҳар доим диққат марказида турган. Эзгулик билан ёвузлик, улутворлик билан тубанлик, олижаноблик билан пасткашлик, нафислик билан дағаллик каби амбивалент, антогонистик ҳодисалар ўртасидаги курашда халқ идеалини ифода этган юксак ахлоқий-маънавий фазилатлар устун, голиб келган. Ёвузлик, тубанлик, пасткашлик, дағаллик каби гайриاخлоқий ҳодисаларнинг, фазилатларнинг тантанэ қилгани халқ ижоди ва санъатида деярли учрамайди. Тугри, баъзи эпизодларда улар юксак ахлоқий-маънавий фазилатлардан устун келади, ижобий, бош қаҳрамонларни гам-гуссага солади, хавф-хатарга, жохиллик, бедиллик каби тусиқларга дучор этади, аммо халқ қаҳрамони

¹ Уша асар. 153-бет.

² Бойтемирова З. Ахлоқий эҳтиёжлар. Тошкент: Фан, 2007. 95-бет.

³ Уша асар. 38-бет.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари
уларни олижаноб ва гузал мақсадлари, хатти-ҳаракатлари орқали
енгиб ўтади.

Ахлоқий-маънавий меъёрлар билан тасвирланган асарлар гузал
ва инсонийдир. Ушбу меъёрлардан чекинган ғоялар гузалликка
ҳам, инсон камолотига ҳам эйдир. Биз ўзбек халқ қушиқларида
беҳаёликни, очиқ эротик мотив ва ҳаракатларни, бошқа этнос
вакилининг миллий, инсоний шаънини камситувчи даъватларни
учратмаймиз. Ишқ, севги, аёл билан эркак ўртасидаги интим
алоқалар ҳам бадий ниқоб, парда, "эзоп тили"да берилади. Ўзбек
халқ китоблари, эртак ва достонларида ҳам Апулей ёки Баккочо
тасвирлаган очиқ эротик тасвирларни кўрмаймиз. Ҳатто бойлар,
зулмкорлар ва аъмоллар устидан тинмай кулган, уларни беаёв мазах
қилган Афанди, Бирбала, Алдар кўса латифаларида ҳам ахлоқий-
маънавий меъёрлар сақланади. Улардаги бадий тасвирлар, тил,
иборалар ушбу меъёрларга бўйсунди. Халқимизнинг анъанавий
нақш санъатида, миниатюралар ва китобларни безатишида
бадий-эстетик дидни булғовчи, ахлоқий-маънавий қадриятларни
менсимовчи сюрреализм, кубизм таъсирида яратилган тасвирлар
йўқ. Бу ўринда гап сюрреализм ва кубизмнинг кейинги, XX асрда
пайдо бўлгани устида эмас, балки шундай гайриэстетик қарашлар
таъсирининг ўзбек халқ тасвирий санъатида учрамаслиги устида
кетмоқда. Ҳуммас, инсоннинг барча хатти-ҳаракатлари ахлоқий-
маънавий меъёрлар билан ўлчангани учун ўзбек этномаданиятига
тааллуқли халқ ижоди ва санъатида ҳам уларга бўйсундиш қарор
топган. Ғоядаги ахлоқсизлик эса шахс тафаккури, инсоний
принципларга ўта салбий таъсир кўрсатади, инсонни шахс
сифатида таназзулга етаклайди. Бундай шахслар жамият ва
одамларга муносабатда яккаланиб қолади, иккиюзламачилик
қилишга ўрганади. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғояси ва
уни кишилар онги ҳамда қалбига синдириб бориш устувор вазифа
қилиб қўйилган¹. Мазкур вазифани бажаришда эса миллий ғоя ва
мафкура ўзбек этномаданияти ва этноэстетик меросидаги гузал,
улуғвор, инсонпарвар қадриятларга таянади.

Ватан равнақи учун хизмат қилиш, ўз манфаатларини ватан,
халқ манфаатларига бўйсундириш уйи, фикри билан яшаган
қаҳрамонларнинг образини яратиш ўзбек халқ ижоди ва санъатида
устувор мавзулар ва бадий услублардан биридир. Эл-юрт
фаровонлигини таъминлаш мақсадида меҳнат қилиш, моддий

¹ Уша асар. 99-бет.

неъматлар яратиш, фарзандларини ҳам меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш каби мавзулар ўзбек халқи анъаналари, ижод намуналари, байраму томошалари, мақол ва маталларидан кенг урин олган. Масалан, ўзбек халқ эртаги “Зумрад ва Қиммат”даги Зумрадни утай онаси “уриб, қаргаб эртадан кечгача ишлатаркан, бечорага бирпас ҳам тинчлик бермас экан”. Қиммат эса унинг акси “ишёқмас, инжик ва димоғдор қиз экан”. Сеҳргар кампир меҳнаткашлиги, одоблилиги учун Зумрадга қимматбахо моллар солинган қизил сандиқ, дангаса, курс Қимматга эса иккита аждар илон солинган оқ сандиқ берибди. Аждар илонлар утай она ва Қимматни еб қуйибди¹. Бу уринда биз эртақчи томонидан меҳнаткашлик, одоблилик улуғланганини кураимиз. “Уч оғайни ботирлар” эртагида эса ота уғилларига насиҳат қилади: “Тутри бўлинг – беҳанотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг – хижолат тортмайсиз. Дангасалик қилманг – бахтсиз бўлмайсиз”². Ота-инилар отасининг панд-насиҳатига амал қиладилар, бу эса уларнинг обрўсини оширади, бахт-саодат ва фаровонликка элтади. Подшоҳ уларга қизини беради ва саройда олиб қолмоқчи бўлади. Йигитлар: “Биз сарой кишиси бўлолмаймиз. Биз меҳнат билан, касб-ҳунар билан яшаймиз”³, деб жаноб берадилар ва уз юртига, отасининг олдига кетадилар.

Шунга яқин сюжет ва тасвирларни ўзбек халқининг “Тулки макри”, “Донишманд чупон”, “Ур, тукмоқ”, “Муқбил тошотар”, “Эгри ва туғри” каби эртақларида, маросим ва меҳнат қушиқларида ҳам кураимиз. Меҳнат қушиқларини эса ёшларни меҳнатсеварликка, эл-юртга хизмат қилиб яшашга ундовчи асарлар туплами дейиш мумкин⁴. Албатта, меҳнатни улуғламайдиган халқ йўқ. Айнан меҳнат ҳаётни фаровон қилиши, ватан, эл равнақининг асоси эканини барча халқ билади. Аммо меҳнат ўзбек халқида эътиқод, умр мағзи, олий бахт-саодат даражасида тараннум этилади. Шунинг учун ўзбек этномаданиятида меҳнат мавзуси алоҳида меҳр, энг гузал қушиқ, куй, бадий-эстетик маҳорат билан ёритилади. Меҳнат қилиб яшаш халқимиздаги энг олижаноб, улуғвор фазилатдир. У ҳеч қандай меҳнатдан хазар қилмайди, қочмайди, чунки у “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш булар чиройлик” деган мақолга монанд яшайди.

¹ Ўзбек халқ эртақлари. Тошкент: DAVR-PRESS, 2009. 4–9-бетлар.

² Уша асар. 10-бет.

³ Уша асар. 24-бет.

⁴ Қаранг: Бойчечак // Болалар фольклори. Меҳнат қушиқлари. Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.

“Миллий ғоя, – деб ёзади академик Э.Юсупов, – этник илдизлари, тарихи, маданияти, она юрти, эътиқоди, маънавияти, иқтисодий ҳаёти, кадриятлари, анъана ва урф-одатлари бир бўлган, қондош, жондош кишиларни муайян мақсадлар ва манфаатлар йулида бирлаштириб, фаолиятини муштараклаштириб, йуналтириб турувчи рухий омилдир”¹. Миллий ғоянинг бирлаштирувчи, этнослар ва элатларни аниқ, стратегик мақсадларга йуналтирувчи хусусияти этномаданиятдаги интеграцияда, умумийлик ва муштаракликларда уз аксини топган. Ҳозирда қулланиладиган “Туркистон – умумий уйимиз” ғояси мазкур этномаданиятлар интеграциясидан, улардаги умумийлик ва муштаракликлардан келиб чиқади.

Халқлар уртасидаги дўстликни, иттифоқни, узаро ҳамкорликни куйлаш ўзбек этномаданиятига хос хусусиятлардандир. Аслида, ўзбек этномаданиятининг генезиси, шу жумладан этногенез ҳам, кенг миқёсдаги интеграцияга, маданиятлардаги инновацияларни қабул қилиб, ўзлаштириб ривожланишга мойил эканини кўрсатади. Бутун ўзбек халқи тарихи, этномаданий ривожланиш босқичлари кенг интеграцион элоқалар маҳсулидир. Ўзбек халқи ва унинг этномаданияти ҳатто юртига бостириб келган босқинчилар (масалан, араб истилочилари, Чор Россияси босқини)даги прогрессив, этник ривожланишига ёрдам берадиган нарсаларни, фаолият турларини ўрганишдан, ўзлаштиришдан хазар қилмаган. Халқимиз менталитети ва маънавий-руҳий оламига сингган ушбу фазилат унинг этномаданиятида акс этмаслиги мумкин эмас эди². Масалан, ўзбек халқ безак (амалий) санъатини маҳсус тадқиқ қилган мутахассислар Хоразм ганч уймакорлиги, айниқса, машҳур халқ санъати устаси, академик уста Ширин Муродов амалий санъати мактаби таъсири бутун Урта Осиё халқлари маданиятида кўзга ташланишини, купгина расм, чизги ва геометрик нақш композициялари такрорланишини қайд этдилар³. Амалий санъат сирларидан яхши хабардор,

¹ Ю с у п о в Э. Миллий ғоя ва мафкура: моҳияти, ижтимоии-тарихии илдизлари, аҳамияти. Чимкент, 2001. 37-бет.

² Қаранг: Н и ш а н о в М. Н. Обновление духовной жизни наций. Ташкент: Фан, 1992. С. 80–86; С а р а л а е в У. К. Международное общение: теория и практика. Ташкент: Мехнат, 1999. С. 6–9.

³ Қаранг: Б у л а т о в С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент: Мехнат, 1991. 24–31-бетлар; А з и м о в И. Ўзбекистон нақшу нигорлари.

ганч уймакорлигини пухта эгаллаган халқ усталари Урта Осиёнинг катта шаҳарларида, айниқса бадавлат оилаларда меҳнат қилганлар, уларнинг уй ва меҳмонхоналарини бадий безатганлар. Мазкур анъана Урта Осиё маданиятида умумий бадий стилини, эстетик дидни шакллантирмаслиги мумкин эмас эди, албатта. Ушбу интеграцион алоқаларни, муштаракликларни сақлаш ва ривожлантириш ҳозир миллий ғоя ва мафкура олдига вазифа қилиб қўйилган.

Ўзбек этномаданий ва этноэстетик меросида инсон, унинг гузал, олижаноб фазилатлари, уз жондошларига, бошқаларга меҳр-муҳаббат тула муносабатларини, эркини тасвирлашга алоҳида эътибор берилади. Инсон, унинг гузал ва олижаноб маънавияти, ички дунёси халқ ижоди ва санъати субъектларининг диққатидан, эътиборидан четда қолмаган. Комил инсонни куриш, маънавий баркамол авлодни шакллантириш ўзбек этномаданиятидаги бош мақсад эди. Чунки, "Комил инсон гоёси – ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.

Бу гоё нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавий ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган"¹.

Комиллик – етиш қийин, деярли мумкин бўлмаган идеалдир. Лекин халқимиз қалбида, уйда ушбу идеалга интилиш барқ урган. Халқ китоблари, дostonлари моҳиятига, ҳатто амалий санъатларидаги чизиқлар, композициялар, ранглар жилоси ва уйғунлигига диққат билан назар солсак, уларда маънавий-руҳий комилликка, етукликка интилиш мавжудлигига иқроп буламиз. Қўқонлик Уста Фозил яратган лаган, кумгон, чойнак ва улардаги жимжимадор, киши ақлини лол қолдирадиган нақшларни комилликка интилиш демай бўлмайди. Халқимизнинг амалий санъат усталарининг гириҳ, хандасий нақш, кундал, пештоқ нақшлари, том безаклари, Қўқон, Тошкент нақш мактаблари яратган, миллий архитектурани шакллантирган композициялари

Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 6–9-бетлар;
Боситхонов З. Ганчкорлик санъати. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 20–24-бетлар.

¹ Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 56-бет.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари
нафақат бетакрорлиги, шунингдек ўта мураккаб ва мукамаллиги билан ҳам фахр уйғотади¹.

Халқ мусиқа санъати инсонни кундалик ташвишлардан халос этадиган, унинг руҳини кутарадиган, ҳатто етуклик, мукамалликка етказадиган соҳа ҳисобланган. Суфийлардан ал-Ғаззолий: "Мусиқа воситаси юксак Ҳақиқатга бўлган интилишни руёбга чиқаради"², деб билган. Мусиқа санъатидаги жозоба, оҳанглар мафтункорлиги, руҳни чулғаб инсонни реал мавжудликдан йироқлаштириши, унинг дилини юксак туйғулар билан тўлдириши мусиқани мукамалликка, комилликка элтувчи ижод тури деб қаралишига олиб келган. Мусиқа санъатидаги ушбу кучни, имконни миллий ғоя ва мафкура унутиши мумкин эмас эди, албатта.

Этномаданият ва этноэстетик меросда қаҳрамонларнинг қайси миллатга мансублиги ниҳоятда кам, онда-сонда тилга олинади. Халқ ижоди ва санъати учун инсон, унинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, гузал хулқи муҳимдир. Ушбу умуминсоний ёндашув халқ ижоди ва санъатидаги этник, миллий белгиларни рад этмайди, балки уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашувини билдиради. Халқ қаҳрамонларининг ҳеч бири ўзининг этник келиб чиқишини бошқаларнинг этник хусусиятларидан устун қўймайди, этноцентрик кайфиятга берилмайди, национализм ғоясини тарғиб этмайди. Улар учун этник мансублик Ватанга, халққа хизмат қилиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя этишдир. Бу халқ ижоди ва санъатининг умуминсоний мақсадларидан келиб чиққанини, унинг генезисда инсонни улутлаш, уни ижодкор, яратувчи субъектга айлантириш мақсади ётганини билдиради.

Ўзбек этномаданиятининг идеогенези (эстетик қарашларининг келиб чиқиши, негизи) тор, синфий ёки айрим гуруҳлар ғояларини, манфаатлари ва қизиқишларини қўллаб-қувватлашга қаратилмаган. Синфийлик, окимпарастлик, ҳатто ўз қарашларини догма даражасига кўтариб бошқа этносларни, элатларни уни қабул қилишга мажбурлаш унга ётдир. Ўзбек халқи ҳам, унинг

¹ Қаранг: А п у х т и н О. К. Бадлий нақш мактаби. Тошкент: Ўқитувчи, 1969; Р е м п е л ь А. И. Далекое и близкое. Ташкент: Изд. лит. и искусство им. Г.Ғуляма, 1981; Народное искусство Узбекистана, Ташкент: Изд. лит. и искусство им. Г.Ғуляма, 1979; К е р и м о в Х. Усто Қодир. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980; Қ о с и м о в К. Наққошлик. Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

² Қаранг: К у р б а н м а м е д о в А. Эстетическая доктрина суфизма. Душанбе: Дониш, 1987. С. 52.

этномаданияти ҳам бошқа халқларни ассимиляциялашга интилмаган, бошқа этномаданиятларга ўзининг меросини, қадриятларини, тушунчаларини зурлаб киритмаган. Унга хос толерантлик турли бадий-эстетик методлар ва тасвирлардан эркин фойдаланиш имконини берган. Шунинг учун ўзбек этномаданий ва этноэстетик меросида юнон, эрон, араб, мугул, рус маданиятларига хос мотивлар, сюжетлар, услублар, иборалар ва композициялар учрайди. Шу билан бирга идеогенезга дуч келган мавзулар ва тасвирий услублар кираверган деб ҳам бўлмайди. Халқ ўзлаштираётган моддий ва маънавий бойликларни, бадий, эстетик тажрибаларни ўзининг тарихий-маданий парадигмасидан, гоаявий ва маънавий қадриятлари синтезидан утказган. Бу ўзбек этномаданиятига ёт, бузгунчи, гайримиллий қарашларнинг, даъват ва тажрибаларнинг кириб қолишига йўл бермаган. Демак, биз ҳозир назарда тутаётган гоаявий иммунитет этномаданиятимиздаги анъаналарнинг, тажрибаларнинг тадрижий давомидир.

Ўзбек этномаданияти тарбия, таълим, ёшларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган этнопедагогик гоаяларга бой. Нафақат халқ ижоди ва санъатига оид асарлар, шунингдек буюк алломаларимиз, суфий-мутафаккирларимиз, шоиру мураббийларимиз, хуллас уз халқининг, фарзандларининг истиқболни ўйлаган барча аждодларимиз ҳам этнопедагогик меросга ўз ҳиссасини қушган. Шу боис улкамизда этнопедагогик мероснинг ранг-баранглиги, ута бойлиги, маданий-маърифий гоаяларга тўлаллиги кузга ташланади. "Тарихий манбалардан маълумки, Марказий Осиё ҳудудидаги мадраса ва масжидларда, эски усулдаги мактабларда диний таълим-тарбия етакчи уринни эгаллаган. Қуръони карим, Мухаммад алайҳиссалом ҳадислари пухта ўргатилаган, миллий одоб-ахлоқ қарашларини ўз ичига олган, миллий тарбия масалаларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўрганишга бевосита ёрдам берадиган диний йўсиндаги асарлардан сабоқ берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Инсон, айниқса, ёш бола юксак ахлоқ ва одоб мезонини билмай ва уни пухта эгалламай туриб, бошқа илмларни эгаллаши қийин. Бу асрлар давомида ота-боболаримиз томонидан қанча-қанча тажрибалар асосида синалган ҳақиқатдир"¹. Ҳар қандай гоая, шу жумладан миллий гоая ва мафкура ҳам, тарбиявий, тарғибий тадбирларга мухтождир. Шунинг учун этномаданиятимиздаги

¹ Ўзбек педагогикаси антологияси. Тошкент: Уқитувчи. 1995. 8-бет.

1-боб. Этномаданиятнинг назарий-фалсафий, миллий-ғоявий масалалари

улкан этнопедагогик бойликлардан, тажрибалар, ибратли ҳикоялар, пандномалардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки узбек этнопедагогикаси “аждоод-авлодларнинг ахлоқий, маърифий шаклланиши ва камолотида, жисмоний баркамоллигида ҳал қилувчи роль уйнади. Оддий инсонларми ёхуд буюк алломалар, шунчаки фуқароми ва ё юрт султонлари, кичик суворийми ёки улуг саркардами барибир халқ томонидан яратилган, амалда бўлган халқона тарбия анъаналарига тўла амал қилган, унга суянган, таянган ҳолда яшаса, фаолият кўрсатса кам бўлмаган, эл-юрт назарига тушган, оққишига сазовор бўлган”¹. Узбек этнопедагогикасининг яшовчанлиги, аҳамияти “биринчидан, унинг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги, серқирра, сермаънолигида бўлса, иккинчидан, унинг бевосита халқ томонидан мавжуд ҳаёт жараёнида жонли анъаналарда яратилиши, яшаши, ҳаёт, инсон муаммоларини қамраб олиши, тарбиянинг энг долзарб масалалари ечимини ҳал этишга қаратилгани, учинчидан, умуминсоний йўналишга, умумбашарий ғоя-мақсадларга қаратилган бўлганлигидир... Зеро, халқ орзу-умиди, қувонч-ташвишлари, гам-гуссаю армонлари, шодлик, бахтиёрлик онларию қадр-қимматлари, маънавий-маърифий, бадий-эстетик қарашлари, дунёқараши, фалсафий-ахлоқий тушунчалари, ҳаётий, таълим-тарбиявий хулосалари халқ педагогикасида зухр этилади”².

Халқ педагогикаси этноэстетик воситаларга бой. Масалан, тез айтиш кишида нутқ маданиятини, бурро талаффуз қилиш кўникмасини, топишмоқ зукколик, топқирлик ва ҳозиржавобликни шакллантиради, мақоллар халқ ҳикматидаги сермаънолик ва донишмандликни қадрлашга, алла қушиқлари куй тинглашга, қугирчоқ уйнаш кийиниш маданиятига, латифалар лақмалик, гуллик ва бад қилиқлар, хатти-ҳаракатлар устидан кулишга, масхарабозлик, халқ томошалари эса завқ олиш ва ҳордик чиқаришга ургатади. Кўриниб турибдики, этнопедагогика бадий-эстетик воситалардан, усул ва тасвирлардан фойдаланибгина этномаданиятдан жой олади. Бу эса унинг миллий-ғоявий тарбиядаги урнини ҳам белгилайди.

¹ Ушш асар. 14-бет.

² Ушш жойда.

2-БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ВА САНЪАТИНИНГ ЭТНОЭСТЕТИК МОХИЯТИ

2.1. Халқ ижоди ва санъатида борлиқни бадий-эстетик англаш

Буюк ижодкор ва санъаткорларнинг борлиқни бадий-эстетик англаш услуби борасида жуда кўплаб тадқиқотлар ўтказилган, кузатув натижалари ва мемуарлар чоп этилган. Бироқ халқ ижоди ва санъатида борлиқни бадий-эстетик англаш борасида эса деярли ҳеч қандай илмий кузатиш, изланиш ўтказилмаган. Буни бадий-эстетик манбанинг, тадқиқот объектининг етарли эмаслиги ёки урганилмаганлиги билан эмас, балки халқ ижоди ва санъати субъекти (халқ)нинг изланишларини, кечинма ва фантазияларини бевосита кузатишнинг имкони йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунинг учун ҳам субъектнинг ҳаётий-эстетик позициясини, бадий тояларини ижодкорнинг ўзи ёки ҳамкасблари, ҳаммаслаклари билдирган фикрлари орқали таҳлил қилиш, урганиш анъанаси мавжуд. Лекин бундай ёндашишни ҳар доим ҳам халқ ижоди ва санъатида борлиқни бадий-эстетик англаш жараёнларини объектив урганишга, билишга тадбиқ қилиб бўлмайди.

Айрим ижодкорга хос бўлган аффектлар, эмоцияларга берилиш, катарсис ҳолатида ижод қилиш, бадий образлар, тасвирлар яратиш, бетакрор услублар топиш каби индивидуал ижодий хусусиятларни халқ ижоди ва санъатида бевосита кузатиш имкони деярли йўқ. Масалан, "Авазхон" ёки "Лайли ва Мажнун" достонини яратишга илк бор ким, қандай субъект қўл урган, журъат этган? Ушбу субъект Авазхон ёки Мажнун образини қаердан олган, уларнинг ҳаётий, ишқий саргузаштларини тасвирлашда қандай аффектларни, эмоциялар ва кечинмаларни қалбидан кечирган? Достонлар субъект онгида илк бор қандай шаклда, гоё тарзида пайдо бўлган ва субъект ушбу шакл, гоёдан бирини танлашда нимага асосланган? Реал борлиқтаги жараёилар,

тарихий воқеалар, объектларнинг хусусиятлари дostonларда қандай акс эттирилган? Индивидуал ижод маҳсулининг коллектив ижод маҳсулига, яъни халқ ижоди ва санъатига айланиши қандай кечган, руй берган?

Куриниб турибдики, муаммога оид саволлар куп, уларга тулик жавоб топиш қийин, ҳатто мумкин эмас. Айниқса халқ ижоди ва санъатининг генезиси ақлимиз, идрокимиз ва имкониятларимиз бориб етмайдиган узок, мавҳум, аниқланиши даргумон даврларга бориб тақалишини эсласак, бу борадаги ҳар қандай изланиш гипотетик хусусият касб этишига иқрор буламиз. Лекин инсон психологияси, маънавий-рухий ҳаёти, бадий-эстетик фаолиятини урганишга бағишланган илмий тадқиқотлар халқ ижоди ва санъатининг субъектини, ижодий изланишларининг энг муҳим хусусиятларини, эмоционал кечинмалари ва гоаявий позициясининг шаклланишини англаш имконини беради. Бунинг учун энг аввало тадқиқотчини нотугри йулга бошловчи, халқ ижоди ва санъатининг объектив борлиқдан келиб чиқишини рад этувчи эстетик сепаратизм ("санъат санъат учун" деган қараш)дан воз кечишга тугри келади.

"Санъат асарлари, – деб ёзади фалсафа фанлари доктори, профессор Т.Маҳмудов, – миллат бадий тафаккурининг ўзига хос хусусиятлари ва маънавий ўсишини акс эттирувчи ойнадир. Ҳар бир халқ маданий тараққиёти погоналарига кутарилаётганида санъат асарларида ўзининг дунёқарашини ифода этади. Халқнинг маданий меросида унинг маиший ҳаёти ва ахлоқи, типлари ва характерлари, маънавий-эстетик идеаллари ифодаланади. Мазкур барча миллий хусусият ва белгилар ижтимоий ва жугрофий муҳит билан биргаликда санъат асарларига миллийлик беради"¹. Ушбу методологик аҳамиятга эга булган хулоса-фикрни халқ ижоди ва санъатига тадбиқ этса булади. Шунини алоҳида таъкидлашимиз керакки, халқ ижоди ва санъатини халқнинг иқтисодий ҳаёти ва табиий омиллар таъсиридан келтириб чиқариш билан чекланиб булмайди. Бундай ёндашувда, – деб уқтиради Т.Маҳмудов, – "қирғил миллий санъатини чўпонлар ҳаёти ва маиший турмушидан, ўзбеклар миллий санъатини пахтакорлардан келтириб чиқариш зарур булиб қолади"².

¹ Маҳмудов Т. Эстетика и духовные ценности. Ташкент: Шарқ, 1993. С. 210.

² Уша асар. 211-бет.

Миллий ўзига хосликни фақат санъат асарларининг ўзидан излаш ҳам бир томонлама ёндашувдир. Ушбу камчиликларни кўрсатар экан, Т.Маҳмудов санъат асарларидаги миллийликни юқоридаги омилларни ижтимоий борлиқ, объектив ҳаёт билан уйғунлаштириб, уларнинг уюшган синтезидан ўтказиш зарур, деб ҳисоблайди. У ёзади: "Санъатдаги миллий ўзига хослик турли хусусиятларни эклектик тарзда бирлаштириш, халқнинг айрим маънавий белгиларини ажратиб тасвирлашидан эмас, балки у ижодкорнинг объект билан ўзаро алоқаларидан, асарнинг гоёвий ва эстетик гармониясидан келиб чиқади"¹. Хуллас, ижтимоий ҳаёт, борлиқдаги ранг-баранглик, объектларнинг динамик ҳолати, муносабатларнинг хусусиятлари, эйдиятли кечишлари каби омиллар ижодкорнинг бадиий-эстетик изланишлари, гоёлари, тасвир услуби билан уйғунлашувини талаб этади. Бу ўринда, агар мавзудан келиб чиқсак, борлиқ – халқ ижоди ва санъати субъекти – бадиий-эстетик изланишлар – асар – томошабия бешлик тизими юзага келади.

Борлиқ инсонни ураб турган табиий ва сунъий яратилган тизимдир. Уни субъектдан фарқлаш учун "объект" деб ҳам аташади. Объект (борлиқ)даги муҳим жиҳат ундаги билиш мумкин кичатлардир². Аннан билиш жараёни субъектнинг объектга бўлган муносабатларининг моҳиятини ташкил этади. Инсон, субъект шу захотиёқ борлиқни, объектни ўзгартиришга, ўз мақсади ва эҳтиёжларига бўйсундиришга интилмайдди. У, аявало кузатади, ўрганади, бирор фикрга келади, мақсадига етиш технологиясини ишлаб чиқади, қуроллар топади. Бу, аслида билиш жараёнидир.

Халқ ижоди ва санъатида ушбу билиш жараёни:

- борлиқнинг объектив тасвирида;
- объектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ифодалашда;
- объектларнинг жонли қиёфасини, бадиий-эстетик образини яратишда;
- субъектнинг ижодкор сифатидаги мақсадида, ушбу мақсаднинг рационал ёки иррационал, социал ёки асоциал ёндашишлар орқали акс эттиришида намоён бўлади.

Борлиқни объектив тасвирлаш халқ ижоди ва санъатига оид

¹ Уша асар. 214-бет.

² Қаранг: Коршунов А. М. Диалектика субъекта и объекта в познание. Лекции. М.: Изд. МГУ, 1982. С. 5.

асарни қайси улкада, юрtda яратилганини, уша улка, юртнинг табиатини, табиий манзарасини, жугрофий белгиларини, иқлимини билишга ёрдам беради. Масалан, "Алпомиш"даги жугрофий тасвирлар, номлар достондаги воқеалар Бойсун, яъни Сурхон воҳаси билан боғлиқлигини, "Гуругли"даги табиат ва жугрофий жойлар Чамбил эли билан боғлиқлигини кўрсатади. Нафақат мутахассислар, шунингдек халқ амалий санъатидан оз-моз хабардор томошалар-реципиентлар Фарғона ганчкорлиги, нақш мактаби билан Хоразм ёки Қорақалпоқ нақш мактаби, ганчкорлиги бир-биридан фарқланишини илғайди. Хуллас, бундай локал-этнографик, этноэстетик белгилар халқ усталарининг, ижодкорларининг борлиқни объектив тасвирлашга интилиши орқали шаклланган. Туғри, халқ ижоди ва санъатининг барча шакллари, турларидан ҳам бундай объектив тасвирларни топиш қийин, лекин улардаги тил, ибора, ранг танлаш, композиция яратиш, номлар каби этнографик ва этноэстетик белгилардан субъектнинг борлиққа муносабатини аниқласа бўлади.

Тасвир объектларига халқлар, кишилар, гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаёт тарзи, турмуши ҳам киради. Бундай муносабатларни тасвирлаш кўпроқ халқ оғзаки ижоди, халқ томошалари ва байрамлари, халқ китоблари, достонлари ва эртакларида учрайди. Халқлар, кишилар уртасидаги муносабатлар ижтимоий характерга эга, шунинг учун ҳам улар ижтимоий муносабатлар дейилади. Халқ ижоди ва санъатида ушбу ижтимоий муносабатлар, уларнинг тарихий кўриниши ва моҳияти қаҳрамонларнинг аниқ хатти-ҳаракатлари орқали тасвирланади. Халқ оғзаки ижоди ва санъатида ушбу муносабатлар таҳлил қилинмайди, уларга сиёсий баҳо берилмайди, улар бадий-эстетик воситалар билан ифода этилади, холос. Таҳлил қилиш, хулоса чиқариш илмий-ижодий изланишларга хосдир. Шунинг учун ҳам фалсафа фанлари номзоди У.У.Хасанов ўзбек халқ ижодида асосан ижтимоий-фалсафий ва эстетик гоялар, тасвирлар етакчилик қилади, халқнинг "олтин давр" ҳақидаги орзу умидлари ҳам бадий-эстетик тасвир талабларига мувофиқ ифодаланади, деган хулосага келади¹.

Объектлар жонли қиёфада тасвирланганида бадий-эстетик

¹ Қаранг: Х а с а н о в У. У. Устное народное творчество как источник общественно-философских идей. Автореф. дисс... канд. филос. наук. Ташкент: 1996. С. 10–11.

моҳият касб этади. Илмий билиш объектни статик ҳолатда урганиши мумкин, халқ ҳаёти эса динамик хусусиятга эга, образлар эса ўзининг жонли мавжудот, ён-атрофга фаол муносабат билдирадиган объектлар сифатида тасвирлашни тақозо қилади. Халқ ижоди ва санъатидаги деярли барча образ (объект)лар гоҳ гузал гоҳ хунук, гоҳ эзгу ниятли гоҳ бадуйли, шум фикр тасвирланади. Халқ оғзаки ижодининг содда, очик муносабати, сузлари реципиентни гоҳо алдаб қўяди. Ўзбек халқ эртаклари тили содда, тушунарли, суз бойлиги юқори эмас, аммо бундан қаҳрамонлар ҳеч қандай ички руҳий кечинмаларни ҳис қилмайди, аффеқтларга берилмайди, уларнинг барча хатти-ҳаракатлари механистик, деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳатто, “Зумрад ва Қиммат” эртагидаги Зумрадининг суз бойлиги кўринмайди, бироқ унинг урмонда якка қолдирилиш эпизоди ўқувчида душманликка, ноҳақликка, бедилликка нафрат уйғотади. Ҳатто халқ қўшиқлари, аллалар, айтишувларда шу ҳол кузатилади. Аммо халқ ҳажвиячилиги, латифалар, халқ китобларида ибратали ҳикоялар тили, бадий тасвири билан ҳар қандай шоир, ёзувчига дарс бўла олади. Қандай бўлмасин ҳаётни, образларнинг хатти-ҳаракатларини жонли тасвирлаш нафақат бадий услуб, шу билан бирга субъектларнинг ҳаётни, борлиқни бор мураккабликлари, зиддиятлари билан билишга интилишидир.

Халқ ижоди ва санъати субъекти – халқ устаси, баҳши-шоир, масҳарабоз, қўшиқчи ёки куйчи, раққоса борлиққа шунчаки тақлид қилмайди, табиатдаги рангларни, гузалликни асарларига айнан кучирмайди. Ҳа, аввалига ижодкор гузалликнинг борлиқда мавжудлигини бевосита билиши, англаши лозим. Мазкур табиат эстетикаси субъектни маълум бир фалсафий мушоҳадаларга ундайди¹. Бироқ ижодкор ушбу таассурот ва мушоҳадалар билан чекланиб қолмайди, у табиат маълум сабабларга кўра, ниҳоясига етказолмаган, яқунлай олмаган гузалликни ниҳоясига етказишга, яқунлашга интилади². Шу тариқа бадий-эстетик ижод бошланади, санъат асарлари яратилади.

Субъект узини қизиқтирган ёки диққатини тортган воқеа-ҳодисаларга эътиборини қаратганида: биринчидан, уларни тула илғаб, қамраб ололмаслигини билмайди, бу ҳақда уйлаб утирмайди, иккинчидан, ушбу воқеа-ҳодисаларга у эмоционал муносабат

¹ С о л о в ъ в В. С. Философия искусства и литературная критика. М.: Искусство, 1991. С.33.

² Уша асар. 74-бет.

билдиради ва аффектив кечинмаларига эргашади, учинчидан, узининг бадий-эстетик тажрибасига, услубига таянади. Ҳатто эпик дostonлар ижодкорлари ҳам, асарда воқеа-ҳодисаларни бутунлигича тасвирлаш имкони бўлса-да, борлиқ муаммоларидан бирини ёки бир нечасини, тушунарлисини, оммавийини, тасвирлар тизимини, сюжетлар яхлитлигини, асар композициясини ушбу саноқли, содда, тушунарли муаммоларга қуради. Масалан, “Алпомиш” достони композицияси ака-укаларнинг бир-биридан аразлаши, бош қаҳрамонларнинг муҳаббат борасидаги саргузаштларига, “Баҳром ва Гуландом” достони Хисрав шoҳнинг қариганда фарзанд қуриши ва Баҳромнинг Гуландомни излаб кетишига, “Фарҳод ва Ширин” достони ҳам айнан шундай сюжетларга қурилган. Қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларининг линияси, йуналиши, ҳатто бадий-эстетик маконда кезиши ҳам муаллифлари аниқ (Гомер, Эсхил, Шекспир, Жойс) асарлардагидек кенг, мураккаб эмас. Содаллик, тушунарлик, оммавийлик халқ ижоди ва санъатига хос хислатдир. Бу ўринда “оммавийлик” деганда халқ дostonларини дуч келган одам куйлайверади ёки қандакорлик, ёғоч уймакорлиги, ганчкорлик, сопол-чинничилик, бастакорлик, дорвозчилик билан дуч келган шахс шуғулланангеради деган маънони аниқлаш мумкин. Ушбу халқ амалий санъати турлари алоҳида қобилиятни, бадий-эстетик дидни талаб этади. Биз оммавийлик юқоридаги ижод ва санъат турларининг кўпчилигига, оммага тушунарли, уларнинг бадий-эстетик диди ва идеалига яқин эканлигини назарда тутамиз.

Борлиқнинг бадий-эстетик онгга, ижод ва санъат асарларини яратиш жараёнларига таъсири масалалари мудом қизиқит, гоҳо кескин баҳс, тортишувлар уйғотиб келган. Борлиқни бадий-эстетик аниқлашда, юқоридаги бешлик тизимга мувофиқ, борлиқ биринчи ўринда туради. Бу бадий-эстетик изланишлар, ижод маҳсули – асар, томошабин (реципиент)нинг реакцияси, муносабати асосида борлиқ, объектив ҳаёт ётади, демакдир. В.С. Соловьев гузалликни, бадий-эстетик идрокни Аристотель кетидан инсон руҳи ва Платондек идея, гоё билан боғласа-да, барибир борлиқнинг, моддий асоснинг бирламчилигини қайд этишга мажбур бўлади. У табиатдаги гузалликнинг бирламчи боши ёруғлик, эфир¹, деб ёзади. Ижодкор эса ушбу гузалликдан илҳом, гоё олади, уни янада такомилга етказишга интилади. Табиатдаги гузаллик сунъий олам (артефакт) яратишга ундапти.

¹ Уша асар 44-бет.

Машҳур инглиз файласуфи Б.Рассел билиш жараёнларини махсус тадқиқ қилиб галати хулосага келган. У, инсон билими чекланган, ўзгарувчан ва чаладир¹, деб ёзади. Демак, ижодкорнинг бадий-эстетик онги, тафаккури, ва ҳатто доҳиёна қобилияти ҳам борлиқни тула қамраб олишга қодир эмас. Аммо, бу инсоннинг билиш қобилиятини, гузал, бетакрор, доҳиёна асарлар яратиш имконини рад қилмайди. Халқ ижоди ва санъатида бундай дурдоналар куплаб топилади. Демак, билиш қобилиятининг чекланганига қарамай, инсон табиат бошлаб берган бетакрорликни, гузалликни уз ақли, қўли, бадий-эстетик қобилияти билан ниҳоясига, чуққисига етказиш ниятида изланади, яратади. Бунинг учун у ўзини ураб турган борлиқдан, ҳаётдан ажралмаслиги, балки уларнинг эҳтиёжлари билан ҳамнафас яшаши даркор. Халқ ижоди ва санъатида бу жиҳат қаҳрамонларнинг эл-юрт манфаатлари билан яшашида, халқ усталарининг кишилар учун зарур нақшларни, ганчларни, кандакорликни давом эттиришида, халқ бахшилари ва санъаткорларининг халқ оммасига манзур куй, қушиқ, томошалар намойиш этишида куринади. Халқ ижоди ва санъати, энг аялаб бадий-эстетик ижод эканини, унда интуиция, фантазия, туқима, иррационалик, субъективизм каби ҳар доим ҳам объектив борлиққа мувофиқ келмайдиган мотивлар, образлар, сюжетлар бўлишини унутмаслик даркор. Шунинг учун халқ ижоди ва санъати асарларидан борлиққа, ижтимоий ҳаётга тула мос келадиган тасвирларни излаш, улар генезисни аниқ тарихий давр ва ижтимоий муносабатлардан қидириш ҳар доим ҳам тўғри ёндашиш эмас. Айниқса, гап асарлар давомида шаклланган сюжетлар, асарлар ҳақида кетганида бундай вазифани амалга ошириш қийин.

Субъектнинг объектга, борлиққа, ҳаётга муносабати халқ ижоди ва санъатида нималарда, қандай ёндашишларда намоён бўлади? Бу борада кескин баҳслар, қарама-қарши фикрлар учраса-да, илмий изланишларимиз уз қарашларимизни билдиришга ундайди.

Эстетикадаги рационалик ва иррационалик, реалистик ва утопик, ҳаётийлик ва фантазия ҳақидаги баҳслар, тортишунлар ҳали бирор умумий хулосага олиб келмаган. Бадий-эстетик ижоднинг индивидуал хусусиятлар, ички аффеktiv кечинмалар, мудом ўзгариб турувчи фикрларнинг дисперсия тарқалиши билан беюсита боғлиқлиги мазкур баҳсларни, тортишувларни яқунлашга имкон бермайди. Демократиянинг куринишига айланган бадий-

¹ Рассел Б. Человеческое познание. М.: Госполитиздат, 1947. С. 552.

эстетик фикрлар, тажрибалар, изланишлар плюралиزمи юқоридаги ёндашишлар устидаги баҳсларни қайта-қайта кун тартибига қўяверади.

Субъект бадий-эстетик эҳтиёжи ва қизиқишига мос мавзуларни табиатдан, борлиқдан, ҳаётдан олар экан, уларнинг реаллигини ҳисобга олишга мажбур. Бу эса ундан борлиққа рационал ёндашишни тақозо этади. Шу билан бирга рационалик субъектни борлиққа мутлақ банди, боғлиқ бўлиб қолишдан асрайди. Бутун онги, ақли, уйини борлиққа йуналтирадиган, ундан бошқасини кўрмайдиган, тан олмайдиган мутаассиб реалистнинг оддий суратчидан, тақлидчидан, нусха кучирувчидан фарқи йўқ. Демак, ҳақиқий санъаткор, бир томондан ақлу фикрини, ижодий интилишларини реал борлиқни англашга қаратади, иккинчи томондан борлиққа мутлақ банди, қарам бўлиб ҳам қоламайди. Субъект ушбу дихотомияни борлиқдан, объектдан четлашиш, узини субъект, ижодкор эканини англаши билан бартараф этади. Мусаввирлар бу усулни "мозаикага масофадан қараш" деб аташади. Турли рангларга бўялган тош ва шишалар парчалари комбинациясидан иборат мозаик асарни тўла илгаш учун унга маълум бир масофага четланиб, чекиниб қараш лозим. Демак, рационалик борлиққа мутлақ банди қолиш эмас, субъект узининг бадий-эстетик гоясини руёбга чиқариш учун борлиқдан четлашиши, унга масофадан қараш зарур. Айнан шу жойда у иррационал, фантастик, интуитив изланишларга берилади.

Шуни алоҳида қайд этишимиз зарурки, рационалик халқнинг борлиқни, дунёни, ҳаётни бир бутун куриш концепциясидан келиб чиқади. Халқ назарида дунё, борлиқ, ҳаёт бир бутун, ўзаро гармонияда, мутаносиблик қонунларига мувофиқ яратилган¹. Ушбу гармонияга эид хатти-ҳаракат, бад ахлоқ халқда нафрат уйготган. Натўжада у гузал ахлоқни, оламдаги гармонияни, адолатга қурилаган жамиятни узининг идеали сифатида куйлаган, тасвирлаган, унга эид нарсаларни қоралаган.

Борлиққа, ҳаётга гармония нуқтаи назаридан ёндашиш иррационал, фантастик, интуитив изланишларнинг эстетик сепаратизмга хизмат қилишига имкон бермаган, уларни гармония талаблари доирасида ушлаб турган. Бу ҳам аслида ақлу идрокнинг, рационалнинг ютуғидир.

¹ Қаранг: Н е к р а с о в а М. А. Народное искусство как часть культуры. Теория и практика. М.: Изоб Искусство, 1983. С. 59.

Иқрор бўлиш керакки, халқ ижоди ва санъати фақат рационалга қурилмаган, унда қолган бадий-эстетик ёндашишлар ҳам мавжуддир. Айниқса фантастика, интуицияга берилиш каби аффектив кечинмалар таъсирининг маҳсуллари ҳам сезиларли урин эгаллайди. Ҳатто кандакорлик, ганҷкорлик, дупличилик каби реал ҳаётий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган халқ ижоди ва санъати турларида ҳам фантастик, иррационал элементларни учратамиз. Масалан, бухоро кандакорлик мактабига тааллуқли сурмадон фантастик шакли ва нақшлари билан ҳайрат уйғотади. Бундай элементларни Хива, Қўқон, Тошкент кандакорлик санъатида ҳам кўрамыз¹. Мачит, мадрасаларнинг архитектурасида, айниқса кулолчилик, миноралар ва устунлар нақшларида иррационал мотивлар, етукликка чорловчи символик тасвирлар куплаб учрайди. Энг муҳими шундаки, ушбу фантастик ва иррационалистик элементлар, символик тасвирлар асарнинг бош бадий-эстетик мақсадига хизмат қилади, унга кутаринкилик, сирлилик, маҳобат ва улугворлик бахш этади. Бешлик тизимидаги асар қисмининг бадий-эстетик қиммати рационаллик ва иррационаллик, реалистик ва утопик, ҳаётийлик ва фантазия услубларининг халқ гармониясига мувофиқ келиши билан баҳоланади.

Этномаданиятда муҳим сигнификатив алоқалар кечгани, руи бергани боис унда у ёки бу локал, ҳудудий-маданий белгилар фаол ҳаракат қилиши, қолган локал, ҳудудий-маданий анъаналарни ўз кетидан эргаштиришга интилиши мумкин. Этнос ичига кирган локал, ҳудудий-маданий анъаналарнинг барчаси ҳам бир хил фаоллик кўрсатмайди, улардан бир ёки иккитаси етакчилик қилади. Бу жараёнлар “этномаданиятдаги ички интеграция” деб аталиши мумкин. Масалан, XIV–XIX асрлардаги Фарғона ва Тошкент воҳаси ўзбек этномаданиятининг шаклланишида етакчилик қилган, натижада улар таъсирида ўзбек миллати, унинг миллий маданияти, умумий бадий тили юзага келган. Этномаданиятда кечадиган сигнификатив жараёнлар у ёки бу ҳудудда у ёки бу халқ ижоди ва санъати турининг кенг ёйилишига, ривожланишига имкон беради. Натижада локал, ҳудудий-маданий анъаналарда ўзига хослик, этноэстетик плюрализм юзага келади. Бу эса, ўз навбатида, халқ ижоди ва санъати субъектларининг у ёки бу бадий-эстетик услубга меҳр қуйишига олиб келади. Фарғона воҳасида наққошлик, аския,

¹ Қаранг: Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент: Меҳнат, 1991. 274–276-бетлар.

дорбозчиликнинг, Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ҳудудларида купкари, бузабозлик маросимларининг, Хоразмда сурнайчилик, қайроқчилик, оташпарастилик билан боғлиқ урф-одатлар кенг ёйилишининг асосий сабаби ҳам шундадир.

Этномаданиятдаги барча асарларни ҳам бир хилда юксак қобилият ва бадий-эстетик дид билан яратилган деб бўлмайди. Улар ичида гоёвий ва бадий-эстетик заиф асарлар ҳам учрайди, албатта. Улар бетакрор гоёлари ва бадий-эстетик тасвирлари билан ажралиб турмайди, уларнинг мавжудлигини ҳатто тор мутахассислардан бошқа ҳеч ким билмайди. Бироқ борлиқни, ҳаётини муаммоларни юксак бадий-эстетик маҳорат билан тасвирлаган, халқ дилидаги орзу-умидларни, бахтли келажак ҳақидаги тасаввурларни акс эттирган, кишилар дилини гўзал, олижаноб тилаклар билан тўлдирган ижод намуналари, ҳатто улар гайриҳаётини, фантастик, иррационал, утопик услубларни қўллаган бўлса-да, этномаданий ва этноэстетик меросдан чуқур жой олган. Демак, халқ ҳар доим ҳам бадий-эстетик услубларни эмас, балки ушбу услублар ёрдамида ҳаётини, борлигини гўзаллаштириш ва инсонийлаштиришга хизмат қиладиган асарларни ўзининг этномаданий, этноэстетик меросида узоқ сақлайди.

2.2. Халқ ижоди ва санъатида гўзаллик ҳамда хунуқлик тасвири

Халқ ижоди ва санъатидаги бош эстетик қадриятлар гўзаллик ва хунуқлик билан боғлиқ тасвирларда ўз ифодасини топади. Тўғри, эстетика гўзаллик, нафосат қонунларини урганса-да, ижтимоий борлиқда, инсон хатти-ҳаракатларида гўзаллик ва хунуқлик амбивалент, бир-бирини тақозо этувчи, бир-бирига зид воқеликлар сифатида келади. Шунинг учун эстетика гўзаллик ва хунуқликни ёнма-ён урганади, уларни инсон хатти-ҳаракатларида амбивалент ҳолатларни келтириб чиқарувчи тушунчалар деб билади.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Э.Умаров фикрича: "Табиатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам гўзаллик билан хунуқлик ёнма-ён амал қилавермайди, лекин санъат (ҳақиқий санъат)да ҳамма нарса гўзаллик маҳсули бўлиб намоён бўлади. Санъат гўзалликнинг мужассамлашган ифодаси бўлиб, худди шу маънода уни "нафосат қонунларига кура ижод қилиш соҳаси" деб аташ ўринли бўлади"¹.

¹ Умаров Э. Эстетика (Нафосатшунослик). Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 110-бет.

Мазкур ёндашишни, фикрни бутун табиатга ҳам, бутун ижтимоий ҳаётга ҳам тадбиқ этиб бўлмайди, унда биз табиатда барча нарсалар гузал, ижтимоий ҳаёт бутунлигича гузал деган нореал ва нообъектив хулосага келамиз. Оддий кузатишларимиз ҳам курсатадики, табиатдаги ҳамма нарсалар ҳам, ижтимоий ҳаётнинг барча қуринишлари ҳам гузал эмас, уларда номукаммаллик, ноқислик, ёвузлик ва хунуклик қўп. Агар табиат ва ижтимоий ҳаёт гузал бўлганида инсоннинг вақт, куч сарфлаб, азобланиб, туну кун ором билмай гузал нарсалар яратишини беъманилик деб аташга тўғри келарди. Масалан, балчиқни, унда аганаб ётган чучқани, кийикнинг қорнини ёраётган йулбарсни, овқатга қўнган чивинни ҳеч ким гузал демайди. Нонхурак, каламуш, калтакесак, илон каби махлуқотларни ҳам биз гузал дея олмаймиз. Тўғри, ушбу жонивор ва ҳашаротларни истеъмол қиладиган, уларни еб ҳузур топадиган кишилар бор, улар назаридаги гузаллик бизникидан фарқ қилади. Лекин Э.Умаров фундаментал масалада ҳақ. У ёзди: "Гузалик- эстетиканинг асосий тўшунчаси. Аслида эстетиканинг барча муаммолари гузалик муаммоси билан у ёки бу даражада боғлиқдир. Гузалик нафосат оламининг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий моҳиятини ташкил этади. Шу боис эстетикани гузалик ҳақидаги фан, гузалик фалсафаси деб ҳам атайдилар"¹. "Гузалик – бу асосий эстетик қадрият бўлиб, уни идрок этиш қобилияти эса эстетик субъектнинг асосий хоссасидир. Бу хусусият эстетик онг ва унинг асосий қисмларига ҳам тааллуқлидир. Эстетик ҳис-туйғу, энг аввало гузаликни ҳис этиш жараёнини англатади. Эстетик орзу эса гузаликни инсон хоҳлаган у ёки бу тасаввурлар тарзида ифодалайди. Эстетик дид бўлса қўп жиҳатдан шахс ва жамият нимани гузалик сифатида, нимани хунуклик сифатида идрок этишида намоён бўлади. Ва ниҳоят, эстетик қарашлар гузаликнинг табиати ва моҳияти ҳақидаги фикрларни англайди"². Хуллас, эстетика табиатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам гузалик ва хунуклик бўлишини рад этмайди, аммо ушбу амбивалент ҳодисалар ҳар доим ҳам ёнма-ён юравермайди. Бироқ хунукликни биз қанчалик кам идрок этишга, қўриш ва тасвирлашга интилкам, бу гузалик шунчалик қўпаяди, табиат ва ижтимоий ҳаёт шунчалик гузаллашади, дегани эмас. Гузаликними ёки хунукликними қўриш ва тасвирлаш субъектнинг ихтиёрида, ижод ҳуқуқидир, бироқ у хунуклик мавжудлигини инкор қилолмайди.

¹ Уша асар. 104-бет.

² Уша жойда.

Ўзбек этномаданиятида гузаллик ва хунуклик асосан халқ китоблари, достонлари ва эртақларида елма-ён келади. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” достонида бош қаҳрамонлар гузал суратли ва фазилатли образлар қилиб тасвирланади. Уларнинг ички кечинмалари, ишқий туйғулари ҳам гузал, олижаноб. Улар яшайдиган юрт, истиқомат қиладиган сарой, уй ҳам диққатни тортади. Фарҳод отаси газнасидаги ойнада Эрон мамлакатигаги “бир ажойиб гулистонларни курди. Ул гулистонда қанча қизлар, қанча йиғитаар уйин қилиб юрибди. Подшолик, салтанатли тахтлар, мунаққошли кушқли манзил жойлар. Ул тоғ устида бир қиз утирибди. Фарҳод дунёнинг турт бурчагига қараб, ҳамма жойни кўриб, бундай сулув қизни кўрмади. Қанча лашкар, қанча қизлар, одамлар хизматида мунтазир бўлиб турибди. Унинг жамолини кўрди, бир пари чеҳра, жамоли кунни хира қилади. Эрон юртида буни кўриб, жамолига ошиқ бўлиб, беҳуш бўлди”¹. Куз олдингизга гулларга бурканган улка, сарой, унда уз ёшлигини, нафосатини намойиш этиб юрган ёш йиғитлар, қизлар, мунаққошли кушқ атрофида парвона юрган хизматкорлар келади. Аммо улардан ҳам гузалроқ манзара бор, яъни тоғ чуққисига париваш сулув, гузалликда тенги йук қиз – Ширин утирибди. У “бир пари чеҳра, жамоли кунни хира қилади”. Фарҳод бу гузалликдан беҳуш бўлади.

Фарҳод узига келгач, ҳолати, дардларини отасига қуйидаги мисраларда ифода этади:

Кулима кўринмас тахти жаҳонинг,
 Подшолик давлатинг, сенинг маконинг,
 Эроннинг шаҳрида гул юзли ерим,
 Кўрмасам ҳеч қолмас сабру қарорим.
 Бир чорбоғда кўрдим гул юзли жонан,
 Узни хиромандир, бир моҳитабон,
 Бормасам йукдир тоқатим, отажон...
 Жавоб беринг, кетай Эрон шаҳрига,
 Чаманда кўринди менга гулгунча,
 Ёр учундир жафо, меҳнатим қанча.
 Ёр учун тукиб кўздан ёшимни,
 Ёр йулига, ота бердим бошимни
 Ошиқлик савдоси тушди бошимга,

¹ Баҳром ва Гуландом. Достон. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 208-бет.

Отажон, сурама менинг ишимни,
 Ёр учун ҳасратли қонлар ютарман,
 Бошим олиб, турман бундан кетарман¹.

Бир қарашда Фарҳоднинг ушбу сўзлари галати, ношукрлик, бетгачопарлик бўлиб кўринади. Ойнада кўрган суратга ошиқ бўлиб, ота-онасини, юртини ташлаб кетиш рационал фикрловчи онгга тўғри келмайди. Бундан ташқари Фарҳод руҳсат сураётгани йўқ, балки талаб қўияпти. Яъни ёрени топишга уз умрини, ҳаётини тиккани учун, кўрмаса сабру қарори қолмаётганини, ақлу ҳушини йўқотганини, юрагига ўт тушганини айтиб, “керак эмас мамлакатинг, бу даврон, Подшолик давлатинг менга бир зиндон” деб тугилиб, ўсган юртини, отаси даргоҳини тарк этмоқчи. Бу ўжарликдан, енгилтакликдан бошқа нарса эмас. Аммо Фарҳод “ошиқу бедаво” бўлгани, бу ишқ илоҳий моҳият касб этиб, уни бу дунё лаззатларидан, давлатдан, шондан, обрўдан воз кечишга ундагани учун гузалдир. Бу уринда биз илоҳий, тасаввуфона муҳаббатга, ўзликдан кечишга дуч келамиз. Ўзликдан, ўткинчи дунё лаззатларидан воз кечмай илоҳий гузалликка, етукликка, ишққа етиш йўқ. Хожа Абдухлолик Ғиждувоний дейди: “Муҳаббатнинг ҳақиқати шундаки, маҳбубининг муҳаббати муҳибга нисбатан шу даражада голиб келадикки, унинг барча сифатлари маҳбубнинг мушоҳадасида бутунлай фаний бўлади ва муҳиб учун узининг сифатларидан ҳеч бир хабар қолмайди. Маҳбубдан муҳибга етган ҳар қандай аламу заҳмат унинг учун тўхфага айланади”².

Тасаввуф таълимотига кўра, “ишқнинг олий даражаси ҳақиқий ишқдир. Ишқ аломати муҳиб қалбида маҳбуб муҳаббати, жамолидан ҳайрат ва ҳаяжон юзага келишидан бошланади. Шунга кўра, у мажозий ва ҳақиқий ишққа бўлинади. Мажозий ишқ одамнинг одамга, маҳлуқотга севгиси бўлса, ҳақиқий ишқ Аллоҳга – энг баркамол зотга бўлган муҳаббатдир ва у абадийликка, боқийликка мансуб”³. Лекин ислом инсонга бўлган ишқни ҳам ҳақиқий ишқ даражасига кўтарилиши мумкинлигини, Яратганнинг бандасини севиш ҳам яратганни севиш шакли эканини рад қилмайди. Фарҳоднинг ишқи ана шундай ҳақиқий ишқ эдики, унинг ушбу гузал туйғусини ҳатто подшоҳ отасининг

¹ Уша асар. 209–210-бетлар.

² Хожа Абдухлолик Ғиждувоний. Тарихлари, насиҳатлари, ривоятлари, қароматлари. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. 49–50-бетлар.

³ Уша асар. 50-бет.

эътирозларига, манфаат ва истакларига қарши қуйиши олижаноб фазилатдир.

“Ишқ инсонни ичини, жигарини ёқадиған шиддатли оташдир, – дейди Шайх Нажмиддин Кубро. – У ақлини шашқин, дилни тошқин, кузни кур қилади. Эшитиш туйғусини сусайтиради. Инсонга катта қурқувларни кичик қилиб курсатади. Инсон бугзини сиқади, нафасдан бошқа ҳеч нарса ундан утмай қолади, уласи ҳолатга келиб қолади”¹. Фарҳод, Мажнун, Баҳром, Рустамхон, Аязхон каби қаҳрамонларнинг ишқи ана шундай жушқин, сирли ва мафтункордир.

Ширинни Эрон шоҳи Хисрав ҳам севиб қолади. Унинг ишқи ҳам Фарҳодникидан кам эмас. У айёр момога маслаҳат солиб, тан олади:

“Ширин!” деб қолмади танимда тоқат,
Қилсаммикан, Ширинжонга бидоҳат...
Ширин ҳам ойдайнин тулган камоли,
Ақлингни элтар ҳусни жамоли...
Шириннинг ишқи бор, менда кабоҳат,
Ҳеч ерлардан меннинг шаштим қайтмаган,
Шириндан қайтарма...
Жоним момо, бергин эиди маслаҳат...”²

Бироқ Хисравнинг ишқи нафсга, Ширин давлатини узига қарам қилишга қаратилгани боис ҳақиқий ишқ даражасига кутарилолмайдди. Фарҳод тоғдан эриқ қазиб, Ширин мамлакатига сув келтириб, унинг юртини обод қилса, Хисрав лашкар тортиб боради, куч, ҳийла билан уз ниятига етмоқчи бўлади. Достон сюжетида уларни бир-биридан айрича қараб бўлмайди, акс ҳолда бадий драматизм сусаяди, ҳатто йуқолади. Бу уқувчини ҳаяжонга солмайди, Фарҳод ва Ширин ишқини шунчаки баёнга айлантиради. Хисрав ва у салаган айёр кампирнинг хатти-ҳаракатлари, ниятлари бузук, айнан шунинг учун улар хунук куринади. Жодутар кампирнинг қиёфасини баҳши шоир шундай ифодалайди: “Шунда бир жодутар, айёр, дундаги булган ишдан хабари бор, мэнглайлари тиришган, кеча-кундуз кунглида худо билан уришган

¹ У с м о н О. Кубровия таълимотининг моҳияти // Шайх Нажмиддин Кубро. Қутби Дэхр. Тошкент: Фан, 1998. 43-бет.

² Баҳром ва Гуландом; Зевархон; Фарҳод ва Ширин; Айли ва Мажнун. Достонлар. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 260–261-бетлар.

бир кампир айёри бор эди”¹. Ушбу икки ҳолат, Фарҳод ва Ширин ишқи, муносабатларини ҳамда уларга эид бўлган Хисрав ва шум кампир хатти-ҳаракатларини қиёсласак, биз ижобий қаҳрамонлар тасвирини эстетик қадрият деб атаймиз. Салбий хатти-ҳаракатлар, ёвузлик, шумлик, нафсга берилишни эстетик қадрият дейиш ҳаёлимизга келмайди. Ваҳоланки, хунуклик, пасткашлик ҳам бадиий-эстетик изланишлар, тасвирлар доирасига киради. Нима учун шундай, деган савол туғилиши мумкин.

Биринчидан, инсоният илм-фанга, айниқса ижтимоий-гуманитар изланишларга позитив моҳият беради. Илм-фан, тафаккурий изланишлар оламдан, инсон хатти-ҳаракатларидан позитив топиб, ушбу позитивни янада қулайтириш йўлидан ривожланиб келади. Улар табиат ва ижтимоий ҳаётда негатив нарсалар, гайринсоний, гайрихлоқий хатти-ҳаракатлар содир бўлишини биледи, бедиллик, зўравонлик, макр ҳаётнинг кенг тарқалган хусусиятлари эканини ҳам биледи. Айнан шунинг учун ҳам илм-фан, шу жумладан эстетика ҳам, тафаккурий изланишлар ушбу негатив ҳодисалар урнига позитив, борлиқни, инсон ҳаётини гузаллаштирувчи қадриятларни шакллантиришга интилади.

Иккинчидан, инсон характерида, табиатида нимагадир, кимгадир куч ишлатиш, уя манфаати ва қизиқишларини устун қўйиш, узи тўғри деб билган фикрларни, қараш ва догмаларни ёнидагиларга ўтказиш истаги бор. Гоҳо у хунукликни гузаллик, гузални эса хунук деб атайди. Ҳатто этнослар, элатлар уртасида гузаллик ва хунуклик ҳар хил тушунилади, талқин этилади. Ўзбеклар чол ёки кампирнинг калта шим, шортик кийишини дидсизлик, беҳаёлик, хунуклик ифодаси деб биледи, инглиз ёки бошқа Европа халқлари учун у табиий эҳтиёж, норма, дидли кийиниш ҳисобланади. Ушбу эстетик плюрализмни рад этиш демократик ҳаёт талабларига тўғри келмайди.

Демак, этномаданият ва этноэстетикадаги плюрализмни табиий ҳол эканини тўғри талқин қилиш учун ҳам махсус илм-фан, маънавий-маърифий тадбирлар, эстетик қадриятларни тарғиб этувчи позитив тажрибалар зарур. Уларни эстетикасиз амалга ошириб бўлмайди. Эстетика этномаданият ва этноэстетикадаги плюрализмни, узига хосликни, миллийлик хусусиятларини бир-биридан фарқлаб, уларни қарши қўйишни ёки бирини прогрессив, иккинчисини регрессив атаб, этномаданиятлар, этноэстетикалар

¹ Уша асар 259-бет.

тукнашувиши келтириб чиқармайди. Эстетика учун ушбу плюрализмлар ва ўзига хосликларнинг моҳиятини, улардаги умуминсоний қадриятларни очиб бериш муҳимдир. Эстетика хунуклик, пасткашлик каби негатив ҳодисаларни тасвирлаганида, урганганида уларнинг умуминсоний қадриятлардан жой олиш имкониятларини камайтиришга интилади. Буни у гузалликни, олижанобликни кўпроқ тарғиб этиши, халқлар, кишилар диққатини уларга қаратиши орқали амалга оширади. Хунуклик, пасткашлик каби негатив ҳодисаларнинг ён-атрофимизда, хатти-ҳаракатларда учраши ҳали уларнинг бадий-эстетик асарларда албатта акс эттирилишини аниқлатмайди. Шунинг учун ҳам халқ ижоди ва санъати моҳиятан позитивни излашга, позитив қадриятларни куйлаш ва тасвирлашга қурилган. Шунинг учун ҳам у халқ жонли ҳаётининг, беором маънавий изланишларининг, маданиятининг ядроси, тарихий-маданий парадигмаси ҳисобланади¹. Шунинг учун ҳам у халқимизни хунуклик, пасткашлик, ёвузлик устидан толиб чиқувчи, ўзининг гузал қиёфаси, фазилатлари, олижаноб ишлари билан фахр уйготувчи бадий-эстетик образ-идеаллар, қадриятлар яратишга ихломлантириб келади.

Хунуклик, пасткашлик, тубанлик халқ ижоди ва санъатининг барча шаклларида ҳам тасвирланмайди. Масалан, халқ наққошлиги, қандакорлиги, ганч санъати, байрам томошалари, каштачилиги, маросим фольклори, ашулачилиги, халқ таъобати ва пазандачилиги кабиларда умуман уларни тасвирловчи сюжетлар учрамайди. Улар кишида бадий-эстетик дидни шакллантиради, ҳаётнинг бетакрорлигини, олам нафосат қонунларига мувофиқ яратилганлигини аниқлашга ундайди, гузалликни тараннум этади. Ҳатто мотам маросимларида ҳам бадий-эстетик моҳият унутилмаган². Бу уринда Аристотелнинг характерларни тасвирлаш ҳақидаги маслаҳатини эслаш мумкин: “Шоир ҳам, – деб ёзади файласуф, – характерида жаҳли тезлик, беғамлик ва шу каби камчиликлари бўлган одамларни тасвирлар экан, уларни қандай бўлса шундай (жаҳлдор, беғам қилиб) ва айни чоғда гузал одам қилиб курсатади. Характердаги шаяқатсизлик хислатига Агафон

¹ Некрасова М. А. Народное искусство как часть культуры. М.: Изд. Искусство, 1983. С. 18.

² Қаранг: Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент: А.Навоний номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриети, 2007. 195–218-бетлар.

ва Хомер яратган Аҳилл мисол бўла олади. Демак, (характер тасвирида) барча айтилганларга амал қилиш зарур¹. Аристотель хунукликни хунуклик тарзида айнан кучиришни назарда тутаетгани йўқ, у ижодкор хунукликни тасвирлаётганда бадий-эстетик воситалардан фойдаланиши орқали хунукни гузал қилиб курсатиш кучига эга эканини назарда тутаяпти. Демак, ижодкор ҳатто хунукни ҳам (уни тасвирлаш зарурлиги гоёсидан воз кечмасда, ҳатто воз кеча олмайди ҳам, чунки у ҳаётнинг атрибутидир) тасвирлаганида ихтиерида бадий-эстетик воситалар борлигини унутолмайди.

Яна бир муҳим, ижтимоий-амалий ва назарий-фалсафий аҳамиятга эга томон шундаки, ижодкор хунукликни хунук бўлгани учун, гузалликни гузал бўлгани учун тасвирламайди, агар у шундай қилса, маданий-ижодий фаолиятнинг мақсади ва моҳиятига зид иш қилган бўларди. Хунуклик ва гузаллик тасвирлари табиат ёки ижтимоий ҳаётни курсатиш учун эмас, балки кишиларда, реципиентда, жамиятда хунукликка салбий қарашни уйғотиш, шу тариқа уларда гузалликка позитив муносабатни шакллантириш учун зарурдир. Ижоднинг, санъатнинг ушбу провард мақсади этномаданий, этноэстетик меросда аниқ анланган ва ифодаланган. Қайси бир асарни олмайлик хунуклик билан гузаллик, ёвузлик билан эзгулик, пасткашлик билан олижаноблик уртасидаги кураш позитив бадий-эстетик қадриятлар ташувчилари фойдасига ҳал қилинади. Ушбу гузал, олижаноб талаба ўқувчини ҳалқ қаҳрамонларининг эзгу ниятлари ва эзгу амалларини ўзлаштиришга, улардан ибратли қадриятлар ясашга ундайди.

Ҳалқ ижоди ва санъатидаги соддалик, равоқ тилда гапириш, анъанадаги иборалар, дидактик панд-насихатлар ҳам моҳиятан гузалдир. Уларда мазмун билан шакл, моҳият билан ифода бир бутунликни, яхлитликни ташкил этади. Маълумки, мазмун билан шакл, бутун билан қисм, кичик билан катта муносабат, уйғун келишини Аристотель гузаллик нишонаси деб билган². Унинг концепциясига мувофиқ гузаллик гармониядир.

Ҳалқ қушиқлари бўлган аллани олайлик:

Соч ўрнига сумбулим, алаа,

¹ А р а с т у. Поэтика (Нафис санъатлар ҳақида), Ахлоқ кабир (Катта ахлоқ китоби), Риторика (Хитоба). Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. 41-бет.

² Қаранг: О в с я н н и к о в М. Ф. История эстетической мысли. М.: Высшая школа, 1984. С. 29.

Богимдаги булбулим, алла,
Ичим гашга тулганда, алла,
Очувчи кулфу дилим, алла,
Қилил гул новдасидан, алла,
Камар қилай белингга, алла,
Сочларим толасидан, алла,
Богич қилай тунингга, алла¹.

Яна бир мисол:
Алла, болам-ей,
Гули долам-ей.
Тезроқ катта бул,
Муштоқ олам-ей,
Алла, алла-ей.
Ёркин келажак,
Сени кутажак,
Тоза қалбингга
Севинч тулажак,
Алла, алла-ей.
Алла эркатой,
Огзинг тула мой,
Бахтинг мунаввар,
Шарофатга бой,
Алла, алла-ей.
Алла, эркатой,
Муштоқ сента ой,
Ухласанг, қалбинг
Очади чирой,
Алла, алла-ей².

Мазкур қушиқларда эпик асарлардагидек қаҳрамонларнинг мураккаб ички кечинмалари, драматик ҳолатлар, иррационал, фантастик элементлар сезилмайди. Уларнинг мақсади содда – болачани тинчлантириш орқали ухлатишдир. Онанинг дил сузлари гудакнинг узи каби содда, тушунарли, баъзи уринларда жилмайиш уйғотади. Ҳатто, баъзи сузларнинг иштирокига (масалан, “Ухласанг, қалбинг очади чирой”) эътироз билдиришимиз мумкин. Лекин алла майин оҳанглар яратади, қалбимизни, руҳимизни тинчитади, асов уйларимизга тинчлик бериб, бизни майин аллалайди. Халқ

¹ Бойчечак // Ўзбек халқ фольклори. Меҳнат қушиқлари. Тошкент: Ё.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1984. 34–35-бетлар.

² Уша асар. 36-бет.

қўшиқларидаги шундай бадий-психологик тасвирлар, биринчидан, бизга тушунарли, улар ақлий, фикрий зуриқишни талаб қилмайди; иккинчидан, улардаги майинлик, илтижо, меҳр, ўта покизалик бизни чулғаб олади. Шу билан биз улардаги сўзларга, уларнинг қўлланишига, жойлашишига эътибор бермаймиз, уларни бутунлигича позитив бадий-эстетик қадрият сифатида қабул қиламиз.

Гузалик ва хунуклик бадий асарлар (яъни бадий ҳунармандчилик, халқ амалий санъати, бадий-эстетик гоёлар объективлаштирилган бойликлар, артефактлар)нинг ташқи кўринишида, шаклида ёрқин акс этади. Маълум бир позитив бадий-эстетик туйғу уйғотмайдиган бешакл, бетартиб нарсалар, ён-атрофдаги хаос бизда ноқулайлик, жирканиш, айниқса кўриниши ифлос, чанг ёки могор босган нарса дилимизда тугён уйғотади. Шунинг учун ҳам мутахассислар шаклсиз нарсага шакл, бетартиб нарсага тартиб, ифлос нарсаларга тозаллик, озодлик бади этиш эстетик диддан дарак беради, деб ҳисоблайдилар. Тугри, ҳамма шакл олган ёки тартибга солинган нарсалар ҳам гузал бўлавермайди. Унда биз бир жойга тупланган ҳазон ва шох-шаббаларни, гайринисоний, гайрихлоқий гоёлар билан сугорилган варақлар туплами – китобни гузал дейишга мажбур бўламиз. Масалан, маркиз де Сад тасвирлаган фоҳишаболик, зуравонлик, ҳайвоний майл-истаклар тасвирланган сюжетларга кўрилган китоблар ҳозир гузал кўринишда, юқори дид билан безатилган шакларда Россияда чоп этилмоқда. Улардаги ички моҳият китобларнинг ташқи қиёфасига, шаклига мутлақ зиддир. Сексуал садизм (де Сад номидан олинган, кенг тарқалган ибора) ни тарғиб этувчи бундай китобларни гузаллик тимсоли дейиш учун инсоний-хлоқий қадриятлардан чекиниш лозим. Демак, нарсаларнинг фақат шаклини гузал қилиш етарли эмас, мазмун билан шакл гузаллигининг уйғунлиги, мутаносиблиги зарур. Инсон яратадиган барча нарсаларда гузаллик, нафислик бўлиши лозим, инсон гузал олам яратиши билан бошқа махлуқотдан фарқ қилади, узининг ижодкорлигини исботлайди. Тугри, инсон барча фаолиятида ҳам гузаллик яратишни мақсад қилиб қўймайди, шунинг учун унинг бадий-эстетик фаолиятидан, ижоди ва санъати намуналаридан бошқа соҳаларда гузаллик яратиш мақсади ёрқин кўзга ташланмайди. Масалан, деҳқон экин экаётганида, шофёр автомобиль ҳайдаётганида, сотувчи истеъмол буюмларини сотаётганида гузаллик яратишни хаёлига келтирмайди, уларнинг

функционал вазифаси бошқадир. Лекин уларнинг фаолияти ҳам эстетик элементлардан мутлақ холи эмас.

Халқ ижоди ва санъатининг барча кўринишларида ҳам эстетик мақсад, эстетик гоя бош уринда туравермайди. Халқ мақолларида ҳаётний тажрибалардан шакланган ҳикматларни, халқ кўшиқларида маънавий-руҳий кечинмаларнинг оҳанглардаги ифодасини, халқ достоналарида тарихий босқичларда халқ ҳаётида, ёдида сақланиб келган ҳодисаларни, халқ байрамлари ва томошаларида кўпиларнинг ташқи ҳодиса-воқеаларга муносабатларини ифодалаш, тасвирлаш мақсади ётади. Улар маълум бир бадий-эстетик воситалар билан зарур шаклга келтирилгач, эхлоқий нормаларга мувофиқ тартиблаштирилгач, яъни мазмун билан шакл, моҳият билан маҳорат, эҳтиёж билан талаб уйғунлашгач, бадий-эстетик аҳамиятга эга асарга, қадриятга айланади.

Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигидаги гузаллик энг аввало бубора даяратилган асарларнинг кулланган мақсадга мувофиқ келиши билан белгиланади. Маданий-хужалик эҳтиёжларини қондириш, кундалик турмушда керакли, фойдали бўлиш ана шундай мақсаддир. Масалан, Уста Ширин Муродов (Бухоро), Уста Маҳмуд Усмонов ва Усмон Икромов (Тошкент), Уста Мирҳамид Юнусов (Самарқанд), Уста Юсуф Али Мусъев (Маргилон)нинг халқ ганч уймақорлиги борасида яратган композициялари Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрини, куплаб расмий бинолар, маданият саройларини безатган. Уларнинг аксарияти ҳанузгача сақланади. Қандакор усталар С.Худайбергенов, Ҳ.Бухорий, Шоди Муҳаммад Баротбой, Уста Шариф Салоҳиддин, Ғ.Ҳасанов, Уста Беги, М.Жонибеков, Ҳ.Сайидниязов, Б.Ёқубов, Уста Аҳмад, Уста Охунжон, Уста Тогай, Уста Абдуқодир Низомиддин, Усто Урин, Уста Олим, Ж.Собиров, Уста Мусаввир Қошгарий, Ф.Солиҳов, Собирабиби, Солиҳабиби, Шарофатхон, Ойимпошша яратган лаган, чойнак, қумгон, чойдиш, обдаста, дастшуй, сурмадон, балдоқ, зираклар бугун музейларда сақланмоқда, улардан халқимиз кундалик ҳаётида кенг фойдаланганлар¹. Бундай мисолларни яна келтиришимиз мумкин. Мазкур асарлардаги нафис нақшлар

¹ Қаранг: Абдуллаев Т. XIX-XX асрларда ўзбек қандакорлиги. Тошкент: Фан, 1974; Сергеев Б. Мисгарлик. Тошкент: Бадий академия, 1960; Аведова Н. А. Тошкент уймақорлиги. Тошкент: Уздавнашр, 1961; Бинский Н. М. Резное дерево Узбекистана. М.: Гослитискусство, 1947; Боситхонов Э. Ганчкорлик санъати. Тошкент: Г.Тулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти, 1978.

уларнинг шаклига мувофиқ чизилган. Натижада шакл билан мазмун ҳам, моҳият билан маҳорат ҳам уйғунлашган. Демак, халқ амалий санъати фақат утилитар эҳтиёжларни қондиришни назарда тутмаган, уларда халқ усталарининг бадий-эстетик диди ва идеали ҳам мужассамдир. Майший-маданий эҳтиёж билан бадий-эстетик дид, идеал уйғунлашиши натижасида гузал, бетакрор, киши дилини тўқинлантирувчи, уни ҳам бадий-эстетик изланишларга ундовчи дурдоналар юзага келган. Гузал, бетакрор, дурдона бадий-эстетик асарлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган. Тугри, Г.В.Плеханов ёзганидек "Меҳнат санъатдан қадимий... Инсон нарсалар ва ҳодисаларга утилитар нуқтаи назардан ёндашади, шундан кейин уларга муносабатларида эстетик ёндашади"¹. Лекин инсон, айниқса халқ, ўзининг тарихий-маданий парадигмасига эга миллат фақат утилитар мақсадлари билан чегараланиб қолмайди, у ён-атрофини, ҳаётини гузаллик қонунларига ва талабларига мувофиқ қайта қуришни, такомиллаштиришни ҳам истайди. Этномаданиятдаги гузаллик тасвирларининг хунуклик тасвирларидан устун туришининг боиси ҳам шундадир.

2.3. Халқ ижоди ва санъатида улугворлик ҳамда тубанлик

Улугворлик ва тубанлик борасидаги илмий-назарий баҳслар тутмаган, шу боис улар ҳақида турли, гоҳо зиддиятли қарашлар мавжуд. Фалсафа фанлари доктори, профессор Э.Умаровнинг фикрига қура, "Улугворлик кулами гузаллик кулами каби чексиздир. Улугворлик табиатда, жамиятда, инсон фаолиятида мавжуд бўлиб, унинг хусусиятига эга бўлган барча нарсалар ва ҳодисаларда меъёр бўлиши тақозо этилади"². Мазкур таърифда биринчидан, улугворликнинг чексизлиги эътироф этилади, иккинчидан, улугворлик "хусусиятига эга бўлган барча нарсалар ва ҳодисаларда меъёр бўлиши тақозо этилади", дейилаяпти. Ҳақиқатан ҳам улугворлик чексиз нарсами? Ҳақиқатан ҳам унда меъёр бўлиши тақозо этиладими? Фалсафа фанлари номзоди Б.Э.Ҳусанов: "Улугворлик инсоннинг нарса, ҳодисаларга эстетик ва ахлоқий мезонлар билан ёндашиши ва улардан юксак ҳайратланиш туйғусини ҳосил қилувчи эстетик ҳиссиёт мажмуидир. Улугворликнинг кулами гузаллик каби чексиздир. Улугворлик узида ҳажм,

¹ Плеханов Г. В. Литература и эстетика. М.: Худ. лит-ра, 1958, С. 75.

² Умаров Э. Эстетика (Нафосатшунослик). Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 116-бет.

миқдор, кўлам ва буюкликни мужассам этади”¹, – деб таъкидласа, фалсафа фанлари номзодлари, доцентлар Х.Абдуллаев ва У.Ҳасанов эса улугворликка қуйидагича таъриф берадилар: “Улугворлик, юқоринкилик тушунчаси, – деб ёзишади улар, – кишиларда табиат, кишилик жамияти, нарса ва ҳодисаларга нисбатан пайдо бўладиган инсоний фазилатлар ҳақида шаклланадиган юқори олий даражадаги ҳис-туйғуларни ифодалайди. У гузалликка нисбатан ҳам кучли, қудратли, улкан ва одатдан ташқари чексиз-чегарасиз, ижобий-жушқин ҳиссиёт тугдирадиган таъсирчан тушунчадир. Улугворлик бу – салмоғи, моҳияти ва мазмуни билан улкан, бениҳоя мукаммал, чексизликни ифодалайди. Меъер ва чегаралардан чиқиб кетиш – бу тушунчанинг асосий белгилари ҳисобланади”².

Куриниб турибдики, таърифлар уртасида фарқлар мавжуд. Бундан ташқари, улугворлик ҳис-туйғусига мукаммаллик хосмикан? деган савол уйғонади. Масалан, жушқин денгиз, океан, тоғ чуққиларига нисбатан мукаммал тушунчасини ишлатиш уриндимикан? Бизнинг фикримизча, йўқ.

“Улугворлик” тушунчаси ҳақидаги баҳслар антик даврдан бери давом этиб келади. Утган асрнинг 60–70 йилларида бу борада эътиборли концептуал асарлар яратилди, бутун эстетик тоғлар таҳлил қилиниб, халқ ижоди ва санъати назариясини яратиш томон қадам ташланди³. Лекин улугворлик масаласи назарий-фалсафий ҳал этилмай қолаверди, халқ ижоди ва санъати борасида тадқиқотлар кўпинча эмпирик, дифирамбал хусусиятга эга.

Улугворлик инсонга хос ҳис-туйғу, у мазкур туйғуси орқали истаган объектини улугвор санаши, ундан умр бўйи илҳомланиб яшаши, изланиши мумкин. “Табиатдаги баланд тоғлар, қудратли шаршаралар, чексиз океанлар, мовий денгизлар, тубсиз осмон ва шу кабилар улугворлик тимсоллари бўлиб, улар улканлик, буюклик, кенг кўламлик, туганмаслик жиҳатидан умумийликка эга. Табиатдаги улугворлик инсонни заифликка эмас, балки унда табиат билан қушилиб кетишга интилиш ҳиссини уйғотади. Улугворлик ҳисси узича мазмунга эга бўлмаган қувонч, ҳайратланиш, эҳтиром, тан бериш туйғуларини

¹ Қаранг: Ш е р А., Ҳ у с а н о в Б., У м а р о в Э. Эстетика. Тошкент: Университет, 2008. 117-бет.

² А б д у л л а е в Х., Ҳ а с а н о в У. Эстетика. Мазрузалар туплами. Тошкент: УзДСИ, 2008. 65-бет.

³ Б о г а т ы р е в П. Г. Вопросы теории народного искусства. М.: Искусство, 1971; В а с и л е н к о В. М. Избранные труды о народном творчестве X–XX веков. М.: Искусство, 1974.

камраб олади. Буларга баъзида қурқув ҳисси ҳам қушилади. Қурқув ҳисси инсонни камситмайди, балки тусиқларни енгиб ўтишга туртки бўлади¹. "Ижтимоий ҳаётда улугворлик қаҳрамонлик ва мардлиқ билан шу қадар қоришиб кетадики, уларни алоҳида-алоҳида мушоҳада этиш ниҳоятда қийин бўлиб қолади"². Демак, улугворлик: 1) табиатда, инсон томонидан яратилган артефактларда; 2) инсоннинг субъектив оламида, руҳи, тасаввурлари, ахлоқи, қаҳрамонлиги, буюкликка интилиб яшашида намоён бўлади.

Улугворлик турғун нарсаларда, объектларда дарров кузга ташланади. Масалан, Ўзбекистон Миллий банки биносига кузимиз тушган заҳоти унинг улугворлигини сезамиз, бизга у беҳад улкан, қандайдир йирик, буюк мақсадларни узига жо этган, ҳатто қандайдир сир яширинган объектдек туюлади. Фарҳод ГЭСига яқинлашган киши ундаги сон-саноксиз агрегатлар, айниқса бежилов сув тулқинидан ҳаяжонга тушади, баҳайбат бир корхона уз салобати билан ваҳима, қандайдир қурқув ҳиссини уйғотади. Сув тошқини мана-мана сизни уз қаърига олиб, белёв судраб, оқизиб кетаётгандек. Бироқ онг тубига, мазкур баҳайбат корхона, уфуриб оқётган тошқин инсон қулининг муъжизаси, деган фикр яширинган, айнан у бизга куч-қудрат беради, натижада қурқув фохрга айланади. Инсон ақли, қули муъжизалар яратишини англаб халқнинг улугвор эканига ишонамиз.

Улугворлик ҳайрат билан боғланиб келади. Ҳайратланмай улугворликни тан олиш йўқ. Профессор Ш.Юсуповнинг "Санъат ва ҳайрат" асаридан ибратли бир мисол келтириш уринлидир. Аслида олим ҳар бир ижодкор ҳақида ҳайратли лавҳалар ярата олган, санъатнинг ҳайрат мактаби эканини ёрита олган. Ш.Юсупов таниқли бастакор М.Мирзаев ва моҳир раққоса М.Турғунбоева ҳамкорлигини эслаб ёзади: "Меҳнат аҳли" деган қушиқ рақсимиз дарғаси М.Турғунбоевани бутунича забт этган, бир эҳтиросли рақс кетидан иккинчи, учинчи, тўртинчи... ушинчи рақс яратилмагунча, яратилиб, таъби назик санъат шинавандаларини ҳайратга солмагунча уни (яъни М.Мирзаевни) уз холига қўймас эди. "Жонон"дан кейин яратилиб, Мукаррамахоним томонидан саҳналаштирилган "Завқим келур", "Дилдор I", "Дилдор II", "Қўнғил таронаси", "Янги тановор", "Уфори санам" ва бошқалар рақс

¹ У м а р о в Э. Эстетика (Нафосатшунослик). Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 116-бет.

² Уша жойда.

санъатимиз ривожда янги босқич бўлди, рақс санъатимизнинг имкониятлари беҳад-беҳисоб эканини, уларни рўёбга чиқариш учун чинакам гаввослардек ҳар сафар халққа янги-янги ноёб дурдоналар совга қилиш лозимлигини кўрсатди"¹. М.Тургунбоева тузган "Баҳор" ансамбли ҳам, у яратган рақслар ҳам ҳайрат ва фахр уйғотади, моҳир санъаткоримиз улуғ ижодкор эканидан дарак беради. "Баҳор" куйи ҳам "Баҳор" ансамбли ҳам чиндан "Ўзбекистон баҳорининг ўзи"² эди. У ҳайратли даражада таланти, ҳақиқий халқ ижоди ва санъати намояндаси эди. Демак, санъатда улугворлик бетакрорлик, буюк истеъдод, халқ қалбига беҳад яқинлик билан уйғунлашиб келади.

Халқ ижоди ва санъатида улугворлик буюк ишларни бажариш, беҳад саховатли қалб эгаси бўлиш, халқ учун, унинг озод, эркин ва фаровон яшаши учун фидойилик, энг оғир ва бешавқат синовларга дош бериш, уларни енгиш, буюк садоқат, меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик гоълари билан яшаш қабилаарда намоён бўлади. Алпомишнинг арзимаган араз боис бир-биридан йироқ бўлиб кетган қабилаарни, ака-ука авлодларини бирлаштириши, Фарҳоднинг тогдан ариқ очиб Ширин мамлакатига сув келтириши, Хисрав лашкарига қарши туриб, уни тор-мор қилиши, Ширин канизакларининг душман билан жангда мардлик кўрсатиши улугворликка мисолдир.

Улугворлик эл-юрт манфаатини, эркин ва озодлигини ҳимоя қилиш учун фидойилик кўрсатиш билан боғлиқдир. Инсон хатти-ҳаракатларидаги улугворликда буюк мақсад, олижаноб ният, купчиликка ибрат, намуна бўладиган жасурлик, мардлик бўлиши даркор. Ўз манфаати йулида фидойилик кўрсатишни улуг воқеа-ходиса дейиш қийин. Масалан, уйига ўт тушганида сандиқда яшириб қуйган қимматбаҳо тақинчоқларини олиб чиқиш учун ўзини хавф-хатарга қуйган кишининг ҳаракатини биз улугворлик намунаси дея олмаймиз. Ёки тошқин сойда оқиб кетаётган дўпписини олиб чиқиш учун ўзини сувга отган кишининг "мардлиги"ни ҳам улугвор демаймиз. Ҳар иккала ҳолатда ҳам шахс хатти-ҳаракатларида ижтимоийлик, эл-юрт манфаатларига хизмат қилиш нияти йўқ. Демак, улугворликда ўз манфаатларидан кечиш, олижаноб мақсадларга, эзгу ниятларга хизмат қилиш мотиви ҳам бўлиши даркор.

¹ Ю с у п о в Ш. Санъат ва ҳайрат. Тошкент: Маънавият, 1997. 97–98-бет.

² Уша асар. 99-бет.

Улуғворликда кишини ҳайратга, ҳатто ваҳимага солувчи жиҳатлар бўлиши лозим. Масалан, Фарҳоднинг улкан, бесанок лашкарга қарши чиқиши, уларга тоғдан тошлар отиб, мағлуб этиши ҳайрат ҳам, ваҳима ҳам уйғотади. Аслида, бош қаҳрамоннинг бу жасорати халқ дostonларига хос фантазия, гипербола маҳсулидир. Аммо беҳад кучга, сон-саноксиз аскарларга эга қушинни енгил учун халқ шоири бурттирма, бадий тўқимадан фойдаланишга мажбурдир. Шу тариқа оддий хатти-ҳаракат, ният ёнуз ва жирканч кучлардан, пасткашликдан устун турувчи, улуғвор ҳодисага айланади. Маъмур эврилишни доим ижтимоий детерминизм билан изоҳлаш тўғри эмас. Улуғвор хатти-ҳаракатлар учун шахснинг ижтимоий манфаатларни англаши қанчалик муҳим омил бўлмасин, у, яъни улугвор хатти-ҳаракат шахснинг маънавий-руҳий олами синтезидан, ахлоқий-эстетик қадриятлари назорати ва руҳсатидан утиши даркор. Демак, улугворлик диагенетик ҳодиса, яъни унинг негизда, генезида бир томондан, объектив, ижтимоий манфаатларни, қадриятларни, талабларни ифода этиш, уларга риоя қилиш, социумда қарор топган нормалардан келиб чиқиш, иккинчи томондан, шахснинг ўз ҳаётий тажрибасига, қалбидан жой олган ахлоқий-эстетик қадриятларга, субъектив омиллارга таяниши ётади. “Баҳор” куйини рақсиз тингласангиз ҳам ундан олинадиган шавқ-завқ ва лаззат камаймайди¹. Лекин улар иккаласининг уйғунлиги эса беқиёс кутаринкилик, улугворлик ҳиссини уйғотади. Ушбу диагенез “Баҳор” куйи ва “Баҳор” рақси мутаносиблашиб мукамалликни шакллантирган.

Халқ ижоди ва санъатида бундай диагенетик уйғунлик ҳар доим ҳам кузатилмайдди. Масалан, халқ мақоллари, парамплогик иборалари, пандномалари, ёғоч уймакорлиги қабиларда диагенетик асос илганмайди. Аммо синкретик хусусиятга эга халқ байрамлари ва томошаларида у яққол акс ётади. Чунки уларда бир томондан, халқ оғзаки ижоди, иккинчи томондан, куй, кушик, рақслар уйғун келади, ушбу бадий-эстетик санъат турларисиз тадбир байрам, томоша бўлолмайди.

Улуғворлик ҳақида сўз кетганида мутахассислар шу заҳоти архитектура иншоотларидан мисол келтиришади. Ҳақиқатан ҳам, инсон қули билан яратилган улкан, маҳобатли бинолар ҳайрат уйғотмай қолмайди. АҚШ даги юз қаватли бинолар ҳатто инсонни қурқувга ҳам солади. Бироқ рационал ёндашган заҳоти уларнинг

¹ Уша жойда.

шакли моҳиятига мосми, деган савол уйғонади. Шакл, ташқи сурат қанчалик ҳайратли, улкан, беқиёс бўлмасин, инсон ақли улардан мақсадли фойдаланишга ундайди. Мазкур мақсадга жавоб бермаган нарса бир кунининг узининг улугворлигини ҳам, бадний-эстетик қимматини ҳам йўқотади. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, кишиларнинг ақли, қули билан яратилган артефактлар, улар қанчалик беқиёс, улкан, маҳобатли бўлмасин, маълум мақсадларга мувофиқ келиши орқалигина улугворликни ижтимоий зарур, фойдали ва эстетик қимматли воқеликка айлантиради. Инсон манфаатларидан йироқ артефактлар, улар қанчалик улугвор бўлмасин проварда натижада эстетик сепаратизм намунаси бўлиб қолади.

“Пасткашлик”, “тубанлик” соф эстетик тушунчалар эмас, улар мудом ахлоқий нормалар билан ҳам улчанади. Шунинг учун уларда эстетика ва этика уйғун келади.

Тубанлик улугворликнинг аксидир. Улар бир-бирини мудом тақозо этадиган, мудом бир-бирига диалектик боғлиқ нур ва соя каби воқеликлар эмас. Улугворлик уз ҳолича улугвор, тубанлик уз ҳолича тубан келиши мумкин. Қаерда улугворлик бўлса, шу ердан тубанлик, қаерда тубанлик бўлса, шу ердан улугворлик излаш хатодир.

Тубанликни баъзан, айниқса, кундалик ҳаётда, хунуклик билан айнан воқелик сифатида талқин қилишади. Бу тўғри эмас. “Тубанлик, – деб ёзади фалсафа фанлари номзоди Б.Э.Хусанов, – инсонда кучли нафратланиш туйғуларини ҳосил қилувчи эстетик категориядир. Нафосатшунослик категориялари орасида хунуклик сингари кишиларда салбий ҳис-туйғу пайдо қиладиган бошқа тушунчалар ҳам мавжуд. Тубанлик ана шундай тушунча: уни хунуклик билан айнанлаштириб бўлмайди. Чунки, хунуклик кишиларда енгил ноҳушлик туйғусини пайдо қилса, тубанлик эса кучли нафратланиш ҳиссини уйғотади. Табиат, ҳайвонот ва наботат оламидаги хунуклик эса тубанлик даражасига бориб етади”¹. Демак, тубанлик инсонга хос хислатдир. Масалан, халқ эртаклари ёки масалларида баъзан чўчқанинг балчиқда ётгани, ҳатто уни улуглагани тасвирланади. Чўчқанинг бу ҳолатини биз тубанлик демаймиз, у хунукликка оид ҳодисадир. Жирканишга олиб келадиган, кишида салбий ҳис-туйғулар уйғотадиган нарсалар – хунук, нафрат уйғотадиган нарсалар тубандир.

¹ Ш е р А., Х у с а н о в Б. Эстетика. Тошкент: Университет, 2008. 119-бет.

Тубанлик ўз ҳолича мавжуд эмас, у инсоннинг хатти-ҳаракатлари, гайринсоний, гайриахлоқий муносабатлари орқали намён бўлади. Тубан одам йўқ, унда тубан қилиқлар, муносабатлар мавжуд. Энг тубан аталадиган, инсоний фазилатлардан йироқ кишида ҳам қандайдир ахлоқий-эстетик белги, хислат топилади. Гитлер инсониятнинг ашаддий душмани, энг паст, ёвуз шахс ҳисобланса-да, у ҳам тасвирий санъатни севган, ёшлигида мусаввир бўлган. Демак, тубанлик табиий ҳодиса эмас, у орттириладиган хислатдир. Орттириладиган хислатни эса позитив томонга ўзгартириш мумкин. Бироқ халқ ижоди ва санъатида тубанлик камдан-кам ҳолда позитив томонга ўзгаради, кўпинча тубанлашган киши асар охиригача тубан хислатли тасвирланади ёки тубан хислатлари туфайли маҳв этилади. Шунинг учун халқ ижоди ва санъатида тубанлик очикдан-очик қораланади, у уқувчида нафрат уйғотади.

Пасткашлик, тубанлик асосан ёвузлик, қонхурлик билан уйғун келади. Ёвузлик тубанликка етаклаганидек, тубанлик ҳам, шубҳасиз, ёвузликка олиб келади. Ўзбек халқ эртаги "Муқбил тошотар"даги подшо образи бунга мисолдир. Оддий халқ вакили Муқбил тасодифан севиб қолган подшо қизига совчи юборади. Подшо совчиларга қараб дук уради:

– Эй нодонлар, менинг қизимга сизлар совчи бўлиб келдингларми? Бу қандай номус ё мени менсимайсанларми? – деб уларни зиндонга ташлатади.

Жангда енголмаслигини курган подшо Муқбил тошотарга қизини беришга рози эканини, бироқ йигит икки қулида турттадан-саккизта йулбарсни келтиришини шарт қилиб қуйибди. Муқбил шартни бажарибди. Подшо ваъдасида турмай яна шарт қуйибди. Энди у Хотамнинг бошини кесиб, боши билан отини ҳам қушиб олиб келишни буюрибди. Йигит Хотамни излаб бир нотаниш одамникида тунайдди. Бу уша Хотам бўлиб чиқади. Хотам бор бисоти бўлган отини суйиб йигитни меҳмон қилгач, йигитдан нима излаб юрганини сўрайди. Муқбил подшонинг шартини айтса, Хотам уша одам мен буламан, мана бошим сенга, бисотимда бир от қолганди, уни сенга кеча суйиб, овқат қилиб берганман, дебди. Муқбил Хотамнинг олижаноб инсонлигидан ҳайратга тушиб, у билан бирга подшо олдига борибди. Подшо Хотамни улимга буюрган экан, Муқбил чидаб туролмабди:

– Сен қандай номардсан?! Шундай мард, олижаноб, бунинг устига бегуноҳ инсонни ўлдирадиган бўлсанг, менга қизингни

бермай қуя қол. Агар уйлаганинг одам улдирши бўлса, Хотамнинг урнига мени улдир? – дебди. Подшо тутаким бўғилибди ва газабга миниб Муқбилни улдиршига буюрибди. Шунда Хотам дебди:

– Э, хонин подшо, сенда раҳм-шавқатдан асар ҳам йук экан, ҳар қандай йиртқич ҳайвондан ҳам баттар экансан!¹

Халқ нафратига учраган подшо ағдарилади, унинг урнига Муқбил тахтга утиради. Подшонинг ёвузлиги, қонхурлиги укувчида ҳам нафрат уйғотади. Хотам ута сахийлиги, инсонпарварлиги, Муқбил тошотар эса халқпарварлиги, ишқига содиқлиги туфайли улугвор фазилатларга эга образлар сифатида гавдаланади.

М.С.Каган улугворликни “Осмон”, “тепа”, “юқори”, пасткашликни “Ер”, “тубан”, “оёқ ости” каби тушунчалар билан боғлиқлигини қайд этади. Халқ назарида Осмонга, тепага, юқорига интилувчи нарсалар хусусиятида улуглик, улугворлик мавжуд, Ерда, пастда, оёқ остида эса тубан нарсалар жойлашган. Қадимий тасаввурларга кура, барча тирик, гузал, олижаноб нарсалар Осмонга интилади, улик, хунук, бенаф нарсалар Ерда талпинади. Халқ эртаклари ва дostonларида Бургут – осмон ҳукмдори, курт-қумурсқалар ер тагидан пана, уя излайди. Биринчиси укувчи дилига ваҳима, курқун солиб тепада мағрур, шижоат билан, куч билан парвоз этади, иккинчиси эса ер остига яшириниб, ёруғликдан қочиб яшайди. Натижада халқ ижоди ва санъати уларни улугворлик ва тубанлик тимсоллари сифатида тасвирлайди. Лекин, бизнинг назаримизда, бургут ва қумурсқаларнинг хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай улугворлик ёки тубанлик йук, уларнинг мавжудлик, ҳаёт тарзи шундай. Инсон уларнинг хатти-ҳаракатларига метафорик маъно бағишлаган, уларни улугворлик ва тубанлик символларига айлантирган. Аслида ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини улугвор ёки тубан дейиш тутри эмас, улар табиий инстинктларига мувофиқ яшайдилар, у ёки бу ҳаракатни амалга оширадилар. Улугворлик ва тубанлик диагенетик, яъни келиб чиқиши икки, бир-бирига зид асосга эга, фақат кишиларга, инсонга хос ҳодисалардир. Улугворлик инсонни ён-атрофдан фарқ қилувчи, етук, мукаммал, беқиёс борлиқни яратиш истаги натижасида юзага келган. Мавжуд борлиқ инсонни қониқтирмаган, уни такомиллаштириш, гузаллаштириш, улуг, буюк, бетакдор қилиш уйи унинг қалбида идеал (ижтимоий, эстетик, сиёсий ва б.)ни топиш мақсадини шакллантирганки, шунинг учун ҳам идеални мудом улугвор гоюлар, мақсадлар, нарсалар билан боғлаб тасвирлаган.

¹ Ўзбек халқ эртаклари. Тошкент: DAVR-PRESS, 2010. 24–28-бетлар

Тубанлик эса инсондаги ушбу идеални рад этган, унга етишга жонжаҳди билан қарши чиққан. У ангаанган ҳаракат, инсондаги гузал, олижаноб, улут мақсадларни барбод қилишга қаратилган. Унинг негизда инсондаги ҳайвоний хислатлар ётади, пасткаш шахс ушбу хислатларга ангаанган тарзда, аниқ мақсадни кузлаб эрк беради. Айнан ушбу психологик ҳолат (ҳайвоний инстинкларнинг борлиги эмас) шахс хатти-ҳаракатларини пасткашликка айлантиради. Туфон, zilzila, йулбарснинг гузал, беозор кийикка ташланиб, уни гажиши, мушукнинг сичқон қорнини ёриб, тагин уни томоша қилиб утиришида тубанлик йуқ, улар табиатдаги оддий, бўлиб турадиган ёки бўлиши муқаррар ҳодисалардир. Уларни тухтатиш инсон ихтиерида эмас, шунинг учун улар тубанлик бўлиб куринмайди. Инсон эса узидаги пасткашликни тухтатиш, жиловлаш имконига эга, унинг ҳайвоний инстинкларга эрк бериши тубанлик сифатида қабул қилинади.

Халқ ижоди ва санъатида тубанлик гротеск тасвирланганининг боиси мавжуд. Инсон дарров, бирданига тубан, паст махлуқотга айланмайди, мазкур илаатларнинг нафақат биологик, шунингдек социал асоси ҳам мавжуд. Кишилиқ тарихи курсатадики, мол-мулк, тахт, давлат атрофидаги курашлар, уларга диний мутаассибликнинг қушилиши зуравонликни, ноҳақликни, гайриахлоқий ҳодисаларни инсон енгиб булмайдиган борлиққа, хислатларга айлантирган. Кишилар мудом беаён, даҳшатли, асоциал борлиққа рупара яшаганлар, уларга гротеск тасвирланган фантастик кучга, беҳад қудратга ва беқиёс гузал, олижаноб, улутвор фазилатларга эга қаҳрамонларгина қарши туриши мумкин эди. Халқ фантастик образларни, гиперболик тасвирланган қаҳрамонларни реал шахслар деб қабул қилади, уларни уз ҳаётида, тарихида муҳим роль уйнаган буюк кишилар сифатида эъзозлайди. Шунинг учун ҳам улутворлик ва тубанлик фақат алогенетик (кишилар хатти-ҳаракатлари, фаолиятдан келиб чиққан) эмас, шу билан бирга идеогенетик (кишилар тасаввурлари, гоёлари, фантазияларидан келиб чиққан) ҳодисалардир.

Улутворлик ва тубанликнинг намоён бўлиши, халқ ижоди ва санъатида тасвирланишига ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаёт, кишилар дуч келган муаммолар, юрт бошидан кечирган қийинчиликлар, эришилган ютуқлар, галабалар ҳам таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Масалан, Чор Россияси мустамлакачилик даврида халқ ижоди ва санъатига сиёсий мақсадлар, яъни Чор

Россиясининг таъйиқи таъсир этган. Уша даврда Ўзбекистонда рус кушиқчилик маданияти ўзбек миллии санъатининг камситилиши асосида тарқатилар эди. Чунончи, XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган барча мусиқа севувчилар жамиятлари рус давлатининг ўлкадаги вакиллари тасдигидан утар, ҳатто жамият аъзоларининг аъзолик бадали тулаш тартиби, қуйиладиган спектакль ва концертлар репертуарларини тасдиқлаш, томошалардан тушадиган маблағларни ўз вақтида топшириб туриш ҳам ҳарбий губернаторлик тасарруфида эди. Айни пайтда бу шундан далолат бериб турардики, айрим “адолатсиз”, сиёсий норозиликларни, ҳукумат аъзоларининг камчиликларини сахнада танқид қилишга йул қуниамасди”¹. “1916 йилда ўлкада мустамлакачилик зуамига қарши, миллий озодлик ҳаракатлари авж олди. Уша даврдаги халқ қузғолонлари пайтида “Минг лаънат” ва “Элликбоши” каби янги замон билан баробар тугилган янги кушиқлар кенг тарқалди. Уларда оқ подшо ва маҳаллий амалдорлар ўзбошимчалиги газаб билан қораланар, халқ оммасининг муқаррар зафарига ишонч билдирилди”². Халқ асрлар давомида юрагида асраб, ижоди ва санъатида тасвирлаб, қуйлаб келган идеалдан воз кечмайди, ўзбек халқи учун мустақилликка эришиш ана шундай идеал эди. Бу идеал “Поездингни жиддирган...”, “Мардикорлар воқеаси”, “Жужи келди – бужи келди” (мугул босқинчиларига қарши) каби халқ кушиқларида, ўзбек халқининг мустақиллик ҳақидаги орзу умидларида яққол ифода этилган. Мустақиллик учун кураш улугвор мақсад эди, албатта ўз умрини ушбу курашга бағишлаган қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, интилишлари, орзулари ҳам улутдир.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, халқ ижоди ва санъатидаги идеал шунчаки истак, хоҳиш, орзу ифодаси эмас, балки “имкон давомини ифода этувчи хоҳиш ифодасидир”³. Яъни халқ эстетик идеални амалга ошириш, объективлаштириш имкони бор, деб билади. Ҳа, халқ ижоди ва санъатида тасвирланган ёвуз кучлар, пасткаш шахслар маълум бир вақт ижобий қаҳрамонлар устидан голиб келадилар, ўз тантанасига ишониб бад, гайринсоний қилиқларини давом эттирадилар. Аммо уларнинг бутубанликларига

¹ Х а м и д о в Я. Х. Ўзбек анъанавий кушиқчилик маданияти тарихи. Тошкент: Уқитувчи, 1996. 112-бет.

² Уша асар. 117-бет.

³ М у р и н а н В. М. Эстетический идеал. М.: Искусство, 1966. С.131.

эзгулик, улуғ мақсад ва олижаноб фазилатлар соҳиби бўлган бопи қаҳрамонлар чек қуяди. Бу идеалнинг объективлаштирилишидир.

2.4. Этномаданий меросда фоживийлик ва кулгилик

Ўзбек халқ ижоди ва санъати (этномаданияти)да фоживийлик ҳамда кулгилик инсонга хос хусусиятлар сифатида тасвирланади. Табиат ва ҳайвонот оламида улар тасвирланмайди, махсус бадиий-эстетик ҳодисалар сифатида келмайди. Тугри, табиат ва ҳайвонот оламида фоживалар, кулгили ҳолатлар етарлича топилади. Масалан, ернинг упирилиши, чуқиши, аҳоли турар жойларини ювиб, оқизиб кетувчи сел, дарё тошқини, zilzila – фоживалардир. Мушукнинг ип кетидан сакраши, кучукнинг автомашина кетидан хуриб қуваши, тутиқушнинг эгаси сузларига тақанд қилиши кабилар эса кулгиликка мисол бўлади.

“Фоживали ёки кулгили ҳолат, – деб ёзади Э.Умаров, – инсоннинг у ёки бу хатти-ҳаракати натижасида пайдо бўлади, бу хатти-ҳаракат турли-туман ҳаётий кучлар тўқнашуви жараёнида вужудга келади, ривожланади. Шу тариқа улар воқелик ва инсон орзулари ўртасидаги низоли муносабатларни очиқ беради”¹. Демак, “фоживалилик ва кулгилик эстетик тушунчалари ёрдамида ҳаёт зиддиятлари ва тўқнашувлари баҳоланади ва мушоҳада қилинади... Фоживалиликда воқеий ҳаётнинг чуқур илдизлари ва тўқнашувлари: ҳаёт ва ўлим, олодлик ва зарурат, ақл ва туйғу, қонун ва бурч, шахсий ва ижтимоий хусусиятлар намоён бўлади”². Шунинг учун ҳам фожива одатий эмас, балки шахс ҳаётида камдан-кам учратадиган ҳодисадир, агар шахс фоживани борлиги деб қабул қилганида унда яшашга, яратишга умид сўнгган бўларди. Ҳатто, Кирхегорнинг “Ёши улғайиб вафот этмоқ бахтдир, ундан бахтлироғи ёшликда ўлмоқдир, энг бахтлиси – тугилмаслик, дунёга келмасликдир”, “инсон ўлим учун яратилгандир”³, деган фикрлари ҳам уни яратишдан, фикрлаш ва изланишдан тўхтата олмаган.

Фожива алогенезида инсоннинг табиат билан олишувлари жараёнида шакланган тажрибалари ётади. Ёввойи табиатда инсон

¹ Умаров Э. Эстетика (Нафосатшунослик). Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 119-бет.

² Уша асар. 120-бет.

³ Қаранг: Абдуллаев Х., Хасанов У. Эстетика. Мазрузалар туплами. Тошкент: ЎзДСИ, 2008. 67-бет.

ҳаётига хавф солган фожиали ҳодисалар куп эди, инсон улар билан тинмай курашиб яшашга мажбур эди. Айтиш мумкинки, инсон ёввойи табиат олаmidан ушбу тинмай курашлари туфайли ажралиб чиққан, фожиалар унинг ақлини чархлаган, устирган.

Баъзи халқлар этномаданий меросида мазкур курашлар жараёнида:

- ҳаёт фожиалардан иборат;
- инсон ҳаётининг узи фожиа;
- артефактлар фожиали якунга маҳкум, деган фалсафий-пессимистик қараш қарор топган. Ушбу қарашларнинг у ёки бу куриниши, таъсири узбек этномаданий меросида, халқ ижоди ва санъати асарларида ҳам кўзга ташланади.

Шарқда эр. авв. VI–V асрларда пайдо бўлган, кейинчалик мамлакатимиз ҳудудларида ҳам тарқалган буддавийликда ҳаёт азоб-уқубатлардан иборат, тугилиш азоб, касал бўлиш азоб, қариш азоб, улиш азоб деган гоё илгари сурилади. Демак, ҳаёт азоб-уқубатлардан иборат. Шундай азоб-уқубатли дунёда яшашни инсон ақли фожиа деб билмайдими? Билади. Шунинг учун ҳам буддавийликни pessimistik эътиқод, дин дейишади.

Инсоннинг ҳаётга азоб-уқубатлар, фожиалар манбаи деб қараши, юқорида айтганимиздек, энг аввало унинг ёввойи табиат билан олиб борган курашлари натижаси эди, албатта. У қояга у ёки бу жониворларни, ҳайвонларни беҳуда тасвирламаган, мазкур махлуқотлар унинг ҳаётига хавф солган, фожиалар келтирган. Демак, инсон илк бадий-эстетик асарларидаёқ фожиаларни камайтириш мақсадини кўзлаган.

Академик Г.А.Пугаченковнинг келтиришича, эр. авв. VI–III асрларга тааллуқли Халчаён (Шимолий Бактрия)да топилаган ҳайкалчаларда иккита ҳажвчининг роль ижро этаётгани, бир неча аёл рақсга тушиб, махсус мусиқа асбоблари билан бирор маросимни нишонлаётгани акс эттирилган. Умумий ҳолат, давра иштирокчилари бирор маросим орқали табиатга, ён-атрофга муносабатини, ҳажвчи, масхарабозлар эса купинча бирор ҳайвон образини, хатти-ҳаракатларини курсатганлар¹. Бизнинг фикримизча, бундай маросимлар негизда одамларнинг табиатга тақлид қилиб, уни узига хизмат қилдириш, бераҳмлигини, фожиали томонларини камайтириш, етарли ҳосил, неъмат беришга чақириш нияти

¹ Қаранг: Пугаченков Г.А. Искусство Бактрии эпохи Кушан. М.: Искусство, 1979. С. 129–130; Ямаго Т.С. Изображение музыкантов на корнопластике Дальверзинтепе. Ташкент: Фан, 1975. С. 164–165.

ётади. Қандай бўлмасин, инсон ҳаётдаги фожиаларни, тусиқларни камайтириш учун тинмай кураш олиб борган, бу борада турли маросимлар, тадбирлар уюштирган, сеҳргарлик, афсунгарликни, диний тасаввурларни уйлаб топган. Инсон ҳаёти фожиаларни камайтириш, енгишга қаратилгани сабабли улуғвордир.

Инсон ҳаётининг ўзи фожа, деган фалсафий-фаталистик фикр аслида кишининг табиат, борлиқ олдидан оғизлигини туйишдан келиб чиққан. Бундай фалсафий-фаталистик қараш ва таълимотлар барча динларда учрайди, уларнинг куринишлари ҳозир ҳам мавжуд. Халқ ижоди ва санъати асарларида улар дунёнинг ўткинчи экани билан боғлаб талқин этилади. Инсон барибир ўлимга маҳкум, ҳеч нима уни ушбу фожадан ҳалос қиломайди. Шунинг учун ҳам унинг ҳаёти фожиалидир.

Ҳожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси ўзбек халқининг маънавий маданиятига улкан ҳисса қўшган Хужа Абдухлоик Ғиждувоний ёзади:

Ҳар кас ризқи-рузи Тангрига маълум,
Ризқи-руз қидирма, бу ишинг мавҳум.
Қисматда не бўлса, курурсан бутам,
Ризқу-руз азаддан этилган мақсум¹.

Ушбу фалсафий-фаталистик фикрларидан келиб чиқиб донишманд умр ўткинчи эканини, уни ҳеч нима билан тўхтатиб бўлмаслигини, шу боис эзгу амаллар билан яшаш зарурлигини уқтиради:

Умр ўткинчидир, бўлган кам озор,
Қулингдан келгунча бўлган некукор.
Дунёда не эксанг шунини урасан,
Яхшилик тухмин соч, бўлма бадкирдор².

Умрнинг ўткинчи эканлиги инсонни ҳаётни фожа деб билишга етаклайди. Тугри, у ўлимни мудом ўзидан қувиб, ўзига бегона билиб яшайди. Унга фатализмдан кура, оптимизм, охиратни эмас, абадиятни ўйлаш яқиндир, жозибалидир. Бироқ ҳаёт ҳақида бош қотирган ҳар бир киши умрнинг ўткинчи, фожиали тарзда қисқа эканини туймай қоламайди. Натижада у ҳаётни миф деб қабул қилишга мажбур бўлади. Фалсафа фанлари доктори В. Алимасов ёзади: “Илм-фаннинг

¹ Х о ж а А б д у л х о л и қ Ғ и ж д у в о н и й. Тарихлари, насихатлари, ривоятлари, қароматлари. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. 58-бет.

² Уша жойда.

хулосасига кура, биз яшаётган Ер бундан 5 миллиард йиллар олдин, ундаги ҳаёт эса 100 миллион йиллар аввал пайдо бўлган. Барча сайёралар каби Ер ҳам ўзгаради, ҳатто маълум бир даврга келиб у парчаланиши ёки бошқа сайёралар билан қоришиб, қушилиб кетиши мумкин. Демак, биз муаббад деб улуғлаётган ҳаёт муваққатдир. Шу нуқтаи назардан инсон ҳаёти, унинг яратганлари, “умрим маъномағзи” деб улуғлаганларининг бари мифдир¹.

Инсон ҳаётини ўткинчи, миф эканлиги унинг яратганлари, артефактларни ҳам ўткинчи, мифга айлантиради. Метагалактика ва галактикалардаги ўзгаришлар, сайёраларнинг тўқнашуви, парчаланиши, бирикиши бир кунмас бир кун биз яшаётган сайёрани, биз улуғлаётган инсон ҳаётини ҳам, артефактларини ҳам мангуликка олиб кетади...

Ўзбек этномаданий меросида бундай фалсафий-фаталистик сюжетлар, фикрлар камдан-кам учрайди. Аммо ишқий-ҳаётий драмаларда фожиавийлик гоҳи бутун асар сюжетини ташкил этади. Бунга Фозил Йўлдош ўғли қуйлаган “Лайли ва Мажнун” дostonи мисол бўлиши мумкин.

Мажнуннинг ҳаёти, турмуши фожиаларга тула. Унинг бутун фикри, ўйи Лайлида, маъшуқасига етиш гамида. Унинг ҳаёлига ҳеч нима, ҳеч ким, ҳатто ота-онаси, элу юрти ҳам келмайди. Чулу биебон – яшаш маконига, кийик-йўлбарслар ҳамроҳига айланади. Утиб бораётган қарвондан ёрини сураб, Қайс-Мажнун ул аҳволини қуйидагича тасвирлайди:

‘Мажнун деб қуйилган сифатимни,
 Лайли дедим, юрдим, бағрим эзилди,
 Ғам тортиб қузимнинг ёши тилиди.
 Билмайман, қаерга жононим борди,
 Ул сабабдан менинг жоним абгорди.
 Лайли деб қидириб жаҳонни кездим,
 Лайлининг ишқиде кунгаимни буздим,
 Дарагин топайин, дедим ахтариб
 Бораётган сендай қарвонни сездим,
 Чолиб келдим мен ҳам сенинг қошингга,
 Раҳминг келсин, куздан оққан ешима,
 Лайлининг отини сендан сурадим,
 Бир курсам топилар менинг муродим.
 Ҳаммаси йиқилди, бу иморатим,

¹ Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. Тошкент: NOSHIR, 2008. 13-бет.

Куйиб кетди, шунча қилган меҳнатим.
Уйлаб туриб, менда қолмас тоқатим¹.

Ушбу сатрларда Мажнун чеккан изтиробларини, азобларини баён қилган. "Лайли деб қидириб жаҳонни кездим", "Қайда қолди, билмайман ёрим", "Ийгладим чулларда зор-зор", "Саргайибди гулдай юзим, Ёр йулида туртдир кузим" каби нолалар достоннинг деярли ҳар бетида учрайди. Висол йироқлашса йироқлашадики, асло яқинлашмайди. Достон чексиз изтироблар ва оғир фожиа билан яқунланишига шубҳа қолмайди. Мажнун чеккан дарду изтироблар, айрилиқ азоблари достонни шундай яқунга олиб келиши мумкин эди. Бахши-шоир достонни ижобий яқунласа-да, қаҳрамонлар ҳаёти, турмуши фожиали кечганини унутиш қийин.

Ушбу мисолдан маълум бўладики, фожиа, албатта, улим бўлиши шарт эмас. Фожиа инсоннинг изтиробли, бенаф изланишларида, кетма-кет келадиган тусиқлар, гам-ташвишлар, йуқотишлар мажмуи сифатида ҳам акс этиши мумкин. Инсон ушбу изтироблар силсиласидан халос бўлишга интилади, турли чора-тадбирлар куради, лекин ҳаётини узгартиролмайди, тусиқлар имкониятларидан устун келаверади. Натижада ҳаётнинг, умрнинг маълум бир қисми, босқичи тусиқлар гирдобида утади, шаҳс қанча ҳаракат қилмасин, тусиқлардан қутулолмайди. Айнан ушбу ҳолат фожиага айланади ёки ижодкор ердамида қаҳрамон уни четлаб утади.

Мажнуннинг фожиаси Лайлига ошиқ бўлганида, ҳатто унга етолмаётганида ҳам эмас, унинг ота-онасидан, одамлардан, жамиятдан ажралиб қолганида эди. "Бир кун Мажнун ётиб туш кўрди, тушида энаси, отаси ўлибди. Қариндошлари бориб кумибди, қариндошлари унга: "Энам, отам, деб бир дуойи фотиҳа қиларни билмадинг, тоғларда сен ҳам ваҳший жондорлардан бири бўб кетдинг. Одам юрган ерда бўлмайсан, сен одамнинг ёввойиси булдинг, ҳайвонларни узингга жура қилиб олдинг. Энам-отам деб кўнглингга бир оладинг, бир одамга ёнашиб, мақсадингни гапирмадинг. Узингга маъқул гапдан қолмадинг, дейишди"². Бу реал асосга эга туш эди. Ҳақиқатан ҳам Мажнун ота-онасини, қариндошлари, ҳатто эл-юрти борлигини ҳам унутган эди. Бу албатта, фожиали ҳолдир. Бундай сюжетларни достондан, Мажнун

¹ Баҳром ва Гуландом; Зевархон; Фарход ва Ширин; Лайли ва Мажнун. Достонлар. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 321–322-бетлар.

² Уша асар. 337-бет.

ҳаётидан яна келтириш мумкин. Демак, фожиа асарнинг маълум бир қисми, эпизоди бўлиб келиши мумкин.

Фожиавийликнинг этноэстетик хусусиятлари қуйидагиларда кузга ташланади:

1. Миллий маданиятнинг тизимлари, шакллари ва турлари билан уйғун, яъни уларнинг ичида, таркибий элементи сифатида келади.

2. Халқнинг, миллатнинг эстетик қадриятларига зид чиқувчи, бош қаҳрамон имкониятларидан кенг, катта тусиқ тартида келади.

3. Этноэстетик моҳиятига кура, қайғу, гам, ҳасрат, изтироб, йукотишни англатувчи ҳодиса сифатида беҳад кучли ачиниш уйғотади.

4. Халқ, қаҳрамон эстетик идеалини маҳв этишни назарда тутадиган негатив хатти-ҳаракатлар сифатида тасвирланади.

5. Фожиавийлик ахлоқий ноқеалар, жараёнлар, омиллар билан уйғун келади.

Миллий маданиятга тааллуқли қадимий эътиқод ва маросимларда этноэстетик хусусиятлар яққол кузга ташланади. Бу борада ўтказилган махсус тадқиқотларга кура, ўзбек этномаданиятига ҳослик мотам маросимида бажариладиган қатор эстетик хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Ўзбек "халқида жон одам танасидан қора-қуқимтир буг, дудга ухшаб чиқиб кетади, уни ҳар қандай киши сеза олмайди, фақат ботиний ҳисга эга кишиларгина курадилар, деган тасаввур мавжуд...

Халқимизда беморнинг ҳолати, айрим ҳаракати ёки шифокорнинг берган маълумотларидан беморнинг нон-насибаси тугаганлиги маълум бўлиб қолса, қариндош-уруғлари ва фарзандлари одоб сақлаб буни унга билдирмасликка ҳаракат қиладилар. Бироқ киши жон бераётганида унинг оила аъзолари, уй эгалари маълум бир тайёргарлик курганлар: уй-ҳовлиларни тартибга солганлар, ойна, расмларни беркитганлар. Киши жон бераётган уйдан озиқ-овқат, идиш-товоқ олиб чиқилган ёки уларнинг усти ёлиб қуйилган. Чунки жон чиқаётган фурсатда гуёки қон сачраб хонадаги барча нарсалар нопок булар экан. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ҳар қандай тайёргарлик ута яширин тарзда бажарилган¹. Уй-ҳовлини супуриш, сув селиш, идиш-товоқларни

¹ А ш и р о в А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий университети нашриети, 2007. 107-бет.

узоқроқда сақлаш, майит кийим-кечақларини “куф-суф” қилиб ўт, чироқ билан тозалаш, ёпи болаларни, ҳомиладор аёлни ҳонадондан йироқлаштириш каби урф-одатларда этноэстетик белгилар намоён бўлади. Бундай белгиларни ўзбек этномаданиятига кирган ҳар бир маросимда учратиш, куриш мумкин. Кишининг жон бериш ҳолати – фожиа. Уни тинч кузатиб туришнинг ўзи драматизмдир. Мазкур драматизм ўзига хос урф-одатлар, этноэстетик ҳаракатлар билан юмшатилган, бошқаларга маълум қилинган. Масалан, киши ўлган заҳоти йиғи қушиқлари айтилган, ўғил болалар махсус чопон кийиб, белига белбоғ боғлаб, бошига янги дўппи кийган. Эшикка оқ рўмол ташланган, утиргичлар қўйилган ва ҳоказолар¹. Ушбу этномаданий, этноэстетик белгилар сўзсиз, изоҳсиз ҳам халқимизга тушунарли.

Фожиавийлик қаҳрамоннинг имкониятларидан кучли, кенг тўсиқлар сифатида келади. Уни қаҳрамон сеҳрли куч ёки халқ, юрт ёрдамисиз ҳал этолмайди. Шундай сеҳрли кучлар вазифасини ўзбек халқ эртакларида сеҳрли чироқ, сеҳрли ойна, сеҳрли узук, тўқмоқ, маймун, кийик каби магик нарсалар ва ҳайвонлар бажаради. Ушбу магик кучлар гузал, чаққон, бақувват сифатларга эга бўладилар, улар қаҳрамонга бегараз ёрдам берадилар, ёвузлардан, фожиаларга етакловчи хатти-ҳаракатлардан қутқарадилар. Гоҳо ўзлари фожиали ҳалок бўлиб ёки шундай ҳолатга тушиб қаҳрамонни қутқарадилар. Уларнинг бу жасорати нафақат ахлоқий, шунингдек, эстетик моҳиятига кура ҳам гузалдир.

Фожиавийлик кучли ачиниш уйғотади. Ҳатто, у бартараф этилганида ҳам киши қалбида уйғонган ачиниш меҳр-шавқат, ҳамдардлик билан уйғунлашади ва ҳаёлда узоқ сақланади. Халқ ҳаёлида сақланадиган ачиниш эса авлодлардан авлодларга ўтади, маълум бир этномаданий ва этноэстетик функцияни бажаради. Масалан, халқимиз қалбида Мажнунга нисбатан уйғонган ачиниш, у чеккан изтиробларни фожиа деб ҳисоблаш ҳамон учрайди. Бор вужуди билан севадиган кишини халқимиз ҳозир ҳам Мажнун, бечора жунун деб атайди, уни афтодаҳол, ўзлигини унутган, дайди деб билади. Уни яланг оёқ, ярим яланғоч, йиртқич ҳайвонлар билангина дўстлашган тэрзда қулғили тасвирлайди.

М.С.Каган фожиавийликни идеалнинг маҳв этилиши билан боғлиқ воқеа сифатида қарайди. Ҳақиқатан ҳам кескин курашда

¹ Қаранг: Н а с р и д д и н о в Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. Тошкент: А.Навоний номидаги Ўзбекистон Миллий университети нашриёти, 2007. 107-бет.

бир-бирига ёв, зид икки қараш, идеал тўқнашади. Бу курашда қаҳрамонларнинг биологик ўлими эмас, балки идеалнинг маҳв этилиши фожиа уйғотади. Шунинг учун ўзбек этномаданиятида, айниқса, халқ оғзаки ижодида қаҳрамон сон-саноқсиз тусиқларга, фожиали вазиятларга дуч келса-да, ўлмайди. Халқ севган ва оғзаки ижоди марказига олиб чиққан қаҳрамонини ўзининг идеали деб билади. Қаҳрамоннинг ўлгани – идеалнинг ўлганидир. Халқ бундай фожиага йул қўя олмайди, у қаҳрамонини қутқариб идеалини қутқаради. Ўзбек халқ адабиёти ва оғзаки ижодида тасвирланган фожиавийлик драматизмни кучайтирса-да, идеалга гуманистик моҳият бахш этади, ундаги ахлоқий ва эстетик қадриятларни таъсирчан, қимматли қилади.

Кулгилилик фожианинг аксидир, фожиа тугаган жойда воқеа тугайди, кулги тугаган жойда яна кулги бошланади.

Эстетикада кулгилилик – хунуклик билан гузаллик ўртасидаги зиддият ифодаси (Арасту), кутилаётган воқеликнинг аҳамиятлилиги ва натижанинг арзимаслиги (Кант), моҳияти жиҳатидан пасткаш, сохта, аҳамиятдан ва шакли жиҳатидан аҳамиятли (Гегель), тимсол ва гоё (Фишер), бехосдан содир бўлган ва жонли мулоқот натижаси (Бергсон) каби таърифлар ана шундай бир томонлама хусусиятларга эга бўлса-да, уларнинг оқил томони кулгилиликни қарама-қаршилик билан боғлаб мушоҳада этишга интилишдир¹, деб таъриф берилади. Ушбу таърифлар объектнинг турли жиҳатларига эътибор қаратади, Арасту хунуклик билан гузаллик ўртасидаги зиддиятга, Кант кутилаётган натижанинг арзимаслигига, Гегель воқеа-ходисаларнинг аҳамиятлилигига, Фишер тимсол ва гоё уйғунлигига, Бергсон тасодифий содир бўлган воқеа ва жонли мулоқот натижасига эътибор қаратади. Ушбу таърифларни таҳлил қилиш бизнинг назифамизга кирмайди. Аммо улардаги умумий бир жиҳатни айтиш зарур. У шундаки, кулгилилик воқеа-ходисалар, хатти-харакатлар ва мулоқот мантиғига бўлган муносабат натижаси сифатида келади. Ушбу мантиқ бузилганини еки унинг реал борлиққа, ҳаётий талабларга, социумда қабул қилинган ахлоқий-эстетик нормаларга мувофиқ келмаганини англаш, пайқаш кулги уйғотади. Кулгилилик бадиий-эстетик ҳодиса сифатида асосан латифа, масхарабозлик, пайров, ҳажвий эртақлар ва ҳикоялар, айтишув, ҳазил-мутойиба каби халқ оғзаки

¹ У м а р о в Э. Эстетика (Нафисатшунослик). Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 127-бет.

ижоди ва томошаларида яққол намоён бўлади. Ҳаётда ва кишилар хатти-ҳаракатларида учрайдиган беухшоналиклар кулги манбаи ҳисобланади. Демак, кулги инсонга хос фазилатдир. Хайвонлар кулги нималигини, бошқа жонзодлар устидан кулиш мумкинлигини билишмайди. Фақат инсон табиат, хайвон ва кишилар устидан кулиш йулларини ҳам, боисларини ҳам билади.

“Уч елгонда қирқ ёлгон” эртагидаги подшо қизига уйланишга талабгор, кал йигит шундай нарсаларни туқиб ташлайдики, ҳатто уни сўз устаси-ёзувчилар ҳам уйлаб тополмайди. Охирида подшо тўй-томоша қилиб қизини калга беришга мажбур бўлибди¹. Бу уринда нафақат қаҳрамоннинг сузга усталлиги, ёлгонни реал воқелик сифатида тасвирлай олиш қобилияти, ҳатто унинг каллиги ҳам кулги уйғотади. Чунки қанчадан-қанча гузал, хушсурат ва бадавлат йигитларни рад этган маликанинг кал йигитни танлаши кулги уйғотмай қолмайди.

Насриддин Афанди, Алдаркуса, Бирбала билан боғлиқ латифалар, масҳарабозлик томошалари кулги эпизодларига туладир. М.М. Бахтин кулги халқ маданиятининг таркибий қисми, халқ кулги орқали дунёга “гротект-образли”, моҳиятан бадий-эстетик муносабатини ифода этади², деб ёзганида ҳақ эди. Чунки кулги шунчаки уткинчи, бир онлик кайфият маҳсули эмас. Тугри, айрим олинган эпизод ёки йул-йулакай айтилган ибора, ухшатиш, қочирик ёки мазаҳона фикр кулги уйғотиши мумкин. Бироқ, улар негизда реал воқеликдан йироқлашган вазиятни идрок этиш, пайқаш, хуллас, юқоридаги реал муносабатлар мантиғига эид ҳодисаларга нисбатан олдиндан шаклланган бадий-эстетик, маънавий-руҳий ҳолат, шайлик бўлиши лозим. Бундай маънавий-руҳий ва бадий-эстетик ҳолатга шай бўлмаган киши учун энг замонавий латифа ҳам кулги уйғотолмайди.

Ҳожиали ҳоллар баъзан кулгили куринади. Тугрироғи, ҳожиа баъзан кулгини эргаштириб, бири-бирини тўлдириб келади. Масалан, Мажнуннинг Лайли висолига етиш арафасидаги қуйидаги сузларини олайлик:

Лайлижонга мен туй берсам
Туй бериб Лайлини олсам
Куёназвар қилиб шерни,

¹ Ўзбек халқ эртаклари. Тошкент: DAVR PRESS, 2010. 12–17-бетлар.

² Бахтин М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М.: Худ. лит.-ра, 1990. С. 17.

Ёнбошимда олиб борсам...
Олдимдаги хизматкорим,
Ундай кунда йулбарс, шердан,
Ҳеч кузима куринмайди...
Мен Лайлига куёв бўлсам,
Йулбарсларман утирарман,
Булар ҳам Лайлини курса,
Кузини томоша қилса
Ойдай Лайли жамолига,
Хубди қадди-камалига,
Туриб шерлар хизмат қилса...¹

Достондаги Мажнуннинг қуй терисига уралиб, пода билан туновга боргани, уни Лайли ёқтириб қолгани ва унга уз дардини айтгани каби эпизодлар ҳам реал ҳаётдан узоқ бўлгани учун қулги уйғотади.

Насриддин Афанди латифаларида “утган тузум ва даврларнинг дарди, замонларнинг турфа-турфа товланишлари, гаму қувончлари, надомату шодликлари умрбоқий ва уткир қулгилар орқали очиб берилади. Масалан, золим амалдор, ноҳақ ва нопок қози, чаламулла, порахур вазир, нодон эр, айёр хотин, сохта олим, илмсиз домла-ҳамма-ҳаммаси Афандининг ҳақгуйлиги, донолиги ва ҳозиржавоблиги туфайли шармандай шармисор бўладилар”². Иллатлардан қулиш ҳажвия, латифаларнинг мақсадидир. Жамият, кишилар ҳеч қачон иллатлардан холи бўлмаганлар, бировга улар ён-атрофдан юккан, бошқа бировлар эса табиатан қулги уйғотадиган куринишларга (масалан, пакананинг оддий кишиларга тақлиди, узидан узун буйли аёл кетидан юриши), хислат ёки иллатларга эга бўладилар. Албатта, социумда қабул қилинган нормаларга зид, ноодатий қилиқлар, масхарабозлик, истеҳзоо каби ҳагги-ҳаракатлар купрок қулги уйғотади. “Инсон билан жамият ўртасидаги қарама-қаршилиқ, англашилмовчилик уз-узидан қулги, қулгили хислатларни келтириб чиқаради, муносабат ва меъёр бўзилган жойда албатта қулги пайдо бўлади”³.

Латифаларда, ҳажвияларда купрок умуминсонийлик бўртиб

¹ Баҳром ва Гуландом; Зеварлон; Фарход ва Ширин; Лайли ва Мажнун. Достонлар. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 343-бет.

² Ж у р а е в А. Барҳаёт қулгу // Афандининг йигирма тўрт қиёфаси. Тошкент: Шарқ, 2001. 461-бет.

³ Уша жойда.

туради. Шунинг учун бир хил мавзуларни, ҳикояларни турли халқлар оғзаки ижодида учратамиз. Шу билан бирга уларда этномаданий, этноэстетик белгилар ҳам кўзга ташланади. Масалан, улкамиз халқлари ҳаётига, турмуш тарзига яқин қумгонда чой қайнатиш, шиппақда юриш, эшак аравада юк ташиш, сандал, чукка тушиб утириш, жазирама иссиқда тандирда нон ёпиш, носқовоқни белбоққа ураб юриш каби купдан-куп хатти-ҳаракатларда этномаданий ва этноэстетик белгилар намоён бўлади. Энг муҳим этномаданий ва этноэстетик белги бегаразлик, бегуборликдир.

Қаҳрамонлар ҳеч қачон инсон шаънини топтовчи, унинг нафсониятига тегувчи сўзларни, ибораларни ишлатмайдилар. Кулги, ҳажв инсонга эмас, унинг иллатлари ва номақбул хатти-ҳаракатларига қаратилгандир. “Аслида, кулгили нарса – бу ҳеч кимнинг дилини огритмайдиган ва ҳеч кимга зарар келтирмайдиган баъзи бир нуқсон ва мажруҳликдир. Мисол излаб узоққа бормаслик учун шунини айтиш керакки, кулгили ниқоб азоб (ифодаси)сиз, хунуқлик ва айниганликни тасвирлашдир”¹. Бу уринда биз одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилганини кўзатамиз. Ҳатто аскияда ҳам инсон шаъни эмас, ён-атрофда учраётган иллатлар, қусурлар, халқ идеалига мувофиқ келмайдиган юлғичлик, порахурлик, дангасалик, хунуқлик, очкузлик каби хислатлар танқид қилинади.

Кулги халқнинг ўз идеалини пародия, мутойиба, пичинг, ҳажв, гегажоқлик, танқид, масҳара орқали ҳимоя қилишидир. М.М. Бахтин уни “кулги маданияти” деб атайдиган². Маданиятда эса миллий ва умуминсоний белгилар ёнма-ён, бир-бирини тулдириб келади.

Кулиш барча инсонларга, халқларга хос хислатдир, лекин баъзи кишилар, элатлар камроқ, баъзилар эса кўпроқ кулишга мойил. Ҳазил-мутойибасиз, ҳажвсиз халқ, этномаданият йўқ. Халқ ўз устидан кулиб иллатлардан халос бўлади.

Кулгининг психофизиологик аҳамиятини унутиб бўлмайди. Оғир меҳнатдан кейин дам олишга мойил киши нима биландир ўзини шод қилгиси, узоқ, оғир меҳнат жараёнида йиғилган психофизиологик юкдан қутулгиси келади. Шунинг учун кулги унга роҳат, дам беради, депрессив ҳолатдан қутқаради. Агар “шодлик ва кулги бўлмаганида инсон будунёга “Дузах” деб ном қуяди. Дилидан

¹ А р а с т у. Поэтика (Нафис санъатлар ҳақида), Ахлоқи кабир (Катта ахлоқ китоби), Риторика (Хитоба). Т.: Янги аср авлоди, 2012. 26-бет.

² Бахтин М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М.: Худ. лит-ра, 1990. С. 48.

қаҳр, изтироб ва аламни қувиш учун инсон қувонч ва кулгини уйлаб топган”¹. Тугрироғи, кулги табиий эҳтиёж сифатида юзага келган, унинг алогенезида инсоннинг оғир меҳнат, машаққатдан кейин қалбида, руҳида пайдо бўлган маънавий-руҳий ва бадий-эстетик эҳтиёжи ётади. Оғир меҳнатдан, машаққат ва иллатлардан жамият тула халос бўлмаган, мутлақ халос бўлиши ҳам даргумон, демак, кулгига бўлган маънавий-руҳий ва бадий-эстетик эҳтиёж, кулги этномаданиятининг атрибути сифатида сақланиб қолади.

¹ А л и м а с о в В. Фалсафа сҳуд фикрлаш санъати. Тошкент: NOSHIR, 2008. 236-бет.

3-БОБ.

УЗБЕК ЭТНОМАДАНИЯТИНИНГ ЭСТЕТИК ФУНКЦИЯЛАРИ

3.1. Этномаданиятнинг умумий функциялари

Эстетик функциялар узининг имманент хусусиятлари ва мақсадига эга бўлса-да, улар этномаданиятнинг умумий функцияларидан мутлақ айрича келмайди. Демак, эстетик функциялар билан этномаданиятнинг умумий функциялари ўртасида диалектик боғлиқлик мавжуд. Шунинг учун этномаданиятнинг умумий функцияларини куздан кечириш мақсадга мувофиқдир.

Этномаданиятни ижтимоий-тарихий ва бадий-эстетик воқелик сифатида тушунишда турмуш тарзи, оила-хужалик ҳаёти, анъаналар ва маросимлар, дин ва диний тасаввурлар, гносеологик тажрибалар, оғзаки ижод, адабиёт ва санъат, халқ томошалари каби омиллар ҳам муҳим урин тутади. Мазкур ранг-баранг омиллар этнопсихологик синтездан ўтиб, уни бойитиб, этномаданий воқелик даражасига кўтарилади. Маълум бир ўрф-одат, суз ёки тажрибанинг этномаданий воқеликка айланиши шунчаки кўчириш, тақлид орқали эмас, балки халқнинг маънавий-руҳий олами назоратидан, этнопсихологик синтездан ўтиши даркор. Этноснинг маънавий-руҳий оламига сингмаган, этнопсихологик синтез талабларига жавоб бермаган артефакт этномаданиятдан жой ололмайди¹. Масалан, шўроларнинг пролетар интернационализм гоёси нафақат ўзбек халқининг маънавий-руҳий оламига, шунингдек, умуминсоний парадигмаларга ҳам тўғри келмагани учун мағлуб бўлди, у халқларнинг этнопсихологик синтездан ўтмади ва ижтимоий-тарихий тараққиётга зид қараш сифатида рад этилди. Демак, этномаданиятга кирадиган нарсалар, артефактлар, қадриятлар этнопсихологик синтездан ўтиб, халқнинг, миллатнинг маънавий-руҳий ҳаётидан чуқур жой олиши шарт. Шунингдан назардан миллий маданиятда икки – кунаро узғариб, транс-

¹ Қаранг: Этнопсихологические проблемы вчера и сегодня. Минск: Харвест, 2004. С. 444–446.

формацияга учраб, гоҳо узини узи рад этиб турадиган устки қатлам ва этномаданиятга кирган, барқарор, муқим артефактлардан иборат узак қатлам, ядро мавжуддир.

Устки қатлам ва узак қатлам диалектик боғлиқдир, улар мудом бир-бирига таъсир этиб туради. Ташқи таъсирлар ортиб бораётган, инсоннинг онги, тасаввурлари, ҳаёт тарзи тинмай ўзгараётган ҳозирги пайтда маданиятнинг устки қатлами ниҳоятда фаол ҳаракат қилмоқда. Оммавий ахборот воситалари, урбанизация, модернизациялашув жараёнлари, халқаро алоқалар, интеграция, глобал ўзгаришлар маданиятнинг устки қатлами доирасини кенгайтirmoқда. Бу маданиятнинг ижтимоий-тарихий заруриятга мослашиб ривожланишининг шартидир.

Шу билан бирга маданиятда барқарор, муқим нарсалар, артефактлар ҳам булиши лозим. Мазкур узаксиз, ядросиз халқ, миллат ўзлигини намоён қила олмайди, у кучли ижтимоий-маданий оқим таъсирига берилиб, этник белгиларини йўқотади. Демак, этномаданият халқнинг, миллатнинг ўзлигини асрашнинг, ўзлигини намоён қилишнинг ягона имконидир. Этномаданиятнинг асосий моҳияти ҳам шундадир.

Этномаданиятда этноснинг мангу, умрбоқий қадриятлари, анъаналари, артефактлари мужассамдир. Этнос мазкур қадриятлари, анъаналари, артефактлари орқали узини ҳам умрбоқий этник бирлик сифатида сезади, идрок этади. Янги авлодлар маданиятнинг устки қатлами таъсирига қанча берилмасин, этнос узининг умрбоқий, мангу қадриятлари, анъаналари, артефактларидан воз кечмайди, балки мудом уларни асрашга, ривожлантиришга интилади. Этнос учун умрбоқийлик, мангулик муқим аҳамиятга эга тушунчалардир. У барқарор, муқим бойликлари орқалигина умрбоқийлигини, мангулигини таъминлашини билади. Агар этнос ҳаётни, яратганларини ўткинчи, бесамар нарса билганида бетиним изланиб, изтироблар чекиб боқийликка муносиб бирор янги нарса яратмаган, Эпикурнинг “е, ич, маза қил” даъватига мувофиқ яшаган буларди. Халқнинг даҳолиги шундаки, у келажакка хизмат қиладиган, ўз ҳаётини боқий қиладиган нарсаларни яратишга интилади. Айрим шахсларгина ҳамма нарсани муваққат билиши, ҳаётнинг ўткинчи эканини тан олиб, маданиятга эрмак сифатида қараши мумкин, лекин халқ, миллат бундай қилолмайди, унга боқийлик, мангулик керак. Демак, халқ, миллат маданий бойликлар яратиш орқали ўзининг боқийлигини, ҳаётнинг мангулигини таъминлайди. Этно-

маданиятнинг мазкур моҳияти халқ, миллат билан маданият, яратилган диалектик боғлиқ, улар бир-бирини бойитиб, ифодалаб келади, деган хулоса чиқариш имконини беради.

Ўзбек этномаданиятининг ўзига хос хусусиятларини У.Х. Қорабоев халқ донишмандлиги, халқ эътиқоди, халқ педагогикаси, халқ одатлари, халқ ижоди, халқ уйинлари, дам олиш маданияти, халқ пазандаллиги, миллий либослар, халқ меъморчилиги, халқ амалий санъати, халқ табобати, халқ турмуш-маданияти кабилар орқали очиб беради¹.

Бизнинг тадқиқотимиз учун этномаданиятга тизимли-функционал ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Маданиятнинг функциялари ҳақида ранг-баранг ёндашувлар, классификациялар мавжуд². Ушбу ёндашувлар, классификациялар тадқиқотчиларнинг турли илмий-назарий концепцияларига мувофиқ яратилган. Шунинг учун уларда бир-бирига яқинликдан кура, фарқлар кўпроқ. Лекин этномаданиятнинг эстетик функциялари ҳали тадқиқ этилмаган, баъзи этномаданиятга оид адабиётларда маданият функциялари унга тадбиқ этилади. Бундай ёндашувда, бир томондан, позитив асос бўлса, иккинчи томондан, у этномаданиятнинг эстетик функционал хусусиятларини ҳисобга олмастиклики келтириб чиқаради.

Илмий адабиётларда этномаданиятнинг умумий функциялари куйидагича тасниф қилинади:

- маданий бойликларни асраш (музей);
- оламни идрок этиш, билиш (гносеологик);
- мулоқот (коммуникатив);
- оммавийлашув;
- бадий-эстетик бойлик (артефакт)лар яратилган;
- интегратив;
- рекреатив-гедонистик;
- эстетик идеални шакллантириш.

Музей функцияси ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида яратилган, маданиятнинг узак қисмига айланган бойликларни асрашга қаратилгандир. "Музей" сўзи аслида тўплаш, йиғиш,

¹ Қаранг: Муродов М., Қорабоев У., Рустамова М. Этномаданият. Тошкент: Адолат, 2003. 10-11-бетлар.

² Қаранг: Коган Л. Н. Социология культуры. Екатеринбург, Наука, 1992; Карпини А. С. Основы культурологии. Морфология культуры. СПб: Лань, 1997; Бобоев Х., Хамроев Т., Алимасов В. Маданиятшунослик. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.

сақлаш деган маъноларни билдиради. Бойликларни асраш, тўпловчи маъносидан иборат маданий бойликларини анъана, маросим, тоб, ёдгорликлар орқали асрашга интилади.

Музей функцияси (анъанавийлик) маданий бойликларни асраш, уларни ётаъсиридан, беаёв ижтимоий-тарихий ҳолатдан ҳимоя қилишга қаратилган. Анъанавийлик эстетик ва онтогенетик ҳодисадир. У аждоғимизнинг муқим хулқ-атвор, ахлоқ нормаларини, одатлардан авлодларга узатиш орқали этномаданиятни бағъи бажаради³. "Анъаналар кишиларга "ўзларининг халқнинг тарихан шаклланган ижтимоий-маданият ишлаб чиқариш билан боғлиқ турмуш тарзини" "Айнан халқ анъаналарни яратади, ривожлантириб қабул қилади ёки баъзиларини рад этади"

Баъзан анъаналарга қолақлик белгисизлигида қараш ҳам учрайди. Масалан, инсоният яратган "қадриятларни" қай қай барча маънавий-руҳий, бадий-эстетик қадриятлар рад этишга бориб етади. Илгариги фалсафачилар қилиш, бирйула эски қадриятларни маънавий ижодий изланишларга йўл очиб бермади мақсади эди"⁴. Шундай муносабат советларнинг ўзбек этномаданиятига нисбатан ҳам мавжуд бўлиб келган. 1920-1930-йилларда мартанг сўз ушгартирилди, диний қадриятлар рад қилинди. Бироқ советлар даврида фаолиятдан, маънавий бойликлар яратилган маданиятини асраб-авайлади. Ёки айрича маънавийлик шиори остида советлар даврида маънавийликни рад этишини эслашлик. Файласуфлар М. Валихоновнинг гайриилмий қарашини танқид қилмоқчи бўлган тадқиқотчи

³ Қаранг: Арутюнов С. А. Народы и культуры. М.: Наука, 1989. С. 160.

⁴ Наджимов Г. Н. Народные традиции Узбекистана, 1992. С. 13.

⁵ Ушба жойда.

⁶ Қаранг: Нисше Фр. Воля власти. СПб: М.: ТОО Транспорт, 1995. С. 7.

Функциялари

уни маданий бойлик-
тамиз. Халқ, миллат ўз
тгаки ижод, санъат, ки-
модларимиз яратган ма-
ментларнинг бузгунчи
раёнларнинг емириши-
лик инсонга хос филоге-
ар яратган бойликларни,
рмуш тарзини авлодлар-
нятни асраш вазифасини
иб сингадирилмайди, улар
ни ҳолати, унинг моддий
Рзи ва маиший ҳаётидир”².
жлантиради, баъзиларини

СМ, тараққиётга гов, тусик
Н, Фр. Ницше нигилизми
баҳолаш” шиори остида
ахлоқий-диний меросни
афани янгича баёв танқид
қилиш ва шу тариқа янги
ш Ницше нигилизмнинг
тоталитар тузуми даврида
либ борилган. Масалан, уч
лятларга қарши “уруш” эъ-
халқимиз маданий-ижодий
ишдан тухтамади, уз этно-
ми тадқиқотчиларнинг замо-
даги ютуқларни нигилист-
Иброҳим Каримов биолог
ларини танқид қилиб ёзади:
М. Валихонов – О.Н.) муам-
ультуры. Развитие и взаимодей-
рвации и культура. Ташкент:

пыт переоценки всех ценностей.

мони обдан урганмай, унинг асл моҳиятига етмай фикрлар билдирса, у одамларни, жумладан, ёш авлодни ҳақиқатдан чалғитиб, уларда гайриилмий тасаввурларни шакллантириб қўяди”¹. Нигилизм яратмайди, асрамайди ҳам, унинг шиори барча нарсаларни рад этиш. М. Валихонов “Дарвин таълимотини Аллоҳга эътиқод ва миллий мафкура доирасида қайта кўриб чиқишни маслаҳат беради.” Шу мақсаддан келиб чиқиб биолог дарвинизмни ҳам, марксизмни ҳам инкор этади. Бу уринда унинг илмдаги биринчи манбаларга таяниш ва асос келтириш анъанасини бузгани кўзга ташланади. И. Каримов айнан шунинг учун ҳам М. Валихоновни танқид қилади.

Ўзбек халқи этномаданиятига муносабатларда ҳам шундан ҳолатлар учрайди. Масалан, уз пайтида шоҳлар кийган либосларда 20–25 яшар йигит ва қизлар “чиллак” уйинига чиқишади. Бу халқ маданиятининг куриниши сифатида телеэкранда бутун республикага намойиш қилинади. Анъанавийлик маданиятни иложи борича бузмай, ижтимоий-тарихий босқичга хос куринишда сақлашни тақозо этади.

Музей функцияси кишиларда меросга чуқур ҳурмат, уларни урганиш, ривожлантириш туйғусини шакллантиради. Этномаданиятдаги ворисийлик ҳам музей функцияси орқали таъминланади.

Музей функцияси этномаданий бойликларни, артефактларни кенг тарғиб этиш, кишилар онгига ва турмуш тарзига сингдириш вазифасини ҳам бажаради.

Гносеологик функция этноснинг ён-атрофни, оламни билиш, идрок этиш тажрибаларини ифода этади. Этнос узига хос маънавий-руҳий оламига эга экан, ён-атрофни, оламни билишга интилар экан, у шубҳасиз гносеологик тажрибаларига ҳам эга бўлади. Масалан, фасларнинг алмашиши, ой ва қуёшнинг чиқиши, ёмғир ва қорнинг ёғиши каби табиатда содир бўладиган ҳодисаларни ҳар бир этнос ўзича идрок этган. Минг-минг авлодлар кузатувида ва тажрибасига асосланган бундай гносеологик изланишлар аста-секин этномаданий бойликка, этномаданиятнинг хусусиятига, функциясига айланган.

Ҳозир илмий кузатувларнинг, фан-техниканинг аҳамияти, урни ошиб бораётган бўлса-да, этноснинг узок ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида туплаган гносеологик тажрибалари ҳам уз таъсирини йўқотмаган. Шу нуктаи назардан гносеологик функция этномаданият ўзагидан, ядросидан жой олган.

¹ Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Тошкент: Фан, 2001. 207-бет.

Коммуникатив функция кишилараро ва халқлараро (интегра-тив) алоқаларни, мулоқотларни ўз ичига олади. Тил маданиятининг асосий воситаларидан бири экан, у ўзини мулоқот орқали ифода этади. Мулоқот этномаданиятининг шаклланиш ва ривожланиш шарти бўлиб келган.

Коммуникатив функция бевосита ёки билвосита, мажбурий ёки ихтиёрий, яқка тартибда ёки гуруҳий, оммавий, белгилар ёки имо-ишоралар орқали амалга оширилади.

Этномаданиятнинг айрим кўринишлари (масалан, амалий санъат, дostonчилик, рақс ва б.)ни алоҳида олинган шахс яратиши мумкин, лекин уларнинг тарқалиши, халқ ижодига айланиши муҳитга, купчиликка боғлиқдир. Шунинг учун коммуникация (мулоқот) этномаданиятнинг асосий белгиларидан биридир.

“Маданият – кишилар мулоқотининг шарти ва натижасидир. Маданият – кишилар мулоқоти учун майдон, у кишиларни бирлаштиради ва бир-бирига боғлайди”¹. Демак, маданиятни яратиш жараёнида кишилар ўзаро мулоқотга киришишади, мулоқот эса кишиларнинг маънавий-руҳий оламини, интеллектуал сифатларини билишга ёрдам беради.

Мулоқот, ўз моҳиятига ва негизига кўра, кишининг информация алмашиш, у ёки бу янгиликларни эшитиш, ўз юрагида йиғилган ҳис-туйғуларни билан ўртоқлашишга қаратилган ички маънавий эҳтиёжининг ифодаси ҳисобланади. Унда киши ё ижод предмети, ёки ижод жараёнининг бошқа субъектлари билан мулоқотда бўлади. У.Х. Қорабоев мулоқотнинг аския халқ оғзаки ижодидаги ўрнини тадқиқ этиб қуйидагиларни ёзади: “Аския бир неча кишилар ўртасида ўтказиладиган оғзаки ҳазил-мутўйбага қурилган халқ ўйинидир. Уни “сўз ўйиши”, “қулги чиқариш санъати”, “бадий сўз баҳси” деб ҳам аташади. Аскиядаги асосий усул сўз тагида сўз, яъни косани остида нимкоса тарзида ҳазил қилишдир. У, одатда, юқори сўз санъати ҳисобланиб, кўзланган мақсад аудиторияда қулги уйғотади. Аскиячининг санъати бадий сўз ва ифода усулларидан, ҳазул-ҳузул, масхара ва пичинглардан унумли фойдаланишида, шу тариқа бошқа аскиябозлар ва аудитория билан бевосита мулоқот ўрнатишида нэмоён бўлади. Шунинг учун аския халқ оғзаки ижодининг анъанавий кўриниши сифатида жонли мулоқот

¹ Кармин А. С. Основы культурологии. Морфология культуры. СПб., 1997. С. 46–47.

орқали яшаб келади”¹. Агар илгари аския оилавий-маиший давраларда яшаб келган бўлса, ҳозир у халқ этномаданиятининг таъсирчан тури сифатида маданият учоқлари уюштирадиган оммавий-бадний тадбирларга айланган².

Мулоқотда инсоннинг ўз руҳиятида йиғилган “салбий маълумотлар”дан халос бўлишга интилиши ҳам акс этади. Эркин, ташқи таъйиқсиз, ички маънавий эҳтиёжи билан амалга ошириладиган халқ юқоди турлари кишини ана шундай салбий хусусиятга эга таъсирдан халос бўлишга ёрдам беради. Энг муҳими, “мулоқотда субъектнинг бетакрорлиги ва интилишларининг эркинлиги руёбга чиқади, натижада, бетакрор фазилатларга эга субъектлар бир-бирини мустақил танлаб, бири бирининг урнига ўзини қўйиб, ўзаро эркин алоқаларга киришадилар”³. “Мен” ўзининг ижодий хислатларини бошқа “мен” ёки субъектлар билан биргаликда намоён қилади, ушбу мулоқот жараёнида ўзида зарур ижтимоий кўникмаларни шакллантиради.

Бугун маданиятнинг коммуникатив функцияси кескин кенгайган, унда глобал ўзгаришларга мувофиқ трансформация жараёнлари кечмоқда. Айниқса, билвосита мулоқот шакллари (мобил телефон, интернет) мазкур функцияда туб ўзгаришлар ясамоқда. Энди маданиятларнинг бир-бирига тез яқинлашуви, тажриба алмашуви ва бир-бирини бойитиши содир бўлмоқда, мутахассислар фикрига кўра, “маданиятнинг глобаллашуви муқаррар воқеликка айланмоқда, унга қарши туриш ёки уни рад этадиганлар ақдан озган телбалардир”⁴.

Шу билан бирга коммуникатив функция этномаданиятларнинг ранг-баранглигига зиён етказмаслиги, маданиятлараро мулоқотларни миллий манфаатларга мувофиқ кечишига халақит бермаслиги, айниқса АҚШ маданияти ёки Ғарб оммавий маданиятини қарор топтиришга қаратилмаслиги даркор. Халқаро мулоқот, интеграция умуминсоний қадриятларни, нормаларни қарор топтиришга қанча ёрдам бермасин, улар экспанция кайфиятидаги маданиятнинг ҳукмрон кучга айланишига хизмат қилмаслиги керак.

¹ Қаранг: Карабаев У.Х. Традиционное народное творчество: проблемы возрождения и развития. Ташкент: Фан, 1991. С. 22–24.

² Уша асар. 25-бет.

³ Каган М.С. Мир общения. М.: Политиздат, 1988. С. 156.

⁴ Многоликая глобализация. Культурное разнообразие в современном мире / Под ред. П. Бергера, С. Хантингтона. М.: Аспект-Пресс, 2004. С. 123.

Социализация функцияси шахснинг ижтимоий ҳаётда фаол бўлишини, бадий-ижодий кучларини, интеллектуал салоҳиятини жамият равнақига, этнос манфаатларига сарфлашини ифода этади. Маданият айрим шахснинг, ижодкорнинг илмий, бадий, эстетик изланишларини инкор қилмайди, балки уни этник ҳаёт муаммоларини янада фаолроқ, кенгроқ очиб беришга, тасвирлашга, шу тариқа узини ривожлантиришга интилади. Шу йул орқали шахс халқнинг, миллатнинг ижтимоий-маданий ҳаётида субъект сифатида қатнашади.

Халқ оғзаки ижоди, халқ амалий санъати, халқ мусиқаси ва рақси каби этномаданиятнинг қуринишлари шахснинг яқка ижоди билан бевосита боғлиқ эмасдек қуринади. Ҳақиқатан ҳам, халқ ижодининг субъекти, муаллифи аниқ эмас, деган қараш фольклористикада қарор топган. Масалан, халқ эртаклари, мифлар, ривоятлар, мақол ва маталларнинг муаллифларини топиш қийин. Халқ наққошлик санъатининг муаллифи ҳам номаълум, унинг қайси туман, ҳудуд ёки мактабга тааллуқли эканини топиш мумкин, ҳолос. Хуллас, илм-фанда халқ ижоди ва санъатининг муаллифи халқ, омма, деган фикр аксиома бўлиб қолмоқда. Шундай бўлса-да, маданиятнинг социализация функцияси шахсни ижтимоий-маданий ҳаётга, халққа манзур ва фойдали нарсаларни яратишга жалб қилишни назарда тутди. Бу жараёнда шахснинг бетакрор, буюк нарсаларни яратгани эмас, балки унинг халқ ижоди ва санъатига бефарқ қолмагани, ижтимоий-маданий ҳаётда ижрочи, тақлидчи, тарғиботчи сифатида қатнашгани муҳимдир. Чунки шу тариқа шахс ўзидаги ижодий кучларни руёбга чиқаради, халқ ижоди ва санъати билан бевосита танишиб, ўзида бадий-эстетик дидни шакллантиради.

Оммавийлашув функцияси маданиятнинг ташқи ташкилий белгиси сифатида келади, бироқ у этномаданиятнинг миллий хусусиятлари ва маънавий қизиқишлари яқин кишиларнинг руҳий бирлиги, бир-бирига яқинлашиши туфайли пайдо бўлади. Оммавийлик маданиятнинг купчиликка тушунарли эканлиги, эгаллаш усуллари-нинг осоналиги билан характерланади. Ушбу белгиси йук маданият халқ, омма орасида тарқалмайди.

Бадий-эстетик бойликлар (артефактлар) яратиш маданиятнинг, бадий-эстетик ижоднинг бош мақсади, пировард натижасидир. Маъқур функция юқоридаги барча функциялар билан боғлиқ, аммо унда шахснинг бадий-эстетик бойликлар, артефактлар яратишда қатнашиши асосий курсаткич ҳисобланади. Агар социализация функ-

цияси учун шахснинг ижтимоий-маданий ҳаётда қатнашиши етарли бўлса, бадиий-эстетик бойликлар, артефактлар яратиш функцияси учун эса шахс у ёки бу бадиий-эстетик бойлик яратиши шарт. Демак, шахснинг миллий маданиятни бойитадиган ижод намуналарини, асарларини яратиши бутун маданиятнинг пировард мақсадидир.

Этномаданиятнинг бадиий-эстетик функцияси ён-атрофни, оламни гузаллик ва хунуклик, олижаноблик ва пасткашлик, улутворлик ва тубанлик, фоживийлик ва кулгилилик, қаҳрамонлик ва қурқоқлик каби антиномик категориялар орқали идрок этиш, англаш, инсонни ижодий изланишларида уларга таяниб асарлар яратишга ундайди. Халқ эпослари ва эртакларида антиномик категориялар эзгу ва ёвуз кучларнинг фазилатлари, уларнинг туқнашувлари тарзида тасвирланади. Тугри, халқ хайрихоҳ бўлган қаҳрамонлар оғир синовларга дучор этилади, ҳатто ёвуз кучлар томонидан улдирилади, лекин улар сеҳрли кучлар ёрдамида қайта тирилиб, ёвуз кучларни мағлуб қилади, эзгулик ва адолатни қарор топтиради. Эзгу ва ёвуз кучлар уртасидаги туқнашувлар укувчи қалбида бадиий-ҳиссий (эмоционал) муносабатлар уйғотади, эзгуликнинг, гузал ва олижаноб фазилатларнинг тантанаси унда инсонпарварлик, олампарварлик туйғуларини шакллантиради.

Мазкур функция этномаданиятни халқ, миллат ижодий меҳнат, изланишлар ва тажриба алмашишлар жараёнида яратади, деган фундаментал аҳамиятга эга ёндашувга таянади. Ижодий фаолият, умуман фаолият – инсоннинг мавжудлик усулидир. “Инсон ҳаёт тарзининг маданият тушунчасидаги белгиси унинг фаолиятидир”¹. Тугри, барча фаолиятлар ҳам маданиятни яратавермайди, балки маълум бир мақсадга йўналтирилган, онгли, сунъий тарзда яратилган нарса, ҳодиса (артефакт)лар маданиятдир. Демак, артефактлар маданиятларнинг асосий белгисидир².

Ўзбек этномаданиятида бу функция мавжуд ижтимоий-маданий бойликларни ушлаштиришдан тортиб, то янги бир ижод намунасини яратишгача бўлган изланишларда намоён бўлади. Масалан, ўзбек этномаданиятига хос илк нақш асарлари эрамиздан аввалги I-минг йилларга оид археологик топилмалардаёқ учрайди³. Бироқ, бу ута содда чизмаларга ҳар бир авлод уз

¹ Кармин А. С. Основы культурологии. Морфология культуры. Спб.: Издательство “Лань”, 1997. С.21.

² Уша асар, 25-бет.

³ Каранг: Р е м п е л ь Л. И. Цепь времен. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. Ташкент, 1987. С. 8–10.

улушини қушиб, уни тарихий-диний тасаввурлар билан бойитиб, ҳозирги мураккаб санъат даражасига кутарган. "Амалий ҳунармандчилик намуналарида бадий безаклар кўпайиб борган бўлса, тасвирий санъатнинг кейинги намуналарини кулолчилик буюмларидаги расмларда учратамиз. Сопол идишларнинг формалари аста-секин мураккаблаша бошлайди ва сопол идишларга тасвирлар, безаклар туширилиши бадий кулолчилик санъатининг ҳар томонлама ривожланишига олиб келди"¹. Шу тариқа ижодий фаолият таъсирида халқ амалий санъати оддий кўринишдан йирик, мураккаб жанрга ўсиб чиққан.

Баъзан ижодий фаолиятда изланишлар тухтаганини кузатамиз. Масалан, араблар истилоси ва мўғул-татарлар босқини аяж олган даврларда тургунлик, баъзан эса орқага қайтиш ҳоллари кузатилади. Улкада тинчлик қарор топиши билан халқимиз маданий бойликларни яратишда давом этади.

Оғзаки ижод, қушқ санъати каби жанрларда эса ҳатто чет эликлар босқини пайғида ҳам халқимиз ижодий изланишлардан тухтамаган. Демак, ўзбек этномаданиятига хос бош хусусият унинг ижодий фаолият ва изланишлардан ҳеч қачон тухтамаганида, халқимизни маданий бойликлар яратишга ўзлуксиз интилиб келганидadir.

Этномаданиятнинг кўринишлари ва шакллари турли-туман бўлгани учун унинг эстетик функцияси ҳам мазкур кўриниш ва шаклларда ҳар хил кўламда, даражада намоён бўлади. Масалан, халқ наққошлик санъатида фожиавийлик, тубанлик, хунуклик элементлари кўринмайди, рангларнинг мутаносиблиги, эстетик завқ қўзғатиши биринчи планда туради. Лекин бу халқ наққошлик санъатида антиномик элементлар мутлақ бўлмайди, деган фикрни аниқлатмайди. Қизил, сариқ, туқ сариқ, бинафша ранглардан кейин ёки ёнма-ён келадиган қора, яшил, долчин, кўк каби рангларнинг келиши бадий-эстетик диднинг даражасини ифода қилади. Антиномик ҳодисалар объектив борлиқнинг негизи, асоси, халқ наққошлик санъатида эса у иссиқ (қизил, сариқ, туқ сариқ, бинафша) ва совуқ (қора, долчин, кўк, яшил) рангларнинг ёнма-ён ишлатилиши орқали ифодаланади. Аммо уни бадий-эстетик ижод сирларидан яхши хабардор кишигина туғри пайқайди. Хуллас, этномаданиятнинг бадий-эстетик функцияси, ўз моҳияти ва мақсадига кўра инсонни халқ яратган маданий бойликлардан баҳраманд қилиш ва ба-

¹ Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лаяҳалар. Тошкент: Ўқитувчи, 1997. 15-бет.

дий-эстетик дидини юксаптириш орқали уни ижтимоий-маданий ҳаётнинг фаол субъектига айлантиришдир.

Ўзбек этномаданиятида **интеграция** белгилар (функциялар) мудом мавжуд бўлган. Улар ўзбек халқининг Урта Осиё халқлари билан бир жугрофий ҳудудда яшагани, хўжалик-маданий типларининг ва ижтимоий-тарихий ҳаётининг айнанлиги, бир йирик этнос – турк қавмига мансублиги, диний эътиқодларининг бирлиги каби-лар билан боғлиқдир. Бундан ташқари, Урта Осиёда турли халқлар (форс, араб, мугул, рус, грек-македонияликлар) ижтимоий-маданий қадриятларининг синтезлашиб келишини ҳам унутиб бўлмайди. Ушбу белгилар нафақат ўзбекларни, шунинг билан бирга Урта Осиёдаги барча халқларни ўз атрофида бирлаштириб келган. Ушбу маданиятдаги Шарқ (Хитой, Монголия, Ҳиндистон, Олд Осиё, Туркия, араб давлатлари, Кавказ) халқлари маданиятига яқин белгиларнинг малжудлиги бизни ушбу халқлар тарихи, маданияти, миллий урф-одатларини тўғри тушунишга, этногенез нуқтаи назаридан эса яқин халқ, қавм эканлигини англашга ундайди. Бу эса ушбу халқларни этномаданий қадриятлар атрофида интеграцияга киришиб яшашга даъват этади.

Рекреатив-гедонистик функция этник гуруҳларнинг, миллатнинг ўз вақтини ўтказишга, психофизиологик ҳолатини тиклашга қаратилган анъаналарини ифода этади.

Дам олиш ва ҳордиқ чиқариш шахснинг ўз ихтиёридаги иши бўлса-да, у жамиятдан, ижтимоий муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришлардан ташқарида кечмайди. Дам олиш ва ҳордиқ чиқариш шахс ва ижтимоий тараққиёт манфаатлари билан диалектик боғлиқдир. Шунинг учун уни мақсадли ташкил этиш учун жамият ва давлат махсус ижтимоий-маданий технология (воситалар, усуллар, ташкилий механизмлар мажмуаси) яратган¹. Бозор муносабатлари шароитида эса бундай технология вазифасини ижара, хўжалик ҳисоби каби иқтисодий бошқариш усуллари бажаради². Айнан бозор муносабатлари этномаданиятни халқ, кишиларнинг ижтимоий-маданий ва миллий тараққиёт нуқтаи назаридан эркин, ташқи таъйиқсиз ривожланишига имкон беради³.

¹ Қаранг: Культурно-досуговая деятельность: перспективы развития и проблемы регулирования. Свердловск, 1991. С. 55–61; 62–71.

² А л и м а с о в В. Маданият муассасаларида иқтисодий бошқариш усуллари. Тошкент: ЎзР ФА Қулезмалар институти, 1987.

³ А л и м а с о в В. Маданият маркетинги // Жамият ва бошқарув, 1998, 1-сон. 27–28-бет.

Кейинги йилларда этнопедагогика ёки халқ педагогикаси алоҳида фан соҳаси сифатида шаклланаётганини кузатамиз¹. Бу, аслида этномаданиятнинг бир йуналишидир. "Ўзбек педагогикаси антологияси" муаллифларининг тан олишича, "Халқ педагогикасини урганиш ва уни замонамиз нуқтаи назаридан қайта ишлаб чиқишга улгурмадик ва амалий фаолиятда қуллаб олмадик"². Бу манбаларнинг камлиги билан эмас, балки илмий муҳитнинг, ушбу соҳани урганишга ҳамда мавжуд тарбия системасининг халқ педагогикасини жиддий қабул қилишга тайёр эмаслиги билан изоҳланади. Аммо халқ педагогикасидаги деярли барча гоялар, фикрлар, усуллар этномаданий ҳодиса сифатида қаралиши даркор, чунки ҳар қандай педагогик жараён маданий тараққиёт натижасидир.

Бадий-эстетик ендашуя халқ этномаданиятини нафосат принципларига биноан бунёд этилган иншоотлар, кишиларнинг олам ҳақидаги туйғуларини, қарашларини ифода этувчи мусиқа, таслирий ва амалий санъат асарлари орқали урганишдир. Илк археологик топилмалардаёқ ўзбек халқининг бадий-эстетик маданиятиг. оид тасаввурлар, гоялар ва анъаналарга дуч келамиз. Урта Оси халқлари қадимги санъатини махсус урганган А.И. Ремпельнинг таъкидлашига кўра, илк топилмалардаёқ аجدодларимиз ўзининг дунё ҳақидаги тасаввурларини маълум белгилар (крест, ярим крест, доира, ярим доира), ҳайвон-белгилар (нақшга ухшаш ҳайвонлар, арслон, эчки бошлари, илон), антроморф худолар (ярим одам, ярим тотем, ҳукиз бошлик болталар), мифологик, ярим худо қаҳрамонлар (аждаҳо билан курашаётган шох ва б.)да ифода этганлар. Уларда "ҳали бадийий усулга эга бўлмай туриб, маълум бир қарашлар уз аксини толган"

"Инсоннинг ҳар қандай фаолиятида эстетик мәнба мавжуд: инсон уз фаолияти давомида моддийат билан бирга маънавийатга, шодлик-севинч, орзу умид, эрк, озодлик туйғуларига суяниб яшайди, моддий самаралар билан бирга ўзи ва бошқалар фаолиятини нафосат мезонлари билан улчанадиган ижтимоий баҳолашга ҳаракат қилади. Баҳолаш – воқеа-ҳодисаларининг қадрини еки иж-

¹ Қаранг: Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдлик. 1-жилд. Тошкент: Укитувчи, 1995; Халқ педагогикаси. Қарши: Университет, 1988.

² Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдлик. 1-жилд. 23-бет.

³ Р е м п е л ь А. И. Цепь времен. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. Ташкент: Изд. лит. и искусства им. Г. Гуляма, 1987. С. 10.

тимой аҳамиятини англашнинг махсус шаклидир. Инсоннинг воқеликка эстетик муносабати аслида воқеликка баҳо беришнинг алоҳида тури, воқеа-ҳодисаларни эстетик қадрлаш усулидир”¹. Бироқ баҳолаш, барча онг шакллари сингари, ўзининг миллий жиҳатларига, этномаданий белгиларига эга. Масалан, японлардек чўккалаб ўтириб овқатланиш европаликлар учун қийин ҳолатдир. Ёки нафақат европаликлар, шунингдек, Урта Осиё халқлари ҳам жанубий африкалик зулуларнинг бир оёқда ухлашини тасаввур қилолмайди². Шунинг учун тадқиқотчилар ҳар бир этномаданият ўзига хослигини сақлаб қолиши лозим, деган фикрни ёқлайдилар³. Тутри, баъзи этномаданий белгилар ё трансформацияга учрайди, ёки истеъмолдан чиқади. Бу, ижтимоий-маданий воқеликка хос хусусиятдир. Агар японияликлар учун чўкка тушиб овқатланиш, аёлларнинг майда қадам ташлаб юриши, зулулар учун бир оёқда ухлаш эстетик маданият белгиси ҳисобланса, ўзбек халқининг чордона қуриб ўтириши, катта кишига ўрнидан туриб жой бериши эстетик қадриятлардир. Демак, ҳар бир халқ ўзининг тарихий-маданий анъаналарида бадиий-эстетик қарашларини ифода этади.

Эстетик идеални шакллантириш функцияси баркамол авлодда гўзал, олижаноб, улугвор гоёларни тәрбиялашни назарда тутади. Юқоридаги функцияларни яна ва яна давом эттиришимиз, уларнинг ҳар биридан эстетик белги, эстетик объект топишимиз мумкин. Аммо, бу мавзунини беҳад кенгайтириб, тадқиқот объектини сунъий тәрзда мураккаблаштириб юборган бўларди. Биз этномаданиятнинг юқоридаги умумий функцияларига таянган ҳолда эстетик функцияларни қуйидагича классификациялаймиз.

- I. Эстетик қадриятларни асраш (музей).
- II. Халқ ижоди ва санъатининг тарғиб этиш (оммалаштириш).
- III. Халқ байрамлари ва томошаларининг гедонистик функцияси.
- IV. Эстетик идеални шакллантириш.

¹ Умаров Э. Эстетика. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 77, 79-бетлар.

² Каранз: Бромлей Ю. В., Подольный Р. Г. Создано человеком. М.: Политиздат, 1984. С. 21.

³ Арутюнов С. А. Народы и культуры. Развитие и взаимодействие. М.: Наука, 1989. С. 152-153.

3.2. Этномаданиятнинг эстетик қадриятларни асраш (музей) функцияси

Этномаданиятнинг миллий маданиятнинг муқим, барқарор, узак, ядро қисми экани миллий маданиятда турғун анъаналарни шакллантиради. Халқнинг ўз этногенези ҳақидаги тасаввурлари, тарихий хотираси, ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрни каби давлатчиликка бориб тақалувчи қарашлари ана шу анъаналарнинг таъсири натижасидир. Демак, этномаданиятнинг барқарор воқелиги турғун анъаналари ва уларнинг халқ ҳаётига, унинг барча томонларига таъсири туфайлидир. Халқ ушбу таъсирни ўзининг мавжудлик, тириклик, этник биричилиги сақлаб қолиш шarti деб билади.

“Александр ҳам (уни Шарқда купрок Искандар Зулқарнайн деган ном билан билишади), Қутайба ҳам, Чингизхон ҳам, генерал Черняев ҳам, умуман ким бўлмасин, юртимизга бир неча ун минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишғол қилган ва бу ердаги сиёсий ҳокимиятни қулга олган. Яна тақрорлайман: Сиёсий ҳокимиятни Тамом. Тутри, ҳукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иқтисодий, савдо, илмий, маданий имкониятларидан ўз манфаатлари йулида фойдаланишга зур берганлар. Бирок шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг куп минг йиллик маданиятини йуқ қилолмаганлар, қилолмасдилар ҳам”¹. Президент И.А. Каримов ўзбек этномаданияти, унинг халқимизни ўзлигини сақлаб қолишдаги аҳамияти ҳақида тухталмоқда. Юқоридаги фикрларини давом эттириб, у дейди: “Мен айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йуқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда барибир, қатор йуқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қоладими ё йуқми? Олимларимиз ана шу саволга жавоб берсинлар”². И.А. Каримовнинг жавоби эса қуйидагичадир: “Бизнинг аجدодларимиз, халқимиз қадим-қадимдан утроқ яшаган, миллатимизнинг илги утроқ маданият шароитида қотган. Халқимиздаги “илги туқ, бақувват” деган тушунча, мен, ҳатто, қонуният деган булардим, бежиз пайдо бўлмаган. **Ўзбек халқининг илги туқ, бақувват демоқчиман. Яна тилимизда “тагли-тутли”, “па-**

¹ Ислам Каримов. Биз ўз келажагимизни ўз қулмиз билан қураимиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 144-бет.

² Уша асар. 145-бет.

лаги тоза” деган иборалар ҳам бор. Бу бир жойда муқим яшаган, уз турмуш тарзига, ахлоқ-одоб мезонларига, ақидалари ва тафаккур тарзига эга булган хонадонларга нисбатан айтилади. Бутун оммани, бир неча кўз минглаб, миллионлаб аҳолини бирлаштирган ақидаларга, мезон ва қоидаларга эга булган халқни қандан изоҳлаш, таърифлаш мумкин?! Ана шу ҳаётий ва ижтимоий мантиқдан келиб чиқсак, таъриф ва изоҳ битта бўлади – миллий борлигимиз, маданиятимиз илдизи, томири утרוқ булган”¹. Миллий маданиятдаги, И. А. Каримов назарда тутган, утרוқлик этномаданиятнинг барқарорлиги, муқимлиги туфайлидир. Миллат, халқ мавжудлиги ҳам ушбу узак, ядро туфайлидир. Шунинг учун биз этномаданиятнинг бош функцияси узлигини, узининг тургунлиги ва барқарорлигини асрашидадир, деб ҳисоблаймиз. Этномаданиятнинг эстетик қадриятларни асраш (музей) функцияси ҳам ундан келиб чиқади.

Эстетик қадриятларни асраш функцияси энг аввало давлатнинг этномаданиятта булган муносабатига, унда белгиланган вазифалар ва жамиятнинг стратегик мақсадига таянади. Мазкур умумижтимоий, сиёсий мақсад ва вазифалар асраш функциясининг ҳам мақсад ва вазифаларидир. Демак, этномаданиятнинг эстетик қадриятларни асраш функцияси (умуман қолган функциялари ҳам) умумижтимоий-маданий тараққиётга, этносиёсий стратегик мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлариданок халқимиз яратган маданиятни, анъаналарни, бойликларни асраш, номлари ноҳақ унутилган аجدодларимиз меросини қайта тиклашни узининг бурчи, вазифаси деб билди. “Халқимизнинг хотираси, – деганди уша кунларда И. А. Каримов, – ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур булган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улутбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир булган сиймолардир. Улар узларини ҳақиқатга ташна ва узини ҳақиқат булган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улут номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир”².

Ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида буюк аждодларимиз меросини асраш буйича катта ишлар, тадқиқотлар, изланишлар олиб борилди, юбилейлар утказилди, ҳайкаллар қуйилиб майдон-

¹ Уша асар 145–146-бетлар.

² И с л о м К а р и м о в. Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 72-бет.

ларга, кўчаларга алломаларимиз, ватанпарвар – саркардаларимиз номи қўйилди. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фаргоний, Мирзо Улугбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Фитрат, Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов каби юзлаб алломаларимиз ва ижодкорларимизнинг совет даврида таққланган еки унутилган асарлари чоп этилди, уларнинг илмий, адабий ва маънавий мероси урганлди. Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди. 1997 йида XII Халқаро Тошкент анжумани утказилди ва 2006 йилдан бери Самарқанда “Шарқ тароналари” Халқаро фестивали утказилади.

Диний маданият ва анъаналарни тиклашга, асрашга қаратилган бағрикенглик сиесати туфайли бугун Ўзбекистонда 2222та диний ташкилотлар, 2029та маҷит, 180та черков ва ибодатхоналар, 16та диний конфессиялар фаолият курсатмоқда. 1999 йили Тошкент Ислам университети ташкил қиллнди. 1996 йили Рус православ черкови Тошкент ва Урта Осиё епархиясининг 125 йиллиги, 2001 йили эса 130 йиллиги, 2002 йили католик черковининг 100 йиллиги, 2003 йили Арман апостол черковининг 100 йиллиги нишонланди. Шунингдек, Ўзбекистонда Қурбон ҳайити, Рамазон ҳайити, Пасха ва Рождество, Пейсах, Пурим, Ханука диний байрамлари очик нишонланадиган булди.

Мустақиллик йилларида 50 мингдан зиёд фуқароларимиз – муслмонлар Саудия Арабистонига Хаж сафарига бориб келдилар. Қуръони карим, Янги Аҳд ва Эски Аҳд (инжил)нинг узбек тилида чоп этилгани йирик ҳодиса булди¹. Буларнинг барчаси халқ маданиятини асраш, қайта тиклаш борасида Ўзбекистонда олиб борилаётган бағрикенглик сиесатининг натижасидир. Этномаданиятнинг эстетик қадриятларни асраш функцияси ушбу позитив узгаришларга таянади, уларни узининг бадий-эстетик воситалари ва имкониятлари билан қўлаб-қувватлайди.

Эстетик қадриятлар деганда оламини бадий-эстетик англаш жараенида яратилган, этномаданиядан чуқур жой олган артефактлар, алогенез ва идеогенез натижалари, хуллас, бугун барча томонидан бадий-эстетик қиммати эътироф этилаётган моддий ва маънавий бойликлар тушунилади.

¹Маълумки, – деб ёзади фалсафа фанлари доктори М. А. Нурматова, – қадриятлар уз-узидан пайдо буладиган ҳодиса эмас. Улар йил-

¹ Ўзбекистон – бағрикенг днер. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 8–10-бетлар.

лар давомида шаклланади, ижтимоий тараққиёт қонунлари асосида ривожланади, халқ, миллатнинг шаҳодатномаси сифатида сайқал топади. Инсон ҳам айнан қадриятлар таъсирида камолга етади. Бу қадриятлар тизими ўзининг дунёвий ва диний характери, моддий ва маънавий асослари, эстетик ва ахлоқий моҳияти билан жамият ва инсон тараққиётига хизмат қилади ҳамда инсонни комилликка етказувчи омиа вазифасини бажаради¹. Демак, қадриятлар, шу жумладан, эстетик қадриятлар ҳам ижтимоий борлиқ билан уйғун тарада амал қилади. Нафосат оламининг объективлигини ифодалаш эстетик қадриятларнинг функциясидир. М.А. Нурматованинг қайд этишича, нафосат оламининг объективлиги қуйидагиларда ифодаланади:

- нафосат оламининг ижодкори булган инсон наслининг ҳар бири алоҳида шахсга боғлиқ булмаган ҳолда объектив мавжудлиги;
- инсон томонидан асрлар мобайнида машаққатли ижодий меҳнат туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг мавжудлиги;
- инсоннинг туйғулари, завқланиши, ҳайратланиши, диди ва эстетик билими объектив оламнинг субъектив образ эканлиги;
- табиат инсоннинг эстетик олами ва дунёқарашини бойитувчи гузаллик манбаи эканлиги;
- инсон ва у яшаётган жамиятнинг мавжудлиги нафосат оламидаги уйғунликни барқарорлаштириши;
- инсон амалий фаолиятининг объектив мавжудлиги. Демак, эстетик қадриятлар объектив мазмун ва субъектив ифодага эга булган воқелик булиб, ўзида реал ва идеал шаклларни намоён этади². Ушбу фалсафий таҳлилни яқунлаб, М.А. Нурматова эстетик қадриятларни қуйидагича таснифлайди.

1. Табиатдаги нафосат оламини акс эттирувчи эстетик қадриятлар.
2. Ижтимоий воқеликдаги нафосатни акс эттирувчи эстетик қадриятлар.
3. Маънавий оламдаги нафосатни акс эттирувчи эстетик қадриятлар.
4. Инсон борлигидаги нафосатни акс эттирувчи эстетик қадриятлар³.

¹ Нурматова М. А. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. Тошкент: Университет, 2009. 19-бет.

² Уша асар. 24-бет.

³ Уша асар. 27-бет.

М.А.Нурматованинг классификациясига таянсақ, эстетик қадриятларни табиат, ижтимоий борлиқ, маънавий олам ва инсон хатти-ҳаракатларининг нафосатга тааллуқли қирраларини ифода этувчи феномен эканини англаймиз. Этномаданиятда улар ўзининг миллийлиги, барқарор ва муқимлиги билан ажралиб туради.

Эстетик қадриятлар табиатда тайёр ҳолда учрамайди. Табиатда гузаллик мавжуд, ундаги нафосат мафтункор, жозибали, завқ ва ҳайрат уйғотади. Бироқ уларни эстетик қадриятларга айлантирадиган инсондир. Айнан инсон табиатдаги ҳодисаларни эстетик қадрият, нафосат, гузаллик даражасига кутаради, уларни қадрлайди. Лекин бу табиий гузаллик, нафосат мавжудлигини, улар инсондан ташқарида эканлигини рад қилмайди. "Қадрият – инсон онги маҳсули, у инсоннинг борлиққа муносабати ифодаси, ушбу борлиқни инсон қадрлаб, ундан қадрият ясади". Г.Риккертнинг ушбу фундаментал аҳамиятга эга фикри эстетик қадриятларга ҳам тааллуқлидир.

"Ҳар қандай маданиятли киши борлиқ гузалликларидан лаззатлана олмиши керак. Табиатга меҳр қўйган инсон эса завоқ топмайди. Умуман олганда, инсоният табиатдан пайдо бўлиб, ажралиб чиққан. Шу бонс ушшг бир моҳияти табиий (биологик), иккинчи моҳияти ижтимоийдир. Инсон худди мана шу уйғунликни сақлай олсагина ҳам руҳий, ҳам жисмоний соғлом бўлади". Табиий ва ижтимоий уйғунликни асраш инсондаги эстетик дидга, табиий гузаллик билан ижтимоий гузаллик ҳаёт учун зарурлигини англашга боғлиқдир. Этномаданиятда табиий гузалликни ижтимоий-инсоний гузаллик билан уйғунлаштириш тажрибаси мужассамдир. Инсон ҳеч қачон ўзини табиатдан ажратмаган, ҳатто рационал-дискурсив хислатни, фазилатни мутлақ даражада улуглашган кишилар ҳам қуёш, ҳаво, сув, дарахтлар ёки кукаламзор ҳовли нафосатидан баҳра олиш, уларнинг борлигини туйиб яшаш ҳиссидан маҳрум бўлмаганлар. Масалан, Фр. Ницше асрлар давомида шакланган ахлоқий, эстетик қадриятларни рад этган, уларга қарши чиқиб, янги қадриятлар яратмоқчи бўлган¹. Бироқ ўзи об-ҳавоси мулойим, юмшоқ, руҳни босиқ қиладиган шаҳар, маконларни қидириб, бир жойдан иккинчи жойга мудом кучиб яшаган².

¹ Р и к к е р т Г. Науки о природе и науки о культуре. М.: Республика, 1998. С. 366–367.

² Ю с у п о в Э, И с м о и л о в Ф. Инсон баркамоллиги. Тошкент: Ўзбекистон, 1990. 212-бет.

³ Н и ц ш е Фр. Воля к власти. Опыт переоценки ценностей. М.: Транспор, 1995.

⁴ Қ а р а н г: Г а л е в и Д. Жизнь Фридриха Ницше. Жизнеописание. М.: Сов. писатель, 1991. С. 100–128.

Этномаданиятнинг эстетик қадриятларни асраш функцияси табиатдаги гузалликни эътироф этган ҳолда, улардан инсон эҳтиёжларини қондиришга асос қидиради. Шунинг учун “табиий қадриятларга (бу уринда табиатдаги гузаллик назарда тутилмапти – О.Н.) муносабат, – деб ёзади фалсафа фанлари доктори, қадриятшунос олима Р.Ҳ. Рўзиева, – кишилиқ жамиятининг (этномаданиятнинг – О.Н.) муҳим муаммолари жумласига киради. Бу масалани тўғри ҳал этиш эса одамларнинг ҳаётини яхшилашга, маданий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Табиат яхлит тизим сифатида ўзига нисбатан оқилона муносабатни талаб қилади. Табиий муҳит инқирозга юз тутгидек бўлса, ижтимоий-иқтисодий устивни, барқарор сиёсий муҳитни таъминлаб бўлмайди. Фақат табиат билан уйғунлашган ҳаётгина тараққиётга олиб боради”¹. Уйғунлик, тараққиёт табиат билан инсон, объект билан субъект, шакл билан моҳият мутаносиблиги натижасидир, улар уртасидаги дисгармония бетартибликни, хаосни келтириб чиқарган. Бетартибликни, хаосни инсон ҳеч қачон гузаллик, нафосат белгиси деб билмаган.

Табиатдаги гузалликни, нафосатни билиш инсоннинг ўз-ўзини билиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг назарда тутиб, Р.Ҳ. Рўзиева ёзади: “Табиий қадрият, энг аввало, инсоннинг ўз-ўзини билишдан бошланади. Агар инсон ўз организми ички тузилиши, аъзоларининг ўзаро алоқадорлиги, фаолияти хусусиятларини яхши билса, уларнинг гармония меъёрида ишлаши учун шароит яратса, бу борада юксак даражада гамхўрлик қилиб борса, ушбу ҳолда урта муҳим вазифани адо этади. Аввало, инсон бу билан ўз саломатлигини, организмида гармонияни сақлаш йўлини таъминлайди. Иккинчидан, инсон ўзини табиатнинг ажралмас бир бўлаги деб билса, ўзига ҳам табиатга ҳам озор етказмайди, табиат билан ўзи уртасида гармонияни таъминлайди (таъкид бизники – О.Н.). Учинчидан, булар орқали у ниҳоят, жамият қонунларини, улар уртасидаги гармонияни, бир-бирига зарурликни (таъкид бизники – О.Н.)” идрок этиш даражасига етади”².

Ижтимоий борлиқда намоён бўладиган эстетик қадриятлар инсон – жамият, шахс – давлат, субъект – субъектлар муносабатлари жараёнида шаклландир. Масалан, Бойбури билан Бойсари, Хисрая билан Фарҳод, Афанди билан шум, гофил билан жоҳил амалдорлар уртасидаги муносабатларда ижобий образларнинг гузал, олижаноб

¹ Рўзиева Р. Ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш. Тошкент: Фан, 2011. 83-бет.

² Уша асар. 85–86-бет.

фазилатлари, ишқига содиқлиги, ҳаётдан завқланиши ва бедилликдан нафратланиши шунчаки бадий тўқималар эмас. Фольклоршунос олима Т.Собитованинг ёзишича, этномаданиятдан чуқур жой олган “оғзаки ижод асарлари инсон маънавий дунёсининг объектив дунё воқеликларига ижодий муносабати маҳсули сифатида яратилди. Халқ ана шу воқеликни анъанавий образлар, манзара ва сюжетларда акс эттиради. Шаклан содда, мазмунан чуқур асарларда ҳаётини тажриба, тарихий ҳодисалар маҳорат билан тасвирланади. Халқнинг қаҳрамонлиги унинг ташқи ва ички душманларга қарши матонатли курашида кўринади. Бу курашлар тарихда рақам билан ифода этилса, фольклорда эса бадий инъикоси сифатида қолган”¹. Демак, ижтимоий ҳаётдаги эстетик қадриятлар негизда реал ижтимоий муносабатлар, халқ қалбида из қолдирган воқеалар ётади. Аммо ушбу муносабатлар, воқеалар бадий-эстетик идрок, дид ва тажрибадан утқайлади. Мазкур синовга бардош берган, улар синтездан утиб, бадий эмоционал воқелик яратган тасвирларгина этноэстетик қадриятга айланади. Бундай қадриятлар халқ китоблари, дoston ва эртаклари, ривоят ва латифаларда бадий конфликтлар маҳсули сифатида юзага келади. Ижобий ва салбий қаҳрамонлар, прогрессив ва регрессив қарашлар, анъаналар уртасидаги конфликт позитив фазилатларни, анъаналарни қадриятга айлантиради. Ҳаёт қарама-қаршиликлари меҳнаткаш халқ қалбида чуқур из қолдирган, бу из айни замонда халқ санъатига кучиб, фан тили билан айтганда, бадий конфликтга айланган. Аждодларимизнинг озод замон ва бахтиёр ҳаёт ҳақидаги орзу-истаклари, ёвузлик, эскилик билан кучли тўқнашуви дostonларда уя аксини топган экан, конфликт ана шу воқеаларнинг тобора кескин, баъзида трагик тус олиб боришига, тадрижий давом эттирилишига катта имконият яратади, асарнинг эмоционаллигини таъминлайди”².

Бадий конфликт ҳам, табиий қадриятлар ҳам этномаданиятнинг барча жанрларига хос ҳодисалар эмас. Халқ мақоллари, халқ куйлари ва қўшиқлари, амалий санъатда улар мавжуд эмас. Аммо халқ байрамлари, томоша ва маросимларида табиий қадриятлар, халқ эртаклари, дostonлари, китоблари ва латифаларида бадий конфликтдан келиб чиқадиган ижтимоий қадриятлар устундир. Бадий-эстетик воситалар уларни тасвирлар экан, уларни этномаданий ва этноэстетик меросга олиб киради. Шу тариқа эстетик қадриятларни асраш имкони юзага келади.

¹ Собитова Т. Халқ ижоди сабоқлари. Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011. 11-бет.

² Уша жойда.

Эстетик қадриятларнинг инсон хатти-ҳаракатлари ва маънавиятида намоён бўлишини тадқиқ этиш эстетиканинг бош вазифасидир. Эстетика этномаданиятни ўзининг тадқиқот объекти қилиб танлаганида халқ ижоди ва санъатида инсоннинг ушбу жиҳатлари қандай бадий тасвирланганини ўрганади. Қаҳрамонларнинг гузал ва олижаноб фазилатлари, ёвузликни, зуравонлик ва хунукликни, пасткашликни бартараф этишдаги фидойилиги, адолат, тенглик, ҳамжиҳатлик, иттифоқ бўлиб яшаш учун курашлари, меҳри тулган объектлардан (купинча қизлардан, аёллардан) завқланиши, улар хуснидан ҳайратланиб, ўзлигини унутиб қуйиши, мажнунона ошиқлиги, ҳатто бедилликка (масалан, Зумрадани отаси ўрмонда адаштириб келиши, катта ва ўрта шаҳзодаларнинг кенжа ботирга душманлиги) эзгулик билан жавоб бериши, уларни кечириши каби умуминсоний фазилатлар эстетик қадриятларнинг мағзини, моҳиятини ташкил этади. Демак, эстетик қадриятлар умуминсоний моҳият касб этганида, ахлоқий қадрият билан уйғунлашиб, унга бадийлик, эмоционаллик, гузаллик, олижаноблик бахш этиб келганида этномаданиятдан жой олади. Ахлоқийлик, умуминсонийлик эстетик қадриятларга нисбатан бирламчидир, улар учун провард мақсаддир.

Эстетик қадриятлар халқ ижоди ва санъатида турлича образлар, тасвирлар, символлар тарзида намоён бўлади. Халқ амалий санъатида улар анъанавий мактаблар яратаётган асарлар, улардаги анъанавий нақшлар, анъанавий тасвирлар, анъанавий ранглар ва композициялар, халқ қўшиқчилиги, ашулачилиги ва рақсчилиги, мунгли оҳанглар, офир, вазмин қўшиқлар ("Муножот"), нозик, сермаъно, гоҳо ўйноқи хатти-ҳаракатлар ("Лазги", "Чилра далли-далли") да акс этади. Биз мазкур куй, қўшиқ ва оҳангларни қаерда, Россия ёки АҚШда, Англияда эшитсак, улар руҳимизга яқинлигини дарров, таржимон ва изоҳсиз сезамиз. Она алласини, унинг композициясидаги оҳанглар, наво ва илтижоларни дунёдаги барча этномаданиятлардаги халқ аллаларидан адашмай ажрата оламиз. Ҳатто, тарихий-маданий анъаналаримиз яқин ҳинд халқи санъатидан ҳам миллий куй, қўшиқ ва рақсларимиздаги этномаданий, этноэстетик белгиларни адашмай топа оламиз. Чунки улар руҳиятимизга синган. Халқ руҳияти эса, Гегель айтганидек, ўзини тез топади, қаерда, нима учун, ақл ва онг тизимида қандай ўрин эгаллаётганини, чекка оҳанг, мотив унга ҳалақит бераётганини сезиб туради¹. Айнан ушбу

¹ Гегель. Эстетика. Т. I. М.: Изд. "Искусство", 1968. С. 28–31.

этномаданий ва этноэстетик белгилар акс этгани бонс ўзбек халқ ижоди ва санъати бизга жуда яқин, таниш ва қадрлидир.

Этномаданиятнинг эстетик қадриятларни асраш функцияси:

1) бадий-эстетик қарашлар, қадриятлар акс этган асарлар, артефактларда;

2) ушбу асарлар ва артефактларнинг узини тарихий-маданий узак сифатида асрашдадир.

Халқ узининг бадий-эстетик гоёларини маълум бир асарларда, артефактларда ифода этади. Шу мақсадда у эртақлар, дostonлар, латифа ва ривоятлар, қушиқлар тукийди, эшик, ойна, қумгонда, гирих, ганч, рельефли қирма, текис юзали қирма, уйма панжара, рангли ганч, барп, ванд, шукуфта, бофта каби нақшларда уларни тасвирлайди. Ушбу эртақларни эшитган, нақшларни курган кишида узини ўзбек этномаданиятига таалуқли қадриятларга эга эканини ҳис қилиш туйғуси уйғонади. Бу, аслида мазкур шахс уйлаб топган туйғулар эмас, у халқи томонидан яратилган бадий-эстетик гоёларни, артефактларни руҳи билан англаяпти, уларга этногенетик ва этнопсихологик яқинлигини сезаяпти холос. Мана, этноэстетик қадриятларнинг ижтимоий моҳияти қаерда!

Этноэстетик қадриятлар авлодларга утказиладиган, трансляция хусусиятига эгадир. Айнан ушбу хусусияти туфайли у этномаданиятдан жой олган ва, уз навбатида, этномаданиятдаги жанрларга, турларга, ижодий асарларга бадий-эмоционалик, халқ руҳига яқинлик бахш этади. Ушбу таъсирсиз биророрта халқ ижоди ва санъатига оид асар, артефакт халқ қалбида, хотирасида узок сақланмас эди.

Халқ бадий-эстетик қарашларини, қадриятларини маълум бир асарларда, артефактларда акс эттирар экан, уларни келгуси авлодларга етказишни ҳам кузлайди. Маданий меросни трансляция қилиш диахрон ва синхрон тарзда кечади, бу жараён авлодларнинг маънавий-руҳий яқинлигига курилади. Ушбу яқинлик халқимиз руҳидаги этноэстетик тасаввурларда яққол намоён булади. Масалан, кишиларнинг рангларни қабул қилиши ва улар негиздаги моҳиятни англашига назар ташлайлик. Т. Собитованинг таъкидлашича, ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларида ранглар этномаданий, этноэстетик белгиларни ифода этиб келади. Чунки ранглар у ёки бу халқнинг уни қуршаб олган ижтимоий-маданий ҳаёт, урф-одат, маросим, адабиёт ва санъатга доир қадимий қарашлари билангина эмас, балки космогоник, мифологик, диний-илоҳий тушунча ва та-

саввурлари билан ҳам боғланиб кетган. Шунингдек, одамларнинг дунёқараши, яшаш шароитлари, диний ҳаёт йулларининг ўзгариши билан рангларга муносабат, кўзланган мақсадлар ҳам ўзгариб, баъзан бутунлай янгилашиб борган¹. Хуллас, рангларга муносабат кишиларнинг оламга, ён-атрофга нисбатан, ҳатто кишилараро муносабатларнинг фалсафий-эстетик ифодасидир. Ранглар бадий-эстетик қадриятлар ифодасига айланганки, ҳар бир халқ у ёки бу рангни ёқтирган, бадий-эстетик асарларида қўллаган. Бу уринда табиий-жўгрофий муҳит, касб-кор, хўжалик-маданий типлар таъсири ҳам мужассамлашгандир. Натижада:

оқ – ёруғлик, абадият, поклик, тозаллик рамзи;

қора – зулмат, қоронғилик, ёвузлик, тун, буюклик, норозилик;

яшил – ҳаёт ранги;

мовий – осмон, мусаффолик;

малла – балогат, комиллик рамзи;

қизил – кун, қуёш, кураш, уруш, чилла, қиз бола сўзи ҳам қизилдан олинган;

сарик – ёмонлик, жудолик;

қора, кук – мотам мазмунларига эга бўлган².

Ушбу рангларнинг этномаданий, этноэстетик меросдан жой олганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, сарик ранг халқ тасаввурларида ёмонлик, жудолик тимсоли бўлгани учун халқ нақшларида, айниқса уйнинг ички безакларида деярли ишлатилмаган. Халқ амалий санъатида ҳам қора, кук ранглар қўлланилмаган, чунки улар мотам белгиларидир. Этноэстетик қадриятларимиз ҳисобланадиган халқ наққошлиги, рангли ганчкорлиги, уй ичларини безатиш, бешик, аргимчоқ, идишларни ранглашда ўзбек халқи хунармандлари деярли мотам, жудолик, ёмонликни англатувчи бўёқлардан фойдаланишмаган. Шу тариқа мовий, яшил, малла ранглар ўзбек этномаданияти, айниқса халқ амалий санъатида эстетик қадриятлар тарзида намоён бўлади. Ушбу анъаналар ҳамон сақланиб келади. Мустақил Ўзбекистон байрогидаги яшил ранг – ҳаёт, мовий ранг – осмон, мусаффолик, оқ – абадият, қизил чизиқлар – барҳаёт изланишлар, курашлар тимсолидир. Бу уринда ўзбек этномаданиятига хос эстетик қадриятлар уз инъикосини, ифодасини топганини кўзатамиз.

¹ С о б и т о в а Т. Халқ ижоди сабоқлари. Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2011. 152-бет.

² Уша асар. 153-бет.

3.3. Халқ ижоди ва анъаналарини тарғиб этиш (оммалаштириш) функцияси

Этномаданият “узи учи учун” мавжуд ҳодиса эмас, у халқ ҳаётининг динамик ривожланишига хизмат қилади. Шу тариқа у узининг ҳам, халқ ҳаётининг ҳам динамик ҳодисалигини таъминлайди. Буни у, энг аввало, халқ ижоди, санъати ва анъаналарини тарғиб этиш (оммалаштириш) функцияси орқали амалга оширади.

Халқ ижоди ва анъаналарини тарғиб этиш деганда халқнинг ижоди, санъати, анъаналарига дахлдор, уларнинг маҳсуллари булган моддий ва маънавий бойликларни турли тарғибий, тарбиявий, бадий воситалар билан оммалаштиришга, авлодлар уртасида диахрон ва синхрон алоқаларни урнатишга қаратилган махсус фаолият тури назарда тутилади. Мазкур фаолият тури халқ байрамлари, томошалари ва маросимларини утказиш, халқ амалий санъати кургазмаларини уюштириш, ижод сирларини ёшларга етказиш, дoston, эртак, латифа ва масалларни чоп эттириш, газета ва журналларда махсус саҳифалар очиш, халқ педагогикаси ва халқ таъбири буйича телекурсатувлар, радиозиттиришлар, халқаро фестиваллар, кургазмалар, учрашувлар ташкил этиш кабиларни ўз ичига олади.

Халқ ижоди ва анъаналарини тарғиб этиш мустақиллик йилларида алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ўзбек этномаданиятини тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этишга қаратилган чора-тадбирлар шунчалик кенг куламли, ранг-баранг ва беқиёски, уларни ҳатто санаб утишнинг ҳам имкони йўқ. Шунинг учун биз ушбу мавзуда, олдинги мавзуларда тилга олинмаган халқ маросимлари ҳақида, уларнинг халқ ижоди ва санъатини оммалаштиришдаги эстетик функциялари ҳақида тухталамиз. Ушбу маросимлар, бизнинг фикримизча, ўзбек этномаданиятини барқарор, муқим қилиб келаётган омилардандир. Профессор Б.Саримсоқов ёзганидек, маросимлар халқ ҳаётининг мустаҳкам, ўлмас қисми сифатида турмуш тарзининг моҳиятига, борлигига сингган. Халқ руҳи, қалби ва уйидаги ниятлар, орзу-тилаклари ва утмишдаги кечинмалари, ҳаёт тарзи маросимларда ёрқин ифода этилади¹.

Халқ маросимлари синкрет хусусиятга эга. Унда халқ оғзаки ижоди, халқ кўшиқлари, куйлари ва рақслари, халқ амалий санъати

¹ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент: Фан, 1986. 19–20-бетлар.

(масалан, дуппи, румол, бешик, маҳси, тун кабилар махсус тайёрланади, улардан фойдаланиш маросимлар атрибути ҳисобланади), дostonчилик, лапарчилик, ирим-сиримлар ва урф-одатлардан фойдаланиш қушилиб, аралшиб, синкретик қоришиб келади. Шу нуқтаи назардан биз халқ маросимларини халқ ижоди ва санъатининг (аслида халқ маданиятининг) бир қуриниши сифатида қараймиз. Халқ маросимлари ташкилий, тарғибий, тарбиявий тадбирлари орқали этномаданиятни оммалаштирувчи функцияни бажаради.

Халқ маросимлари ижтимоий-функционал нуқтаи назардан: а) шахслараро муносабатларни мустаҳкамлашга; б) ёшларни оила ва маҳаллада яшашга; в) янги оила қуришга; г) соғлом фарзандлар тарбиялашга; д) дам олиш ва ҳордиқ чиқаришга; е) қариндош-уругчилик анъаналарини давом эттиришга ургатади. Тугри, оилавий маросимлар оиланинг хужалик юритиш, репродуктив вазифалари, оила аъзоларининг соғлигини сақлаш каби функцияларни ҳам бажаради. Аристотель оиланинг ранг-баранг ва мураккаб муносабатлардан иборатлигини назарда тутиб, уни “давлатнинг булагии” деб атаган¹. Шунинг учун маросимлар маҳалла, оила ва шахс ҳаётининг барча қирралари билан боғлиқдир.

Халқ маросимларида умумэтник, (миллий), синфий ва шажаравий (оилавий-наслий) анъаналар қоришиб, бир-бирига диалектик боғланиб келади.

Ўзбекларга хос этномаданий ва этнопсихологик ҳодисалардан бири болажонликдир. Шунинг учун улар бола отаси пушти камаридан она раҳми – бачадонига утганидан бошлаб турли оилавий маросимлар утказиб келадилар. “Суюнчи”, “Иулдош кумиш”, “Чумиатириш”, “Исм қуйиш”, “Бешикка солиш”, “Бешиккертти”, “Чалпак пишириш”, “Юпқа пишириш”, “Ақиқа”, “Чиллагизорон”, “Тирноқ олди”, “Бешик тўйи”, “Соч тўйи”, “Тиш чиқди”, “Илк қадам”, “Суннат тўй”, “Мучал ёши”, “Никоҳ тўйи” кабилар шулар жумласидандир. Улардан ташқари, фақат эркакларга хос булган “Гап-гаштак”, “Мўйлов оши”, “Сабзи туграш”, аёлларимизга хос булган “Намозшом пардоз”, “Халфана”, “Аёллар гапи”, “Аёллар ҳашари”, ўзбек қизларига оид “Аргимчоқ учиш”, “Усма қуйиш”, “Соч уриш”, “Хина қуйиш” каби маросимлар ҳам мавжуддир.

“Суюнчи” айтишда халқимизнинг этномаданий ва этноэстетик хусусиятлари ўз аксини топади. Масалан, “Суюнчи” келтирган одам хабари кишиларга қандай маънавий-эстетик таъсир қилишини,

¹ Аристотель. Сочинения в 4 томах. Т. 4. М.: Мысль, 1978. С.99.

хабар кимга – қари ёки ёш, аёл ёки эркакка мулжалланганини, улар хабарга қандай муносабат билдиришини олдиндан билиши керак. Бадхабар келтирганни халқимиз ёқтирмаган, хушхабар келтирганни сийлаган, азиз меҳмон, деб қаршилаган. Натижада, узоқ ривожланиш жараёнида хабар етказиш узига хос рухий-маънавий ва эстетик гузал воқеага айланган. Хабар хаста ё кекса (буви, бува) ларга юборилган бўлса, гапни узоқдан, ҳис-ҳаяжонга берилмай, ута босиқлик билан етказилган. Демак, хабарнинг янгилиги, қанча кутилгани, ёқиши ёки ёқмаслиги ҳам ҳисобга олинган. Хунук хабар хуш қарши олинмаган, хуш хабар совгага лойиқ, деб топилган. Бу гузал урф-одат ҳамон учрайди.

Оилада фарзанд тугилса, унинг соғлом униб-усиши, узоқ умр куриши учун куплаб урф-одатлар бажарилган. Бола тугилиши билан бажариладиган урф-одатлардан бири – бу унинг “йулдоши” билан боғлиқдир. “Йулдош” чақалоқнинг бир қисми, эгизаги саналган ва дуч келган жойга кумилмаган ёки ташлаб юборилмаган. Масалан, оилада ... угил тугилса, унинг йулдошини қуй ошиғи билан бирга, қизникини эса – қугирчоқ билан уша хона бурчагига ёки остонасига кумишган. Айрим вилоятларда чақалоқ йулдошини кул ичига, ... Бухорода учта дон ва иккита ошиқ билан уй дарвозаси олдига, Самарқандда хона остонаси олдига кумишган. Болани эгаллашга келган девнинг қули куйиб, қочиб кетиши учун йулдош кумилган жой устига учоқда қиздирилган катта тош қуйишган. Агар оилада болалар улаверса, чаён нишини латтага ураб, мис нина билан тешишган, йулдош устига қуйиб, урчуқ билан тешишган. Айрим ҳолатларда идиш ичига солиб, дарахтларга ошишган¹. Эгизак туққан аёлларни гайритабиий куч эгаси деб ҳисоблашган. Уларни “қули касалликларга эм бўлади”, дейишган. Тепки касалига чалинган беморни эгизак туққан аёлга “тептириш” оммалашган одатлардан биридир.

“Чумилтириш” маросими. Илгари ўзбек аёллари уз уйларида туққан. “Чумилтириш” маросимида хонадондаги катта-кичик аёллар иштирок этган. Маросимга купни курган, кайвони аёл бошчилик қилган. Чақалоқни онаси ёки бувиси қулига олиб, “бисмиллоҳ” айтиб, илиқ сувга солган. Тогорадаги сувга ризқли-насибали, соғлом бўлсин, бало-қазодан асрасин, деган ниятда кумуш солинган. Аёллардан бири чақалоқ устидан сув қуйиб турган, сув қуяётганда

¹ Кароматов Х. Ўзбекистонда мазий эътиқодлар тарихи. Тошкент, 2008. 38-бет.

атрофдаги аёллар “бошинг тошдан бўлсин”, “умринг узоқ бўлсин”, деб эзгу тилак билдиришган. Сувни аввал чақалоқнинг бошига, кейин унги елкаси, сунгра чап елкасига қуйишган. Бу “Оллоҳ аввал инсонни бошини ясаган, инсонни икки елкасида икки фаришта утиради, Оллоҳ ҳар бир ишни унги томондан бошлашни буюради”, деган тасаввурларни аңлатган. Бу маросим ўзбек этномаданиятида, оилаларида ҳамон мавжуддир.

“Исм қўйиш” маросимида халқимизнинг босиб утган зиддиятли тарихий йўли, орзу-умидлари, армонлари, фалсафий, диний, маънавий-ахлоқий, тарбиявий-эстетик қарашлари, инсонга бўлган ҳурмат-эҳтироми, фарзандига қаратилган меҳр-муҳаббати уз ифодасини топган.

Чиройли, маънодор исм топишгач, маросимга тайёргарлик куришган. Фарзанд курган аёлга гузал либослар кийдиришган, мунчоқлар тақишган, чақалоқ ҳам янги, чиройли матолар билан йургакланган. Қариндош аёллар турли хил пишириқлар тайёрлашган, ис чиқаришган, дастурхон безатишган. Суфи ёки мулла чақалоқнинг унги қулоғига азон ва чап қулоғига такбир уқиган, сунгра чақалоқни қулига олиб, уч марта “Сенинг исминг фалончи” деб айтган. Шундан сунги атрофдагилар она-болани кутлаб, улар бошидан ширинликлар сочишган, уйин-кулгу қилишган. Маъкур гузал, бегубор ва инсоний маросим ўзбек этномаданиятининг энг оммавий кўринишлари сифатида яшаб келади.

“Бешикка солиш” халқимиз этномаданиятига хос бўлган маросимлардандир. Унга гудак туғилмасидан олдинроқ тайёргарлик куришади. Бувилар бешик, унга ёпинчиқ, курпачалар, неварасига янги либослар тайёрлашади. Маросим чақалоқ туғилганидан 7–9 кун утгач уюштирилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бешикдаги ўринни бир неча марта силаб, “эгалари кирсин, бобовлари чиқсин”, деб зиёнқашлардан тозалангач, бола бешикка солинади. Фарғона водийсида бешикка солиш олдидан бир онахон қулига болани, иккинчи онахон қулига кичикроқ тошни олади, аввал қулида тоши бор аёл, “менинг бешигим”, деб бешикка тошни қуяди, кейин эса иккинчи аёл, “менинг бешигим”, деб бешикка болани ётқизади. Бу ҳолат уч мартаба такрорлангач, бешикка чақалоқ беланади. Бешикка тош қуйиш гудакнинг боши тошдай қаттиқ бўлсин, деган маънони аңлатади.

Маросим пайтида аёлларимиз алла-қушиқлар айтишади, гудакни йургаклаш, бешикни тозалаш ва инс-жинсларни қувиш,

боланинг соғ-саломат услишига оид суҳбатлар уюштиришади. Маросим маънавий-тарбиявий хусусиятга эга.

“Чилла туйи” ўзбек этномаданиятидаги негизи матриархат тузумига бориб тақалувчи маросимдир. Кузи ёриган аёл ва чақалоқ қирқ кунгача ёмон инс-жинслар, ёмон кузлар таъсиридан, турли хасталикларга чалинишдан ҳимоя қилинган. Маросимнинг ушбу функционал хусусиятида ўзбек халқига хос инсонпарварлик гоялари бўртиб туради.

“Чиллагизорон” она ва болани хавф-хатардан қутилгани, оила аъзолари сафига яна бир инсон қўшилгани шарафига келин (аёл) нинг ота-онаси хонадонида утказиладиган маросимдир.

Келин (аёл) гўдаги билан ота-онаси уйига овсинлари, қайнсингиллари ҳамроҳлигида кириб келганида, унинг оёғи тагига оқ поёндоз солинади. Оқ поёндоз гўдак бу хонадонга биринчи мартаба келяпти, узи билан бирга поклик, яхшилик олиб кирсин, деган фикрни аңлатади. Келинни онаси чақалоқни оғзига асал (тили ширин бўлсин деган ниятда), сариёғ (ёлгончи, гап ташувчи бўлмасин деган ниятда) ялатади. Чақалоқни илк бор кураётган келиннинг отаси, ака-укалари, қариндош-уруғлари курмана беради.

“Тирноқ олди” маросимини энг кекса, диёнатли, муътабар она-хон олиб борган. У гўдакнинг бармоқларини унга ботириб олиб, “бисмиллоҳ” айтиб, тирноқларини олишга тулган. Бу пайтда атрофдаги аёллар яхши ният айтиб туришган. Олинган тирноқлар “бола униб-уссин, келажакда серфарзанд, сердавлат бўлсин” деган ниятда бирор мевали дарахт тагига кўмилган. Бу уринда халқимизнинг покликка, озодликка интилиши кузатилади.

“Бешик туйи” – ўзбек халқининг кенг тарқалган, биринчи фарзандга бағишлаб чилладан кейин утказадиган маросимидир.

Бешик туйи деярли трансформацияга учрамай яшаб келаётган маросимлардан ҳисобланади. Тўғри, ҳозир бешик ёнига қуда томон карават, коляска, уйинчоқлар ҳам қўшиб келтиради, лекин бу нарсалар маросим негизидаги этномаданий ва этноэстетик моҳиятни, мазмунни ўзгартирган эмас, бу мазмун, моҳият келин-куёвни фарзанд билан табриклаш, уларнинг турмушига ёрдам бериш, аҳил, иноқ, серфарзанд яшашларига кумақлашишдан иборатдир. Оила ижтимоий нигоҳ остида, унинг мустаҳкамлиги барчанинг ишидир.

“Кулота”. Қадимда ёш келинчакалар сочини қирқ кокил уриб, учига пупак таққан. Пупакнинг учларига танга ва кунтироқчалар осилган. Аёллар пупакни биринчи набира кўргунларига қадар таққанлар. На-

бира куриб, буви булишгач, сочини икки урим қилиб, кулота таққанлар. Кулота тақиш, бувиликни буйнига олишдир. Набира курган аёлнинг кулота тақмай, сочини майда қилиб, уриб юриши уят ҳисобланган.

“Салла ураш” маросимида (Бухоро вилоятида) илк бор туққан аёлга салла уратилади. Шундан сунг келин аёллар, оналар сафига қушилган ҳисобланади.

“Бешиккертти” қиз ва угил болани гудаклик чогида унаштириб, фотиҳа қилиб қуйиш маросими булиб, қадимда қабилалар уртасидаги уруш-жанжалларга чек қуйган, тинч қушничилик муносабатларини, икки оила уртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлаган. “Бешиккертти” қилинган йигит ва қиз бир-бирларига нисбатан гойибона меҳр, интиқлик, ҳурмат билан вояга етишган. Оилалар кўп йиллар давомида бир-бирини синаб, билиб боришган, вақти келганида уюшган тарзда туй утказишган. Ёшлар ўқиш, меҳнат ва ҳунарда, маънавий камолотга интилишда бир-бирларига муносиб булишга ҳаракат қилишган.

“Соч олиш” гудакнинг туғма сочини олиш билан боғлиқ энг қадимги маросимдир. Уни иззат-ҳурматга эга отахон ёки онахон олиб борган. Олинган соч оғирлиги тортиб курилган ва унга тенг ҳажмда олтин-кумуш баҳосида бева-бечораларга садақа тарқатишган. “Соч олиш” маросими тор оилавий даврада утказилган.

Халқимиз қадим замонлардан “Тиш чиқди” маросимини утказиб келади. Биринчи тиш чиқиши кўп ҳолларда анча оғир булиб, турли касалликларга олиб келган. Кексаларнинг айтишларича, тегишли расм-русумларга амал қилинса, боланинг тишлари текис, оғриқсиз чиқар эмиш.

“Тиш чиқди” маросимида бола бошидан оқ жухори сочишган. Бунинг учун гудакнинг онаси жухоридан бодрок тайёрлаган, жухори бодираб очилганида боланинг тиши чиқиши ҳам тезлашади, деган тасаввур сақланиб қолган.

“Биринчи қадам” боланинг мустақил қадам қуйишини нишонлаш маросимидир. Гудак юришга интила бошлагач, унинг онаси, буvisи, яқин кишилари ҳамда қушни болалар тупланишиб, боланинг оёқларини чиройли ил билан боғлаб, орасидан кулча юмалатишган. Ушбу кулчага эга булиш учун болалар жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилган, чунки бундай кулча хосиятли, табаррук саналган. Болалардан бири кулчани олиб қочгач, қолганлари уни қувишган. Шу вақтда болаларнинг орқасидан талпиниб турган гудакнинг оёқларидаги иплар ечиб (қирқиб) юборилади. Гудак болаларнинг

орқасидан интилади ва куп ҳолларда юриб кетади. Ушбу бегубор одат ханузгача сақланади.

У.Ҳ. Қорабоевнинг ёзишича: “Аждодларимиз бу маросимда “боланинг бели бақувват бўлсин” деб, белига белбоғ боғлашган; “туқлик бўлсин, бола очарчиликни билмасин!” деб мазали кулчаларни кичкинтойларга тарқатишган; “сувдек сероб бўлсин!” деб, боланинг қадам босган ерларига сув сепишган; “боланинг ҳаёти ширин бўлсин!” деб, бошидан ширинликлар сочишган; “чиройли бўлсин!” деб, йуларига гуллар, “бой бўлсин!” деб, бошидан пуллар сочишган; “касалга чалинмасин!” деб, исриқ тутатишган; “куз тегмасин!” деб, кузмунчоқлар тақишган; “кинна кирмасин!” деб, дуолар ўқишган ва ҳоказо”¹.

“Суннат туйи” мусулмонларда фарз ва қарз саналган, унга болани хатна қилиш билан боғлиқ маросимдир. У, биринчидан, туйга тайёргарлик куриш одатлари (“Маслаҳат оши”, “Жар-туйга айтиш”, “Тандир солди”, “Қозон қурди”, “Сабзи тўғраш”), иккинчидан, асосий тадбирлар (“Меҳмон кутиш”, “Қуноқ олиш”, зиёфат-базм бериш, томоша, уйинлар уюштириш), учинчидан туйдан кейинги тадбирлар (туйда хизмат қилганларни тақдирлаш, уларга алоҳида зиёфат бериш, совғалар инъом этиш, “туй бола”нинг ҳолидан хабар олиш)дан иборатдир².

Наманган вилояти Поп тумани, Санг қишлоғида суннат туйи утказилиш жараёнида антиқа одат утказилади. Хатна қилинаётган боланинг онасини дарахтга боғлаб қўйишади. Туй боланинг отасидан пул уидиришгачгина, уни дарахтдан ечишади³. Фикримизча, бу одат дастлаб оналарнинг кунгли бушлиғи, фарзандига бўлган кучли муҳаббати (она фарзандини азоб чекишига жимгина қараб туролмаслиғи, у ётган хонага киришга интилаши) боис келиб чиққан бўлса, кейинроқ у маросимни қизиқарли, эсда қоларли қилиш мақсадида турмуш уртоғидан пул олиш одатига айланган.

Ўзбек этномаданиятида никоҳ туйи билан боғлиқ жуда куп маросимлар мавжуд. Минг афсуски, уларнинг ҳаммасини келтириш имконига эга эмасмиз. Шунинг учун улардан энг муҳимларини ва мавзуга оидларини келтириш билан чекланамиз.

Никоҳ туйи билан боғлиқ “Қиз қурар” ёки “Совчиляк” удуми муҳимдир. Ушбу удум ёшлар тақдирига ҳал қилувчи таъсир этган.

¹ Қ о р а б о е в У. Ҳ. Ўзбек халқи байрамлири. Тошкент: Шарқ, 2002. 121–122-бетлар.

² Уша асар. 123-бет.

³ Кодирова Феруза. 1976 йилда тугилган. Қукон шаҳар, Чорчинор кучаси, 35-уйда истиқомат қилади. 2011 йил 20 январдаги суҳбат-интервьюдан.

Совчилик республикамизнинг аксарият вилоятларида гапга чечан, удабурон, шу билан бирга, маҳалла-куй орасида ҳурмат-эътиборга сазовор аёллар зиммасига юклатилган. Совчилик катта масъулият, ақл-фаросат, зийракликни талаб этган. Совчилар кўз остига олинган хонадон соҳибларининг таг-тутини, келиб чиқишини, маҳалла-куйда тутган урнини, булғуси келиннинг хуқ-атворини, соғлигини қуни-қушни, таниш-билишлардан суриштиришган. Қиз хонадонининг тоза, орасталлиги ҳам назардан четда қолмаган.

Ҳар икки томон бир-бирига маъқул келгач, аввал “Оқ урар” маросими, кейин “Фотиҳа тўйи” (Нон синдириш) маросими ўтказилган.

Самарқандда фотиҳа тўйида келин томон наҳорда халққа ош беради. Ош сарф-харажатларини куёв томон кутаради.

Бухорода “катта жавоб олди” маросими лаъли тўй дейилади. Катта аммабибилар келинни оқ куйлагига “қайчи уриб” берадилар. Бу билан келинни узларига қабул қилганликлари ва кийимларини тикдиришга рухсат берганликлари билдирилади. Қиз томонга румолча тарқатилади. Бу “парчаброн” дейилади. Бухорода фотиҳа тўйи катта дабдаба билан ўтказилади¹.

“Уй курар” келин томондан икки-уч нафар аёл куёв йигит хонадонига “уй кургани” таприф буюришидир. Маросимда асосан аёллар иштирок этади. Улар куёвнинг уй-жойини, келин учун ажратилган хоналарни куздан кечириб, келин сепини қаерга ва қандай жойлаштиришни режалаштиради. Бу маросим ҳозир ҳам никоҳ тўйининг муҳим қисми ҳисобланади.

“Пахта солар” ҳар икки қуда томон аёлларининг булажак келин-куёвга атаб тайёрлайдиган янги курпа-тушаклар билан боғлиқ маросим бўлиб, аёллар ҳашари ҳисобланади. Аёллар янги тайёрланаётган курпа-тушаклар устига ҳаётлари ширин бўлсин деган ниятда ширинликлар, ували-жували бўлсин деган ниятда дон сочишган.

Курпа қавишга аёллар, биринчидан, тўй қилаётган хонадон эгаларига ёрдам бериш, иккинчидан, дуо, савоб олиш, учинчидан, Аллоҳ узларини ҳам шундай тўйларга етказишини сураш, туртинчидан, ёрдам баҳона мулоқот қилиб, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун борганлар.

“Мол ёяр” алоҳида маросим сифатида XX асрнинг 70-йилларидан кейин пайдо бўлган. Ундан олдин келиннинг сепини никоҳ

¹ Тўйлиева Ш. 1956 йилда туғилган. Бухоро вилояти, Бухоро тумани. Дуосиё, Чуқуробод қишлоғида истиқомат қилади. 2011 йил октябрь ойидаги суҳбат-интервьюдан.

туйининг эртасига куёв хонадонига “етиб қолган” аёллар ясатишган. 1970-йиллардан кейин “мол ёяр” маросими учун махсус бир кун (одатда, никоҳ туйидан 6–7 кун олдин) белгиланган.

Андижон вилоятида “Мол ёяр” никоҳ куни ўтказилади. Шу куни эрталаб қиз уйида “Нонушта оши” тарқатилади. Таомилга кўра йигит томондан икки-учта аёл келиб “Кўрпа йиқитар” маросимини ўтказади, яъни келин-куёв учун аталиб, чиройли қилиб “тахт урилган” кўрпа-тушакларни куёв уйига олиб кетишга рози бўлганлик маъносига “бузиб”, ағдариб берадилар. Келиннинг моли куёв хонадонига олиб келингач, янгалар қуда томон “кўрпа ҳақи” бермагунча юкларни туширмай оёқ тираб туриб олишади. Бу урф-одат келиннинг қадрини баланд кўтариш учун амалга оширилса-да, замирида никоҳ туйининг ранг-баранглиги, қизик ҳангомаларга бойлигини ошириш мақсади ётади.

“Мол ёяр” маросимида келин томонлик аёллар уй безатишдаги бадий-эстетик дидини, куёв томонлик аёллар эса пазандалик маҳоратини намоён этадилар.

“Туй жунатиш” маросимида куёв томон бўлажак келин хонадонига аввалдан ўзаро келишилган мол-мулк, озиқ-овқатни юборади. Утган аср охирида бу маросим пойтахтда катта сарф-харажатлар ва дабдаба билан ўтказилган. Бугунги кунда бошқа маросимлар қатори “туй жунатиш” ҳам анча ихчамлашди, баъзан умуман ўтказилмаяпти. Аммо, вилоятларда ҳануз давом этмоқда. Хоразмлик респондентимиз Гулсара Сафарованинг таъкидлашича, Хоразмда “туй жунатиш” бошқа вилоятларга қараганда анча қимматга тушади. Куёв томон кучқор, қорамол, озиқ-овқатлар билан биргаликда ёш келин-куёвлар учун мулжалланган гилам ва кўрпа-тушаклар ҳам юборади¹.

“Сабзи тўғраш” удуми халққа ош бериш маросимидан бир кун олдин кечки пайт ўтказилади. Иштирокчилари асосан эркаклар бўлиб, ош учун тайёрланган сабзи арчиб, тўғралади ва зиёфат уюштирилади. Хоразмнинг Янгиариғида сабзини эркаклар арчиб, аёллар тўғрайди. Сабзи бошқа жойдагилардан фарқли улароқ қаламча қилиб эмас, балки қўлда паррак қилиб тўғралади.

“Ош” маросими. Тошкентда никоҳ оши, одатда, қиз томонда наҳорда ўтказилади, харажатларни куёв томон кўтаради. Фақат

¹ Сафарова Гулсара. 1955 йил тутилган. Хоразм вилояти Ургенч тумани, Ғайбу қишлоғи, Сотим Қаландаров қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. 2012 йил май ойидаги сўхбат-интервьюдан.

эркаклар қатнашади. Бугунги кунда “Ош” маросими кафе ва ресторанларда утказилмоқда. Бу маросим Бухорода “Падар оши” дейилади. Сурхондарёда туй куни қиз томон ҳам, йигит томон ҳам халққа ош беради.

“Куёв навкар” (“Келин оши”) никоҳ куни куёвнинг жўралари билан биргаликда келин хонадонига уни олиб кетиш учун карнай-сурнай садолари остида, куёвжуралар рақсга тушган ҳолда ташириб буюриш маросимидир. Маросимдаги энг қизиқ одатлардан бири бу – куёвжуралар томонидан куёв пойига солинган поёндозни таллашиш одатидир. Улар биз ҳам куёв бўлайлик, деган яхши ниёта поёндозни жон-жаҳдлари билан таллашиб-тортишадилар ва охир-оқибатда бир парчадан булиб оладилар. Маросимда куёв ва куёвжуралар қуюқ меҳмон қилинади, албатта миллий таом – ош тортилади. Куёвга миллий либос – зар тун ва салла кийдирилади. Куёвжуралар томонидан “Куёв утирмаяпти” (келин янгалар қанат-қават янги курпачалар солиб бермагунча куёв утирмасдан тик тураверади, бу одат ҳам куёвнинг қадрини баланд кутариш учун қилинади), келин янгалар томонидан эса “Исириқ солиш”, “Тун сотиш”, “Даструмол улашиш”, каби ҳазилга йўғрилган урф-одатлар бажарилади.

Тошкент шаҳри ва унинг атрофларида куёв ва куёвнавкарлар утирадиган уйнинг турига, бурчакка куёв учун оқ матодан чимилдиқ илинади. Куёв хонага биринчи булиб киради ва чимилдиқни уртасидан йиртиб, тепага илиб қўяди.

Тошкент вилоятининг Янгийул туманида куёвнавкарлар учун безатилган дастурхонда ҳар бир киши учун биттадан тухум қўйиб устини пиёла билан ёпиб қўйилади. Бу одат келин-куёвнинг серфарзанд булиши учун амалга оширилади.

Сирдарё вилоятида куёвжуралар ҳазиллашиб, чойнакнинг жумрагини сездирмасдан бирор нарса билан беркитиб қўйиб, келин янгадан чой қўйиб беришни сўрайдилар.

Жиззахда куёвнавкарлар таомларни еб бўлгач, идишга пул соладилар. Куёвнавкарлар оёқ кийимларини ҳушёрлик билан қуриқламасалар, келин янгалар уларни беркитиб қўядилар ва ҳадя олмагунча қайтариб бермайдилар.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида куёвнавкарларга “Тўққиз товоқ”, яъни тўққиз хил таом тортилади. Куёвжуралар дугоналари даврасида утирган келинни олиб чиқиш учун қизларга “Келин ҳақи”, “Ажратки” тулайдилар. Сурхондарёда куёв келинни

олиб чиқиш учун хонага кирганидан фойдаланиб, унинг оёқ кийимини беркитиб қўядилар. Куёв қизларга товон пули тулагачгина, оёқ кийимини қайтариб берадилар. Келин томон вакиллари куёвни утин ёрдириб, тош кутартириб ва яна бошқа усуллар билан синаб курадилар. Миллий либосларда утирган келин-куёв билан турли ирим-сиримлар утказилади. Доим бирга бўлишсин, деган ниятда келин ва куёвнинг кийимлари бир-бирига ип билан тикнади. Ризқ-насибали бўлиш учун келин гушт туграйди, куёв илк ёйди. Икки ешнинг елкасидан ун сочилади. Қашқадаренинг Косон туманида келинни куёв хонадонига отга миндириб, баъзи туманларда от-аравада, баъзиларида машинада олиб борадилар. Куёвнавкарлар келинни олиб кетишга келин томонлик йигитлар арқон тортиб йул тусишади, куёв томон совга-салом бергач, йулни очадилар. Бу одат келин томонлик йигитларнинг гурурини курсатиш, келиннинг қадрини кутариш учун қилинади.

Андижонда куёвнавкарлар олдига пиширилган бутун упка ва туш қўйилади. Бу одат куёв упка-гина қилмасин деган ниятда бажарилади.

“Никоҳдан утиш” маросими. Келин-куёвни шарият талаблари асосида никоҳлаш қадимда тўй кунини келин хонадонига куёвнавкарлар келган вақтида амалга оширилган.

Андижонда никоҳ ўқитилаётганда куёвнинг яқин қариндош аёли, кўп ҳолларда холаси куёв кийиб утирган туънинг унги елкасига учи тугилмаган (ҳаёти тугундан ҳоли бўлиши учун) оқ ипни (ҳаёт йули оқ бўлиши учун) тикиб, келин-куёвнинг бошидан гоҳ мош, гоҳ гуруч (фарзандлари утил-қиз аралаш бўлиши учун) селиб туради.

Самарқандда никоҳ вақтида қизнинг ўзи бўлиши шарт эмас. Яқин эркак қариндошлардан бири келиннинг розилиги билан никоҳга вакил қилиб тайинланади. У никоҳ вақтида ўзини карликка солади, куёв томон маҳр пули бергачгина, “қулоғи очилади”. Бу одат қизни дарров бериб юбормаслик, унинг қадр-қимматини куёв томон олдида кутариш учун қилинади. Кейинчалик вакил ота куёв томон берган пулнинг енига яна пул қўшиб келин-куёвга совга олиб беради.

Бугунги кунда никоҳ маросими куёв хонадонига утказилади. Бухоро вилоятида эса келинникида утказилади. Бунда тўй таражатларини куёв томон кутаради, яъни пиёз, туз ва бошқа аччиқ нарсалардан ташқари тўй дастурхонига қўйиладиган барча ноз-неъматлар куёв томондан юборилади. Халқимизда шур ва аччиқ

нарсалар хосияти ёмон деб ирим қилинади. Ҳозирда баъзи замонавий оилаларда никоҳ бозми кафелар, туйхоналарда ўтказилмоқда. Туй тугагач, куёв хонадонига гулхан ёқилади ва келин-куёв унинг атрофида инс-жинслардан асраш, поклаш ва бир-бирига иситиш мақсадида айлантирилади. Сунгра келин-куёвнинг бошига янгалари ризқли-насибали бўлсин, жуфти билан бўлсин, деган ниятда иккитадан нон қуйиб чимилдиққа олиб киришади. Қоракул туманида келин-куёв никоҳ туйи давомида утирмасдан, тик туришади. Келин туйнинг бошидан охиригача тинмай таъзим қилиб, салом бериб туради. Ҳар нарсанинг ози ширин, дегандек бу ҳолат четдан қараганда эриш туюлади. Келинларнинг чиройли, нафосат билан уч маротаба эгилиб, таъзим қилиши қанчалик гузал кўринса, бир неча соат давомида тинмай эгилиб салом бериш бунинг аксидир. Қуплаб вилоятларда келин-куёв табрик сузи айтаётганларнинг хурмати учун урчиларидан туришади, келин таъзим қилади, суз тугагач яна жойларига утиришади. Қоракулда эса нафақат табрик вақтида, балки оммавий рақслар вақтида ҳам келин тинмай таъзим қилиб туради. Бу ҳолат, биринчидан, келиннинг ҳолдан тойиши, чарчаши (бели қотиб қолиши)га олиб келса, иккинчи томондан "келин салом"нинг гузаллиги ва жозибасига путур етказди. Бошқа вилоятларда одамлар келин саломни интиқиб, ҳузур билан томоша қилишади.

Хоразм вилоятида никоҳ туйи билан боғлиқ урф-одатлар бошқа жойлардан кескин фарқ қилиши туфайли, мазкур вилоят урф-одатларига батафсилроқ тўхталамиз. Хоразмда никоҳ туйи кун куёв томондан уч-туртта кекса аёллар келинга никоҳ куйлаги, гушанга учун рангдор мато, махси, пешонасига боғлаш учун кичикроқ оқ мато, катта оқ румол олиб келадилар. Никоҳ куйлаги оқ ёки очикроқ рангдаги исталган матодан оддий ўзбекча бичимда бўлиб, этаги қайтариб тикилмаган бўлади. Бу одат ҳам, келиннинг пешонасига боғланадиган оқ мато ҳам бахт тушунчаси билан боғлиқ¹. Шунингдек, оқ мато поклик, бокиралик рамзи ҳамдир. Гушангага келин томонлик табаррук ёшли, бир никоҳли онахонлар "қайчи уриб" бергач, аёллар томонидан тикилади. Гушанганинг олд томонига миллийлик рамзларидан бири саналадиган қуроқ қилинган оқ мато тикилади. Қуроқ "майда булақлардан улаб, туплаб, безак ясатиш... Турли ранг ва шаклдаги майда мато парчаларидан буюм, безак ҳосил қилинади. Амалий санъатда кенг тарқалган; мас., курпа, курпача, чойшаб, сузана, дастур-

¹ Сафарова Гулсара. 1955 йил тутилган. Хоразм вилояти Ургенч тумани, Ғайбу қишлоғи, Сотим Қаландаров қишлоқ фуқаролар йигинида истиқомат қилади. 2012 йил май ойидаги суҳбат-интервьюдан.

хон, гилам ва б. Жиҳозлар қадимдан шу усулда тайёрланиб ажойиб санъат намуналари яратилади”¹. Келин замонавий оқ никоҳ кўйлаги устидан куёв томонлик аёллар олиб келган никоҳ кўйлагини кияди. Оёгига маҳси кийиб, пешонасига оқ матони боғлайди, бошига оқ румол ташлайди. Бир нечта аёл гушангани келиннинг устига тутиб, ҳилпиратиб туриб “Ёр-ёр” тилак айтадилар. Келин гушанга тагида дугоналари билан утиради. Бу манзара четдан қараганда гузаллик ва маҳзунлик уйғунлигини акс эттиради. Аёллар уз келинлик дамларини эслаб, энтикиб, кўзга ёш оладилар. “Ёр-ёр” айтиш маросими тутагач, гушангани келин утирадиган машина устига ёпадилар. Келиннинг отаси чироқ (пилта чироқ) ёқади ва бу чироқ куёв уйига боргунга қадар учиб қолмаслиги керак. Респондент Роза Ибрагимованинг фикрига кўра, ота томонидан ёқилган чироқ қизига ёруғ, порлоқ хаёт тилашидан далолат беради ва бу чироқ уч кун мубайнида келин-куёв хонадонига ёқик ҳолда туради². Мазкур одат зардуштийлик даврига, нур эстетикасига бориб тақалади. Келин дугоналари билан машинага утиргач, барча эркак қариндошлар навбати билан дуо қилиб, тилак билдирадилар. (Тошкентда фақат ота дуо беради). Келин ва куёв алоҳида-алоҳида машиналарда қонуний никоҳдан утгани ФХДЁ идорасига йул оладилар. Йулда (машина ичида) келин куёв томон юборган кўйлак, румол, маҳсини ечиб, замонавий либослар (фата, туфли) ни кийиб олади. ФХДЁ идорасига етиб боришга, то куёвжурала келин янгани рози қилмагунча (пул бериб) келин машинадан тушмайди. Тошкентда бу одат келин тўйхонага келганида бажарилади. Келин-куёв қонуний никоҳдан утгач, бироз айланиб, куёвнинг хонадонига келишади. Йулда келин машинада яна ўзбекча никоҳ кўйлаги, маҳси кийиб, бошига румол ёпади. Бу одат Хоразмликларда келин уз ота уйдан чиқишда ҳам, куёв хонадонига боришда ҳам миллий либосда бўлиши лозимлигини аңлатади. Хоразмлик қизлар ҳам бошқалар каби чиройли, замонавий оқ либос кийишни хоҳлашлари ва шу боис айлангани борганда ноқулай булса-да, машинада кийим алмаштиришлари тушунарли. Аммо, четдан қараган одамга узун, европача услубдаги оқ кўйлак устидан тиззадан келадиган турфа рангли, ўзбекча бичимдаги кўйлакни кийдирилиши, пешонага оқ мато боғланиши эриш туюлади. Бу гузаллик, дид меъёрларини бузили-

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-том. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий наприёти, 2005. 162-бет.

² Ибрагимова Роза. 1953 йилда тугилган. Хоразм вилояти Ургенч шаҳар, Навруз шаҳарча, Ободончилик кучаси, 24-уйда истиқомат қилади. 2012 йил май ойидаги суҳбат-интервьюдан.

шига олиб келади. Маълумки, эстетик дид ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, ҳам ҳиссий тарбия уйғунлигидан иборат. У маълум маънода тугма хусусиятларга ҳам бориб тақалса-да, аммо асосан тарбия ва ижтимоий муносабатлар замирида шаклланади. Тугри, эстетик дид ҳар кимда турлича бўлади. Кимгадир оқ ранг, кимгадир қора ранг ёқади. Аммо, “шундай эстетик қадриятлар борки, улар муайян замон, ижтимоий ҳаёт, умуммиллий, умуминсоний маданий даража билан шартланади. Улар идрок этилганида баҳслашиш мумкин эмас”¹. Қолаверса, бу ҳолат келиннинг бетакрор жозибасига ҳам таъсир курсатади. Бунинг устига мазкур одат қадимий ҳам эмас, яқин утмишда “вазиятдан чиқиш” учун уйлаб топилган. Зеро, ўзбек халқининг “эстетик диди, бадий савияси мазмунан чуқур, шаклан кенг миқёсли, моҳиятан ўзига хосдир”².

Куёв томон келиннинг никоҳ куйлагини оқ матодан чиройли бичимда, миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган тарзда тиктирса, машинада кийим элаштиришга ҳожат қолмасди. Гузалликнинг “эстетик қадрият сифатидаги моҳияти нарса-ҳодисанинг мазмуни билан шакли уртасидаги узаро уйғунликка асосланади... Гузаллик доимо уйғунлик, ҳамоданлик, мослик ва мақсадга мувофиқлик асосида юзага келади”³. Гузаллик – уйғунликда. Миллий ва замонавий урф-одатларни пала-партиш бажариш мазкур уйғунликни бузилишига олиб келса, улардаги “олтин урталик”ни топиш, уйғунлигига эришиш гузалликнинг янги қуринишлари вужудга келишига, юксак нафис дидни ривожланишига замин яратади.

Келин куёв хонадонига келгач, куёвнинг онаси келин утирган машина устидан ширинлик сочади. Келиннинг оёғи тагига гилам (қадимда пусти) соладилар. Келин-куёв утирган машина чиройли безатилган ва қўғирчоқ ўрнатилган бўлади. Келиннинг дугонаси қўғирчоқни куёвнинг онасига “неварангиз” деб беради. Куёвнинг онаси “невараси” ҳақиқа унга пул ҳадя этади. Бу одат яхши ният тилан, халқимиздаги болажонлик қуринишларидан бири бўлиши билан бир қаторда ҳазил тариқасида кайфиятни кутариш мақсадида ҳам амалга оширилади. Кейин “Келин салом” маросими ўтказилади.

¹ Ш е р А., Х у с а н о в Б. Эстетика. Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. 95-бет.

² М а ь р у ф б о е в Б. Этномаданий тафаккур – миллий санъат ривожигаги муҳим омил // Санъат масалалари ёшлар нигоҳида. 5-жилд. ЎзДСИ. Илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2012. 9-бет.

³ Н у р м а т о в а М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. Тошкент: Университет, 2009. 59-бет.

Бу маросим ҳам бошқа вилоятлар “Келин салом”идан тубдан фарқ қилади, у келин уйга кирмасдан, дарвоза олдида утказилади. Келин янга машина устидаги гушангани олиб елкасига ташлайди, келин аста келиб, гушанганинг ичига кириб олади ва янгасининг орқасида куринмай туради. Даяракаш куёв томонлик кишиларни номларини бирма-бир айтиб чиқади, келин янга уларнинг ҳар бирига жуфт таъзим – салом қилади. Ҳар сафар келин ҳам янгасига қушилиб эгилади. Хоразмликларнинг таъзими ҳам узгача, икки қулни тиззани устида югуртириб, эгиладилар. Бунинг устига бошқа вилоятларда янга таъзим – салом қилмайди. Бу одат янги келиннинг ибто-ҳаёси кучлилиги, одамлар олдида чиқиб салом беришдан уялиши боис амалга оширилади, яъни келиннинг урнига янгаси салом қилади. “Келин салом” тутагач, янга ва келин уша аҳволда, яъни келин янгасининг орқасида эгилиб, гушангани ичига кирган ҳолда уйга кирадилар. Четдан қараганда бу одат ҳам эриш туюлади. Тутри, келин куёвнинг уйига одамларнинг кузига куринмаган ҳолда кириб келиши узига хос ҳаё, ибто белгисидир. Аммо, янгасининг орқасида гушанганинг ичида, эгилиб туриши, гузаллик эмас, хунуқлик касб этади. Фикримизча, келинчак чиройли, нақшлар солинган миллий мато ёпинган ҳолда янгасининг орқасида эмас, узи янгаси ва дугоналари қуршовида кириб келиши – бу том маънодаги гузаллик булар эди.

Келин билан бирга келган қудаларни куёв томонлик аёллар пешонасига ун суртиб, қулига иккитадан ширинлик бериб кутиб оладилар. Ун ёруглик, оқлик, ризқ рамзи ҳисобланиши билан биргаликда икки томоннинг илиқ муносабатини ҳам аниқлатади. Ширинлик ширин ҳаёт, унинг жуфт бўлиши эса жуфтлик ҳақидаги ақидалар билан боғлиқ. Қудаларга энг биринчи тортиладиган таом ҳам оқлик бўлиши лозим. Шу бонс фаслга қараб, сариёгли сут ёки қатик берилади¹. Куёв ва куёвжуралар алоҳида хонада келин томон олиб келган махсус озиқ-овқатларни танаввуа қиладилар. Улар ичида албатта нон, пиширилган гушт, тухум ва ширинликлар булади. Нон ризқ, гушт туқлик, фаровонлик, куч-қудрат маъносини аниқлатса, тухум фарзанд, насл рамзини ифодалайди. Куёвжуралар овқатни танаввуа қилиб булғач, тугун ичига пул соладилар ва уни келин янгага берадилар. Куёвнинг белбоғи ичига пул тутиб, қаттиқ қилиб боғлайдилар. Исломиё никоҳ уқитилади. Сунгра куёвни кутариб чимилдиқли уйга олиб кирадилар. Келин янга белбоғни ечиб, пул-

¹ Сафарова Гулсара. 1955 йил тугилган. Хоразм вилояти Ургенч тумани, Гайбу қиллоғи, Сотим Қаландарова қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. 2012 йил май ойидаги сўхбат-интервьюдан.

ни олиши керак. Куёвжуралар белбоғни ечтирмасликка ҳаракат қиладилар. Янга куёвнинг костюми ва туфлисини ҳам ечади, уларнинг ичида ҳам пул бўлади. Бу одатлар ҳазил-ҳузул ва кулгу остида амалга оширилади. Мазкур одатлар замирида кулгилик воситасида ўртадаги бегоналикни йўқотиш, ҳазил ёрдамида икки томонни бир-бирига яқинлаштириш мақсади яширинган. Зеро, кулги “ўз табиати жиҳатидан демократик мазмунга эга бўлиб, барча одамларни бир-бирига қовуштириб бараварлаштиради, чунки кулишаётган одамаар ўзаро тенглашадилар”¹. Кулгиликда ҳазилнинг ўрни катта. У инсонни фикрлашга, сузларни уринли қўллашга ундайди, фикрни қизиқарли иборалар билан баён этишга ўргатади². Куёв чимилдикни кўтариб қўйиб, келинни кўтариб уринга ётқизади ва ўзи ҳам ётади. Янгалар уларнинг устига курпа ёпадилар ва “ойна курсатиш” одатини ўтказадилар. Кейин ёш болани иккисининг ўртасидан, бош томонидан киргизиб, оёқ томонидан чиқариб оладилар. Шундан сўнг куёв тезда туриб, чиқиб кетади.

Хоразмнинг баъзи бир туманларида келин куёв ўйига узатилиб кетгач, бир нечта аёллар қолиб, чучвара пиширадилар ва шу кунгач куёв хонадонига олиб борадилар. Келин куёв хонадонига келгач, куёв ширинлик (турли конфетлар) тўлдирилган патнисни олиб куёвжуралар билан келин ўтирган машина (қадимда арава) атрофини уч марта айланади ва йиғилганларга ширинлик улашади. Йиғилганлар ширинликларни “бизни ҳам тўйга етказсин”, деган яхши ниятда талашиб-тортишиб оладилар. Бу одат икки ёшни ҳаёти ширин ўтиши учун қилинади. Ҳазорасп туманида эса куёв келин ўтирган машинанинг атрофини ҳукиз (қорамол) етаклаб, куёвжуралар билан биргаликда айланади. Мазкур одат келин-куёвнинг мол-давлати куп бўлиши учун амалга оширилади.

Хоразмнинг Янгиаригида келиннинг сепи тўй кунини олиб кетилади. Сандиққа 10 дона сувда қайнатилган тухум, нон ва ичимлик солиб, келин билан бирга куёв хонадонига олиб борилади. Бу қовурдоқ дейилади ва тўй бошланмасдан олдин куёвжураларга берилади³.

Андижонда келиннинг онаси қизини узатиб боришда қатнашмайди, бу уят саналади. Келин узатиб келган аёллар қудалар

¹ Шер А., Хусанов Б. Эстетика. Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. 122-бет.

² Уша асар. 125-бет.

³ Дадабоева Олода. 1969 йилда Тошкент шаҳрида тугилган. 2011 йил 27 январдаги суҳбат-интервьюдан.

томонидан икки ёшнинг ҳаёти, келиннинг ва қудаларнинг тили ширин бўлсин деган ниятда ширин сув ва турли ширинликлар билан кутиб олинади. Куёв томон келиннинг укасига пичоқ ё соат тақдим этсагина, келинни машинадан тушишига рухсат берилади. Келинни машинадан куёв кутариб туширади ва баъзан чимилдикқача кутариб олиб боради.

Наманган никоҳ туйларида “Гул базми” ўтказилади. “Гул базми”да куёв ва келин томонлик йигит-қизлар қулига гул олиб мушоира ўтказадилар. Йигит гул ва қизлар ҳақида шеър ўқийди ва қулидаги гулни бирор қизга беради, қиз унга шеърини жавоб қайтариб гулни куёв томонлик йигитлардан бирига беради. Мушоира шу тахлит давом этади. Водий аҳли аскияга ўчилиги боис йигит ва қизлар ҳазил шеърлар билан бир-бирини доғда қолдиришга ҳаракат қиладилар. Мазкур маросимда наманганликларнинг адабиётга, гулга бўлган меҳр-муҳаббати яққол намоён бўлади.

Сурхондарёда келинни куёвникига олиб келишгач, дарвозадан кирмай туриб, қайнота ўз оиласига қабул қилишга розилик аломати маъносида эски чопонини келиннинг устига ёпади. Келин уй остонасига қадам қуйганда пойига кўрпача соладилар. Кекса аёллардан бири шу кўрпачага юмалайди, бу “Кампир ўлди” маросими бўлиб, гуё кампир бу билан ёш оилага келиши мумкин бўлган балоқазоларга “мен ёшимни яшаб бўладим” деб, ўзини қалқон қилади. Сўнгра, кўрпача шу кампирга ҳадя қилинади. Баъзи туманларда эса “Кампир ўлди” маросими ўзгача қуринишда ўтади, яъни кампир кўрпачага ётгач, ўзини улганга солади. Келин эса бор маҳоратини ишга солиб кампирни “тирилтириши” керак бўлади. Бунда у ўз хушмуомалалиги, ширинсуханлиги ва вазиятдан чиқа олиш қобилиятини намоён қилиши керак бўлади. Келинчак бу ишнинг ўлдасидан чиқмагунча кампир турмай ётаверади. Бу одат ҳазилга йўлланган бўлиб, атрофдагиларда кулгу ўйғотади. Шу билан биргалликда улар келиннинг фазилатларига баҳо берадилар.

“Чимилдик” никоҳ туйининг биринчи кечасида келин-куёвнинг якка қолиши билан боғлиқ маросимдир. Чимилдикда янгалар “Асал ялатиш”, “Ширин сув ичиш” (ҳаётлари ширин бўлсин деб), “Мошхурда ичиш” (мош ва гуручдек аралашиб кетишсин деб), “Ойми-кун” (келин ва куёв “ҳамиша бирга бўлайлик” деган ниятда битта кичик янги кўзгуга барабар қарайдилар, янгалар куёвни куёшга, келинни ойга қиёслаб таъриф берадилар), “Соч силлаш” (куёв келиннинг сочини ўзун бўлиб ўссин, деган ниятда силлайди),

“Оёқ босиш” (келгусида оилада устун бўлиш ниятида келин ва куёв бир-бирларини оёқларини биринчи бўлиб босишга ҳаракат қиладилар), “Урин солиш” (келин-куёвнинг тўшаги остига серфарзанд бўлишсин, деган ниятда, жухори донлари, фарзандлари угилқиз аралаш бўлсин, деган ниятда мош ва гуруч донлари, ҳаётлари ширин бўлсин, деган ниятда ширинлик, бало-қазодан асрасин, деган ниятда пичоқ, бош томонларига “Қуръони карим” китоби қўйилган), “Туғди-туғди” (тезроқ фарзандли бўлишсин деган ниятда) каби маросимларни ўтказадилар.

Куёв томон аёллари чимилдик томонда, келин тараф аёллари эса остона томонда туриб тортишмачоқ ўйнайди. Белгиланган чизиқдан келин томондаги аёллар салгина утса бўлди, келин қўлга киритилган ҳисобланади. Одатда, куёв томоннинг ҳурмати учун келин томон ютқазади. “Келин қўлга киритилгач”, чимилдикда келинни кутаётган куёв тўн ёпиниб чиқади ва келиннинг бошидан пул, ширинлик сочади. Бу удум, бир томондан, келинни чимилдикқа босган биринчи қадами ширин, сердават бўлсин, деган ниятда, бошқа томондан эса, янгаларни чалғитиш мақсадида ўйлаб топилгандир. Янгалар қий-чун қилиб, ширинлик ва пулларни тараётганда куёв келинни даст кутариб, чимилдикқа олиб киради. Қиз узатиб келган аёллар келин-куёвга эшиттириб турмуш сабоқлари, эр-хотинлик муносабатлари ҳақида қизгин суҳбатлашиб, уларнинг “қўлогини пиштадилар”.

Бухоро тўйларининг “Чимилдик” маросимларида вакила аёл келинчакнинг этагига тухум (унта ва ундан ошиқ, элбатта жуфт бўлиши лозим) солиб, дастурхонга думалатиб туширади. Мазкур урф-одат серфарзанд ва ризқли бўлишсин деган ниятда амалга оширилади.

Қорақул туманида чимилдикдаги ирим-сиримлар бажариб бўлингач, келин-куёв олдидаги дастурхон ноз-неъматлари ва ширинликлари билан қушиб ўралади, орасига пул солиниб, яхшилаб бойланади ва куёвга берилади. Куёв уни олиб уй остонасига боради ва ҳовлида уни кутиб турган куёвжураларга қарата тугунни отади. Куёвжуралар тугунни талашиб-тортишиб олишади ва ичидагиларни бўлиб олишади. Бу одат куёвнинг жураларига “сизлар ҳам куёв бўлинглар” деган яхши ниятини ифодалайди ҳамда атрофдагиларда завқ-шавқ уйғотади.

Никоҳ тўйининг эртасига эрталаб “Алла болам” маросими ўтказилади. Келин томонлик аёллар келинни уртага ўтказиб, икки-

та бутун нонни битта қилиб (насибаси бут бўлиши учун) тишлатадилар ва "Алла болам" қушигини айтадилар. Бу маросим ёшлар тез орада фарзанд кўришлари учун утказилади.

Хоразмда ўзига хос бир анъана борки, у бошқа вилоятларда учрамайди. Янги келин неча йил утишидан қатъи назар фарзанди бўлмагунча (баъзи ҳолларда ундан кейин ҳам) қайнота-қайнонаси ва оиладаги катта ёшдаги эркаклар билан гаплашмайди ва бу уларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром рамзи ҳисобланади.

Андижонда "Юз очар" маросимида келиннинг онаси сарпо ва турли таомлар келтиради. Келиннинг юзидаги ҳарир пардани куёвнинг укаси ё жияни мевади дарахтнинг новдаси билан очади. Супра ёзилиб қайнота, баъзи жойларда қайнона келиннинг ҳовучига ун солади, келин унни супрага қуяди, бу амал уч марта такрорланади. Ош ва оқ қанд ҳам шу тарзда уларнинг қулидан утади. Бу амал уй-рузгор келин қулига утганлигини билдириб, ёшларнинг ҳаёт нули оқ, ширин, рузгорлари тўкин-сочин бўлишини тилаш учун қилинади.

Наманган вилоятида "Юз очди" маросимидан кейин келин томон куев томонга ўз совгаларини улашиб бўлгач, куёвга тун кийдирилади ва бели маҳкам бўлсин, деган ниятда куёвнинг белига устма-уст белбоғ боғланади. Бу белбоғларнинг сони 20тадан 40тагача бўлиб, уларни қизнинг онаси куёвга атаб тиккан бўлади. Туйдан сунг келиннинг онаси куёв хонадонига (Қадимда 40 кунгача, ҳозирда бир неча кун) ҳар куни эрталаб таом юборади. Бу одат Фарғонада ҳам мавжуд бўлиб, 40 кундан сунг "Куёя чэқирди" маросими утказилади.

Куёя хонадонига қирқ кунгача ҳар тонг таом юбориш одати ортиқча сарф-харажат, исрофгарчиликка олиб келиши боис халқимиз томонидан танқид остига олинмоқда ва секин-аста йуқолиб бормоқда.

Ўзбек хотин-қизларида усма қуйиш, хина қуйиш, соч уриш, намозшом пардоз, аёллар ҳашари маросимлари, "Хола-хола", "Уй-уй", "Меҳмон-меҳмон", "Беш тош", "Аргимчок", "Бешикча" уйинлари ҳам бўлган. Улар безаниш, рекреатив ва қизларни оилавий-маиший ҳаётга тайёрлаш функцияларини бажарган.

3.4. Халқ байрамлари ва томошаларининг гедонистик функцияси

Қадимдан кишилар кундалик ҳаётни кундуз ва кеча, меҳнат ва дам олиш, жиддий ва кулгили мапгулаптар билан шугулланишга ажратишган. Шу асосда халқ байрамлари ва томошалари, кундалик ҳаётнинг атрибути сифатида шаклланган.

Маъмур байрам ва томошалар пайтида халқ оғир меҳнат, турмуш машаққатлари, расмиятчиликдан вақтинча халос бўлган, кишилар юзага келган эркин мулоқотдан, ўз туйғуларини бемалол ифода этиш имконидан, психофизиологик эҳтиёжларини қондириб, дам олиб, ҳордиқ чиқариш шароити пайдо бўлганидан хурсанд бўлганлар.

Халқ байрамлари ва томошаларининг субъекти ҳам, объекти ҳам халқдир. Халқ уларнинг ташкилотчиси ҳамда уларда қатнашиб, дам, завқ, ҳордиқ олувчи бўлган.

Халқ байрамлари ва томошалари этномаданиятнинг кенг тарқалган, ранг-баранг бадий-эстетик воситалар қулланиладиган синкретик шаклидир. Уларда халқ қушиқлари, уйинлари, томошалари, кунгил очиш маросимлари, дostonчилик, аскиябозлик, дорбозлик, купкари, беллашув, кураш, хуллас халқ ижоди ва санъатининг барча турлари уйгун келади. Байрам ва томошаларда ҳар бир киши ўзининг бадий-эстетик эҳтиёжини қондириш имконига эга бўлади. Айнан ушбу хусусият уларни этномаданиятдан чуқур жой олишини таъминлаган.

XX асрнинг машҳур файласуфларидан бири Эрих Фромм инсон ва социум уртасидаги муносабатларни тадқиқ этиб, инсонни зиддиятлар мудом таъқиб этади, улар ичида қадимгиси уни гоҳ ҳайвоний, гоҳ инсоний яшашга мажбур этадиган эҳтиёжлар уртасидаги зиддиятдир, демократик тамойилларга амал қиладиган, инсоний фазилатларни, ижодий хислатларни ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳаёт шароитларини яратган жамиятгина соғломдир¹, деган хулосага келади. Бу ўринда у Гербда "оммавий маданият"нинг деструктив таъсирида шаклланган эҳтиёжларни эмас, балки ҳар бир шахсни, индивиднинг ички-маънавий оламини, ундаги ижобий хислатларни тўла намоён бўлишига ёрдам берадиган ижтимоий

¹ Каранг: Фромм Э. Мужина и женщина. М.: ООО "Фирма Изд-во АСТ", 1998. С. 451–452.

муҳитни, дам олиш шароитини яратишни назарда тутди¹. Файласуфнинг фикрига кура, агар шундай муҳит ва руҳий-маънавий эҳтиёжларни қондириш имкони бўлмаса, жамият ҳам, шахс ҳам деструктив хатти-ҳаракатларга, "огир руҳий огишларга"², хасталикка йул тутди.

Иш вақтида содир бўладиган тортишувларни, маъмурият томонидан чиқарилган, баъзан хизматчи тасаввур ва эҳтиёжларига зид бўлган қарорларни, ҳукмларни киши табиий ҳол сифатида қабул қилади, чунки иш вақти талабларига бўйсуниб ижтимоий тузум томонидан юклатилган масъулиятдир. Киши ушбу масъулиятни ўз устига олиши шартлигини билгани учун ҳам юқоридаги қарор ва ҳукмларга итоат этади, уларни тула бажаришга интилади. Бироқ ишдан кейинги, айниқса бўш вақтда киши барча қарашларни, нормаларни, қарорларни қабул қилавермайди. У ўз қизиқиши ва эҳтиёжига тўғри келадиган қадриятларнигина ўзлаштиришни, улардан маънавий озуқа олишни маъқул куради. Ушбу қизиқиши ва эҳтиёжларига мос келмаган қадриятларни, тадбирларни у қабул қилмайди ёки уларни очикдан-очик инкор этади. Этномаданият миллатнинг, халқнинг асрлар давомида шаклланган маънавий-руҳий, миллий-маданий эҳтиёжлари ва қизиқишлари асосида юзага келгани боис, у ушбу миллатнинг, халқнинг фарзандларини бефарқ қолдирмайди. Анъанавий қадриятларнинг умрбоқийлиги, мустақиллик даврида миллатимиз, халқимиз ёшларида тарихий-маданий меросга, халқ байрамлари, томошалари ва дам олиш анъаналарига қизиқиш ошганлигининг негизи ҳам шундадир.

Дам олиш ва ҳордиқ чиқариш (гедонизм) ўзаро диалектик боғлиқ рекреатив (психофизиологик) ва ижтимоий-маънавий (психопедагогик) вазифаларни бажаришга қаратилгандир. Тўғри, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш этномаданиятнинг ўзига хос анъанавий тури сифатида бошқа (масалан, коммуникатив, тарбиявий, маданий-ижодий, бўш вақтни ўтказиш ва б.) функцияларни ҳам бажаради. Аммо дам олиш ва ҳордиқ чиқаришга қаратилган тадбирларда, фаолият турларида, айниқса этномаданиятга тааллуқли халқ байрамлари ва томошаларида у ёки бу функциянинг бошқаларидан устун туради, деб асослаш жуда қийин. Шунинг учун дам олиш ва ҳордиқ чиқариш маданиятини ўрганишда гедонизм бошқа функциялар билан уйғун келишини унутмаслик зарур.

¹ Уша асар. 131-бет.

² Уша асар. 135–136-бетлар.

Ўзбек этномаданиятидаги дам олиш ва ҳордиқ чиқариш усуллари мавсумий-календарь байрамлари, томоша-сайиллар, табиат билан боғлиқ маросимларда кўришимиз мумкин.

Мавсумий-календарь байрамларига йилнинг маълум бир фасларида, ойларида ўтказиш анъанага айланган халқ байрамлари ва томошалари киради. Ушбу этномаданий тадбирлар мавсумий (календарь) характерга эга бўлиб, уларда инсоннинг табиатдаги ўзгаришлар (уйғониш, сулиш ёки фаслларнинг алмашиши)га муносабати акс этган. Табиатдаги ўзгаришлар инсон руҳига, кайфиятига, соғлигига таъсир этган, ибтидоий даврдаги космологик қарашлар ва тасаввурлар беиз кетмаган. Инсон узини, ҳаёт тарзини, турмушини табиат инъомлари билан боғлиқлигини қанчалик чуқур англагач, уларни шунчалик ранг-баранг қарашлар, урф-одатлар ва гедонистик томошаларда акс эттирган.

Халқ сайилларида дам олиш ва ҳордиқ чиқариш (гедонизм) асосий мақсаддир. Календарь байрамлари ва томошаларида эса, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш (гедонизм) инсоннинг табиат билан муносабатга киришишидан кейин келади. Уларда табиатни уз истакларига бўйсундириш, ундан бирор нарса сўраш, тилаш, хуллас, уни уз саховатини аямасликка, қилган меҳнатига яраша тақдирлашга ундаш ётади. Ушбу компенсация функцияси календарь байрамлари ва томошаларида етакчилик қилади. Халқ сайилларидаги гедонизм кишининг оғир меҳнатдан кейинги психо-физиологик, фаолиқни нофаолиқ, жисмоний меҳнатни ақлий меҳнат, ақлий меҳнатни ҳаёл, орзу, тилақлар ёки ҳазил-уйинлар билан алмаштириш эҳтиёжлари натижасидир.

Баҳор фаслидаги мавсумий байрам-томошаларига Наврўз байрами, ер ҳайдалаётганда "Шоҳмойлар", урут экилаётганида "Биринчи уруғ қадаш", йил яхши келиши учун "Дарвешона", илик узилди пайтида "Сумалак базми", "Ҳалим базми", қушлар қайтиб кела бошлаганида "Қалдирғоч келди", "Қушлар байрами", гуллар очилганида "Гул сайли", "Гул байрами", "Гулчамбар", дарахтлар барг чиқарганида "Толбаргак", мевалар пишганида "Тут сайли", "Кулупнай сайли" кабилар мисол бўлиши мумкин.

Ёзда "Сув сайли", "Боғ сайли", "Ўзум сайли" кабилар ўтказилган бўлса, кузда "Дулана сайли", "Қовоқ сайли", "Қовун сайли", йил бўйи етиштирилган ҳосилни йигиб олишга бағишланган "Ҳосил байрами", "Меҳржон" байрами ўқштирилган. Қишда эса "Ялдо кечаси", "Сада байрами", "Биринчи қор", "Қорхат", "Қорбурон уйини",

“Курултой байрами”, кунлар қаттиқ совиб кетганида сандал атрофига тўпланиб “Топишмоқ топ”, “Ғазаалхонлик”, “Эртакхонлик”, “Тез айтиш”, “Ҳикояхонлик”, “Лоф айтиш”, “Достончилик”, “Китобхонлик”, “Мунозара”, “Айтишув”, “Масалчилик”, “Қасидахонлик” каби баъдий-эстетик завқ берувчи, дид ва билимни ривожлантирувчи анъанавий уйинлар, гап-гаштак, халфана утказилган.

Баҳор фаслида, ботқа фасларга нисбатан, байрам-томошалар кўпроқ учрайди. “Маълумки, баҳорда нафақат табиат, балки инсоннинг ўзи ҳам ўзгаради. Инсон баҳор каби нозиклашиб, нафисликка, гузалликка, янгиликка чанқоқ бўлиб қолади. Бу вақтда киши ҳар бир ҳодисадан янгилик ва гузаллик қидириб қолади. Одамлар табиатида руй берган ана шу ҳолат табиат билан боғлиқ бўлган ҳар бир ҳодисани поэтик маънога эга бўлган тадбир, маросимга айлантириб юборади”¹.

Баҳордаги энг йирик халқ байрам-томошаларига “Навруз”, “Йил боши”, “Дарвешона” киради.

“**Навруз байрами**” Урта Осиё, Қозоғистон, Озарбайжон, Афғонистон, Эрон, Покистон ва Шимолий Ҳиндистон халқлари этномаданиятига тааллуқли ижтимоий, баъдий-эстетик воқелиқдир.

“Навруз” йилнинг бошланиши бўлиб, одамларни табиат қучоғига чорловчи, соф ҳаво, олам гузаллигидан, қуёш тафтидан баҳра олдирувчи, зерикарли ва қаҳратон қишдан безган одамларга гузал ҳис-туйғу ва завқ берадиган байрамдир. Унда аجدодларимизнинг илк мифологик тасаввурларидан тортиб, бугунги замондошларимизнинг кенг баъдий-эстетик ва маънавий қарашларигача мужассамдир.

У.Қорабоев “Навруз байрами”нинг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалишини таъкидлаб, у билан боғлиқ бир нечта афсона ва ривоятлардан, асарлардан парчалар келтиради. Унинг ёзишича, Зардуштийликда Ахурамазда баҳор ва езда, Ахриман куз ва қишда ҳукмронлик қилади, деган қараш мавжуд бўлган. Баҳорнинг биринчи кунини эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қилган кунини сифатида номланган ва бу сана айнан Навруз кунига тугри келган². Афсоналардан бирида келтирилишича, Одам Ато ва Момо Ҳаво илк бор учрашган кун “Навруз байрами” деб тан олинган. Фирдавсий ва Беруний асарларида келтирилган афсоналарда эса Наврузнинг пайдо бўлиши шоҳ Жамшид номи билан боғлиқлиги айтилади. “Шоҳнома”

¹ Қ о р а б о е в У. Узбек халқи байрамлари. Тошкент: Шарқ, 2002. 76-бет.

² Уша асар. 34-36-бетлар.

асаридаги Жамшид одамларга яхшилик қилиш мақсадида турар-жойлар, ҳаммом, боғ, саройлар қурдиради, кема ясатади, одамларни темир эритиш, ип йигириш, кийим туқиш каби касбларга ўргатади. Ҳамма ишлар битгач, тахт ясатиб, унда осмонга кутарилади. Одамлар бундан ҳайратга тушиб, қувониб, шу кунни янги йил – байрам кунини сифатида нишонлаганлар.

Тахт кукда чарх урар мисоли қуёш,
Фармондор утирар, унда ирғаб бот.
Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ-бахтига.
Жамшидга сочишар олтинун гавҳар,
Шу кунни янги йил – байрам дейишар”¹.

Тадқиқотларда Навруз байрамининг келиб чиқишини Аҳурамазда яратган ер юзидаги биринчи жонзот, ярми одам, ярми ҳукиз – Қаюмарс номи билан боғлашади. Берунийнинг фикрича: “Шу кунни худо қуни оламни яратиб, Қаюмарсни унга подшоҳ қилган ва “Навруз” унинг “жашни”, яъни ҳайити бўлган”². Баъзи тадқиқотчилар фикрига қура, худо оламни олти кунда яратган, дастлаб барча нарсалар жонсиз ва ҳаракатсиз бўлган. Аҳура Мазда оламни яратиб бўлгач, уларга жон ато қилади ва барча нарсаларнинг ҳаракатини бошлаб беради. Худди мана шу ҳаёт белгиланган кун – оламнинг биринчи нурафшон бўлган кунини – қуёш ёруғидан бутун олам ёришган. Тирикликнинг биринчи кунини ҳисобланган”³. Фирдавсий “Шоҳнома” асарида ёзади:

“Ҳамал буржиги кириб қолганда офтоб,
Жаҳон ёриб кетди, нурланарди об.
Ер юзи ёшариб, чечак тақарди,
Қаюмарсга жаҳон шодлик буюрди,
Илк бора манзилин тоғ ичра қурди...”⁴

“Бу мисраларда ҳам Қаюмарс биринчи инсон ва биринчи шох сифатида қуёш ҳамал буржиги кирган кун – баҳорги тенг кунликда пайдо бўлганлигига ишора қилинади. Демак, инсоният ва жамиятнинг пайдо бўлиши янги кун – “Навруз”га тугри келаётганлигига

¹ Уша манба, 34-бет.

² Б е р у н и й. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. 1-том. Тошкент: Фан, 1968. 253-бет.

³ С о а т о в Ё. Зардуштийлик маданияти ва маънавияти. Қарши: Насаф, 2004. 13-бет.

⁴ Ф и р д а в с и й. Шоҳнома. Биринчи китоб. Тошкент, 1975. 707-бет.

ишора қилинади"¹. Қуриниб турибдики, "Навруз байрами"нинг келиб чиқиши ҳақида турли афсоналар ва фаразлар мавжуд. Лекин уларнинг ҳаммасини боғлаб турган гоё бор. У, эзгулик ва улугворликдир. "Навруз байрами" билан боғлиқ барча афсона ва ривоятларда ана шу эзгулик ва улугворлик гоёси тараннум этилади.

Навруз байрамига тайёргарлик бир ҳафта-ун кун олдин бошланган. Бекалар "уй кутарган", уилар, довлилар, ариқлар ва кучалар яхшилаб тозаланган, ҳамма ўзига янги либослар тиктирган. 21 мартдан 22 мартга утар кечаси "Қозон тўлди" удуми ўтказилган. "Қозон тўлди" соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир оила ўз имкониятига қараб тансиқ таомлар тайёрлайди"². "Қозон тўлди" оқшомида бекалар палов, бугирсоқ, кукатли сомса, чучвара тайёрлаганлар ва мазкур таомлар кўни-қўшниларга улашилган. "Қозон тўлди" удуми ажодларимизнинг ҳосилдорлик ҳақидаги қадимий эътиқодлари билан боғлиқ. Унда йил бўйи қозон қайнасин, дастурхон тукин бўлсин, меҳнат фаровонлик, ором, завқ, ҳорлик келтирсин, деган гоё ифодаланган.

Навруз кунлари беморлар, кексалар, қаришдош-уруғлар, етим-есир, бева-бечораларни йўқлаш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланган. Меҳмоннавозлик, одамшавандлик одат бўлган, шу кунлари уруш-жанжал ман қилинган. Демак, навруз кунлари ҳамма жойда тартиб-интизом, узаро ҳурмат-эътибор, кишилараро муносабатларда гармония ҳукм сурган. Кишилар дам олиб, дунё ташвишларини унутганлар. Шунинг учун ҳам "Навруз озодлик ва эркинлик кўни ҳисобланган. Чунки бу кун меҳнат қилиш айб ҳисобланган, одамлар кундалик иш, вазифа, бурч, ташвишларидан озод бўлганлар"³. Шу тариқа кишилар ўзларини шоду хуррам бўлишга чоғлаганлар, дам олиб, ҳордик чиқарганлар.

"Сумалак пишириш" учун бирор хонадон ёки сулим бир гуша танланган, маҳалла ёки қишлоқдаги барча хонадон бекалари, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, утин, ун, ёғ келтиришган.

"Сумалак пишириш"га одатда ёши улут, маҳалла ёки қишлоқ одамларининг ҳурматига сазовор бўлган, пок, ораста, уяли-жували онахонлар бошчилик қилишган. "Сумалак – ўттиз малак", яъни сумалакни ўттиз малак пиширади, тонгга яқин ҳамма чарчаб ухлаб қолгач, фаришталар сумалакка туз соладилар, фаришталар қўлидан туз еган

¹ Уша жойда.

² Навруз. Тошкент: Фан, 1992. 10-бет.

³ Қорабоев У., Иброҳим Худоев. Навруз. Тошкент: Академия, 2000. 11-бет.

сумалак ширин булади, деган қарашлар мавжуд. Шунинг учун сумалакни бегубор ва нозик, қутлут таом ҳисоблашган, у пишаётганида қозонга нопок юзлар ва кўзларнинг назари тушмаслиги лозим, деб билишган. Қозон атрофида лапар, қушиқ, ҳикоялар айтишган, ёшларни хурсанд қилувчи уйинлар утказилган. Бу бадий-эстетик тадбирлар кишиларни бир-бирига яқинлаштирган, уларда бир-бирига меҳр-оқибат уйготган, ҳаммани эзгуликка чорлаган. Айниқса, унда хотин-қизлар ва болалар яйраб ҳордиқ чиқаришган.

“Дарवेशона” утказиш учун халқдан пул тупланган. Тупланган пулга жонлиқ сотиб олиниб, уни йил яхши келиши учун қурбонлик қилишган. Қурбонлик гўштининг бир қисми кам таъминланган оилаларга ажратилган, қолган қисмидан катта қозонларда таом (шурва, ош, қовурдоқ) тайёрланган. Маҳалла оқсоқоллари келаётган йилда қилинадиган юмушлар ҳақида маслаҳатлашишган. Пиширилган таомни хонадонларга тарқатишган. Маросимнинг “Дарवेशона” деб номланишининг сабаби қадимда қурбонлик гўштининг дарвешларга, етим-есир, бева-бечораларга тарқатилганидир.

“Баҳорлашиб келиш” эрта баҳорда шаҳар қизларининг қишлоқлардаги қариндошлари, дугоналариникига меҳмонга бориши, уларнинг биргаликда дам олишини ифодалаган тадбирдир. Қиш буйи зериккан, баҳорни соғинган шаҳар қизлари араваларда қишлоққа йўл олишган, йўл буйи лапар ва қушиқлар айтиб, хурсандчилик қилиб боришган. Қишлоқда уларни ҳар кеч бир хонадон соҳибаси меҳмон қилган. Қизлар дутор, доира чалиб, қушиқ айтиб, рақсга тушишган, шеърхонлик, ғазалхонлик қилишган. Меҳмон қизлар қишлоқда бир неча кун ҳордиқ чиқаришган, қишлоқнинг сўлим, баҳаво жойларида сайр қилишган. Шу билан биргаликда шаҳарлик қизлар қишлоқ одамлари турмуш тарзи билан яқиндан танишишган, қишлоқ хотин-қизлари билан фикр алмашишган. Дугоналарни бир-бирлариникига меҳмонга боришлари бир ёқлама бўлмай, қишлоқ қизларининг ҳам шаҳарлик дугоналариникига меҳмонга бориш анъаналари бўлган.

Бундай бадий-эстетик ва гузал одатларимиз бадий асарларда ҳам уя ифодасини топган. Масалан, Чулпоннинг “Кеча ва кундуз” романида “Баҳорлашиб келиш” бадий тасвирлаб берилган. Унда биз ўзбек аёлларининг XIX асрда анъана бўлган маданий дам олишини кўрамиз¹.

Романга мурожаат қиламиз:

¹ Қаранг: Ч у л п о н. Яна олдим созимни. Тошкент: Ё. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 54-бет.

– Хуп, яхши биламан! – деди кампир. У келинининг оғлидан гапини узиб олгандай тез гапирарди. – Кузда иккаланг бориб бир ҳафта туриб келдинг. Бечораҳол булсалар ҳам сенларни хуп хурсанд қилиб жунатишди. Иккаланг ҳам анчагача гапириб юрдинг...

– Ростда! – деди Энахон. – Унинг отаси ҳам, ниҳоятти бир айрончи, ер-суви йуқ, дастгоҳи йуқ. Рузгор катта... Шундай булса ҳам бизга деб нималарни қилишмади-а?"¹.

Куриниб турибди-ки, дугоналар уртасидаги борди-келдининг иштирокчилари фақат турмуш қурмаган ёш қизлар бўлмаган, уларга ёши улугроқ аёллардан бирортаси йулбошчи булган. Қизлар минган арава безатицган, арава олдида сузга чечан, ҳазил-мутойибага уста аёл ёки қиз, баъзан йигит утирган. Қишлоқ қизлари ҳам уз навбатида шаҳардаги дугоналариникига бориб, яйраб дам олган, шаҳар ҳаёти билан танишган.

Халқимиз этномаданиятига хос ушбу меҳмоннавозлиқнинг эътиборга лойиқ томони шундаки, унда нафақат дам олиш, шунингдек қариндош-уруғ, қуд-андачилик анъаналарини сақлаш ҳам назарда тутилган. Мусиқа асбоблари журалигида қушиқ куйланган, рақсга тушишган. Бундай гедонистик томошалар қишлоқларда ҳануз учрайди. "Қизлар гапи" мисол бўлиши мумкин.

Меҳмонга асосан буй етган қизлар борган. Улар кейинги баҳоргача турмушга узатилиши мумкинлиги ва ҳеч қачон дугоналари даврасида қизлик даяридагидек яйраб, уйнаб кулолмаслигини сезишган. Шунинг учун ҳам ота-оналар қўлларидан келганича бу анъанани утказишга ҳаракат қилишган. Бу анъана орқали шаҳар ва қишлоқ қизлари бир-бирларидан пазандалик, туқиш ва тикиш сирларини, уй тутишни, узаро муомала маданиятини, меҳмон кутиш одобини урганишган, эстетик диди ривожланган. Бир-бирлари билан фикр алмашиб, кекса ёшдаги аёллардан турмуш сабоқлари туғрисидаги ҳикоя ва ривоятларни тинглаб, уз дунёқаратини оширган.

"Суст хотин" Урта Осиё халқларининг сувга булган баланд эътиқодидан келиб чиққан томоша санъатидир. "Қадимдан Урта Осиё халқлари икки хил йул билан сугориладиган деҳқончилик билан шугулланиб келганлар. Булар сунъий ҳамда табиий сугоришга асосланган деҳқончилик районларидан иборат. Сунъий сугоришга асосланмаган территорияларда яшовчи аҳоли баҳор ойларида ёгин бўлмай қургоқчилик бошланса, "Суст хотин", "Сут хотин", "Сув хо-

¹ Ч у л п о н. Яна олдим созимни. Тошкент: Ё.Ёулум номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 45-бет.

тин", "Чала хотин" каби бир неча номлар билан юритилувчи ёмгир чақириш маросимларини ўтказишган"¹.

"Суст хотин" зардуштийлик давридан буён мавжуд. У:

- 1) маросимни ташкил этиш;
- 2) тантанани ўтказиш;
- 3) ис чиқариш тартибида ўтказилган.

Баҳорда ёмгир ёгмай, қургоқчилик бўлиши чорванинг қирилиб кетишига, очарчиликка олиб келган. Қадимда кишилар қургоқчиликнинг сабабини гуноҳ хатти-ҳаракатлардан излашган. Қишлоқ оқсоқоллари сузга чечан, ташкилотчи аёлларга "Суст хотин"ни ташкил этишни топширишган. Маросимни ўтказиш вақтида ут-улан, майда шох-шаббадан улкан аёл қиёфасидаги "Суст хотин" гавдаси ясалган. Уни тиклаб қўйиб, атрофидан айланган ҳолда "Суст хотин" термалари айтилиб, маросим ижро этилган. Ҳар ким челақда, куза-ю косада, ҳатто қулида ариқдан сув олиб, "Суст хотин"га сепган... Албатта, бу одат ҳафтанинг хосиятли кунлари саналган якшанба, пайшанба, жума кунлари ўтказилган.

Ҳаволарни ёғдиргин, суст хотин,
Бугдойларни булдиргин, суст хотин.
Осмондан томчи ташлаб, суст хотин,
Элу юртни тўйдиргин, суст хотин"².

Мазкур қушиқни бир аёл айтиб турган, унинг нақорат қисмини қолганлар такрорлаган:

Суст хотин, сулгон хотин,
Куланкаси майдон хотин,
Суст хотинга не керак?
Шаррос, шаррос ёмгир керак³.

Шу тариқа ўйин-томошалар уюштирилган. Томоша охирида бутун аҳоли номидан ис чиқарилган.

Баҳор фаслида "Ялпиз сайли", "Гул сайли", "Бог сайли", "Дала сайли" каби гедонистик томошалар ўтказилган. Уларнинг кенг тарқалгани қуйидагилардир.

"Ялпиз сайли". Баҳордан дарак берувчи ялпиз сой буйларида ва ариқ лабларида буй чуза бошлаши биланоқ, ёш қизалоқлар, буй

¹ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент: Фан, 1986. 65-бет.

² Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Тошкент: Фан, 1993. 147-148-бетлар.

³ Уша асар. 147-бет.

етган қизлар ва аёллар ялпиз сайлига чиққанлар. Ялпиз сайлига ё дугоналар йигилишиб, ё оилавий бўлиб чиқилган. Аёллар ялпизлардан териб, омонлик-сомонлик қилишган, соф ҳавода давра қуриб, узлари билан олиб келган турли егуликлардан тановул қилган, қушиқ айтиб, рақсга тушиб, табиат қўнида мириқиб дам олишган.

“Гул сайли”. Гул – яхшилик, ҳиммат, гузаллик рамзидир. Гулни ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ёру-дустларга тақдим этиш, узаро бир-бирига булган меҳр-муҳаббатини гул билан изҳор қилиш анъанаси кишиларни гузаллик, эзгу ният, меҳр-оқибат, шэфқат ва диёнат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам халқимиз этник маданиятида гул сайилари – “Бойчечак сайли”, “Бинафша сайли”, “Чучмомо сайли”, “Қизил гул сайли”, “Лола сайли” кенг урин олган. Бу сайиларнинг асосий субъектлари – аёллар ва қизлардир. Хоразм ва Бухорода “Қизил гул сайли”, Фарғона водийси ва Тошкент атрофларида “Лола сайли”, тоғли Чуст ва Денов туманларида “Сумбула” сайли, “Бойчечак” томошаси уюштирилган¹. Хива ва унинг атрофидаги қишлоқларда утказилган “Қизил гул сайли”да “яқинларига қизил атиргул ҳадя этиш одат булган. Қизлар мазор олдидан утишганида йигитлар суйганлари ва унаштирилганлари йулига поёндоз тушалган каби қизил гуллар, олма ва буялган тухумлар ташлашган... Хивада булгани каби Бухорода ҳам мазкур сайил пайти – унаштириш вақти булган”². Бухорода утказиладиган “Қизил гул” байрами афсонавий қаҳрамон Сиёвуш номи билан боғлиқдир. Халқ орасида қизил гул ҳақида “Сиёвуш қони”, “Сиёвуш табиатни янгилаб, қайта тугилмоқда”, деган иборалар мавжуд. Қуриниб турибдики, халқ Сиёвушнинг покиза қалбидаги гузалликни гуллар, табиат гузаллигига қиёслаган ва уларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Бу ҳаракатни на ислом дини ва на шуролар ҳокимияти тўхтата олган. Сиёвушнинг ноҳақ тукилган қони ҳақидаги афсоналар минг йиллар утса ҳамки, халқнинг ёдидан кутарилмаган.

“Лола сайли” қадимда “Гули сурх” (“Қизил гул”) деб аталган. У ижтимоий моҳияти ва мазмунига кура, кишиларнинг дам олиш, кунгил очиш, ҳордиқ чиқаришига мулжалланган томошадир. Лола сайлида нафақат лола, шу билан бирга чучмомолар, қоқиғуллар, қизгалдоқлар териш, уларни бир-бирларидан ажратиш, бошқаларга ҳадя этиш анъана булган.

¹ Қ о р а б о е в У. Ўзбек халқи байрамлари. Тошкент: Шарқ, 2002. 85-бет.

² К а р о м а т о в Х. Ўзбекистонда моллий эътиқодлар тарихи. Тошкент, 2008. 442-бет.

Қизлар ва ёш қизалоқлар тупланиб боғларда гуллар теришган, толбаргак туқинган. Толбаргакни сочларига тақиб, уйин-кулгу қилишган.

Ёзда утказиладиган халқ байрамлари ва томошаларида гедонистик белгилар буртиб туради. Маълумки, Ўзбекистоннинг иқлими ёзда жуда иссиқ, шу боис халқимизда очик ҳавода, табиат қўйнида, яъни соя-салқин ва сершабада жойларда дам олиш анъана бўлган.

Ёз фаслида кенг тарқалган дам олиш шаклларида бири (айниқса, шаҳарликлар орасида) "Тоғ сайли" бўлган. У айнақса ҳозир ом-малашиб, гедонистик эҳтиёжга айланиб бормоқда. Шунинг учун ёзнинг жазирама кунларида шаҳарнинг диққинафас ҳавосидан қочиб, тоғнинг салқин жойларида, суя бўйларида дам олувчилар сони тобора ортмоқда. Тоғ сайли олдиндан режалаштирилади, бориладиган жой аниқланади. Унга, одатда, оилавий ёки ёру-дустлар билан борилади. Тоғ сайлида кишилар табиатнинг гузал манзаралари ва соф ҳаводан баҳраманд бўладилар, улугвор тоғлардан завқ-шавқ оладилар, ҳаво алмаштириб, оқар сувларда чумиладилар. Тоғ сайли нафақат эстетик завқ олиш, табиатнинг улугворлигидан ҳайратланиш, ҳордиқ чиқариш омили, шу билан бир қаторда саломатлик учун ҳам фойдалидир. Чунки тоққа дам олишга борганлар у ердаги дарё, анҳор ва бассейнларда чумилиб, ҳордиқ чиқариб, баданини тоблайдилар, чиниқтирадилар. Айнақса, тоғлардаги табиий шаршаралар бор ҳудудлар дам олувчиларнинг севимли масканларидир. Шаршаралардаги жозибадорлик, гузаллик ва улугворлик ҳар қандай кишини ҳаяжонга солади, унда кутаринки, олижаноб ҳис-туйғуларни уйғотади.

Тоғ сайлига: а) баҳорда лола териш; б) ёзнинг жазирама кунларида ҳаво алмаштириш ниятида; в) кузда "Дулана сайли"га; г) қишда "Қор сайли"га чиқишган. Ёшлар тоғ этагида уйин-кулгу қилишган, уз кучига ишонганлар тоғ чуққисига кутарилган. Улар тоғ чуққисида туриб дилларидаги ниятларини айтган, пастда қолганларга қор олиб тушган.

"Тоғ сайли" биринчидан, кишига тоза об-ҳавода бўлиш, муҳитни ўзгартириш имконини беради. Иккинчидан, киши уй-рузгор, кундалик ташвишларини унутиб, гузал табиат қўйнида дам олади. Учинчидан, киши уз муҳити ташвишлари билан уралиб қолмай, балки тоғли халқларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити, урф-одатлари билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу

эса унда ҳаёт ва табиат ранг-баранглигидан баҳра олиш каби эстетик кўникмаларни шакллантиради.

“Сув сайли” ёз фаслида утказиладиган халқ томошаларидан биридир. Сув омборлари, дарё ва қуларда чўмилиш халқимизга хос анъанадир. Сув сайлидан мақсад фақат чўмилиш эмас, балки табиат ва зилол сувлар гузаллигидан завқ-шавқ олиш ҳамдир.

Қадимда сув сайлига аёллар алоҳида, эркаклар алоҳида боришган. Аёллар бегона назарлар тушмайдиган пана жойларда чўмилишган. Сув буйига келгач, дастлаб дилидаги ниятларини айтиб, уч мартаба сув ичишган, юз-қулини ювишган. Хали турмуш қурмаган ешлар тилакларини айта туриб, даструмолларини, қалбларидаги ниятларининг амалга ошишини тилаб гулчамбарларини сунга оқизишган. Сув узра оқиб бораётган турфа гулчамбарлар гузал манзара касб этган.

“Бог сайли” жуда қадимий халқ томошаларидан биридир. “Бог сайли”га оилавий еки дўстлар даврасида бориш урф бўлган. “Бог сайли”да табиат гузаллигидан баҳра олинган, аргимчоқ учишган, боғни сайр этиб, мириқиб суҳбатлашишган. Қизалоқлар угил болалар билан “қувлашмачоқ”, “бекинмачоқ”, “жами-жами”, “оқ теракми-кўк терак”, “қизил дуррача” каби куплаб соғломлаштириш, “тез айтиш”, “топишмоқ айтиш”, “мақол айтиш”, “эرتак айтиш” каби ақлий уйинлар уйнаган. Шу билан биргаликда фақат қизларга хос “хола-хола”, “қуғирчоқ”, “уй-уй”, “меҳмон-меҳмон”, “она-бола” уйинлари мавжуд эди.

“Дала сайли”да халқимизнинг ерга, она заминга чексиз меҳр-муҳаббати намоён бўлади. Ундан мақсад дала, дарё буйлари, адир ва тоғлар, урмонларда сайр қилиш, табиат гузаллигидан, соф ҳаводан, усимликларнинг, гулларнинг муаттар ҳидлари, чиройи, зилол сувларнинг салқинидан баҳраманд бўлишдир. Кишилар дала сайлида қўшиқ айтиб, дилида йиғилган ҳис-туйғуларини куй орқали ифодалаш имконига эга бўладилар. Шунинг учун, сайил кишига бадиий-эстетик завқ беради, кўнгилни дам олишини таъминлайди.

“Ҳосил байрами”да улкамия халқларига хос этномаданий ва этноэстетик белгилар уз аксини топади. Унда, биринчидан, “Меҳнат, меҳнатнинг таги — роҳат” деган халқ мақолининг ижтимоий-фалсафий моҳияти акс этади, иккинчидан, инсоннинг табиат кучларидан оқилона фойдаланиши бахт-саодат, фаровонлик келтириши ҳақидаги тушунчаларни мужассамлашган. Кўз табиатнинг шунчаки вақт ва макондаги узгариши эмас, у инсон хатти-ҳаракатларининг,

интилишларининг, режаларининг у ёки бу кўринишда руёбга чиққанини (чиқмаганини) ифодаловчи натижа, яқун, курсаткич, символдир. Шунинг учун, куз мавсумига оид байрамларда бадий-эстетик, символик маъно мавжуд.

Байрам томошаси тантанали тарзда бошланган, яъни меҳнат илгорлари ва голибларига турли мукофотлар топширилган. Санъаткорлар дала меҳнаткашлари дилини хушнуд этганлар, аскиячилар, масхарабозлар ва дорбозларнинг чиқишлари, "улоқ", "пойга", "қиз қувди" каби от спорти уйинлари кишиларнинг мароқли дам олишини таъминлаган.

Қиш фаслида, айниқса қишлоқ жойларида одамларнинг буш вақти кўп бўлган. Шунинг учун улар сандал атрофида турли суз уйинлари уйнашган, қушиқ ва лапарлар айтишган, шеърхонлик, газалхонлик қилишган. Қиш фаслида утказиладиган томошаларда гедонизм яққол кўзга ташланади.

Шундай томошалардан бири "Халфана" дир. Респондентимиз Пулатхон ая Кабирхўжаева Халфана маросими тўғрисида шундай ҳикоя қилади: "Қиш фаслида маҳалламиз қизлари ҳафтада бир марта тупланишиб Халфана уйнашарди. Уша пайтларда мен тахминан 13-14 ёшларда эдим. Бир гал мени ҳам Халфана утказаетган дугонам уйига таклиф этди. Борсам, уй тўла қиз, улардан бири дастурхон безатаяпти, иккинчиси овқатга қараяпти, учинчиси ҳовлига сув сепмоқда. Барча ишлар тугагач, халфа (у бизлардан 3-4 ёш каттароқ қиз эди) ҳаммани дастурхонга таклиф этди. Шу кун дугоналар мириқиб суҳбатлашдик, туйиб овқатландик ва энг эсда қоларлиси, роса уйин-кулгу қилдик, дам олдик"¹. Ушбу ҳикоядан кўриниб турибдики, "Халфана" балогат ёшидаги қизларнинг ҳафтада, ойда бир марта тупланиб, ҳордик чиқарадиган уйин-кулги, томошасидир.

Қишлоқ ёки маҳалла қизлари йиғилишиб гапга чечан, уздабурон, обрў-эътиборли қизни ўзларига "халфа" қилиб сайлашган. Халфа навбатдаги йиғилиш кимникида бўлишини, ким нима келтиришини, томоша тартиб-қоидаларини белгилаган. Қизлар дастурхонга турли егуликлар олиб келишган. Овқатланиш томошанинг асосий атрибути эмас, албатта. Эркин суҳбат қуриш, доира ёки дотор чалиб, қушиқ ва лапарлар куйлаб, рақсга тушиш, шеърхонлик, газалхонлик қилиш, мушоиралар утказиш томошанинг бош

¹ Кабирхўжаева П. 1900 йилда тугилган. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Саннат кучаси 19-уйда истиҳомат қилган (Думбирабод маҳалласи). 1996 йил декабрда вафот этган. 1994 йил 15 апрелдаги суҳбатдан.

мақсадидир. Унда ёши каттароқ қизлар кичик дутоналарига пазандалик сирларини, дастурхон безатиш, меҳмон кутиш, муомала маданиятини ургатишган. Демак, “Халфана” қизларнинг эстетик дидини шакллантирган, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш вазифасини ҳам утаган.

Қишнинг декабрь ойида 21-дан 22-га утар кечаси энг узун тун булиб, у “Ялдо кечаси” дейилади. “Ялдо кечаси”да турли базмлар, гап-гаштаклар, зиёфатлар уюштирилган. 25 декабрда қишки чилла киргач, айна совуқ палласида “Сада” байрами нишонланган.

Халқимизнинг гедонистик – дам олиш ва ҳордиқ чиқариш анъаналари кейинги йилларда кескин трансформацияга учрамоқда. Ушбу ўзгаришлар табиий ҳолдир, аммо узбек этномаданиятидаги уз қимматини йўқотмаган дам олиш ва ҳордиқ чиқариш анъаналарини асраш, улардан кишиларнинг бадиий-эстетик дидини шакллантиришда самарали фойдаланиш ҳам муҳимдир.

3.5. Этномаданиятнинг эстетик идеални шакллантириш функцияси

Этномаданият миллий маданиятнинг узаги, ядроси сифатида барқарор, тургун моддий ва маънавий бойликлардан, халқнинг ижоди ва санъати орқали яратилган артефактлардан иборат бўлса-да, у ижтимоий ҳаёт ва тараққиётдан мутлақ чеккада турадиган феномен эмас. Акс ҳолда у догматик воқеликка, халқ, миллат учун, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун мутлақ яроқсиз, бенаф, ҳатто асоциал нарсага айланарди. Этномаданият мудом ижтимоий-маданий ҳаёт, мазкур соҳада юз бераётган трансформация жараёнлари, туб ўзгаришлар таъсиридан чеккада қолаолмайди ва узи ҳам ушбу жараёнларда иштирок этади. Демак, жамиятнинг стратегик мақсади этномаданиятга ҳам маълум бир ижтимоий вазифалар юклайди, унинг функциясини белгилаб беради. Кишиларда, айниқса ёшларда маънавий-эстетик идеални шакллантириш этномаданиятнинг Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётдан, стратегик мақсадидан келиб чиқувчи ана шундай функциясидир. “Ижтимоий идеал ва маънавий тараққиёт, – деб ёзади фалсафа фанлари доктори С.Агзамходжаева, – моҳиятан бир-бирига боғлиқ воқеликлардир. Ушбу боғлиқлик миллий гоя ва миллий мафкурада уз аксини топади, чунки айнан миллий гоя ва миллий мафкурада халқнинг узоққа йуналтирилган мақсадлари, қандай жамият қуриш режалари, келгуси авлодда шакллантирилади-

ган фазилатлар ва давлат ривожланишининг стратегияси мужассам бўлади”¹.

Бугун Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-маънавий тараққиётга, жамият ва инсонни маънавий юксалтиришга катта эътибор бермоқда. Шунинг учун этномаданиятнинг маънавий-эстетик идеални шакллантириш функцияси ушбу вазифалар билан уйғунликда қаралиши даркор. Бизнинг назаримизда, маънавият эстетик идеалдан кенг воқелиқдир. Иккинчиси биринчисига хизмат қилади, уни бадиий-эстетик ва эмоционал таъсир воситалари билан бойитади. Илмий адабиётларда кўпинча “эстетик идеал” ёки “бадиий-эстетик идеал” тушунчаси қўлланилади.

“Бадиий-эстетик идеал ижтимоий борлиқни, инсоннинг бадиий, маънавий-руҳий ҳаётини гузаллаштиришга, нафосат қонунларига мувофиқ уни такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий онг шаклидир”². Ушбу назарий-фалсафий қарашидан келиб чиқиб, С. Агзамходжаева бадиий-эстетик идеалнинг маънавият билан боғлиқ функционал хусусиятларини: “1) оламни бадиий-эстетик билишга; 2) ён-атрофни ҳиссий-эмоционал идрок этишга; 3) бадиий-эстетик қадриятлар яратишга; 4) маданий-ижодий фаолият билан шугулланишга; 5) тарбиявий-коммуникатив вазифаларни бажаришга қаратилган”³, деб курсатади.

Олиманинг фикрига кўра, “бадиий-эстетик идеал шахсий ва ижтимоий поғоналарда содир бўлади. Улардан қайси бирининг устунлик қилишини шахснинг бадиий-эстетик онги, ҳаётий мақсадлари, борлиққа муносабатлари ҳал этган. Кўпинча санъатнинг бадиий-эстетик идеалга айланиши бевосита санъат орқали эмас, балки ижтимоий муҳитдаги ҳукмрон ёндашувлар, тарихий-маданий тажриба, дид, қарашлар ёрдамида содир булган. Миллий анъаналар, ҳаёт тарзи бадиий-эстетик дидга таъсир этмай қолмаган. Айниқса, диний урф-одатлар, трансцендентал изланишлар ва қарашлар бадиий-эстетик идеалнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган”⁴.

Этномаданиятнинг маънавий-эстетик идеалнинг шаклланишига таъсирини урта поғонада қараш мумкин:

I. Этноэстетик идеал;

¹ Агзамходжаева С. А. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ инст. нашр., 2007. 9-бет.

² Уша асар. 189-бет.

³ Уша асар. 192-бет.

⁴ Уша жойда.

II. Миллий эстетик идеал;

III. Умуминсоний эстетик идеал.

Этноэстетик идеал этномаданиятдаги бадий-эстетик қадриятлар, гоёлар ва тажрибаларнинг умумлашмаси, квинтэссенцияси сифатида келади. Тарихий-маданий парадигмага таяниш, халқнинг гузаллик, олижаноблик, улугворлик, бегуборлик ҳақидаги тасаввурларини ифода этиш эстетик идеалнинг хусусиятидир. Б. Хусанов ёзганидек, “эстетик идеал инсон, шахс ва жамиятнинг эстетик тажрибасидан нужудга келади. Инсон дунёни ана шу тажриба воситасида эстетик идрок этади. Шу сабабли эстетик идеал гузаллик, улугворлик, муъжизавийлик ва бошқа эстетик хусусиятларни белгиловчи мезон сифатида юзага чиқади. Инсон ана шу идеалга мос келадиган гузаллик ёки улугворликни тан олади, мос келмайдиганларини эса аксил эстетик ҳодиса сифатида инкор этади”¹. Агар юқоридаги биринчи поғонага назар ташласак, этноэстетик идеал “соф” ҳолда халқ эпослари – халқ китоблари (“Қиссаи Машраб”) ва халқ достонларида учрайди. Чунки ушбу халқ ижоди намуналаридаги қаҳрамонлар сон-саноксиз душманлар билан курашда эл-юрт, халқ манфаатлари учун фидойилик курсатиб, керак бўлса, жонини ҳам қурбон қиладилар. Драматик вазиятлар, фожиалар қаҳрамонлар ақлини уткир, билагини кучли, эътиқодини барқарор, қадамини, сўзини дадил, рақиблари устига ташланишини шиддатли қилади. Масалан, Алпомишнинг Кукалдошга айтган сўзларини эслайлик:

Тикилсам қурпийди дарёнинг туми,
 Нэъра тортсам қулар қургоннинг тими,
 Бунда сўзни лоф урмагин беъмани,
 Отим Ҳаким, мен ҳам Бойсуннинг хони.
 —Нор кесар олмасни белга тотарман,
 Қиличимга қирмизи қон қотарман,
 Дучор келганингни кукка отарман,
 Иш курсатиб ёрим олиб кетарман.
 —Сен мард бўлсанг, чиқа бергин майдонга,
 От-потингни отайинчи осмонга?
 Алпомиш дер, сенга бермайман омон,
 Душманларга солаини охир замон².

¹ Шер А., Хусанов Б., Умаров Э. Эстетика. Тошкент: Университет, 2008. 103-бет.

² Алпомиш. Достон. Тошкент: Фан, 1957. 111–112-бетлар.

Маъмур сўзлар қаҳрамоннинг қандай куч-ғайратга, ёрини олиб кетиш учун дили мақсадга, садоқатга тўла эканини курсатади. Ҳақиқатан у сўзининг устидан чиқади, чексиз тўсиқларга, душманларининг ҳийла, макрига қарамай ваъдасини бажаради. Шу билан ҳам Алпомиш ўзбек халқи идеалини ифода этган миллий қаҳрамонга айланган. Қ.Йулдошев тўғри таъкидлайди: “Алпомиш достони ўзбекнинг миллий руҳиятини илғаш ва акс эттириш жиҳатидан ухшаши йўқ эстетик ҳодисадирки, асарнинг бадиий қатламларига, қаҳрамонларнинг ўйи, нияти, мақсади, амалларига (таъкид бизники – ОН) чуқурроқ кириб бориш миллат руҳий дунёсини тўғрироқ англаш, унинг бугунги ўзбек маънавиятини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин бўлган жиҳатларини тайин этиш имконини беради”¹.

Ўзбек этномаданиятидан жўй олган “Алпомиш” аждодларимизнинг иттифоқини кўйлаб, ўша давр қарама-қаршиликлари, элатларнинг орзу-тилаклари, маънавий оламини ифода этса-да, улар фақат тарихга, ўтмишга тааллуқли тасвирлар бўлиб қомайди. Достон негизидаги фалсафий моҳият келажакка, кейинги авлодларга йўналтирилган. Айнан ушбу моҳият Алпомиш қаҳрамонликларига сингиб, уни идеалга айлантиради. Биз учун муҳими шундаки, Алпомишдаги жисмоний ва маънавий етуқлик уйғунлиги (шакл ва мазмун уйғунлиги), эл-юртга, ватанга фидойилик, улугвор мақсадлар билан яшаш, покдиллик, жувонмардлик, дустлик қадрига етиш, ишқ-муҳаббатда содиқлик, ваъдага вафодорлик каби гузал ва олижаноб фазилатлар ёшлар учун эстетик, ахлоқий идеал намунаси сифатида хизмат қилади.

Насриддин Афанди, Алдар кўса, Бирбала каби халқимиз қаҳрамонлари ҳам нопоқликка, бедиллик, гофиллик, очкузлик ва ахлоқсизликка қарши курашда ибрат намуналаридир. Уларни кишилардаги иллатларни беэъ танқид қилиши, лақма, бекас, шумнийат амалдорлар устидан кўлиши халқимиз руҳини, идеалини ифода этадики, айнан шунинг учун ҳам улар идеал образлар сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Улардаги покдиллик, тўғрилиқ гоёт гузал фазилатлардир. Ушбу фазилатлари тўғайли уларнинг бадиий образлари этномаданиятимиздан жўй олган.

Этноэстетик поғонадаги идеал, асосан, бир этносга хос хусусиятларни, фазилатлар ва ҳаёт тарзини ўзида мужассам этади.

¹ Йулдошев Қ. “Алпомиш” талқинлари. Тошкент: Маънавият, 2002. 133-бет.

У бошқа этномаданиятлардаги образлар билан интеграцияга киришмайди, этномаданияти доираси билан чекланиб қолади. Бундай идеал, бир томондан, тарихий-маданий узакни, ядрони сақлашга, асрашга хизмат қилади. Бу, шубҳасиз, муҳимдир. Иккинчи томондан эса, у ижтимоий-маданий тараққиётга хос бўлган интеграциялашувга, тажриба алмашишга, инновацион ўзгаришларга тусиқ бўлади. Ўзбек этномаданиятида биринчи поғонада қотиб қолган, айниқса халқимизнинг эстетик идеалига айланган образлар, тасвирлар, асарлар учрамайди. Бу халқимизга бошқа халқлар ва уларнинг этномаданиятлари билан ижодий алоқаларга, интеграцияга киришиб яшаш хос эканидан далолат беради. Бироқ национализмни, миллатчиликни қўллаб-қувватлаётган айрим этносларда этноэстетик идеалга (биринчи поғона) мисоллар етарлича топилади. Демак, биринчи поғонадаги этноэстетик идеалнинг моҳиятини тўғри илгаш, топиш учун уни келгуси поғоналарга қиёслаш зарур.

Иккинчи поғонадаги миллий эстетик идеал, худди миллий гоа каби: а) маълум бир этнос ёки миллатнинг; б) ижтимоий-сиёсий борлиги умумий бўлган барча миллат ва элатларнинг бадиий-эстетик қадриятларини, тажрибаларини, моддий ва маънавий бойликларини ифода этувчи образ сифатида келади. Масалан, Алпомишни Ўзбекистонда яшаётган барча элат ва миллат вакиллари ҳам ўзининг идеали сифатида қабул қилганини тасаввур этиб бўлмайди. Алпомиш титул миллат бўлган ўзбекларнинг миллий қаҳрамони, миллий идеалидир. Лекин Алишер Навоий, идеал шахс, идеал ижодкор сифатида нафақат ўзбеклар, шунингдек, барча қардош ва бошқа халқлар учун ҳам идеалга айланган. Гурутгаи ўзбек ва туркман, Мажнун ўзбек ва озарбайжон, Хиэр мусулмон, Хожа Насриддин дунё халқлари асарларида бадиий-эстетик идеал, образ сифатида тасвирланади.

Миллий эстетик идеал этноснинг, миллатнинг бадиий-эстетик қадриятларини, эстетик қарашлари ва дидини, ҳаётни, ён-атрофини гузаллаштириш тажрибаларини ўзида мужассамлаштиради. Миллий эстетик идеал этнос ёки миллат бадиий-эстетик оламининг квинтэссенциясидир.

Ўзбек этномаданиятидаги миллий эстетик идеал қуйидаги фазилатлар ва хусусиятларга эга образлар, қаҳрамонлар сифатида тасвирланади. Улар:

– тарихий-маданий парадигмадан жой олган халқ ижоди ва санъатини қадрлайдилар;

- халқ эъзозлайдиган бадий-эстетик қадриятларнинг реаллигига ишонадилар;
- инсондаги ташқи гузалликни унинг ички ахлоқий фазилатлари орқали баҳолайдилар;
- гузал ва олижаноб хулқни, ахлоқ-одобни, юксак маънавиятни ўзининг ижтимоий фазилатларига айлантиришга интиладилар;
- табиатдаги гузалликни, гармонияни асрашга, улардан завқланиб, ҳайратланиб, ўзлари ҳам нафосат яратишга интилиб яшайдилар;
- кишилараро муносабатларнинг ўзаро муросага, ёрдам беришга, умумий гармонияга қурилишини истайдилар;
- миллий эстетик қадриятларга инновация киритиш орқали, умуминсонийлик баҳш этадилар.

Идеал гипотетик образ булгани учун уни айрим олган бир шахсда учратиш қийин. Гегель санъатдаги идеални "абсолют руҳдан келтириб чиқарганида"¹, қисман ҳақ эди, чунки бундай руҳни топиш ҳам, унга етиш ҳам амримаҳолдир. Шунинг учун идеал образлар, улардаги позитив жиҳатлар, ахлоқий-маънавий фазилатлар, орзу истаклар, гипотетик тасавурлар йигиндиси, магзи, квинтэссенцияси тарзда қаралади. Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Низомулмулк идеал подшоҳ тугрисида фикр юритганларида ун-ун икки фазилатларни беҳудага келтирмайдилар. Бу билан улар идеал раҳбар, идеал шахс булиш ниҳоятда оғир вазифа эканини таъкидлайдилар.

Идеални купинча тарихдан, утмишдан қидирадилар. Замондошлар ёнидаги буюк иқтидор эгаларини, олижаноб фазилатли, гузал хулқли, билимдон, ҳар қандай ёшга ибрат намунаси бўла оладиган кишиларни объектив баҳолайвермайдилар. Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг оммавий ахборот воситалари ходимларига қарата айтган қуйидаги сузлари юқоридаги фикр ҳақида ўйлаб қуришга ундайди: "Мумтоз қушиқчилигимизнинг моҳир ижрочиси Муножот Йулчиева ижодини олайлик. Бугун бу санъаткор устоз даражасига етишди. Лекин унинг салоҳияти ва имкониятларидан биз тулақонли фойдаланаяпмизми? Илгарилари санъат оламида Юнус Ражабий мактаби ёхуд Ҳалима Носирова мактаби буларди. Ёки яқинда вафот этган буюк санъаткор Тургун Алиматовнинг ўз ижодий мактаби бор эди. Нима учун бутун Муножот Йулчиева мактабини

¹ Гегель. Эстетика. Т.2. М.: Искусство, 1969. С. 188-189.

ташкил этмаслигимиз керак? Унинг ижод йули, ижро маҳорати ҳақида кўрсатувлар ташкил этиб ёки консерваторияда “устоз-шоғирд” туркумида дарс-машгулотлар уюштириб, қизиқарли бир шаклда томошабинларга тақдим этилса, бу ҳам уммас маънавий меросимизни халқимизга етказишга хизмат қилмайдими?”¹ Бундай салоҳият эгалари юртимизда куплаб топилади. “Уларнинг тимсолида халқимизнинг қандай юксак интеллектуал салоҳиятга эга эканини кўрсатиб берсак, бу, ҳеч шубҳасиз, ёшларимизнинг қалбида ўз ақл-идроки, ўз кучига ишонч туйғусини оширади, энг муҳими, улар учун ҳаётда ўзига хос ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади”².

Эстетик идеал қаҳрамонлар образидагина эмас, балки ижод ва санъаткорлар яратган асарларда, халқ этномаданиятидан жой олган артефактларда, бадиий-эстетик қадриятларда ҳам намоён бўлади. Юксак маҳорат ва эстетик дид билан яратилган, эзгу, олижаноб гоёлар билан сугорилган, ҳаёт мураккаблиklarини руй-рост тасвирлаган, куйлаган дурдона асарлар шундай идеал бўлиб кўринади. Фозил Йўлдош ўғли куйлаган “Алпомиш” достони 14 минг мисрани ўз ичига олади. Унинг қозоқ, қорақалпоқ нусхалари атиги 2,5 минг мисрадан иборат. Асарнинг ўзи ҳам, унинг ижрочиси, машҳур достончи Фозил Йўлдош ўғли ҳам миллий эстетик идеалдир³.

Тошкентдаги “Гулистон” ресторани (ҳозир бу бино олиб ташланган, аммо унинг суратлари, эскизлари мавжуд), Урганчдаги “Огаҳий” театри, Ўзбекистон ёзувчилар уйи, “Юлдуз” тикув фабрикаси, айниқса, Тошкент Ирригация-мелиорация ва механизация қишлоқ хўжалиги институти ва Маданият саройи фойесидаги нафис ганч уймакорлиги халқ санъатининг бетакрор намуналаридир. Улардаги улкан қандиллар ҳам ганчдан ясалган. Натижада бутун институт ва Маданият саройи фойеси яхлит композицияга, инсон ҳаясини келтирадиган дурдона асарга айланган. Ҳатто, бир бармоқ жой ҳам халқ усталари диққатидан чеккада қолмаган.

¹ И с л о м К а р и м о в. Ватанимизнинг боқичма-боқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 143–144-бетлар.

² Уша асар. 144-бет.

³ Қаранг: Ж и р м у н с к и й В. М., З а р и ф о в Х. Т. Узбекский народный героический эпос. М.: ГИХЛ, 1947. С. 68.

Тошкентдаги халқ амалий санъати музейи айвони, Бухородаги Баҳоуддин Нақиббанд мавзолейи пештоқларидаги, Гури Амир, Шоҳи Зинда, Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва Тош Ҳовли деворларидаги нақшлар ўзининг сержиллиги ва мукаммаллиги билан идеал асарлар қаторига киради. Бундай асарларни тош уймакорлиги, кандакорлик, кулолчилик, заргарлик, зардузлик, гиламчилик, ёғоч уймакорлиги каби халқ ижоди ва санъати турларидан кўплаб келтириш мумкин. Улар бетакрорлиги, ўзбек этномаданияти ва этноэстетикасига мослиги туфайли миллийлик касб этади.

Идеал биринчи ва иккинчи поғонада қоламайди, ҳар қандай идеал мавжуд борлиқдан, ён-атрофдаги шаблон, анъаналардан, ҳатто шакланган мактаблардан ўзишга, Гегель ибораси билан айтганда, “эркин бадиий фаолият натижаси”¹ бўлишга интилади. Хуллас, идеалнинг энг муҳим, бош белгиси умуминсоний қадриятга, бойликка, артефактга айланишидир.

Этномаданиятдаги асарлар, символлар, образлар ва артефактларнинг умуминсоний эстетик қадриятлар, идеалларга айланиши бир ойда, ҳатто бир йилда амалга ошадиган жараён эмас. Ҳаттоки, бутун глобал коммуникация тизими шакланган бўлса-да, у ёки бу этномаданий, миллий эстетик идеални умуминсоний поғонага кутариш осон содир бўлмайди. Бу уринда этномаданиятларга хос бўлган “ўзини асраш”, четдан келган, бегона символларни ўзлаштиришга қаршилик кўрсатиш механизми халақит беради². Этномаданиятлар ассимиляцияни ҳеч қачон ёқтирмаган, балки улар ихтиёрий-ижодий интеграция тарафдорлари бўлганлар. Шунинг учун ҳам этномаданиятлардаги дифференциал хусусиятлар ҳамон ўз таъсирини ўтказиб келади. Бироқ асрлар синовидан ўтиб, тарихий-маданий парадигмага айланган халқ ижоди ва санъатида умуминсоний эстетик идеалга интилиш мавжуддир. Бу интилиш халқлар, этномаданиятлар ўртасида қадимдан давом этиб келган алоқалар, интеграциялар таъсирида шакланганки, уни энг деспотик тузум ҳам тўхтатолмаган. Мазкур умумий ижтимоий-тарихий тараққиёт қонуни этномаданий, миллий маданиятларни умуминсоний идеалга талпинишга ундайди. Этномаданият ва миллий маданиятда умуминсоний идеалнинг қарор топиши ушбу талпинишнинг маҳсулидир.

¹ Гегель. Эстетика. Т.2. М.: Искусство, 1969. С.188.

² Қаранг: Клакхон К. Зеркало для человека. Введение в антропологию. Спб.: Евразия, 1998. С. 38-41.

Эстетик идеал:

- тарғибот ва ташвиқот;
- бадиий-эстетик тарбия;
- тажриба алмашиш;
- фестиваллар, симпозиумлар, кургазмалар уюштириш;
- мутахассислар тайёрлаш;
- тадқиқотлар утказиш;
- махсус институтлар (Маданият саройлари, ижод уйлари, санъаткорлар уюшмалари ва б.) ташкил этиш;
- музейлар, ижодкорларнинг уй-музейларини очиш каби ранг-баранг маърифий-ижодий тадбирлар орқали шакллантирилади.

Шуни эсда тутиш зарурки, эстетик идеал маънавий-ахлоқий императивлар таъсирида, улар билан уйғунликда шакллантирилганида позитив аҳамият касб этади. Эстетик идеал халқнинг, шахснинг ижтимоий-маънавий камолотига хизмат қилганидагина уш функциясини бажаради. Испан файласуфи Хосе Ортега-и-Гасет ёзганидек, "инсон мудом инсонлигини йўқотиш хавфи остида яшайди..."¹ Инсонийликдан йироқ ҳар қандай идеал инсонни узидаги позитив фазилатларни йўқотишга етаклайди. Ижод ва санъат тарихида бундай ҳоллар куп бўлган. Демак, этномаданият негизидаги гуманистик моҳият эстетик идеални шакллантириш учун ягона асосдир.

¹ Хосе Ортега-и-Гасет. Дегуманизация искусства и другие работы. Сборник. М.: Радуга, 1991. С.242.

ХУЛОСА

Бутун мустақил Узбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, халқимиз онги, ҳаёти ва интилишларидан жой олаётган юксак маънавий қадриятлар этномаданиятга, унинг моҳияти ва функцияларига бутунлай янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Этномаданиятнинг миллий тикланиш ва тараққиётга беқиёс таъсири, маънавий юксалишга қўшадиган ҳиссаси, бой бадний-эстетик имкониятлари ва тажрибаси орқали Республикамиз стратегик мақсадларига хизмат қилиши ҳеч кимда эътироз уйғотмайди. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: "Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йулидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир"¹. Чунки, тарихий туб бурилишларда ҳар бир халқни, миллатни бұхронлардан, манҳумликдан, мутаассиблик таъсирига тушиб қолишдан, сиёсий уйинлар қурбони бўлишдан унинг ижтимоий-тарихий тажрибаси, маънавий-маданий бойликлари ва орзу-умидлари акс этган ҳаётий мақсадига мурожаат этиши қутқариб қолган. Буни Юртбошимиз "тарихий хотира" деб атайдди. "Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий... Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир"². Иродали инсон эса нафақат халқи тарихини, худди шунингдек, ўзининг ҳаётий мақсадини, ижтимоий борлиқни инсонпарварлаштириш йулларини яхши билади, мавжуд маънавий-маданий бойликларни асраб-авайлашга ва уларни янада қупайтиришга интилади.

¹ И с л о м К а р и м о в. Узбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент: Узбекистон, 1996. 274-бет.

² И с л о м К а р и м о в. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Бил келажакни ул қўлимиз билан қурамыз. 7-том. Тошкент: Узбекистон, 2001. 136–137-бетлар.

Аслида бу ҳаётга иродадир. Фр. Ницше ибораси билан айтганда "ҳаётга ирода" гина халқни, миллатни, шахсни рақобат ва курашлардан иборат бу дунёда "ўзлигини асраб қолиш"га ёрдам беради¹.

Ўзбек халқи узоқ ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида ўзига хос этномаданият яратган. У бошқа халқлар, миллатлар маданияти билан интеграциялашиб, ҳаёт тарзига мос келган инновацияларни қабул қилиб, ўзи ҳам новациялар яратиб келган.

Этномаданият миллий маданиятнинг узак қисми, ядроси сифатида келади, миллатнинг, халқнинг тарихий-маданий парадигмаси, ўзига хослиги, генезиси, шаклланиши ва бошқа этнослар билан алоқалари улар, улардаги динамик ўзгаришлар орқали аниқланади. Миллат, халқ мавжуд экан этномаданиятни инкор қилиш ёки унинг конвенционал (этник ва миллий) негизларини унутиш мумкин эмас. Ушбу конвенционал негизларнинг уйғунлиги асосида шаклланган қарашлар, моддий ва маънавий бойликлар, артефактлар, анъаналар халққа, миллатга ўзлигини англаш имконини беради, уларни ижтимоий-тарихий жараёнларнинг субъектига айлантиради. Аммо этномаданиятнинг халқ қалби ва руҳидан, ҳаётидан чуқур жой олиши, унинг тарихий-маданий бойликларига, артефактлари, қадриятларига айланиши эстетик омилларга, яъни бадий-эстетик тафаккур, тажриба, дид, тасвир, маҳорат ва идеалларга боғлиқдир. Этномаданиятнинг умрбоқийлиги, муқим ва барқарорлиги тарихий фактларнинг, реалликнинг мавжудлигида эмас, балки уларнинг халқ қалби ва руҳидан жой олишини таъминлаган бадий-эстетик омиллар таъсири туфайлидир. Ушбу бадий-эстетик омилларни билмай, улар моҳиятига етмай, ўзбек этномаданиятини тушуниш, эълонлаш қийин.

Халқ маданияти (этномаданият) ва халқ эстетикаси (этноэстетика) нафақат имманент белгиларига эга, шунингдек ўзаро диалектик боғлиқ воқеликлар, феноменлардир. Тарихий-маданий ривожланиш жараёнида улар, бир томондан, ўзига хос, имманент белгиларига эга воқеликлар, феноменлар сифатида шаклландилар, иккинчи томондан эса, бир-бирини бойитиб, бир-бирига хизмат қилиб, тарихий-маданий тажрибани, иланишларни улмас парадигмага айлантирдилар. Этноэстетика этномаданиятнинг бадий-эстетик, эмоционал тасвирлар яратувчи қисмидир, у гузаллик, улутворлик, беқиёслик, олижаноблик каби позитив туйғуларни, фазилатларни шакллантириши орқали халқ ижоди ва санъатини

¹ Н и ц ш е Ф. Воле к власти Опыт переоценки всех ценностей (1884–1888). М.: ТОО "Транспорт", 1995. С. 278–279.

умрбоқий қилади, кишилар қалбида, руҳида бетакрор, муқим, юксак идеалларни қарор топтиради.

Этномаданиятга барқарорлик, муқимлик, консерватизм хос бўлса-да, у халқ ҳаётидан, ундаги юз бераётган ўзгаришлар, трансформация жараёнларидан чеккада туролмайди. Этномаданиятдаги миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонвийлик, барқарорлик ва ўзгарувчанлик эстетик қадриятларга, бадиий тасвир ва бадиий жараёнларга мақсад, вазифа беради. Мазкур мақсад, вазифа эса ижтимоий тараққиёт талабларидан келиб чиқади, уларни ифода этади, хуллас этномаданиятнинг мавзулари, белгилари, вазифалари давр талаблари таъсирида трансформацияга учрайди. Демак, этномаданиятда халқ, миллат ўзлигини асровчи муқим, барқарор, узак қисм ва миллий маданиятнинг ривожланишига хизмат қилувчи устки, трансформацияга мойил қисм мавжуддир. Эстетик омиллар уларнинг ҳар иккаласига ҳам хизмат қилади, бадиий-эстетик қимматини опиради. Шунинг учун этноэстетик меросдаги бадиий тасвир усулларини, маҳоратни, эстетик идеални яратиш технологиясини ўзлаштириш муҳим ижтимоий-амалий аҳамиятга эга. Бунинг учун энг аввало этномаданиятни статик, догматик эмас, балки унга эволюцион-динамик ҳодиса сифатида қарашга мойил "эволюцион онтология"¹ концепция нуқтаи назаридан ёндашиш талаб этилади.

Ўзбек халқ ижоди ва санъатида этноэстетик белгилар, тасвирлар, артефактлар яққол намоён бўлади. Гузаллик ва хунуклик, улутворлик ва тубанлик, фожиавийлик ва кулгилик каби эстетик воқеликлар халқ китоблари, достонлари, эртаклари, амалий санъати, куй, қушиқ ва рақсларида квинтэссенциялашади, уларда халқ қалби ва руҳи, орзу-умидлари ва эстетик гоёлари акс этади. Тадқиқотимиз натижалари курсатадики, ушбу эстетик гоёлар турли жанрларда турлича намоён бўлади, уларни бир қолипга, тайёр схемаларга солиш мумкин эмас. Бироқ эстетик гоёларнинг уз вазифаси, бадиий тасвирий усуллари, ифода механизмлари мавжуд. Яъни, улар инсон қалби ва руҳини гузал, олижаноб, улутвор туйғуларга ошно этади, унда умрбоқий, бетакрор эстетик бойликлар яратиб яшаш ниятини уйғотади. Халқ ижоди ва санъати фақат кундалик, утилитар мақсадларни, эҳтиёжларни қондириш билан чекланмайди, турмуш учун ушбу нарсалар қанчалик аҳамиятли бўлмасин, улар орқали ижодкор умрбоқийликни, мангуликни яратишга уз ҳиссасини қўшишни кузлайди.

Этноэстетиканинг моҳияти бадиий образлар, бадиий тасвир-

¹ Қаранг: Ш м а й с Й. Культура под угрозой. От эволюционной онтологии к экологической политике. Новосибирск: РАН, 2002. С. 16.

лар ва бадий маҳорат уйғунлигида намоён бўлади. Халқ шунчаки образ яратмайди, уни бадий-эмоционал, эстетик тасвирлар ҳамда маҳорати орқали безайди, қаҳрамонига, идеалига айлантиради. Ушбу образни "тўда-тўда лашкарлар" ҳам, душманларнинг макрухийласи ҳам, яқин кишиларнинг сотқинлиги, бедиллиги ҳам ҳаётий мақсадидан қайтара олмайди, у чексиз тўсиқларни енгиб, мурод-мақсадига етади. Мазкур гузал ва олижаноб фазилатлар қаҳрамон тилакларини, хатти-ҳаракатлари ва ҳаётий мақсадини ибрат, намунага айлантиради. Ҳатто халқ нақшлари, қандакорлик, зардушлик санъатида ҳам киши дилини, руҳини жунбўшга келтирадиган символларни топиш қийин эмас, фақат уларни бадий-эстетик илғайдиган, баҳолайдиган, ижод хусусиятидан хабардор дид, билим керак.

Ўзбек этномаданияти ва этноэстетик меросдаги бетакрор, гуманистик хусусият шундаки, улар ижтимоий-ахлоқий, маънавий императивлардан айрича ёки уларга зид қаралмайди. Провард натижада маданий бойликлар ҳам, эстетик қадриятлар, артефактлар ҳам инсон ахлоқини, маънавиятини юксалтиришга, унда гузал, олижаноб фазилатларни, туйғуларни шакллантиришга қанчалик хизмат қилганига қараб баҳоланади. Ахлоқий-маънавий императивлар халқ ижоди ва санъатида эстетик сепаратизмнинг юзага келишига йўл қўймайди, этномаданият негизидаги гуманистик қадриятларни ривожлантириш, тарғиб этиш ва уларга таянишга ундайди.

Эстетик воқелик – белги, тасвир, образ, символ ва артефактлар маданият (этномаданият)нинг ичида мавжуд бўлиши мумкин. Улар маданият (этномаданият)нинг бадий-эстетик атрибутларидир. Шунинг учун маданият (этномаданият)дан айрича мавжуд эстетик воқелик йўқ, эстетик сепаратизм халқ маданиятига ёт ҳислатдир.

Ўзбек этномаданиятининг эстетик функциялари ҳам маданият (этномаданият)нинг умумий функциялари орқали аниқланади. Маданият (этномаданият)нинг умумий функцияларини билмай, куздан кечирмай этномаданиятнинг эстетик функцияларини ҳам аниқлаш, топиш қийин. Шунинг учун тадқиқотимизда мазкур ёндашишга таянганмиз ва у орқали этномаданиятнинг эстетик функцияларини классификация қилганмиз.

Ўзбек этномаданиятида эстетик қадриятларни (аслида тарихий-маданий парадигмага кирган барча қадриятларни) асраш (музей) функцияси асосий ўринда туради. Этномаданиятдаги муқимлик, барқарорлик, консервативлик ушбу функцияда акс этади. Эстетик қадриятлар эса этномаданиятдан чуқур, муқим жой олган, халқнинг олами бадий-эстетик идрок этиш, англаш жараёнида яратган артефактлари, моддий ва маънавий бойликлари,

эстетик идеали кабиларни ўз ичига олади. Ўзбек этномаданиятида улар халқ қаҳрамонлари, уларнинг гузал ва олижаноб фазилатлари, табиат ва социум билан уйғунликда, гармонияда яшашга, улуг, эътиборли, умрбоқий нарсалар яратишга интилишларида акс этади.

Этномаданиятга халқ ижоди ва санъатини тарғиб этиш (оммалаштириш), гедонистик ҳамда эстетик идеални шакллантириш функциялари ҳам хосдир. Этномаданиятнинг кенг қамровлилиги, полифункционаллиги ушбу функцияларни ҳам ҳаракатчан, турли жанрлар ва тадбирлардаги этномаданий жараёни бадий-эмоционал, эстетик завқли, эса қоларли даражада ҳузурбахш қилади. Халқ байрамлари, томошалари, туйларини синкрет тадбирларга айлантирувчи омил ҳам улардаги бадий-эстетик воситалар, усуллар ва тасвирлардир. Халқ байрам, томоша ва туйларни ушбу бадий-эстетик омиллар орқалигина ўз хотирасида сақлаб келади.

Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти ва функциялари ўзбек халқининг қалби ва руҳиятини, маънавий, бадий оламини, борлиқни бадий-эстетик англаш хусусиятларини билишга ёрдам беради. Халқимизнинг этномаданий меросида нафақат рационал эзгу тилак, орзу-умид, шунингдек, иррационал, спиритуалистик тасаввурлар, диний-ахлоқий қарашлар ҳам муҳим урин тутади. Ушбу тасаввур ва қарашлар бадий-эстетик тасвирлардан холи эмас, балки улар иррационал, спиритуалистик гоёларга кутаринкилик, олижаноблик, ҳаётийлик, гузаллик бахш этади. Халқ этномаданиятидаги ушбу этноэстетик ва этнопсихологик жиҳатлар замонавий билимлар, ёндашишлар нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши лозим.

Мустақиллик йилларида ўзбек этномаданиятини қайта тиклаш, унинг тарихий, тарбиявий ва бадий-эстетик имкониятларидан фойдаланиш борасида ҳам илмий, ҳам амалий изланишлар утказиш йўлга қўйилди. Халқ ижоди ва санъатининг кўпгина турларини ривожлантиришга давлат бош-қош бўлмоқда. Бироқ ҳали ўзбек этномаданиятини комплекс тадқиқ этиш, унинг генезиси, социологик ва аксеологик асосларини, қардош ва бошқа халқлар маданияти билан интеграцион алоқаларини ҳамда ушбу алоқалар тизимида бошқа этномаданиятларга қиёслаб ўрганиш олдимиздаги вазифалардан биридир. Бугунги утказилаётган тадқиқотлар асосан эмпирик хусусиятга эга, уларда фалсафий-эстетик умумлашмалар кам учрайди. Шунинг учун глобллашув таъсирида кечаётган этномаданиятлар ўртасидаги ҳамкорликни, алоқа ва интеграцияни фалсафий-эстетик нуқтаи назардан, этномаданиятнинг алогенези ва идеогенезини унутмаган тарзда, тадқиқ этишга илмий-назарий эҳтиёж мавжуд. Унда асосий эътибор нафақат фалсафий умумлаш-

малар ясашга, шунингдек, бадний-эстетик имкониятлар, воситалар ва артефактлардан самарали фойдаланиш йулларини топишга ҳам қаратилмоғи даркор.

Утказилган тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиқиб, амалиёт учун қуйидагиларни тавсия этамиз:

1. Ўзбек этномаданиятининг тарихий, фалсафий-эстетик жиҳатлари билан бирга унинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, педагогик ва антропологик жиҳатларини ҳам тадқиқ этиш лозим.

2. Этноэстетика курсининг назарий, услубий асосларини яратиш ва уни махсус уқув юртлари уқув-тарбия жараёнига жорий этиш уринлидир.

3. Этноэстетик қадриятлардаги миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик билан боғлиқ трансформация жараёнларини махсус урганиш этномаданият ва этнология учун муҳимдир.

4. Эстетика илмий-изоҳли лугатини яратиш вақти келди. Унда этноэстетикага оид тушунчалар, қарашлар, таҳлиллар ўз ўрнини топиши даркор.

5. Эстетик тадқиқотлар жамоатчилик илмий марказини тузиш мақсадга мувофиқдир. Бу тадқиқотларни ижтимоий-амалий эҳтиёжлар билан интеграциялаш имконини беради.

6. "Маданият ва эстетика" журналинини чоп этиш айти муҳимдир.

7. Халқ ижоди ва санъатини тарғиб этишга қаратилган бадний уюшмаларни, фольклор-этнографик дастурларни, халқ амалий санъати усталаринини қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят ва туман ҳокимиятлари қошида махсус жамғарма тузиш даркор.

8. Халқ амалий санъати, Халқ оғзаки ижоди усталарининг нодавлат уюшмалари – Республика Ассоциацияларини ташкил этиш лозим.

9. Халқ ижоди ва санъатини ривожлантиришга қаратилган ижодий уюшмалар, кичик корхоналар, уй-студиялар, хусусий устахоналарга фоидали кредитлар беришни йулга қўйиш мумкин.

10. Халқ байрамлари, томошалари ва туйларининг гедонистик функциясига ижтимоий йуналтирилганлик бахш этиш мақсадида махсус услубий қўлланмалар, чора-тадбирлар сценарийларини яратиш, чоп этиш, тарқатиш керак.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошида ўзбек этномаданияти фильмотекаси, видеофильмлар фонди ташкил қилинса, айти муҳим буларди.

SUMMARY

Esthetic essence, functions and peculiarities of Uzbek ethno culture are reflected in the monography. Such problems as the immanent signs, dialectic dependence of people's culture (ethno culture) and people's esthetics (ethno esthetics) are theoretically and philosophically investigated.

It is proved that ethno culture is the core, constant, stable, sometimes conservative part of national culture.

Inner, immanent peculiarities, reflection in ethno esthetic inheritance, connection with national idea with Uzbek ethno culture are researched in it. It is identified that artistic-esthetic characters, images in Uzbek ethno culture have national ideal and ideological essence.

The classification (arhitonika) of Uzbek ethno culture is given in the monography. Esthetic functions of ethno culture: 1) saving esthetic valuables (museum), 2) propagandizing (popularizing) of people's creation and art; 3) hedonism of people's holidays and performances 4) functions of formation of esthetic ideals are classified.

Ethno culture protects people, nation from assimilation, outer pressure. Ethno culture which can save ethno esthetic valuables uses their artistic-emotional chances effectively.

Ethno culture, in spite of having such peculiarities as stability, steadiness, conservatism, it can't be far from people's life, changes which are happening in it, transformation processes. Nationalism and humanity, conventionality and modernity, stability and variability in ethno culture give aim, tasks to esthetic valuables, artistic images and artistic processes. Such aim and tasks are connected with the demands of social development, expresses them, in short topics, signs and tasks are transformed under the influence of period. Thus, there is a stable, steady core part and outer part which is prone to transformation in ethno culture. Esthetic factors serves for both of them, it increases its artistic-esthetic value. That's why it has an important social-practical significance to learn the technology of formation of artistic description styles, skills, esthetic ideal. For this, first of all ethno culture should be considered from the point of view "evolutionary ontology" which reckons it as evolution-dynamic event, not static and dogmatic point of view.

Ethno esthetic signs, images, artifacts appear in Uzbek people's creation and art. Such esthetic realities as beauty and ugliness, grandiosity and meanness, tragedy and absurdity are quintessenced in people's books, epos, fairy tales, applied arts, music, song and dance; people's soul and spirit, hopes and esthetic ideas are reflected in them.

Ethno esthetics is an artistic-esthetic, emotional images creating part of ethno esthetics, through formation of positive feelings, dignity such as beauty, grandiosity, incomparability, nobleness, it makes people's creation and art eternal, it installs unrepeatable, persistent, dignified ideals in people's soul, spirit.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. И с л о м К а р и м о в. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. И с л о м К а р и м о в. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида // Ватан саждағоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И с л о м К а р и м о в. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. И с л о м К а р и м о в. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. И с л о м К а р и м о в. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. И с л о м К а р и м о в. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулимиз. Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001.
7. И с л о м К а р и м о в. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
8. А б д у л л а е в И. Беруний ва унинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асари // Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-том. Тошкент: Фан, 1968.
9. А б д у л л а е в Т. XIX–XX асрларда ўзбек кандакорлиги. Тошкент: Фан, 1974.
10. А б д у л л а е в Х., Х а с а н о в У. Эстетика. Маърузалар туплами. Тошкент: УзДСИ, 2008.
11. А б р а м я н Э. Г. У истоков культурной традиции. Ташкент: Фан, 1988.
12. А в е д о в а Н. А. Тошкент уймакорлиги. Тошкент: Уздавнашр, 1961.
13. А в е с т о: Яшт китоби. Тошкент: Шарқ, 2001.
14. А г з а м х о д ж а е в а С. А. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ инст. нашр., 2007.
15. Адабиёт назарияси. 2-том. Адабий-тарихий жараён. Тошкент: Фан, 1979.
16. А з и м о в И. Ўзбекистон нақшу нигорлари. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Ад. ва санъат нашр., 1987.

17. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. Тошкент: NOSHIR, 2008.

18. Алимасов В.А. Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш шароитида маданий-маърифий муассасалар ривожланишининг узига хос хусусиятлари: Фалс. фан. докт. дис. Тошкент, 2001.

19. Алпомиш. Достон. Тошкент: Фан, 1957.

20. Апухтин О.К. Бадиний нақш мактаби. Тошкент: Уқитувчи, 1969.

21. Арасту. Поэтика (Нафис санъатлар ҳақида), Ахлоқи кабир (Катта ахлоқ китоби), Риторика (Хитоба). Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.

22. Аристотель. Сочинения в 4 томах. Т. 4. М.: Мысль, 1978.

23. Арутюнов С.А. Народы и культуры. Развитие и взаимодействие. М.: Наука, 1989.

24. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Университет, 2007.

25. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент: А.Навобий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

26. Багинский Н.М. Резное дерево Узбекистана. М.: Гослитискусство, 1947.

27. Бахтин М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М.: Худ. лит-ра, 1990.

28. Баҳром ва Гуландом; Зевархон; Фарҳод ва Ширин; Лайли ва Мажнун. Достонлар. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Ад. ва санъат нашр., 1986.

29. Бердяев Н.А. Диалектика божественного и человеческого. М.: Изд. АСТ, 2004.

30. Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. Т.1. Тошкент: Фан, 1968.

31. Богатырев П.Е. Вопросы теории народного искусства. М.: Искусство, 1971.

32. Бойтемирова З. Ахлоқий эҳтиёжлар. Тошкент: Фан, 2007.

33. Бойчечак. Болалар фольклори. Меҳнат кушиқлари. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Ад. ва санъат нашр., 1984.

34. Боситхонов З. Ганҷкорлик санъати. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Ад. ва санъат нашр., 1978.

35. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М.: Наука, 1983.
36. Бромлей Ю.В., Подольный Р.Г. Создано человечеством. М.: Политиздат, 1984.
37. Булатов С. Узбек халқ амалий безак санъати. Тошкент: Меҳнат, 1991.
38. Булбул тароналари. Беш томлик. 5-том. Тошкент: Фан, 1979.
39. Василенко В.М. Избранные труды о народном творчестве X–XX веков. М.: Искусство, 1974.
40. Винкельман И.И. Избранные произведения и письма. М.; Л.: Иностран. лит-ра, 1935.
41. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы среднеазиатского междуречья. М.: Наука, 1981.
42. Вызго Т.С. Изображение музыкантов на корнопластике Дальверзинтепе. Ташкент: Фан, 1975.
43. Галев Д. Жизнь Фридриха Ницше. Жизнеописание. М.: Сов. писатель, 1991.
44. Гегель. Эстетика. Т. 1. М.: Искусство, 1968.
45. Гегель. Эстетика. Т. 2. М.: Искусство, 1969.
46. Геннет А. Ван. Обряды перехода. М.: РАН, 2002.
47. Гумилев Л.Н. Этносфера. История людей и история природы. М.: Экопрос, 1993.
48. Жабборов И.С. Узбек халқи этнографияси. Тошкент: Уқитувчи, 1994.
49. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М.: ГИХЛ, 1947.
50. Журев А. Барҳайт кулгу // Афандининг йигирма турткиёфаси. Тошкент: Шарқ, 2001.
51. Исаков А.И. Саразм. К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зеравшанской долины. Душанбе: Ирфон, 1991.
52. Йулдошев Қ. "Алпомиш" талқинлари. Тошкент: Маънавият, 2002.
53. Каган М.С. Мир общения. М.: Политиздат, 1988.
54. Каган М.С. Философия культуры как теоритическая дисциплина // Философия культуры. Становление и развитие. СПб.: Изд. "Лань", 1998.
55. Кантор К. История против прогресса. М.: Прогресс, 1991.
56. Карабаев У.Х. Традиционное народное творчество: проблемы возрождения и развития. Тошкент: Фан, 1991.

57. Кармин А.С. Основы культурологии. Морфология культуры. Спб, Издательство "Лань", 1997.
58. Кароматов Х. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. Тошкент, 2008.
59. Керимов Х. Усто Қодир. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашри, 1980.
60. Клакхон К. Зеркало для человека. Введение в антропологию. Спб.: Евразия, 1998.
61. Коршунов А.М. Диалектика субъекта и объекта в познание. Лекции. М.: Изд. МГУ, 1982.
62. Культурно-досуговая деятельность: перспективы развития и проблемы регулирования. Свердловск, 1991.
63. Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. Душанбе: Дониш, 1987.
64. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. М.; Л.: Гл. ред. вост. лит-ры, 1964.
65. Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. Ташкент: Шарқ, 1993.
66. Махмудов Т. "Авесто" ҳақида. Тошкент: Шарқ, 2000.
67. Маъруфбоев Б. Этномаданий тафаккур – миллий санъат ривождаги муҳим омил // Санъат масалалари ёшлар нигоҳида. 5-жилд. УЗДСИ. Илмий амалий конференция материаллари. Тошкент, 2012.
68. Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Тошкент: Фан, 1993.
69. Махмудова Г. Жадидизм ва Туркистонда ахлоқий-эстетик фикр тараққиёти. Тошкент: DAVR PRESS, 2006.
70. Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. Ташкент: Изд. журнала "Санъат", 2010.
71. Международное общение: теория и практика. Ташкент: Меҳнат, 1999.
72. Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
73. Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Олий таълим муассасалари учун қўлланма). Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.
74. Многоликая глобализация. Культурное разнообразие в современном мире. Под ред. П. Бергера, С. Фрезер Дж. Золотая ветвь. М.: Прогресс, 1984.
75. Мурян В.М. Эстетический идеал. М.: Искусство, 1966.

76. Муродов М., Корабоев У., Рустамова М. Этномаданият. Тошкент: Адолат, 2003.
77. Мухитдинова Д.М. Национальная эстетическая культура: самобытность и проблемы развития (социально-философский аспект). Автореф. дисс... канд. филос. наук. Ташкент: 2005.
78. Наджимов Г.Н. Народные традиции и культура. Ташкент: Ўзбекистон, 1992.
79. Навруз. Тошкент: Фан, 1992.
80. Некрасова М.А. Народное искусство как часть культуры. Теория и практика. М.: Изоб. Искусство, 1983.
81. Ницше Ф. Воле к власти Опыт переоценки всех ценностей (1884–1888). М.: ТОО "Транспорт", 1995.
82. Нишанов М.Н. Обновление духовной жизни наций. Ташкент: Фан, 1992.
83. Нурматова М.А. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик кадриятлар уйғунлиги. Тошкент: Университет, 2009.
84. Овсянников М.Ф. История эстетической мысли. М.: Высшая школа, 1984.
85. Оидинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. Тошкент: Уқитувчи, 1997.
86. Плеханов Г.В. Литература и эстетика. М.: Худ. лит-ра, 1958.
86. Поппер К. Ницета историцизма. М.: АСТ. Инициатива, К., 1994.
87. Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи Кушан. М.: Искусство, 1979.
88. Рассел Б. Человеческое познание. М.: Госполитиздат, 1947.
89. Рахматуллаева У.С. Ўзбек халқининг қийиниш маданияти: анъанавийлик ва замонавийлик (фалсафий-маданий ёндашув): Фалс. фан. ном... дис. автореф. Тошкент: УзМУ, 2010.
90. Ремпель А.И. Далекое и близкое. Ташкент: Изд. лит. и искусство им. Г.Гуляма, 1981.
91. Ремпель А.И. Цепь времен. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. Ташкент: Изд. лит. и искусство им. Г.Гуляма, 1987.
92. Риккерт Г. Науки о природе и науки о культуре. М.: Республика, 1998.
93. Robertson R. Globalization. –L., Sage, 1992.

94. Р у з и е в а Р. Ёшларда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигини шакллантириш. Тошкент: Фан, 2011.
95. С а р а л а е в У.К., Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий университети нашриёти, 2007.
96. С а р и м с о қ о в Б. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент: Фан, 1986.
97. С а р и м с о қ о в Б. Маросим фольклори // Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент: Уқитувчи, 1990.
98. С е р г е е в Б. Мисгарлик. Тошкент: Ёадий академия, 1960.
99. С о а т о в Ғ. Зардуштийлик маданияти ва маънавияти. Қарши: Насаф, 2004.
100. С о б и т о в а Т. Халқ ижоди сабоқлари. Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2011.
101. С о л о в ь е в В.С. Философия искусства и литературная критика. М.: Искусство, 1991.
102. Т а й л о р Э. Первобытная культура. М.: Политиздат, 1983.
103. Т о й н б и А. Дж. Постигение истории. М.: Прогресс, 1991.
104. Традиционные мировоззрение тюрков Южной Сибири. Знак и ритуал. Новосибирск: Наука, 1988.
105. У м а р о в Э. Эстетика (Нафосатшунослик). Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
106. У с м о н О. Кубровия таълимотининг моҳияти / Шайх Нажмиддин Кубро. Қутби Даҳр. Тошкент: Фан, 1998.
107. У т а н о в а У.А. Мустақил Ўзбекистонда халқ маданиятининг равнақи (фалсафий-маданий ёндашув): Фалс. фан. ном... дис. аятореф. Тошкент: ЎзМУ, 2008.
108. Ф и р д а в с и й. Шоҳнома. Биринчи китоб. Тошкент, 1975.
109. Ф о р о б и й, Абу Н а с р. Фозил одамлар шахри. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993.
110. Халқ педагогикаси. Қарши, Университет, 1988.
111. Х а м р а е в Ф.Ш. Социально-философский анализ интеграционных процессов культур народов независимых государств Центральной Азии. Автореф. дисс... канд. филос. наук. Ташкент: 2002.
112. Х а н т и н г т о н С. Столкновение цивилизаций. М.: "АСТ", 2005.
113. Х а с а н о в У.У. Устное народное творчество как источник

общественно-философских идей: Автореф. дисс... канд. филос. наук. Ташкент; 1996.

114. Х о ж а А б у л х о л и қ Ё и ж д у в о н и й. Тарихлари, насиҳатлари, ривоятлари, кароматлари. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003.

115. Х о с е О р т е г а - и - Г а с е т. Дегуманизация искусства и другие работы. М.: Радуга, 1991.

116. Х о т а м и й, С а й и д М у х а м м а д. Ислом тафаккури тарихидан. Тошкент: Минҳож, 2003.

117. Ч е с н о в Я.В. Лекции по исторической этнологии. М.: Гардарика, 1998.

118. Ш е р А., Х у с а н о в Б., У м а р о в Э. Эстетика. Тошкент: Университет, 2008.

119. Ш е р А., Х у с а н о в Б. Эстетика. Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.

120. Ш и л л е р Ф. Собр. соч. Т.6. М.: Гослитиздат, 1957.

121. Ш и р о к о г о р о в С.М. Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений. Шанхай, 1923.

122. Ш м а й с Й. Культура под угрозой: от эволюционной онтологии к экологической политике. Новосибирск: РАН, 2012.

123. Ш о н и я з о в К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001.

124. Этнография детства. Традиционные формы воспитания детей и подростков и народов Передней и Южной Азии. М.: Гл. ред. вост. лит-ры, 1983.

125. Этнопсихологические проблемы вчера и сегодня. Минск.: Харвест, 2004.

126. Ю с у п о в Ш. Санъат ва ҳайрат. Тошкент: Маънавият, 1997.

127. Ю с у п о в Э. Миллий ғоя ва мафкура: моҳияти, ижтимоий-тарихий илдиэлари, аҳамияти. Чимкент, 2001.

128. Ю с у п о в Э., Исмоилов Ф. Инсон баркамоллиги. Тошкент: Ўзбекистон, 1990.

139. Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдик. 1-жилд. Тошкент: Уқитувчи, 1995;

130. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-том. Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2005.

131. Ўзбек халқ эртаклари. Тошкент: DAVR PRESS, 2010.
132. Қорабоев У., Худоёр И. Навруз. Тошкент: Академия, 2000.
133. Қорабоев У.Х. Ўзбек халқи байрамлари. Тошкент: Шарқ, 2002.
134. Қосимов Қ. Наққошлик. Тошкент: Уқитувчи, 1980.
135. Қуронов М. Ўзбек характери ва миллии гою. Тошкент: Маънавият, 2005.
136. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий қушиқчилик маданияти тарихи. Тошкент: Уқитувчи, 1996.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-БОБ. ЭТНОМАДАНИЯТНИНГ НАЗАРИЙ-ФАЛСА- ФИЙ, МИЛЛИЙ ҒОЯВИЙ МАСАЛАЛАРИ	5
1.1. Этномаданият: тушунчаси, генезиси ва субъекти.....	5
1.2. Этномаданиятда миллийлик ва умуминсонийлик: эстетик қадриятлар сифатида.....	15
1.3. Этноэстетик мерос ва унда трансформация жараёнлари...27	
1.4. Узбек этномаданияти ва миллий ғоя.....	40
2-БОБ. УЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ВА САНЪАТИНИНГ ЭТ- НОЭСТЕТИК МОҲИЯТИ	52
2.1. Халқ ижоди ва санъатида боғлиқни бадиий-эстетик англаш....	52
2.2. Халқ ижоди ва санъатида гузаллик ҳамда хунуқлик тасвири....	61
2.3. Халқ ижоди ва санъатида улугворлик ҳамда тубанлик.....	72
2.4. Этномаданий меросда ғожиавийлик ва қулгилик.....	82
3-БОБ. УЗБЕК ЭТНОМАДАНИЯТИНИНГ ЭСТЕТИК ФУНКЦИЯЛАРИ	94
3.1. Этномаданиятнинг умумий функциялари.....	94
3.2. Этномаданиятнинг эстетик қадриятларни асраш (музей) функцияси.....	107
3.3. Халқ ижоди ва анъаналарини тарғиб этиш (оммалаштириш) функцияси.....	117
3.4. Халқ байрамлари ва томошаларининг гедонистик функци- яси.....	136
3.5. Этномаданиятнинг эстетик идеални шакллантириш функ- цияси.....	149
ХУЛОСА	158
SUMMARY	164
ҒОЙДАЛАНИАГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ	165

CONTENTS

INTRODUCTION	3
CHAPTER 1. THEORETICAL PHILOSOPHICAL, NATIONAL-IDEOLOGICAL PROBLEMS OF ETHNO CULTURE	5
1.1. Ethno culture: its concept, genesis and subject.....	5
1.2. Nationalism and humanity in Ethno culture: as esthetic valuables.....	15
1.3. Ethno esthetic inheritance and transformation process in it.....	27
1.4. Uzbek ethno culture and national idea	40
CHAPTER 2. ETHNOESTHETIC ESSENCE OF UZBEK FOLK AND ART	52
2.1. Artistic-esthetic acknowledgement of universe in people's creation and art	52
2.2. Description of beauty and ugliness in people's creation and art.....	61
2.3. Grandiosity and meanness in people's creation and art.....	72
2.4. Tragedy and absurdity in ethno cultural inheritance.....	82
CHAPTER 3. ESTHETIC FUNCTIONS OF UZBEK ETHNO CULTURE	94
3.1. General functions of ethno culture	94
3.2. Function of saving esthetic valuables of ethno culture (museum).....	107
3.3. Function of propagandizing (popularizing) people's creation and traditions.....	117
3.4. Hedonistic function of people's holidays and performances.....	136
3.5. Function of esthetic ideological formation of ethno culture	149
CONCLUSION	158
SUMMARY	164
BIBLIOGRAPHY	165

63.5(5У)

Н 69

Нишонова Олюда.

Узбек этномаданиятинин эстетик моҳияти / О.Нишонова; Масъул муҳаррир: У.Қорабоя; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. –Тошкент: Фан, 2013. –176 бет.

ISBN 978-9943-19-272-0

УУК: 396.9 (575.1)

КБК: 63.5(5У)

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техникавий кенгаши ва Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Илмий кенгашлари талонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: Б. Абдуллийров

Мусалхих: М. Абидова

Техник муҳаррир, саҳифаловчи: Д. Абдуллася

Нашриёт лицензияси А1 №138, 27.04.2009 й.

Нашриёт рақами: з-50. Теришга берилди 01.08.2013.

Босишга рухсат этилди 02.09.2013. Қогол бичими 60x84^{1/16}.

Агло Рго гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози.

Нашриёт ҳисоб т. 11,0. Босма шартли т. 10,23.

Тиражи 300 нусха. Келишилган нарҳда.

УзР ФА "Фан" нашриети. 100170, Тошкент, И.Муминов кучаси, 9-уй.

Тел / факс (8-371) 262-80-65, 262-70-40.

E-mail: fannashriyot@yandex.com